ЧОРИ НАСРИДДИНОВ

ИНСОН, ОНГ, ҲАЁТ

351.858
Н-28
2016/102
4774
Насиров, Ч.
Тисон. Ой2,
алет...
...б. - 232 б.
5900с
2016/102
4774

ЧОРИ НАСРИДДИНОВ

ИНСОН, ОНГ, ХАЁТ...

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2010

351.858- Инсоннинг дунёқараш-
ининг шаклланиши

60.5
Н 28

Маълумки, ижтимоий гараққиёт асосида ҳар турли фалсафий, сиёсий, диний ва бошқа мазмундаги назария ҳамда таълимотлар ўртасидаги курашлар ётади. Илмий ғоялар ҳам шулар сирасига киради ва инсоният дунёқарашининг шаклланишида уларнинг жуда катта урни бор. Муаллиф шундай таълимотлар ва уларнинг ижодкорлари булган олимлар, шунингдек, башариятнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаган бошқа омиллар ҳақида мулоҳаза юритади.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:

И. Алтинов — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва Маърифат маркази Илмий-услубий булими бошлиғи;

А. Ахмедов — Чирчиқ ОТҚМБЮ гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси бошлиғи;

А. Гаппаров — иқтисод фанлари номзоди.

Alisher Navoiy
2016/10/2 nomidagi
4774 O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-01-536-4

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2010.

СЎЗ БОШИ

Туғриси, ушбу китобга суз боши ёзиб беришни сураб кимгадир мурожаат қилишни куп уйладим. Ёзувчию шоир, олиму фузалолар орасида танишларим, дустларим бисёр. Аммо нимагадир анча пайтгача турли хаёлларга бориб, иккиланиб юрдим. Ногаҳон таниқли бир шоирнинг «Китобга суз боши излаб» деган шеъри ва ундаги:

... Ҳа, суз боши зарур. Ўзим ёзсамчи,
Бор гапни ортиқча дабдаба этмай?! —

деган сатрлар ёдимга тушди. Ва сезиб турганингиздек, уни узим ёзаяпман.

Менда йиллар давомида бир одат шаклланган: бирон мавзуда маърузами, мақолами тайёрлаш зарур булиб қолса, мавзуни катта-катта ҳарфлар билан бир варақ қоғозга тушириб, доим диққатни тортиб турсин, деган мақсадда куринарли бир жойга қуяман. Кунларнинг бирида купдан буён уйлаб юрган фикрларимни жамлаб бирон шаклга солиш ниятида «Инсон, онг, жамият» деган сузларни қоғозга ёзиб, столимнинг бир бурчагига ташлаб қуйдим.

Иш столимдан узоқлашишим билан, ундаги тартибсиз равишда қалашиб ётадиган қоғоз ва китобларни саранжомлашга урганиб қолган қизим узининг одатий юмушини бажарар экан, мен ҳозиргина қолдирган қоғозга бир муддат уйчан қиёфада разм солиб тургач суради:

— Нима, мана шулар ҳақида ёзмоқчимисиз?

— Ҳа, нимайди?!

— Ахир, бу сузларнинг ҳар бири бир дунё маънони англатади-ку! Сиз айнан нималар туғрисида ёзмоқчисиз?

— Сенга нима десам экан... Туғриси, ҳозирча буни узим ҳам аниқ билмайман. Лекин ён дафтаримга анчагина мулоҳазаларни ёзиб қуйганим бор. Умуман, шу тушунчаларнинг ҳаммасига ҳам хос булган, аниқроғи, уларни уз ичига оладиган фалсафий мазмундаги нимадир чиқиб қолар.

— Масалан?

— Аниқ бир инсон ҳақида эмас, балки умуман инсон, унинг уй-хаёллари ва муаммолари туғрисида...

— Унда нега «жамият» сузини ёздингиз?

— Чунки одам жамиятдагина тулақонли инсон булиб шаклана олади, аксинча эса?!..

— Тушунарли, буни ҳатто менинг ёшимдаги бола ҳам билади.

— Сен нимани таклиф қилмоқчисан?

— Шу сузни бошқаси билан алмаштирса булмайдими?

— Масалан, қанақаси билан?!

— Ҳм-м, айтайлик «ҳаёт» сузи билан.

— Нега энди?

— Чунки жамият ҳам жонли одамлардан тузилган-да, ахир?!

— Гапингда жон бор, ҳақиқатан ҳам алоҳида олинган ҳар бир инсоннинг ҳаёти ижтимоий моҳият касб этади. Қолаверса, сен айтганингдек, жамиятни «инсонларнинг биргаликдаги ҳаёт шакли» сифатида таърифлашимиз ҳам мумкин.

Мен шундан сунг қоғоздаги «жамият» сўзининг устига қалам билан чизиқ тортдим-да, ёнига «ҳаёт» деб ёзиб қуйдим. Қизимдаги болаларча самимият ҳамда мулоҳазаларидаги ишонтириш кучи мени шунга ундади. Чунки биз катталардан фарқли равишда болалар тафаккуридаги мантиқ кучи жуда катта ишонтириш қудратига эга. Ҳар ҳолда улар руҳияти катта ёшлилар оламига хос булган ҳар турли ёлғон ва риёкорликлардан ҳозирча бегона.

Туғриси, бундан бир неча йил аввал худди шундай сарлавҳа остида баъзи бир нарсаларни қоралаб, уларни турли нашрларда эълон ҳам қилган булсам-да, лекин бундан қониқмаган эдим. Айни шу дамда эса, кўнглимнинг қаеридадир балки энди рисоладагидек бўлар, деган умидворлик туйғуси ҳам йўқ эмас.

Қўлингиздаги китоб яхлит бир мавзуга бағишланган эмас. Ундаги мақолалар турли-туман мавзулар доирасида ва ҳар хил даврларда ёзилган бўлса-да, аммо уларнинг ҳаммасига хос умумийлик мавжуд: улар менинг энг катта ва ўзгармас қадриятлар — борлиқ, ҳаёт ва инсонларга муносабатим баёнидан иборат.

Ҳар биримиздаги тафаккур ва ёндашувлар йиғиндисидан ижтимоий онг ҳамда ижтимоий муносабатлар тизими қарор топади. Албатта, ҳар қандай тафаккур жараёни инсоний ҳиссиёт ва қалб кечинмалари билан бойитилгандагина чинакам инсоний, ижтимоий моҳият касб этишига шубҳа йўқ. Мутолаа жараёнида онгу тафаккурингиз ҳамда руҳиятингизда янгича ўй-хаёллар жилваланишига умид қиламан.

Муаллиф.

Биринчи фасл

ОЛАМ ВА ОДАМ УЙҒУНЛИГИ

ФАНЛАР ТАСНИФИ ЁХУД ТОЛСТОЙ НИМА ДЕЙДИ?

— Йул булсин?
— Излаяпман.
— Кимни?
— Узимни!

Йуловчилар суҳбатидан.

Ҳозир ҳамма нарса ҳаёт билан бақамти равишда узгариб бораяпти. Зеро, узгариш ва ривожланиш — биз яшаётган дунёнинг энг асосий қонунияти. Бундай эврилишлардан фанлар ҳам мустасно эмас.

Масалан, бир вақтлар дастлаб фалсафа фан сифатида шаклланган ва бошқа ҳамма фанлар аста-секинлик билан ундан ажралиб, мустақил фанларга айланган булса, ҳозир фан тармоқлари шунчалик купайиб ва майдалашиб кетдики, уларнинг номларини эслаб қолиш ва фарқлаш ҳам амримаҳол булиб қолди. Ҳатто баъзан шундай буладики, бир фан намояндаси шу фанга тегишли булган биттагина йуналишни зурға узлаштира олади. Натижада муайян бир нарса ва ҳодисаларни ҳар томонлама урганишда турли-туман қийинчиликлар юзага келмоқда. Борлиқдаги ҳар қандай нарса ёки ҳодиса бир бутунликни ташкил этади, яъни уни бошқа нарса ва ҳодисалардан алоҳида ҳолда урганиб булмайди. Зеро, борлиқ бир бутундир. Шу уринда бир нарсани таъкидлаш керакки, борлиқ тушунчаси реаллик ва материя тушунчаларига қараганда ҳам кенгроқ маънони англатади: борлиқ бизни ураб турган оламнинг ҳозирги ҳолатинигина эмас, унинг утмиши ва келажагини ҳам узида ифода этади.

Сирасини айтганда бундай ёндашув бугун ёки кеча пайдо булгани йуқ — у фаннинг узи каби анча узоқ тарихга эга. Масалан, қадимги давр мутафаккирлари булган Аристотель ва Пифагорлардан тортиб, урта асрлар Шарқ ва Ғарб

цивилизацияларига асос солган алломалар — Хоразмий, Форобий, Беруний, да Винчи ва Галилеиларгача булган олимларнинг ҳаммаси моҳият эътибори билан қомусий алломалар булишган, яъни замонасининг ҳамма билимларини узларида мужассамлаштиришган. Улар ёзиб қолдирган асарлар бундан далолат беради. Фақат кейинги юз йилликлардагина фан соҳасида ихтисослашув жараёнлари кучайди ва бугунги кунга келиб фанлар классификацияси — таснифи шу даражада мураккаблашдики, табиат ва жамиятдаги у ёки бу жараёнларни изоҳлашда қийинчиликлар юзага келмоқда. Альберт Эйнштейн узининг «Физика эволюцияси» китобида фанларнинг, айниқса табиатшунослик фанларининг ҳаддан ташқари тармоқланишига нисбатан эътироз билдирган, унинг фан ривожига тусиқ булишини башорат қилган эди. Бундай ёндашувни утган йигирманчи юз йилликнинг яна иккита улкан олимлари — энг сунгги универсаллар — Владимир Вернадский ва Анри Пуанкаре асарларида ҳам учратамиз. Ноосфера ҳақидаги таълимот асосчиси В. Вернадский инсон ва табиатни урганишда бир хил тамойилларга асосланиш кераклигини таъкидлайди. Узининг математика ва физика соҳасидаги кашфиётлари билан фан тараққиётига катта ҳисса қушган француз олими Анри Пуанкаренинг «Фан ҳақида» номли салмоқли монографик асари айнан мазкур муаммонинг фалсафий-илмий таҳлилига бағишланган. Унда муаллиф жуда куп илғор фикрларни илгари суради, масалан, онг — борлиқдаги энг мураккаб моддий тузилма булган инсон миясининг хусусияти сифатида уз-узини ва шу орқали уз соҳиби булган инсон фаолиятини бошқаришдек муъжизавий қудратга эга. Онгнинг яна бир узига хослиги шундаки, борлиқ — табиат ва жамиятни, инсондаги узликни чуқурроқ англаб боргани сари узи ҳам такомиллашиб, камол топиб боради. Демак, онг Яратувчининг узи каби узузини бошқарувчи ва яратувчи субстанция ҳисобланади. Шу маънода у энг улкан муъжизалардан бири. Инсоннинг узини, узлигини англашда бу нарса шубҳасиз жуда катта аҳамиятга эга булади. Жиллақурса, мазкур жумбоқни англаб етиш зарурати ҳам фанларнинг узаро синтезлашувини тақозо қилади. Маълумки, борлиқдаги бундай жумбоқлар руйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Қолаверса, тириклик, яъни

ҳаётнинг ўзи ҳам бир муъжиза эмасми?! Шунинг учун ҳам ҳозир фанларни узаро бирлаштиришга нисбатан кучли эҳтиёж пайдо бўлди ва бу янги фан — синергетикада ўз ифодасини топмоқда. «Дунё узлуксиз ҳаракатда ва шаклланишда, — деб ёзган эди Лев Толстой бундан қарийб 150 йил аввал мазкур ҳолатни назарда тутиб. — Бизнинг асосий вазифамиз у билан ҳамкорлик қилиш ҳамда унга буйсунишдан иборат!» Бу йўлда анчагина ишлар амалга оширилган бўлсада, аммо ҳали ҳам кўпгина муаммолар ўз ечимини кутиб турибди.

Утган асрда юз берган илмий-техник инқилоб шароитида аниқ фанларга нисбатан эътибор кучайиб, ижтимоий фанларнинг роли бир оз пасайгандек бўлган эди. «Постиндустриал давр» деб ном олган ҳозирги даврга хос бўлган воқеалар эса бу иккала гуруҳ фанлар тенг ва узаро ҳамкорликда ривожланишлари мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Ҳамма соҳаларда глобаллашув авж олаётган вақтда ижтимоий ва гуманитар фанлар ҳал қилувчи аҳамият касб этса, ажаб эмас. Зеро, инсон ва унинг манфаатлари умумтараққиётни белгиловчи асосий мезонлардир. Инсон нафақат жамият қонунлари, балки табиат қонунларидан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилади. Машҳур олим Альберт Эйнштейн ўз вақтида давлатлар ўртасида авж олган қуролланиш пойгасининг ва айниқса, ядровий қуролларнинг инсоният ҳаётига соладиган таҳдидини назарда тутиб шундай деган эди: «Энди одамзодни ҳеч нарса, ҳатто ернинг остига яшириниш ҳам ҳалокатдан қутқара олмайди. Уни энди ҳалокатдан фақат ахлоқгина қутқариши мумкин!» Ҳозирги давр воқеалари бу буюк инсоннинг нақадар ҳақ бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Яна бир янги фан — «Универсал тарих» ҳақида ҳам шунга ухшаш фикрларни айтиш мумкин. Ҳозир хорижий илмий адабиётларда бу фан ҳақида турли фикрлар айтилмоқда. Тарих деганда ижтимоий воқеликни, яъни инсоният тарихини кўз олдимизга келтирамиз. Ҳақиқатан ҳам, биз биладиган тарих фани фақат ижтимоий ҳодисаларни — жамиятнинг «таржимаи ҳоли»ни ўрганади. Ваҳоланки, одамзод энг аввало заминий ҳодиса, яъни Ер фарзанди! Шундай экан, уни она-сайёрамизнинг шаклланиш тарихи билан қўшиб

урганиш зарур булади. Ер эса, уз навбатида, бошқа осмон жисмлари — Қуёш тизими ва умуман коинот, бутун борлиқ билан, унинг тарихи ҳамда унда кечадиган турли хил кимёвий, физикавий, биологик ва астрономик жараёнлар билан изчил боғлиқликка эга. Демак, биргина инсоният тарихини тўлиқ урганиш учун бутун борлиқда кечган ва кечаётган узгаришларни билиш зарур экан. Бу нарса инсоннинг моҳиятини англашда ва инсоният истиқболини башорат қилишда катта имкониятлар эшигини очади. Аммо бир нарса аниқ: бу янги универсал фан билан шуғулланадиган олим қайси соҳа вакили — ижтимоий ёхуд табиий фанлар буладими — қатъи назар, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан ҳар томонлама етук инсон булиши лозим булади. Чунки бундай сифатларсиз бу соҳада тайинли натижага эришиб булмайди.

Яна бир гап. Биз қанчалик тарих ва тарихий онг ҳақида гапирмайлик, юқорида эслаганимиз Лев Толстой бу масалага нисбатан шундай фикрни билдирган эди: «Умуман вақт тушунчаси йўқ, фақатгина сониялар бор. Шунинг учун бутун кучимизни шу сонияларга сафарбар этишимиз керак!» Бошқача қилиб айтганда, даҳо ёзувчи утмиш ўтиб кетди, келажак эса ҳали олдинда, шундай экан бугунги кунни мазмунли яшайлик, демоқчи. Сиз нима дейсиз?!

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ДАРВИНИЗМ

Билмадим, қайдадир менга ибтидо...

Абдулла ОРИПОВ

1859 йилнинг 24 ноябрида Лондоннинг китоб дуконларида кук муқовали «Табиий танланиш орқали турларнинг келиб чиқиши ҳақида» деб номланган китоб пайдо булади. Гарчи ношир бу асарни «сафсата» деб атаган булса-да, унинг корхонасига молиявий наф келтиришига ишонади. Нашриёт эгаси ҳақ булиб чиқди: уша давр учун катта миқдор — 1250 нусхадаги китоб бир куннинг узидаёқ сотилиб булди. Бу ҳақда асар муаллифи камтарлик билан «шубҳасиз, одамларни уялмай-нетмай алдашди. Ахир, ҳамма харидорлар уни

енгил ва мароқ билан уқиладиган асар деган хаёлга боришди», — деб ёзган эди. Бироқ ҳал қилувчи қадам қуйилди — дарвинизм назарияси узининг ғолибона юришини бошлади. Аслида эволюция ғояси Ч. Дарвинга тегишли эмас. Унгача бу назарияни Ж. Ламарк яратган эди. Табиий танланиш натижасида наслнинг узгариб бориши Дарвиндан минг йиллар аввал кашф этилган. Дарвин эса яхлит бир нуқтаи назар сифатидаги «биологик олам манзарасини» яратди. У ирсият, узгарувчанлик, яшаш учун кураш ва табиий танланиш эволюциянинг ҳаракатлантирувчи кучлари эканлигини эътироф этади. Дарвин шахси ва таълимоти ҳақида батафсил суз юритишнинг ҳожати йуқ, бу туғридаги маълумотлар ҳар бир мактаб уқувчисига таниш. Қолаверса, Дарвиннинг ҳаёт фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар жуда куп, уларнинг орасида инглиз ёзувчиси Ирвинг Стоуннинг «Ҳаётнинг пайдо булиши» номли роман-биографияси, айниқса, машҳур.

Дарвин таълимотига кура Ердаги дастлабки тирик организмлар жонсиз материядан пайдо булган, сунгра бу организмлар ривожланиб ва купайиб, ҳозирги усимлик ҳамда ҳайвонот олами, кейинроқ инсон ҳам пайдо булади. Шунинг учун Дарвиннинг ғоялари эволюцион назария деб аталди. Дарвинизм борлиқнинг, жумладан, тирикликнинг ҳам Худо томонидан яратилганлиги ҳақидаги таълимот — креацианизмга муқобил дунёқараш сифатида шаклланди ва улар уртасидаги баҳс-мунозаралар ҳануз давом этмоқда. Эволюцион таълимот тарафдорларининг назарида дарвинизм ҳаётда тула равишда уз тасдиғини топган «ҳақиқат» ва «реаллик»дир. Табиийки, диний қарашлар бундай ёндашувни инкор этади.

Биолог ва бошқа олимлар орасида нафақат эволюциянинг сабабларига, балки мазкур жараённинг узига нисбатан ҳам турлича қарашлар мавжуд. Бунга эса мазкур жараённинг содир булганлигини асослаш учун келтирилаётган далил-исботларнинг қониқарсизлиги сабаб булмоқда. Агар дарвинизм илм-фан оламида биологиянинг энг улуғ тамойили сифатида кенг шуҳрат қозонганлигини эътиборга оладиган булсак, у ун туққизинчи юз йилликдаёқ жиддий муаммоларга дуч келган эди. Ҳозирги даврга келиб эса бу

муаммолар илм-фаннинг ривожи натижасида яна ҳам чигаллашди.

АҚШнинг Чикаго шаҳрида булиб утган ва дунёнинг энг кузга куринган 150 та биолог-олимлари иштирок этган халқаро конференция якунида қабул қилинган резолюциядан қуйидаги жумлаларни уқиш мумкин: «Эволюция назарияси охирги 50 йилда энг катта узгаришларни бошидан кечиряпти... Эволюция қандай кечганлиги ҳақидаги масала биологлар ўртасида қизғин тортишувларга олиб келди... Ҳалигача бу тортишувларнинг ечими топилганича йўқ». Таниқли палеонтолог Найлс Элдрижнинг фикрича, «ҳозир қанча биолог булса, эволюция назариясига булган муносабат ҳам шунча». Борган сари купроқ олимлар Дарвиннинг эволюция назарияси ҳақиқий илмий таълимот эмаслигини таъкидлашмоқда. Уларнинг куплари илм-фан соҳасининг таниқли вакилларидир.

Ҳаётнинг пайдо булиши масаласига нисбатан шуни айтиш мумкинки, ҳалигача ноорганик жинслардан тирик организмлар яратиш муаммоси очиқлигича қолмоқда. Бироқ, бу эволюция назариясидаги ягона муаммо эмас. Келинг, куз, қулоқ ва мия каби инсон танасининг органларини куриб чиқамиз. Улар узларининг мураккабликлари билан бизни одамзод яратган энг мукаммал механизмларга қараганда ҳам купроқ ҳайратлантиради. Эволюция муаммоларидан бири қуйидагича: инсондаги куз, қулоқ ва тафаккур фаолият юритиши учун бу органларнинг ҳамма қисмлари ўзаро таъсирлашишлари зарур. Алоҳида олинган ҳар бир қисми тулиқ ривожланмаган орган яроқсиз булади. Шундай экан, қандайдир тасодифий вазият, бир-биридан айри ҳолдаги қисмларни зарур дақиқада ўзаро бирлаштириб, улардан юксак даражада ривожланган органларни ярата оладиган манба — эволюциянинг ҳаракатлантирувчи кучи була оладими? Бу муаммога эволюцион назария жавоб бера олмаслигини Дарвиннинг узи ҳам тушунади ва «шуни очиқ тан олиб айтаманки, куз табиий танланиш натижасида пайдо булган, деган фараз гумроҳликдан бошқа нарса эмас», дея таъкидлайди. Ушандан буён 140 йиллан купроқ вақт утган булса-да, бу муаммо очиқлигича қолмоқда. Шу йиллар ичида куз ҳақидаги билимлар бир неча мартага ошди. Маълум були-

шича, кузнинг тузилиши Дарвин уйлаганига қараганда ҳам мураккаброқ экан. Дарвинизм соҳасида узоқ йиллар тадқиқот олиб борган рус олими А.Н.Горбань узининг эволюцион назарияни математик моделлаштириш муаммоларига бағишланган китобида «эволюцион таълимот душманлари баҳсмунозараларда «куз қандай пайдо булган?» деган саволни беришади, нима учундир куз уларни купроқ қизиқтиради ва бошқа органларга қараганда тез-тез эсланади», дея таъкидлайди. Муаллиф «бунга жавоб бериш мумкин» деса-да, негадир узи қуйган саволни жавобсиз қолдиради. Таниқли астроном Роберт Ястров бу ҳақда тухталиб «куз Худо томонидан яратилган: биронта ҳам телескоп конструктори бундай механизмни яратишга қодир эмас», дейди. Куз шундай булса, у ҳолда ундан-да мураккаб булган инсон мияси ҳақида нима дейиш мумкин? Агар оддий машина ҳам уз-узидан ривожлана олмаслигини эътиборга оладиган булсак, чексиз мураккаб тузилишга эга булган мияни фавқулодда юз берган ҳодисалар маҳсули дея оламизми? Ястров бу ҳақда «инсон кузининг эволюциясини тасодифан юз берган ҳодисалар маҳсули дейиш қийин; инсон интеллектининг эволюцияси аждодларимиз мия ҳужайраларидаги тартибсиз узгаришлар ҳосиласи эканлигини тан олиш эса яна ҳам қийин булади», дея таъкидлайди. Нильс Бор «фаннинг ҳали охиригача аниқлик киритилмаган соҳасидан ниманидир далил-исбот сифатида келтиришни фанга нисбатан хоинлик», деб ҳисоблаган эди.

Олимлар олдин яшаб утган жонли организмлар ҳаёти ҳақида маълумот берувчи миллионлаб суяк ҳамда бошқа унсурларни топишди. Агар эволюция ҳақиқатан содир булган булса, ушбу топилмалар асосида бир биологик тур вақт утиши билан бошқа бир турга айланганлигини ҳар томонлама исботлаш мумкин булар эди. Мазкур масала юзасидан Чикагодаги табиатшунослик музейининг журнали «Буллетен» шундай деб ёзади: «Дарвин уз назариясини ҳар доим антропология маълумотлари билан боғлаган ва купчилик назарида бундай топилмалар ҳаёт тарихини дарвинча изоҳлашда асосий дастак була олади. Афсуски, бундай эмас: геологик топилмалардаги даврийлик аста-секин ривожланиб борувчи эволюция занжирини ҳосил қилмайди. Кейинги юз йил-

ликда йиғилган қазилма топилмалар эволюция ҳақида Дарвин замонидагидан ҳам кўра камроқ маълумотлар беради. Бунга сабаб шуки, олимлар ихтиёрида булган ва қачонлардир эволюцияни асослаш учун хизмат қилган антропологик ашёлар энди бундай вазифани бажара олмаслигидан далолат бераяпти».

Бундай ҳолат олимларни янгича эволюцион назарияларни илгари суришга ундади. Баъзи олимлар эволюцион узгаришлар Дарвин уйлаганидан ҳам кўра жадалроқ кечганлигини тахмин қилишаяпти. Масалан, шундай назариялардан бири ҳаёт Ерда уз-узидан пайдо булиши мумкин эмас, деган ғояни илгари суради. Унга кура ҳаёт дастлаб космик фазода пайдо булиб, сунгра Ерга олиб келинган. Бу билан ҳаётнинг пайдо булиш масаласи вақт жиҳатидан янаям олисроқ замонга ҳамда анча ноқулай маконга кучирилади. Буш фазода ҳаёт ута паст ҳарораг ва қуёш радиацияси каби хавф-хатарларга рубару келиши ҳаммага яхши маълум.

Дарвиннинг «энг куп мослашган организмларнинг яшаб қолиши» ҳақидаги тасаввурларида ҳам анча узгаришлар юз берди. У бу тамойилни «табиий танланиш» деб атайди. Бошқача қилиб айтганда, у табиатнинг яшаш учун энг куп мослашган организмларни «танлаб олиши»га ишонган. Гуёки «мослашганлар» уларга ёрдам берувчи қандайдир янги белгиларни узлаштиришади ва шундай қилиб секин-аста эволюционлашиб боришади. Табиатда ҳақиқатан ҳам мослашган индивидларнинг яшаб қолиш эҳтимоллиги анча юқори эканлигини кузатиш мумкин. Бироқ, бу уларнинг қандай пайдо булганлигини изоҳлаб беролмайди. Айтайлик, бир шер бошқасига қараганда анча мослашган, аммо бу ҳолат унинг қандай қилиб шер булиб қолганлигини тушунтириб беролмайди. Унинг ҳамма аждодлари ҳар доим ҳам шер булишган, бошқа нарса эмас. Қандайдир алоҳида организмларнинг бошқаларига қараганда ҳаётга купроқ мослашганликлари туғри. Лекин, бу янги организмлар яратилиши учун асос булолмайдику, ахир. Мана шундай саволларга жавоб беролмаётган дарвинизм, баъзи олимларнинг фикрларича, инқироз ёқасида турибди.

Агар дарвинизм ҳақиқатан ҳам биологиянинг энг асосий ва кенг қамровли қонунияти булса, у қуйидаги савол-

ларга жавоб бера олиши лозим: жонсиз кимёвий моддалар қандай қилиб жонланди; генетик кодлар асосида қандай тамойил ётади; генлар қандай қилиб организм тузилишини белгилаб беради. Эволюционистларнинг фикрича, дарвинизм қатъий илмий назария ҳисобланади. Уларнинг назарида баҳс-мунозаралар фақатгина баъзи бир жузъий масалалар соҳасидагина юз бераяпти. Агар биз юқорида куриб чиққан муаммолар дарвинчилар айтаётган «жузъий масалалар» буладиган булса, бунга ишониш қийин. Чарлз Дарвин уз назариясини илгари сурар экан, дастлаб Худо томонидан ҳаётнинг биргина ёки купи билан бир неча шакли яратилган булиши мумкинлигини эътироф этгани ҳолда, Яратувчининг эволюция жараёнидаги иштирокини инкор этган эди.

Ҳаётнинг уз-ўзидан пайдо булганлиги ҳақидаги ғоя Дарвиндан бир неча аср аввал пайдо булди. Бу назарияни XVII асрда Френсис Бекон ва Уильям Гарвей каби олимлар ҳам қуллаб-қувватлашди. Бироқ XIX асрда Луи Пастер ҳаёт фақатгина мавжуд тирик организмлардангина пайдо булишини тажриба йули билан исботлаб, бу фикрни рад этади. Шундай булса-да, эволюционистлар наздида қачонлардир ноорганик материядан бирданига энг майда ҳаёт шакллари пайдо булган. Ҳаётнинг энг дастлабки манбалари ҳақидаги замонавий эволюцион таълимотлардан бири Ричард Докинснинг «Худбин ген» китобида баён этилган. Бу назарияга кура дастлаб Ер метан, аммиак, сув ва карбонат ангидрид газидан иборат атмосферага эга булган. Қуёш нури ва эҳтимол чақмоқ чақиши ёки вулқон отилиши таъсирида бу оддий кимёвий моддалар узаро реакцияга киришиб, аминокислоталар ҳосил булган. Бундай аминокислоталар секин - аста денгизларда йиғила бориб, оқсилсимон кимёвий бирикмалар шаклланган. Мана шу муҳитда узини узи қайта ярата оладиган дастлабки молекула тасодифан пайдо булган. Докинснинг узи бундай ҳодиса содир булиш эҳтимоллигининг жуда ҳам кичиклигини тан олса-да, бироқ бу бошқача булиши мумкин эмас, деб таъкидлайди. Бу истисно ҳодиса эмас. Зеро, эволюцион назарияга бағишланган ҳамма асарларда ҳам илмий фаразларга нисбатан шу сингари юзаки ёндашувларни кузатиш мумкин. Шуни назарда тутиб, Кем-

бридж университетининг зоология профессори Уильям Торп «охирги 10—15 йил оралиғида ҳаётнинг дастлаб ҳосил булишига нисбатан билдирилган фикр-мулоҳазалар ишончсиз ва ҳақиқатдан анча йироқ. Муаммо авваллари булгани каби ҳали-бери ҳал буладиганга ухшамайди», деб таъкидлайди.

Кейинги ун йилликларда илм-фаннинг шиддат билан ривожланиши оқибатида улик табиат ва тирик организмлар орасидаги жарлик фақат катталашди, холос. Бугунги кунга келиб бизга маълум булган энг қадимги бир ҳужайрали организмлар ҳам ҳайратланарли даражада мураккаб эканлиги маълум булди. Эволюцион таълимотнинг заиф нуқталаридан яна биттаси тирикликнинг энг оддий ибтидосини топиш имкониятининг йуқлигидир. Ҳар ҳолда микроскоп остида ҳам зурға куринадиган организмлар нега бунчалик мураккаб эканлигини илмий нуқтаи назардан шарҳлаб бериш борган сари қийинлашиб бормоқда. Маълум булишича, ҳаётнинг энг бирламчи «ғиштчалари» булган ҳужайраларнинг тузилиши ва фаолияти ҳайратланарли даражада уйғун ҳамда ута мураккаб экан. Танамиздаги юз триллион ҳужайраларнинг ҳар бири улкан шаҳарни эслатади: электростанциялар ҳужайра учун энергия, фабрикалар зарур миқдордаги оқсилларни ишлаб чиқаради; мураккаб транспорт тармоқлари орқали маҳсулотлар тегишли манзилларга етказилади; ҳужайранинг чегара ҳудудларидаги қурикчилар эса хавфсизликни таъминлаш мақсадида экспорт ва импорт маҳсулотларни назоратдан утказадилар; марказий генетик ҳукумат тартиб-интизомни назорат қилади. Агар ҳужайранинг диаметри сантиметрнинг мингдан бир қисмига тенг эканлигини эътиборга оладиган булсак, бу — муъжизанинг узи!

Эволюцион назарияга кура қуйидагилар ҳаёт пайдо булишининг асосий босқичлари ҳисобланади: (1) маълум бир кимёвий таркибга эга булган атмосферанинг ҳамда (2) океанларга жамланган органик аралашманинг мавжудлиги, (3) улардан оқсиллар ва нуклеотидларнинг ҳосил булиши, (4) уз навбатида оқсил ва нуклеотидлардан мембраналар ҳосил булади. (5) Мембраналардан генетик код ривожланиб, организм узидан-узи купая бошлайди. Бироқ бу босқичлар илмий далилларга қанчалик даражада мос келади? Инглиз оли-

ми Стенли Миллер водород, метан, аммиак, сув буғи ва электр зарядидан иборат булган «атмосфера»ни лаборатория шароитида яратди. Бунда оқсиллар таркибига кирувчи аминокислоталарнинг баъзиларигина ҳосил булди. У ҳаёт учун зарур булган 20 та аминокислоталардан фақатгина 4 тасини олишга муваффақ булди. Орадан 50 йил утгандан кейин ҳам олимлар 20 та энг зарур аминокислоталарнинг ҳаммасини тажриба йули билан ҳосил қила олишгани йуқ.

Шуни айтиб утиш керакки, Миллер Ердаги дастлабки атмосфера унинг тажриба камераси ичидаги атмосферага мос келади, деб тахмин қилган. Нима учун? Чунки биологик аҳамиятга эга булган бирикмалар синтези атмосферада эркин кислород мавжуд булмагандагина юз беради. Эволюцион назарияга кура эса дастлабки атмосферада кислород мавжуд булган. Натижада эволюция тарафдорлари олдида қуйидагича муаммо пайдо булди: агар ҳавода кислород мавжуд булганда эди, дастлабки аминокислота ҳеч қачон таркиб топмаган буларди; кислородсиз эса у қуёш нурлари таъсирида нобуд булган булар эди.

Эволюцион тасаввурларга кура гуёки атмосферада пайдо булган аминокислоталар океанларга тушиб, у ерда узига хос «дастлабки аралашма» ни ҳосил қилган. Олимларнинг уқтиришларича, бу нарса ҳақиқатдан жуда ҳам узоқ. Чунки, гуёки атмосферадаги оддий кимёвий унсурларнинг узаро бирлашишини таъминлаган энергия, ҳар қандай мураккаб таркибдаги аминокислотани тезда парчалаб юборган булар эди. Қолаверса, сув узининг физик-кимёвий хусусиятларига кура нафақат оддий молекулаларнинг узаро бирикувига имкон бермайди, балки катта молекулаларни оддийларига парчалаб ташлайди. Бу эса «дастлабки аралашма»нинг булмаганлигидан далолат беради.

Дастлаб пайдо булган ҳужайра ривожланишининг маълум бир босқичида Ердаги ҳаётни кескин узгартириб юборган ҳодиса — фотосинтез шаклланади. Бу ерда ҳам эволюцион назария яна бир тусиққа учрайди. Усимликларнинг карбонат ангидридни ютиб, кислород чиқаришидан иборат булган бу жараённи олимлар ҳалигача тула-тукис тушунтириб берганларича йуқ. Бунинг исботи сифатида шуни таъкидлаб утиш керакки, ҳозиргача лаборатория шароитида

фотосинтез амалга оширилмади. Кичкинагина ҳужайрада бу жараён дастлаб қандай бошланганлигини англаб етиш қийин. Дастлабки кислородсиз атмосфера кейинчалик фотосинтез туфайли молекулаларнинг ҳар бештасидан биттаси кислороддан иборат булган атмосферага айланди. Натижада эса ҳайвонот олами нафас олиш ва яшаш имкониятига эга булиши билан биргаликда, бутун тириклик оламини Қуёшнинг зарарли ультрабинафша нурлари таъсиридан ҳимоя қилувчи озон қатлами шакланди. Буларнинг ҳаммасини қандайдир тасодифий ҳодиса сифатида изоҳлаш мумкинми?

Ерда ҳаётнинг уз-узидан пайдо булганлигини тасдиқлаш учун уни илмий усулда асослаш лозим. Бу усулнинг моҳияти қуйидагича: табиатни кузатиш; шу асосда воқеликни узида туғри акс эттирадиган назарияни ишлаб чиқиш; назарияни кейинги кузатиш ва тажрибалар асосида текшириб куриш; назария асосидаги башоратлар уз тасдиғини топиши ёки топмаслигини кузатиб бориш. Мазкур тамойилларга таяниб тадқиқотлар олиб борган олимлар ҳар қанча уринишмасин ҳаётнинг уз-узидан пайдо булиши фактини аниқлашмади. Агар эволюция ҳақиқатан юз берганида эди, у ҳолда археологик топилмалар битта биологик турдан бошқасига оҳисталик билан босқичма-босқич утилганлиги ҳақида маълумот бериши керак эди. Дарвин «ҳозир мавжуд булган ва йуқолиб кетган турлар уртасидаги оралиқ турлар — боғловчи ҳалқалар сони чексиз куп булиши керак», деб ҳисоблаган булса-да, бундай боғловчи турлар топилавермагач эса «агар куп миқдордаги турлар ҳақиқатан ҳам уз ҳаётларини бирдан бошлаган булсалар, бу ҳол эволюцион назария учун фалокат билан тенг булади», — деб таъкидлаган эди.

Лекин, Дарвин эволюцион ривожланишдаги шундай оралиқ ҳалқалар яқин вақтлар ичида топилишига ишонган. Кейинги 150 йил давомида палеонтологлар томонидан дунёнинг минглаб музейларини тулдириб турган юз миллиондан ортиқ қазилма ашёлар топилди. Уларни урганган олимлар шундай хулосага келишди: тирик организмларнинг асосий гуруҳлари бирдан пайдо булган ва узоқ даврлар давомида сезиларли узгаришларга учрамаганлар. Тирик организмларнинг бир гуруҳидан бошқасига ўлиб утувчи

Давлат Кутубхонаси
2016/102 nomidagi
4774 O'zbekiston MK

лар умуман топилмаган, яъни топилмалар Дарвиннинг умидларини йуққа чиқарди. Дарвиннинг узи ҳам умрининг охирларида «бутун бошли турлар бирданига пайдо булса керак», деган хулосага келган. Ҳаттоки, дарвинизмнинг ашаддий тарафдори булган рус олими, академик Л. С. Берг ҳам «эволюцион назария ҳаёт ривожланиши билан боғлиқ жуда куп масалаларни тушунтириб беролмайди», дейди.

Эволюцион назарияда аввал бир ҳужайрали организмлар пайдо булиб, кейинчалик улар куп ҳужайралиларга айланганлиги таъкидланади. Аммо, палеонтология куп ҳужайралиларнинг дастлабки даври ҳақида ҳеч қандай маълумотларга эга эмас. Маълум булишича, турлар миллион ва ҳатто ундан ҳам куп авлодлар алмашинуви жараёнида узгаришсиз сақланиб қолар экан. Масалан, ҳашаротлар ҳеч қандай эволюцион аждодларсиз бирданига пайдо булганлар — 40 миллион йил аввал пайдо булган чивин ҳозиргача узгармаган. Қолаверса, усимлик ва ҳайвонларнинг ҳар бир тури бошқа турлардан фарқ қилувчи уз тарихига эга. Уларнинг ҳаммаси ҳозир қандай куринишга эга булишса, шундайлигича пайдо булганлар. Китлар, куршапалаклар, отлар, филлар, қуёнлар ва ҳоказолар дастлаб пайдо булган вақтларида ҳам ҳозиргидай бир-бирларидан фарқланиб туришган. Уларнинг умумий аждодлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йуқ. Шунинг учун ҳам астроном Карл Сейган «Космос» номли китобида антропология маълумотлари Олий яратувчи ҳақидаги ғояни исботлашини таъкидлайди.

Биологик жиҳатдан инсон сут эмизувчиларга мансуб. Аммо, инсонни шунчаки «жонли мавжудот» деб аташдан ҳам кура аянчли хатолик булмаса керак. Чунки инсон, ҳеч булмаганда, Қуёш системаси доирасида ноёб ҳодиса ҳисобланади. У бошқа ҳайвонлардан жуда куп хусусиятлари, масалан, нутқи, анъаналари, маданияти ва камол топиш даврининг узоқлиги билан ажралиб туради. Айниқса, ундаги мия ҳар қандай мавжудотникидан фарқ қилади. У ташкил топган 100 миллиард дона нейронлардаги ахборот ва маълумотлар 20 миллион томга жо булади! Абстракт тафаккур ҳамда нутқ лаёқати туфайли инсон бошқа жониворлардан бутунлай фарқланади, тупланган билимларни ёзиб қуйиш қобилияти эса инсоннинг энг жозибали сифати ҳисоблана-

ди. Бу билимларни қуллаш натижасида инсоният битмастуганмас имкониятларга эга булди: одамзод Ойни забт этди, энди эса ундан-да олисларни кузлаб турибди. Ҳақиқаган ҳам миямиз бизга маълум булган нарсалар орасида энг мураккаби ҳисобланади. Инсон ва ҳайвонлар ўртасидаги фарқ чегарасини кенгайтирадиган яна бир хусусият бани башардаги ахлоқий ва маънавий қадриятлар булиб, улар муҳаббат, адолат, донишмандлик, виждон ва раҳм-шафқат каби сифатларга таянади. Ахир буларнинг ҳаммасини қандайдир тасодифий ҳодиса сифатида изоҳлаш мумкинми?

Эволюцион назария тарафдорлари палеонтологик топилмаларга нисбатан қанчалик қизиқиш билдиришмасин, ҳозирги тирик организмларнинг биронтаси ҳам мазкур назарияни тасдиқламайди: бундай маълумотлар инсон ва одамсимон маймунлар ўртасидаги боғлиқликни асослашга эмас, балки инсоннинг илоҳий мавжудот эканлигини исботлашга хизмат қилмоқда. Уз ғояларининг туғри булиб чиқишини астойдил истаган баъзи бир эволюцион таълимот намояндалари «ёлғон» кашфиётлар қилишдан ҳам қайтишмади. 1912 йили Ч. Даусон Лондон яқинидаги Пилтдаун деган жойдан инсон бош чаноғини топиб олди ва бу топилма кушан буён изланаётган инсон билан одамсимон маймун ўртасидаги боғловчи ҳалқа эканлиги ҳақида бутун дунёга жар солишди. Қарийб 40 йил давомида олимлар мазкур топилмани ҳақиқий деб ҳисоблашади. Ва ниҳоят, 1953 йили топилма янги гадқиқот усуллари билан урганилгач, унинг сохта эканлиги ойдинлашади: маълум булишича, қаллоблик йули билан инсон ва маймун суяклари узаро бирлаштирилиб, улар суньий йул билан «қаритилган» экан. Яна бир ҳолатда эса етишмаётган «маймунсифат ҳалқа»нинг сурати чизилиб, матбуотда чоп этилади. Кейинчалик унинг ҳам сохталиги маълум булиб қолди.

Диний манбаларда айтилишича, инсоният яратилгандан буён 6000 йилга яқин вақт утган. Унда нега илмий ва бошқа манбаларда инсоният ёши анча катта қилиб курсатилади? Қайси бирига ишониш керак? Диний манбаларгами ёки илмий маълумотларгами? Маълумот тарзида шуни айтиш керакки, купгина олимлар тарихий даврларни аниқлашнинг радиометрик усулларига ишончсизлик билан қараш-

моқда. Гап шундаки, утмишда атмосферадаги радиоактив углероднинг пайдо булиш тезлиги доимий характерга эга булмаган. Бу эса радиоактив емирилишга асосланган даврлаштиришда жуда қупол хатоликларга олиб келган. Бу хатоликларнинг катталигини шундан ҳам билса буладики, одамзод ерда 3,6 миллион эмас, балки бор-йуғи бир неча минг йилдан буён мавжуд булиши ҳам мумкин. Ҳакиқатан ҳам инсоният фаолияти билан боғлиқ ишончли маълумотларнинг ёши миллион эмас, балки минг йилликлар билан улчанади. Шу муносабат билан даврларни аниқлаш буйича радиоуглерод усулининг асосчиларидан бири, физика соҳасида Нобель мукофотининг лауреати У.Ф. Либбининг қуйидаги фикрларини эътиборингизга ҳавола қиламиз: «Даврлаштириш усулини яратишга қаратилган тадқиқотларни олиб бораётганимизда ходимларимиз одамзод тарихи бор-йуғи 5000 йил эканлигини айтишганида ҳайратдан лол қотдик. Сиз ҳам қандайдир жамият ва унинг тарихига оид топилмалар ёши 10 ёки 20 минг йилга тенглиги ҳақида куп эшитгансиз. Бундай сонларнинг нотуғри эканлиги бизга маълум булди». Эволюция назариясидаги қийинчиликлар шу билангина тугамайди. Айтайлик, эволюция қандай амалга ошади? Қандай механизм бир турдаги организмни бошқа турдаги организм бағрида эволюционлашишига имкон беради? Баъзи бир биологлар палеонтологик топилмалар ҳаётнинг бир шаклидан бошқа шаклига утиши секин-асталик билан юз берганлигини курсатиб бераолмасликлари важидан, бу жараён бир текис эмас, балки сакрашлар билан содир булган, деб ҳисоблашади. Уларнинг тахминича, янги турлар генларда тасодифан юз берадиган узгаришлар маҳсули ҳисобланади. Эволюционистларнинг фикрича, бунга ҳужайра ядроси ичидаги ҳар хил узгаришлар сабаб булар экан. Уларнинг орасида мутациялар деб аталувчи «тасодифий» узгаришлар муҳим роль уйнайди. Мутацион узгаришлар жинсий ҳужайралардаги ген ва хромосомаларда содир булади, шунинг учун ҳам улар кейинги зурриётларга утиши мумкин, деб ҳисобланади. Эволюционистларнинг фикрича, «мутация эволюциянинг асоси ҳисобланади». Бироқ, маълум булишича, мутация эволюция учун асос булолмас экан. Мутация қандай содир булади? Уларнинг катта қисми ҳужай-

раларнинг купайиш жараёнида юз беради, деб ҳисобланади. Бироқ тажрибаларнинг курсатишича, мутация ташқи омиллар, айтайлик, радиация ва кимёвий моддалар таъсирида ҳам содир булар экан. Мутациянинг юз бериш тезлиги қандай? Ҳужайрада генетик моддаларни ишлаб чиқариш жараёнидаги қатъий тартиб — доимийлик кишини ҳайрон қолдиради, яъни организмдаги ҳужайраларнинг булиниш сонига нисбатан мутацияларнинг содир булиши жуда ҳам оз миқдорни ташкил этади. Генларни ташкил этувчи ДНК занжирини ишлаб чиқиш ута катта аниқлик билан амалга оширилар экан. Агар фойдали мутациялар эволюциянинг асосини ташкил этса, улар мутацияларнинг қанча қисмини ташкил этади? Тажрибаларнинг курсатишича, ҳар бир ижобий мутацияга минглаб зарарли мутациялар туғри келади. Шунинг учун ҳам мутация яратишдан кура купроқ емирувчи хусусиятга эга. Бу эса унинг эволюция асоси эканлиги ҳақидаги тасаввурларни инкор этади — организмда мутациялар қанчалик куп содир булмасин, у барибир бошқа биологик турга айланиб қолмайди. Дарвинчилар баъзи бактерияларнинг антибиотиклар таъсирига берилмаслигини эволюция белгиси, деб курсатишади. Бироқ чидамли бактериялар олдингидай узлари мансуб булган биологик тур вакиллари булиб қолаверадилар, яъни уларда эволюция жараёни юз бермайди. Бунда нари борса, мавжуд генларнинг танлови юз беради, холос. Бир биологик турдан фақатгина шу тур купаяди, бошқа тур эмас. Бунга сабаб шуки, генетик код усимлик ва ҳайвонларнинг меъёрдан узоқлашишларига йул куймайди. Бунда биогенез қонуни тула амал қилади: тириклик фақат тирикликдан яралади, она организми ва унинг авлодлари битта турга тегишли булади. Сунъий танланиш соҳасидаги тажрибалар ҳам буни тасдиқлади. Олимлар чатиштириш йули билан ҳар хил усимлик ва ҳайвонларда чексиз узгаришларни ҳосил қилишга ҳаракат қилиб куришди. Улар вақт утиши билан ҳаётнинг янги шаклларини ҳосил қилиш мумкин эмасмикан, деган саволга ойдинлик киритишга ҳаракат қилишди. Маълум булишича, бир неча авлод утгач табиий танланишнинг таъсири энг юқори даражага чиқиб, ундан кейин таъсир йуқолар, яъни янги гур ҳосил булмас экан. Бундан эса табиий танланиш

нафақат эволюцияни исботламайди, балки уни инкор этади, деб хулоса чиқариш мумкин. Эволюцион назарияни текшириб куриш мумкин булган учта соҳада у узини оқламади: палеонтологик топилмалар узгаришлар жараёнини эмас, балки турлар таркибини узида ифодалайди; кучли барқарорлаштирувчи механизм булган генларнинг асосий вазифаси ҳаётнинг янги шакллари ривожланишининг олдини олишдан иборат; молекула даражасида юз берадиган мутациялар эса тирик организмлардаги бошқарувчанликни ва мураккаблашувни изоҳлаб беролмайди.

Дарвин уз даврида фақатгина табиий-биологик ривожланиш қонуниятларини изоҳлаш билан чекланган булса, унинг издошлари ижтимоий ҳодисаларни ҳам эволюцион назария орқали тушунтиришга ҳаракат қилишди. Дарвинизм тилни ҳам ҳайвонлардаги оддий товушларнинг эволюциялашуви натижаси, деб курсатади. Ваҳоланки, тил инсон пайдо булиши билан пайдо булган. Бунинг далили сифатида қадимги тилларнинг ҳаммаси ҳам мураккаб ва тула шаклланган булганлигини айтиш зарур. Баъзи тиллар утмишда ҳозирги ҳолатидан ҳам мураккаброқ булган. Шуларни уйлар экансан, бутун борлиқнинг эгаси булган Яратувчининг қудрати олдида лол қоласан киши. Башариятнинг энг доно вакиллари «дунёнинг тилаги, самари»га тенглаштирган инсонни маймунга ёки дарвинчилар наздидаги одамсимон маймунга олиб бориб боғлаш, нафақат илмий, балки маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан ҳам хато фикр эди. Борлиқ сингари тирикликнинг ҳам Яратилганлиги ҳақиқатга кўпроқ мос келади.

Таъбир жоиз булса, янги ғоялар ҳам узига хос табиий танланиш босқичидан ўтади. Эволюцион назария билан ҳам шундай булди. Унинг муаллифи «Бигл» кемасида дунё буйлаб амалга оширган беш йиллик саёҳати давомида жуда ҳам куп ашёвий манбалар йиғади ва уз ғояларини инкор қилувчи қарашларга зарба беришга жиддий тайёргарлик курган эди. Олимнинг узи ҳам «Мен уқиб ургандим, дунё буйлаб саёҳат қилдим, сунгра яна уқиб ургандим. Мана менинг таржимаи ҳолим», деган эди. Назаримда, нима булган тақдирда ҳам Дарвин инсоният тарихидаги энг буюк шахслардан бири булиб қолаверади. Чунки у яратган назария фан тараққиётини ва инсоният ақл-идрокини бир поғона юқори-

га кутариб қуйиш билан бирга, илмий тафаккур ривожи учун асосий манба — ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги қизғин баҳсларга сабабчи булди ва бу мунозаралар ҳануз давом этмоқда. У тириклигидаёқ шуҳрат қозонди. Уни вафотидан кейин Вестминстер аббатлигида Исаак Ньютон билан бир қаторга дафн этишади. Бу ҳам унинг фан оламидаги нуфузидан далолат беради.

Инсон ҳар доим ҳам уз нуқтаи назарини охиригача англаб етадими? Буни саволларнинг саволи десак булади. Таниқли назариётчи физик, академик В.А. Фок «умумий нисбийлик» тушунчасининг ишлатилишига нисбатан уз эътирозини ифодалаб, «Эйнштейн бу тушунчани қуллаш билан уз назариясини тушуниб етмаганлигини ошкор қилиб қуйди», деб таъкидлаган эди. Бундан нисбийлик назариясининг асосчиси уз ғояларининг моҳиятини тушунмаган эканда, деган хаёлга бориш хато булар эди. Зеро, Эйнштейннинг узи «биз фойдаланган тушунчалар кейинчалик ривожланганлиги учун ҳам қонун аниқ булмаслиги мумкин»-лигини таъкидлайди. Ҳамма нарсага уз ҳукмини утказадиган вақт илмий ғояларни ҳам четлаб утмайди. Қолаверса, инсон тафаккури англаб етган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам туғри булавермайди. Ҳар доим шундай булади: назарий йул билан башорат қилинган баъзи бир нарсалар тажрибада инкор этилади. Ҳар қандай назария секин-аста ривожланиб, энг юқори чуққисига чиқади, кейин эса инқироз даврини бошидан кечириши мумкин. Одатда, бирон-бир назария янги далиллар қаршисида ожиз булиб қолганда, у фан томонидан инкор этилиб, унинг урнига бошқа назариялар пайдо булади. Фанда эришилган ҳар қандай катта ютуқ юзага келган қийинчиликлардан чиқиш йулини излаш натижасида содир буладиган эски назариянинг инқирозидан пайдо булади. Улар, гарчи утмишга тааллуқли булсаларда, эски ғоя ва назарияларни текшириб куришимиз зарур, зеро, бу янги ғоялар моҳиятини ҳамда улар туғри буладиган чегараларни билиб олишимиз учун ягона воситадир. Зеро, Эйнштейн таъкидлаганидек, фанда абадий назариялар булмайди.

Ҳозирги вақтда квант физикаси ривожи натижасида юзлаб микро дунё заррачалари кашф этилди. Энди физиклар ушбу заррачаларни битта қонун доирасида узаро бирлаш-

тиришга ҳаракат қилишаяпти. Яқин вақтларда «Элементар зарраларнинг даврий жадвали»ни ярата оладиган менделеевлар пайдо булса ажабмас. Худди шунинг сингари дарвинизм пайдо булгандан кейинги бир ярим аср давомида ҳаёт ва унинг ривожи туғрисида яратилган кашфиёт ҳамда ғояларни бирлаштирган янгича биологик таълимот яқин орада яратилса, эҳтимол. Бу таълимот «дунёвийлик даҳрийлик эмас» деган тамойилга асосланган ҳолда, диний ғояларни ҳам узида ифодалашига шубҳа йуқ. Зеро, дин фанни инкор этмайди, табиийки, фан ҳам диний қарашларни узига сингдириши зарур.

ОЛАМНИ... ҚАЙТАРГАН ОЛИМ

Фан ҳаётдан туғилади ва яна
ҳаётнинг узига қайтади.

Макс ПЛАНК

1905 йилда Германияда нашр этиладиган «Аннален дер физик» журналида «Ҳаракатдаги жисмларнинг электродинамикасига доир» деган мақола босилиб чиқди. Мақола баъзи бир оптикавий ва электромагнит ҳодисаларнинг хусусиятларига оид булиб, улар янгича усулда ифода қилинган эди. Мақолада Ньютон физикаси асосида ётган мутлақ фазо ва мутлақ вақт ҳақидаги тасаввурлар ишончли тажриба маълумотлари олдида яроқсизлиги курсатилган, тажриба далиллари билан мос келадиган янги физиканинг асослари тавсия қилинган эди. Физикада янги даврни бошлаб берган ушбу 30 саҳифалик мақоланинг муаллифи ҳали илмий доираларда унчалик маълум булмаган Берн шаҳридаги патентлар идорасининг ходими, 26 ёшлик Альберт Эйнштейн эди. Унда баён этилган ғоялар кейинчалик Макс Планк тавсиясига кура «нисбийлик назарияси», деб аталди. Бу йил дунё жамоатчилиги ушбу воқеанинг 100 йиллигини кенг нишонлайди. Орадан 11 йил утиб, 1916 йили А. Эйнштейн умумий нисбийлик назариясини яратади. Унда фазо ва вақт хусусиятларининг шу фазода мавжуд булган материяга боғлиқлиги кўрсатилган. Модда буш қутининг ичига ташқаридан киритилмайди. Фазо, вақт ва модда бир-биридан мус-

тақил равишда мавжуд эмас. Материя яқинида фазо эгриланади, соат эса уз юришини секинлаштиради. Биринчи қарашда бу мумкин эмасдек кўринади. Чунки бутун олам учун бир хилда утадиган вақт туғрисидаги бизнинг одатдаги фикримиз шунчалик туғри булиб куринадики, биз буни узузидан тушунарли деб ҳисоблашга урганиб қолганмиз.

Эйнштейн жуда оғир ва ибратли ҳаёт кечирди. У узи яшаган даврда юз берган йирик воқеаларнинг шоҳидигина эмас, балки уларнинг бевосита иштирокчиси ҳамдир.

Альберт Эйнштейн 1879 йилнинг 14 мартида Дунай дарёсининг чап қирғоғидаги Ульм шаҳарчасида дунёга келди. Унинг отаси Герман Эйнштейн савдо билан шуғулланарди. Онаси Полина Кох эса бадавлат савдогарнинг қизи булиб, пианино чалиш ва ашула айтишни яхши курарди. Унинг энг севимли композитори Бетховен эди. У Бетховеннинг сонаталарини меҳр билан ижро этарди. Эйнштейнлар оиласи мусиқа ҳамда немис классик адабиётининг эҳтиросли мухлислари эди. Альбертнинг ундан икки ёш кичкина Майя исмли синглиси булиб, улар жуда иноқ булиб усишади. Эйнштейн биографларининг ҳаммаси унинг ёшлигида камгап ва ювош бола булганлигини таъкидлашади. Германияда бошланғич мактаб черков ихтиёрида булиб, таълим диний эътиқодга асосланган эди. Яҳудийлар мактаби Эйнштейнлар уйидан олис ва анча қиммат булганлиги учун Альбертни яқин ўртадаги католик динидаги кишиларнинг болалари уқийдиган мактабга беришади. У мактабдошларини узининг ута адолатпарварлиги билан ҳайратга солади.

Альберт ун ёшга тулганда гимназияга киради. У синфдан синфга муваффақият билан утар, ювош ва доим хаёл суриб юрадиган бу усмир мактаб дастурини осон узлаштирар эди. Альберт атрофини қуршаган табиат ва жамиятдан уз кунглига мос уйғунлик топишга уринарди. У оламнинг тузилиши туғрисидаги билимларни илмий-оммабоп китоблардан топди. Оммабоп китоблар уқишни унга польшалик муҳожир Макс Талмей тавсия этади. Эйнштейнлар оиласи тиббиёт факультетида уқийдиган бу камхарж йигитни ҳар жума куни овқатга таклиф этишар эди. Талмейнинг маслаҳати билан у Бернштейннинг «Табиатшунослик буйича оммабоп китоблар» асарини уқиб чиқади. Бу асарда турли жараёнлар

табиат ҳодисаларининг сабабий боғланиши қонунига мослаб тушунтирилган эди. Шундан кейин Альберт Бюхнернинг «Куч ва материя» номли асарини зўр қизиқиш билан уқиб чиқади. Эйнштейн ҳаётининг шу даври ҳақида ёзган жуда кўп муаллифлар унинг диндорлиги у коинот тузилиши билан танишганидан кейин йўқ булиб кетди, деб ёзишади. Бунга ишониш қийин. Эйнштейн етуклик даражасига эришган даврида ҳам дин ва фан бир-бирларини инкор қилмасликларини, аксинча, узаро уйғунликка эга эканликларини таъкидлайди. Эйнштейн ишлаган Принстон олий тадқиқотлар институти нештоқига у такрорлаб юришни яхши курадиган «Парвардигор ҳамма нарсага қодир, аммо ёвуз ниятли эмас» деган сўзлар ёзиб қўйилган экан. Қандайдир бир кардинал Эйнштейннинг даҳрий эканлигини таъкидлаб, ёшларни ундан эҳтиёт булишга чақиради. Шу муносабат билан раввин Герберт Гольдштейн Нью-Йоркдан Эйнштейнга «Сиз худога ишонасизми?» деган мазмунда телеграмма жунатади. Эйнштейн унга «мен бутун борлиқнинг уйғунлиги билан англанадиган Спиноза худосига ишонаман, инсонларнинг тақдирлари ва ишлари билан банд булган худога эмас», деб жавоб беради. У янги назария ёки ғоялар асоссиздай булиб туюлганда «севимли тангрим бундай нарсани яратмаган» дейишни яхши курган. Диний эътиқод эътиқодларнинг шундай бир нозик турики, кишининг фаолиятига, айтайлик, унинг черков ёки масжидга бориш ёки бормаслиги, диний анъаналарни бажариши ёки бажармаслигига қараб бирон-бир қатъий хулоса чиқариш хато булар эди.

Альбертнинг математикага қизиқиши жуда эрта уйғонади. Бунда унинг амакиси Якобнинг таъсири катта булади. Касби муҳандислик булган Якоб шундай дерди: «Алгебра қизиқ фан. Агар биз овлайдиган ҳайвон топилмаса, бу ҳайвонни вақтинча икс деб ҳисоблаймиз-да, уни топмагунча қидираверамиз». Евклиднинг геометрия туғрисидаги китоби Эйнштейнга муъжиза булиб туюлади. У кейинчалик «Ёшлигида бу китобни уқиб ҳайратга тушмаган одам назарий тадқиқотлар олиб боришга қодир эмас», деб ёзади. Эйнштейн мактабни 1896 йилда тамомлаб Цюрих политехника институтига уқишга киради. У назарий физика мутафак-

кирлари Максвелл, Гельмгольц, Кирхгоф, Больцманнинг асарларини урганади. Математика эса уни чучитади, чунки «унинг ҳар бир соҳаси бизга ажратилган қисқа умрни бутунлай ютиб юбориши мумкин» деб уйлайди. Физикада у тезда мустақил фикрлашга урганади.

Эйнштейн 1900 йилда институтни муваффақиятли тамомлайди. Лекин уни мустақиллиги учун ёмон куриб қолган институт раҳбарияти кафедрада олиб қолишни хоҳлашмайди. Институтни тугатгандан сунг икки йил ишсиз юради. 1902 йилнинг ёзидагина Эйнштейн уртоғи Марсель Гроссман ёрдамида Берн шаҳридаги патентлар идорасига эксперт лавозимига ишга киради. Унга патентлаш учун жуда кўп аризалар тушар, Эйнштейннинг вазифаси эса ихтиронинг том маъносини тушуниш ва ундан сунг бошлиқларга мазкур ихтиронинг патент олишга лойиқ ёки лойиқ эмаслигини тезда ҳал қила оладиган даражада тушунарли ва қисқа реферат ёзиб беришдан иборат эди. Уз ақлини бундай усулда пешлаш Эйнштейнга ёқар эди. Лекин, ҳаммадан яхшиси шу эдики, узининг кундалик вазифасини уч-турт соат ичида бажариб булиб, қолган вақтини севимли физикага бағишлашга имкон бор эди.

Эйнштейн патент идорасида ишлай бошлаган вақтдан бошлаб, унинг физикага қизиқиши қайтадан кучайди. Шу ерда у узининг биринчи нисбийлик назариясини тугатди. Унда махсус ҳол — туғри чизиқли текис ҳаракат курилганлиги учун бу назария «махсус нисбийлик назарияси», деб аталади. Сунгра бу назарияга асосланиб, Эйнштейн узининг умумий нисбийлик назариясида узгарувчан ҳаракатни тушунтириш усулини ҳам топди. Бу иккала назария ҳам кенг шуҳрат қозонди. Умумий нисбийлик назариясидан Оламнинг улчамлари ва тузилиши ҳақидаги хулосалар, махсус нисбийлик назариясидан эса ҳозирги замон физикасида муҳим аҳамиятга эга булган $E = mc^2$ тенглама келиб чиқади.

Бу формула умумий характерга эга булиб, у моддаларнинг ҳар қандай зарраларига, ҳамма моддий жисм ва майдонларга бирдай тааллуқлидир. Демак, $E = mc^2$ формуласи фақат ёруғлик квантларигагина хос булмай ҳар қандай жисм массасига тегишлидир. Бу билан ҳар қандай жисмнинг массасидан энергия ажратиш мумкинлиги ҳақидаги масала на-

зарий жиҳатдан ҳал этилди. Масса билан энергия орасидаги боғланиш кашф этилиши билан олимлар тинч ҳолатдаги энергияни олиш — инсон хаёлига келмаган улкан энергия манбаига эга булиш мумкинлигига тушундилар. Ядро энергиясини олиш муаммоси нисбийлик назарияси туфайли ҳал қилинди. Эйнштейн яратган масса ва энергия орасидаги боғланишни XX аср физикасининг энг муҳим формуласи деб ишонч билан айтса булади.

Эйнштейн томонидан умумий нисбийлик назариясининг яратилиши эса инсон идроки эришган улкан ғалабадир. Умумий нисбийлик назарияси билан боғлиқ булган ҳол физиканинг тараққиёти тарихида узига хос ягона воқеа булди. Л.Д. Ландаунинг ибораси билан айтганда, Эйнштейн нисбийлик назариясини уз ақл-заковатидан, туғрироғи физиканинг Ньютон замонидан кейинги уч юз йиллик тажрибасини умумлаштириб келтириб чиқарди.

Аллома «дунёда энг англаб булмайдиган нарса, уни англаш имкониятидир» дейди ва умр буйи уни англашга ҳаракат қилди. Олим шу йулдаги ҳаракатлари натижасида квант назарияси тараққиётига катта ҳисса қушди. Унинг фотоэффект назариясида ёруғлик квантлар оқими (фотонлар) сифатида қаралади. Фотонларнинг мавжудлиги 1922 йилда америкалик физик А. Комптон тажрибалари билан тасдиқланади. Эйнштейн фотохимиянинг асосий қонуни (Эйнштейн қонуни)ни топди. Бу қонунга кура, ютилган ҳар бир ёруғлик кванти битта элементар фотохимиявий реакцияни юзага келтиради. У лазер нурини назарий жиҳатдан башорат қилди.

1905 йилдан кейин Эйнштейн машҳур булиб кетди. Берн университетига приват-доцент булиб тайинлангандан кейин етти йил утгач, у юксак даражага эришди — уттиз уч ёшида профессор булди. Уни Берн университетидан Цюрих университетига таклиф қилишди, сунгра у Прага университетига утди.

1922 йилда Эйнштейнга Нобель мукофоти берилди. У жаҳондаги унлаб академияларнинг аъзоси этиб сайланади. Ҳали ҳеч бир олим Эйнштейнчалик афсонавий шуҳрат қозонган эмас.

Эйнштейн уз олдига ҳеч қачон енгил вазифаларни қуймаган. У ҳал қилган масалалар узининг мураккаблиги билан

кишиларни ҳайратга солади. У олти юздан ортиқ мақола ёзган булиб, уларнинг ярмидан купи илмий мақолалардир.

Эйнштейнда ихтирочилик лаёқати ҳам жуда кучли эди. У рассом Орлик ва тиш доктори Гринберг билан ҳамкорликда бадиий графика учун полиграфия машиналарининг янги турини яратади. Венгер олими Лео Сциллард билан биргаликда эса ҳозиргача атом электростанцияларида ишлатилаётган «Эйнштейн — Сциллард насоси»ни ихтиро қилишган. Бундай мисолларни куплаб келтириш мумкин.

У дам олишни билмайдиган ва ҳар қандай шароитда ҳам ишлай оладиган ажойиб олим эди. Унинг студентларидан бири шундай бир қизиқ воқеани келтиради: «Эрталаб мен унинг уйига бордим. У узининг ишхонасида утирар, стол устида эса ҳар хил математикавий формулалар ёзилган қоғозлар сочилиб ётарди. У чап қулига кичик уғли Эдуардни кутариб олиб, унг қули билан алланималарни ёзар ва ерда кубик уйнаётган катта уғлининг саволларига ора-сира жавоб бериб қуяр эди. Мен унинг диққат билан уйлаётганини курдим».

Таниқли физик олим, академик А.Ф. Иоффе узининг Эйнштейн билан булган бир учрашуви ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Берлинга қилган сафарларимнинг бирида Эйнштейн менинг кристаллар устидаги тадқиқотларим билан қизиқиб қолиб, мендан улар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб беришимни суради. Кундузи соат учда мен унинг олдига келдим ва уз тажрибаларимни баён қила бошладим. Тахминан бир соатлардан кейин унинг хотини кириб, Эйнштейндан у билан танишиш мақсадида Гамбургдан келган қандайдир бир кишини соат бешда қабул қилишини суради. Эйнштейн узининг машҳурлигини эслатиб турувчи бундай учрашувлардан қочишга ҳаракат қилар эди. Оила аъзолари кумагига кузи етмаган Эйнштейн суҳбатни бамайлихотир давом эттириш учун мени уйи яқинидаги паркка олиб борди. Хавф-хатар утиб кетгандан кейингина биз унинг хонасига қайтдик.

Икки соат давомида мен унга муаммонинг энг муҳим жиҳатларини гапириб бердим ва шундан кейингина Эйнштейнда янги материалларни уз моҳият-эътибори билан тула узлаштириш жараёни бошланди. Бу жараённи табиатнинг

шаклланган ягона манзарасига янги омилларнинг киритилиши, деб таърифлаш мумкин.

Оқшомги соат саккизда бизни кечки овқатга таклиф этишди. Бироқ бу ерда ҳам муҳокама ва мушоҳада тухтамади — маънавий озиқа олиш давом этди, овқатни ейиш эса хотинининг санчқига макаронни олиш ва оғизга олиб бориш ҳақидаги эслатмаси билангина амалга ошар эди. Эйнштейннинг диққати овқатдан кура бошқа нарсаларга қаратилган эди. Овқатдан кейин ҳам фикрлар кураши давом этди: фактларнинг янги-янги томонлари муҳокама қилинди ва улар изоҳланди.

Тун яримлаб қолди, мен яшаб турган Берлин яқинидаги Вердер шаҳрига борадиган охирги поезд ҳам кетиб булди. Мен суҳбатни эртага давом эттиришни сурадим, бироқ Эйнштейн менинг бу таклифимга эътибор бермади. Ниҳоят тунги соат иккида жараён тухтади — ҳамма нарса уз жойига тушди, шубҳаларга барҳам берилди.

Мен ҳеч қачон бунчалик изчил ва узоқ давом этган тафаккур жараёнини кузатмаганман. Бироқ, назаримда Эйнштейн учун бу одатдаги ҳол эди. Муаммолар шундай ечилган ёки янги ғояларга шундай йул билан борилган».

Эйнштейн уз табиатига кура жангчи эмас эди. Масалан, у шахматни ёқтирмасди. «Бу уйинда ютиш учун кураш руҳи менга тўғри келмайди», дерди.

У ниҳоят даражада кунгилчан ва сахий одам эди. Ҳамма нарсани кечиравергани учун эмас, балки ҳамма нарсани тушунгани учун у сахийлик қиларди.

Эйнштейн Германияда 20 йил яшади. Гитлер ҳокимият тепасига келгач эса Германияни тарк этди. Гитлерчилар уни нацистларнинг душманлари руйхатига киритишади ва сирт-дан улимга ҳукм этишади. 1933 йилнинг кузида Эйнштейн АҚШ га кучиб кетди. У Принстонда Олий тадқиқотлар институтига профессор булиб ишга киради. Бу институт Америка таълим-тарбия ишларининг ислоҳотчиси Абрам Флекснер томонидан амалда Эйнштейн учун ташкил этилган эди. Бундай эътиборга эса фан тарихида саноқли кишиларгина сазовор булишган. XX аср бошларида Копенгагенда машҳур даниялик олим Нильс Бор учун назарий физика институти ташкил этилади. Уттизинчи йилларнинг охирида Ирландия

ҳукуматининг саъй-ҳаракати билан Дублин шаҳрида австриялик машҳур олим Эрвин Шредингер учун ҳам шундай институт барпо этилган.

Олий тадқиқотлар институтида Эйнштейн 1933 йилнинг 1 октябридан иш бошлайди. Унинг йиллик иш ҳақи узи рози булган миқдордан 4 баравар куп — 15000 доллар эди. У узининг пулга булган муносабатини мана бундай ифодалаган эди: «Мусо, Исо ёки Гандининг пул солинган халта кутариб юрганини тасаввур этиш мумкинми? Мен буни тасаввур қилолмайман».

Қирқинчи йилларда Эйнштейннинг шуҳрати тилларда достон булиб кетади. У билан танишишни ва ундан дастхат олишни хоҳловчилар сони кун сайин ортиб боради. Лос-Анжелес шаҳрида яшайдиган ун беш ёшли уқувчи қиз Эйнштейндан хийла билан дастхат олади. У профессорга хат ёзиб, дугоналари икки айланага уринма утказишни билишмаётганини айтади. Эйнштейн эса масаланинг ечимини тушунтириб, унга жавоб ёзади ва хатнинг охирига «А.Э.» деб имзо чекади.

Бора-бора Эйнштейн узининг Принстондаги уйидан чиқмай қуяди. Бу ерда у майдоннинг ягона назарияси устида иш олиб боради.

Эйнштейн билан ҳамкорликда «Физика эволюцияси» асарини ёзган поляк олими Леопольд Инфельд уша даврларни эслаб шундай деб ёзади: «...Эйнштейн билан купроқ ишлаган ва уни яхшироқ билган сайин мен уни илмий муваффақиятлари учун эмас, балки ажойиб хулқи учун купроқ ҳурмат қилардим. Эйнштейн физик ва файласуф сифатида қанчалик улуғ булмасин, у мен учун оддий инсон сифатида бундан ҳам улуғроқдир. Бундай деб гапириш бирмунча ғалатироқ булса ҳам, лекин Эйнштейн унга тамомила лойиқдир. Мен узим билган олимлар ичида фақат Эйнштейннигина улуғ олим деб, айта оламан. Бизнинг замондошларимиз орасида унга тенг келадигани йуқ. Эйнштейнчалик ёлғиз, хилватда яшашга куп интилган одамни курган эмасман. Хилватда ҳаёт кечириш эса анча нарсадан воз кечишни талаб қилади. Эйнштейн бир куни олим учун энг қулай жой маёқ қоровулининг жойидир, чунки бу жой уйлаш ва ишлаш учун энг куп имконият беради, деб ёзган эди.

Ҳақиқатан ҳам, Эйнштейн маеқ қоровули булиб ишлашга хурсандчилик билан рози буладиган ягона олим десам, хато қилмайман».

Эйнштейннинг ақли жуда юксак мавҳумликка кутарилгани учун унинг фикрини ҳамма ҳам тушуна олмас эди. Шунинг учун олимлар уни ғояларини тушуниб булмайдиган мутафаккирга чиқариб қуйишган.

XVIII асрда яшаган инглиз шоири Александр Поп ёзади:

Олам эди мисли зимистон,
Ёғду берди унга Ньютон.

Бу байтга Эйнштейннинг замондошларидан бири яна икки қатор шеър қушди:

Бироқ Эйнштейн оламни, мана,
Уз ҳолига қайтарди яна.

Эйнштейннинг ҳаёти ақл бовар қилмайдиган зид ҳодисалар бирлашувининг намунасидир. У узининг энг муҳим ишини Берндаги патент идорасида оддий хизматчи булиб юрганида тамомлади.

1945 йилда АҚШ да атом бомбасининг яратилиши инсоният ҳаётида катта бурилиш ясади. Эйнштейн бевосита бундай қуролни яратиш устида ишламади. Лекин унинг назарий физика соҳасидаги ишлари бевосита ёки билвосита атом бомбаси яратиш ишига алоқадор эди. Фан ва сиёсат тарихида Эйнштейннинг президент Рузвельтга ёзган хати муҳим аҳамиятга эга. Ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмида германиялик олимларнинг атом физикаси соҳасидаги кашфиётлари ва немис сиёсатчиларининг хатти-ҳаракатлари уларнинг уран асосида ишлайдиган ғоятда қудратли қурол яратиш устида иш олиб бораётганликларидан далолат бераради. Узининг ифлос мақсадлари йулида ҳар қандай разил ишлардан қайтмайдиган Гитлернинг қулига бундай қурол тушиб қолса нималар булишини тасаввур қилиш қийин эмас эди. Хатда бундай қуролнинг яқин вақтлар ичида яратилиши мумкинлигини асословчи илмий кашфиётларнинг моҳияти баён этилиб, нацистлар унга эга булмасларидан туриб, уни Американинг узида яратиш режаси таклиф этила-

ди. Хат америкалик молия хизматчиси Александр Сакс орқали 1939 йилнинг 11 октябрида Рузвельтга топширилади. Эйнштейннинг хати президентга унчалик таъсир этмади. Лекин, Сакс президентга эртаси куни овқат пайтида айтган бошқа гап кучли таъсир курсатди. Наполеон уз вақтида унга янги двигателлар асосида ишлайдиган кемалар қуриб беришни тавсия этган Фултонни қувиб юборган эди. Мана шу воқеани эслатиб Сакс бундай дейди: «Агар уша пайтда Наполеон бекорга ғазабланмай, бир оз уилаб иш қилганда, XIX аср тарихи бутунлай бошқача ривожланган буларди». Бу гапдан сўнг Рузвельт Оқ уйдаги хизматчисига Наполеон даврида тайёрланган француз виносидан олиб келишни буюради. Рузвельт уни қадаҳларга қуйиб, узининг ҳарбий ёрдамчиси генерал Уотсонни чақиртиради. Шундан кейин атом бомбаси яратиш ишлари бошлаб юборилади.

Урушда фашистлар Германиясининг енгилиши бу хавфни йўққа чиқаради. Бироқ, энди атом бомбаси туфайли дунёнинг энг қудратли давлатига айланган АҚШ хавф-хатар манбаига айланди. 1945 йилнинг август кунларида улуғ олим чуқур қайғуга ботади. Хиросима ва Нагасаки фожиасидан қаттиқ таъсирланган Эйнштейн радио орқали гапириб, бундай дейди: «Немислар атом бомбаси ярата олмасликларини билганимда мен бундай бомба яратиш йулида ҳеч нарса қилмас эдим». Лекин у фанни қораламайди: «Гугуртнинг ихтиро қилиниши маданият ва одамзодга қандай хавф туғдирса, уран булинишининг очилиши ҳам шундай хавф туғдиради. Оламнинг тақдири энди фан тараққиётига эмас, балки одамзод хулқ-атворининг кучига боғлиқдир. Бизни энди курол ҳимоя қилолмайди, фан ҳам, ернинг тагига қочиш ҳам хатардан сақлай олмайди. Энди бизни тартиб ва қонунга риоя қилишгина ҳалокатдан сақлаши мумкин».

Умрининг кейинги 35 йили давомида Эйнштейн бир мақсад — майдоннинг ягона назариясини яратиш устида ишлади. Бундай назария электромагнит ва тортишиш майдонларини ўзаро боғлаши лозим эди. Бу ишга Эйнштейн ақл бовар қилмайдиган меҳнати ва бутун билимини сарфлади. Аммо, бу меҳнатларнинг ҳаммаси бесамар кетди.

Нима учун ажойиб назария муваффақиятсиз чиқди? Энг биринчи сабаб шуки, бу масалани ҳал этишга ҳали анча

барвақт эди. Бу вақтда фан жадал ривожланиш босқичига чиққан булиб, янгидан-янги далилларнинг шиддатли оқимида ягона назария учун мустаҳкам асос топиш қийин эди. Иккинчидан эса, Эйнштейн қилмоқчи булган бу иш бир одамнинг қулидан келмасди. Буни олим яхши тушунар ва умрининг охиригача уни ниҳоясига етказа олмаслигини биларди. Лекин уни узидан ҳам зарурроқ булган қандайдир ички куч бошлаган ишини давом эттиришга мажбур этарди. Шунчалик катта ақлий ишга куч-қувватни у қаердан топди. Бу унинг кишини ҳайратга соладиган ақлининг сирларидан биридир.

Жонли мулоқот ва баҳс-мунозаралар Эйнштейннинг жону дили эди. Гарчи бошқача қарашларга эга булса-да, ҳалол инсон ҳурматга муносибдир, дейди олим. Физика фанининг XX асрдаги ривожини бир-бирига замондош ва дуст булган машҳур сиймолар — Альберт Эйнштейн ва Нильс Борлар ортасида кечган ҳамда физиканинг энг муҳим муаммоларини қамраб олган баҳс-мунозараларсиз тасаввур қилиб булмайди. Бу баҳс-мунозаралар 30 йил давом этди. Эйнштейн ва Борнинг уз даврларидаги физикага булган муносабатлари бир-биридан фарқ қилади. Бор фаннинг тараққиётини йигирманчи юз йилликнинг биринчи ярмида жадал равишда ривожланган квант физикаси тимсолида куради. Эйнштейн эса бунга ишончсизлик билан қарайди, у фанда статистик усулларнинг душмани ва физика ривожланишининг бу даврини уткинчи деб ҳисоблайди. Бу борада Эйнштейннинг деярли тарафдорлари йуқ. Буни унинг узи ҳам яхши билади. Эйнштейннинг тутган йули Борни куп ранжитар эди. Шунча йиллик тортишувлардан кейин ҳам бу иккала сиймо уз фикрларида қолишди.

1955 йилнинг март ойида инсоният улуғ олимнинг 75 йиллигини ва нисбийлик назариясининг 50 йиллигини кенг нишонлади. Берлинга юборган табрик телеграммасида у бундай деб езади: «Мен ихтилоф ва душманликка эмас, балки қардошларча ҳамкорликка сабаб була олганимдан хурсандман».

Ўлимидан бир неча кун олдин Эйнштейн утган ҳаётига заррача ачинмасдан, пушаймон қилмасдан бундай дейди: «Мен уз вазифамни бажардим».

1948 йилда врачлар Эйнштейннинг аорта қон томири кенгайиб кетганлигини, бу қон томири ёрилиб кетиши мумкинлигини айтишади. Эйнштейн операциядан воз кечади. У енгилгина вафот этди: ухлаб қаига уйғонмади. Бу воқеа 1955 йилнинг 18 апрель кечаси руй берди. У мотам тутмаслик, жасадини куммаслик, ҳеч қанақа ёдгорлик урнатмасликни васият қилади.

Олимнинг жасади куйдирилиб, шамолга учириб юборилди. Мияси эса, узи тириклигида рози булгани учун олиб қолинди. Унинг вафотидан сунг кашф этилган 99-элементга Эйнштейн номи берилди.

* * *

Эйнштейн цивилизациянинг купгина ютуқлари уз қимматини йуқотган бир пайтда инсониятнинг виждони булиб майдонга чиқди.

Пабло КАСАЛЬЕ,
испан мусиқачиси

* * *

Мен Эйнштейндан кура улуғроқ одамни билмайман.

Бертран РАССЕЛ,
математик ва файласуф

* * *

У соялар тобора қуюқлашаётган бу оламга тушган ёруғлик нури эди.

Жавоҳарлал НЕРУ

ЭЙНШТЕЙННИНГ ТАНИҚЛИ НАЗАРИЁТЧИ ФИЗИК ОЛИМ АРНОЛЬД ЗОММЕРФЕЛЬДГА ЁЗГАН ХАТЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Ҳар ҳолда вазиятга қараб Дебайнинг ҳам сузга чиқишини фойдали деб уйлайман. Унга ушбу муаммо билан шуғулланаётган бошқа ҳамкасблари билан гаплашиб олиш имконини бериш керак. Менинг ундан умидим катта, чунки унда физикани теран тушуниш билан ноёб математик истеъдод уйғунлашиб кетган.

* * *

Ҳозир фақат гравитация муаммолари билан шуғулланаяпман ва шу ерлик бир математик ўртоқнинг[1] ёрдамидан умидворман. Лекин бир нарса аниқ: мен ҳеч қачон бунчалик қийналмаганман ва энди менинг математикага булган ҳурматим ошди, олдин уни узимнинг билимсизлигим туфайлигина ортиқча дабдабабозлик, деб ҳисоблаганман. Дастлабки нисбийлик назарияси бу муаммо олдида болалар уйинчоғига ўхшаган оддий бир нарсадай булиб қолди.

* * *

Геттингенда менга катта қувонч насиб этди — ҳаммасини охирги тафсилотларигача тушуниб етдим. Гильберт мени тамомила ҳайратга солди. Буюк инсон!... Гросман ҳеч қачон ҳаммуаллифликка даъво қилолмайди: у менга фақатгина математик адабиётларни танлашда ёрдам берди, натижаларда унинг ҳиссаси йуқ.

* * *

Гравитацияга оид олдинги тенгламаларимнинг бутунлай асоссизлигини билдим. Қуйидаги мулоҳазалар бундан далолат беради:

1. Мен бир текис айланаётган системада гравитация майдони майдон тенгламаларини қаноатлантирмаслигини асосладим.

2. Меркурий перигелиясининг ҳаракати учун юз йилда 4511 ўрнига 1811 натижа олинди.

* * *

Меркурий перигелияси ҳаракатига оид натижалар мени жуда ҳам қаноатлантирди. Бу ерда бизга мен авваллари устидан пинҳона кулиб юрганим — астрономиядаги ўта аниқлик ёрдам берди.

Мутолаа қилаётганингизда куз олдингизда майдон тенгламаси учун курашнинг сўнгги босқичи кетаётганлиги учунгина ишни диққат билан куриб чиқишдан воз кечманг.

---

[1] Марсел Гросман.

...Ҳамкасабангиз Зеелигерга темпераменти (феъли) ярамас эканлигини айтинг. Унинг астроном Фрейндлихга юборган эътирозларини уқиб, ундан яна бир марта лаззатландим.

* * *

Чизиқларнинг аралашиб кетиши ҳақидаги саволнинг жавобига юлдузларни жалб қилишга имкон берувчи статистик усулни айнан Фрейндлих топганлигини унутмаслик керак. У ёмон хатоликка (зичликни аниқлашда) йул қуйганлиги учунгина умумий ишнинг аҳамиятини пасайтириб булмайди. Хатоларни туғрилаш мумкин ва улар ҳақиқатан ҳам вақт утиши билан тузатилади. Унинг моҳияти янги йулнинг очилишида: у шундай ётқизиладики, токи ундан утиш мумкин булсин.

Назаримда бундай имконият берилган. Мени умумий нисбийлик назарияси соҳасидаги интилишларимда қуллаб-қувватлаган ягона ҳамкасбим Фрейндлих булди... У замонавий астрономик асбоблар ёруғликнинг оғишини аниқлаш учун етарлича имкониятга эга эканлигини курсатди. Мен бу ҳақда купдан буён уйлаб юрган булсам-да, бунинг имконияти йуқ, деб уйлардим. Менга айнан астрономлар билан алоқа етишмасди.

* * *

Сизнинг спектр соҳасидаги тадқиқотларингиз физикадаги энг ажойиб кашфиётлардан бири ҳисобланади. Унинг шарофати билан Борнинг ғоялари мутлақо ишонарли булди. Бунда парвардигор қайси мурватлардан фойдаланишини билганимда эди...

* * *

Апрелнинг охирларида Планкнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш булади. Шу муносабат билан физиклар жамиятининг тантанали йиғилишида нурланиш ва квант назариялари ҳақида маъруза қилишга розилик бersангиз, ҳаммамизни хурсанд қилган булардингиз. Ҳали ҳеч қандай қатъий режамиз йуқ, аммо Сизни олдинроқ хабар-

дор қилиб қуйиш учунгина бу ҳақда ҳозир айтяпман. Ҳеч ким бу масалаларни сиздан кура яхшироқ билмайди; ва мен ҳам Планкни хурсанд қилиши мумкин булган ҳамма ишни қилиш керак, деб уйлайман.

Инерция ва тортишиш ўртасидаги ўхшашликни умумий нисбийлик назариясидан топиб булмайди. Материянинг метрик феъл-атвори (геометрия ва кинематика) жисмлар орасидаги узаро таъсир билан аниқланди; мустақил «фазовий хосса» мавжуд эмас. Бу билан амалда ҳаммаси айтилган. Шунингдек, берк фазо ҳақидаги гипотезасиз изчил назариянинг булмаслигига ишонаман.

* * *

Умумий нисбийлик назариясига бу ҳақдаги ишларимни урганиб чиққанингиздан кейин ишонасиз. Шунинг учун ҳам Сизнинг олдингизда уни ҳимоя қилиш мақсадида биронта ҳам суз айтмайман.

* * *

Тез-тез содир булаётган бемаъниликларга қарамасдан замонамиздан нимадир кутаётганлигим рост. Сайёрамиз сиёсий ва хужалик ташкилотлари эришаётган муваффақиятларни кураяпман. Агар Англия ва Америка бирлашиш учун етарлича маърифатлашса, эҳтимол жиддий урушлар умуман булмас. Шунда мен учун жирканч булган ҳарбий саноат ҳам аста-секин йуқолармиди?!

* * *

Бор яқинда менинг ҳузуримда булди. Унинг атом тузилиши ҳақидаги назарияси жуда катта муваффақиятларга эришди. Ундаги интуиция кишини ҳайратда қолдиради.

* * *

«Электрон муаммоси»га муносабатда пессимистман. Бунинг учун ҳозирча куриниш беришни хоҳламаётган янги ғоя зарур... Рюмелиннинг улими мени жуда қайғуга солди; мен ҳақиқатан ҳам ҳаёт билан шундай усулда хайрлашишга жуда яқин эдим.

* * *

Махнинг нисбийлик назарияси тарафдори эмаслиги мени ҳайратга солади. Ундаги фикр-мушоҳада жараёни айнан ушбу назария йуналишида ётади. У узининг инкор этувчи нуқтаи назарига қандай келганлигини билиш жуда ажойиб булар эди.

* * *

Талабалар ҳақиқатан ҳам қашшоқлашиб қолишди. Бироқ уларнинг (профессорларнинг ҳам) сиёсий феъл-атворлари асосан ҳукуматга қарши қаратилган булиб, бу нарса менга ёқимсиз, ҳатто ақлсизлик булиб туюлади. Зеро, аҳволнинг оғирлигига ҳозир ҳокимият юкини тортаётганлар эмас, балки, айнан ҳаммадан куп танқид қилаётганлар айбдор. Қарама-қаршиликни юмшатиш учун талабалар мунтазам равишда йиғилишлар утказсалар ва уларда барча партиялар тарафдорлари уз қарашларини баён этсалар, менинг назаримда жуда фойдали булар эди. Англосаксон мамлакатларда бундай тадбирлар сиёсий жиҳатдан жуда қадрланади, улар ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлайди.

* * *

Гарчи бошқача қарашларга эга булса-да, ҳалол инсон ҳурматга муносиб.

* * *

Мен гравитация ва электромагнетизм орасидаги узаро алоқадорликни аниқлашга ҳаракат қилиб, узоқ вақт азоб чекдим, энди эса буларнинг ҳаммаси беҳуда кетганлиги аниқ. Айланувчи электроннинг мавжудлиги ҳақидаги гояга эса бажонидил ишонаман.

* * *

Сезиларли натижаларга қарамасдан нисбийлик назарияси устидаги ишнинг умумий ривожи мени қаноатлантирмайди.

* * *

Немислар Европадаги яҳудий биродарларимни улдирганларидан кейин улар билан ва беозор академия билан ҳам умумий бирон-бир нарсага эга булишни хоҳламайман. Имкон қадар қатъият билан маҳкам турган алоҳида кишилар билан муносабат эса бутунлай бошқа масала.

АТОМ: ЗАРРАДАН БОМБАГАЧА

> «...Агар, қандайдир дунёвий фалокат туфайли инсоният яратган барча билимлар барҳам топсаю, келгуси онгли мавжудотларга фақат биргина жумла етиб борса, инсоният ютуқлари ҳақидаги энг куп маълумотларни етказа оладиган бу жумла қандай булар эди? Бу, шубҳасиз, атом назарияси булади: ҳамма жисмлар атомлардан тузилган, улар узлуксиз ҳаракатда булиб, кичик масофаларда узаро тортишадилар, лекин улардан бирон-таси бошқасига жуда ҳам яқин келиб қолса-узаро итаришишади».
>
> *Роберт ФЕЙНМАН*

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши тугаб, инсоният тинчтотув ҳает илинжида эркин нафас ола бошлаган бир пайтда башарият янги хавф-хатарга рубару келди — аввал АҚШда, сал фурсат утиб эса Совет Иттифоқида оммавий қирғин қуроли булган атом бомбаси яратилди. Иш шу билан тугамади: бу иккала мамлакат уртасида қуролланиш пойгаси авж олди ва ядровий давлатлар сони Франция, Англия ва Хитой ҳисобига бештага етди. Ҳозир дунёда бундай давлатлар сони туққизта булиб, охирги ун йилликда улар қаторига Ҳиндистон, Покистон, Исроил ва Шимолий Корея ҳам қушилди.

Узбекистон Республикаси уз мустақиллигининг илк кунлариданоқ узининг ички ва ташқи сиёсатини аниқ белгилаб олган булиб, бунда унинг ядровий қуролларга муносабати ҳам уз ифодасини топган. Мамлакатимиз ядровий қуролларни ишлаб чиқармаслик, сотиб олмаслик ва бошқа бир

давлатга тегишли шундай қуролларни уз ҳудудида жойлаштирмаслик мажбуриятини олган. Бундан ташқари, мамлакатимиз Марказий Осиёни ядросиз ҳудуд, деб эълон қилдики, бу унинг тинчликпарварлик сиёсатидан далолат беради. Бу мақолада шундай қуроллар яратилиши тарихига назар ташламоқчимиз.

Милоддан бир неча юз йиллар аввал Юнонистонда файласуф олимлар ҳар қандай модда, ҳар қандай буюмни майда бўлакларга бўлиш мумкинлиги ҳақида фикр билдирганлар: тошни талқон қилиб майдалаш, сувни эса сочиб юбориш мумкин — кейин у буғга айланиб кетади. Сув буғи шундай кичик нарсалардан иборатки, уларни оддий куз билан куриб бўлмайди. Моддаларни қайси даражагача парчалаш мумкин? Наҳотки улар чексиз парчаланаверса? Балки ҳеч қандай куч билан парчалаб бўлмайдиган қандайдир энг кичик зарралар бордир. Ҳеч ким ўз кўзи билан кўрмаган бундай майда зарраларни юнон олимлари атом деб аташни таклиф этдилар. Юнонча «атом» — бўлинмас, деган маъноні англатади.

Атом ҳақиқатан ҳам мавжуд, деб фараз қилинса, бу масалани осонгина ҳал қилиш мумкин, деган қарорга келишди кимёгарлар. Ҳар бир оддий модданинг уз атоми бор: углерод атоми кислород атомидан ҳам, кальций атомидан ҳам фарқ қилади ва умуман олганда, дунёда қанча оддий моддалар бўлса, шунча турда атомлар ҳам мавжуд. Кимёвий реакциялар содир бўлаётганида оддий моддаларнинг атомлари молекулаларга бирлашади. Молекулаларни уларни ташкил этган атомларга парчалаш мумкин, лекин атомларни кимёвий йўл билан асло парчалаб бўлмайди. Барча кимёвий ҳодисалар атом ва молекулалар ҳақидаги тушунчани жуда равшан изоҳлаб берди. Атом ва молекулаларнинг мавжудлиги тўғрисида энди ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ эди. Лекин, наҳотки атомни парчалаб бўлмаса? Модданинг бирон-бир заррачасини, ҳатто у жуда майда бўлганда ҳам, ҳеч бўлмаганда икки бўлакка бўлишнинг иложи бўлмаса?

Мана шунда физиклар ишга киришдилар. Ўтган асрнинг охирида улар атомга нисбатан деярли икки минг марта кичик бўлган майда зарралар борлигини кашф этдилар ва уларни электронлар, деб атадилар. Электронлар атомлар тарки-

бига киради, демак, атомларни парчалаш мумкин экан-да! Ҳақиқатан ҳам, кейинроқ физиклар атомнинг мураккаб тузилишга эга эканлигини исботладилар. Атомнинг маркази-да ядро жойлашган булиб, электронлар унинг атрофида гуё Қуёш атрофида сайёралар айланганидек айланади.

Лекин энг қизиғи ҳали олдинда эди. Атомларнинг ядролари ҳам булинадиган булиб чиқди. Атом ядроси протон ва нейтронлардан ташкил топган булиб, улар ядрода ниҳоятда кучли бириккан. Агар ядро парчаланса, жуда катта энергия ҳосил булади. Олимлар атом ядросини парчалаш йулини топдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошлари фан тарихига буюк кашфиётлар даври сифатида кирди. Атом физикаси эришган энг улкан ғалаба атом энергиясига эга булиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш булди. Атомнинг ички оламига илк маротаба разм солишдан унда жамланган энергияни олишгача булган ишлар бор-йуғи 50 йил ичида амалга оширилди. Афсуски, бу битмас-туганмас энергия манбаи эзгуликдан кура ёвузликка аввалроқ хизмат қилдирилди: илк атом электр станцияси иш бошлашидан аввал инсониятга қарши атом бомбаси қулланилди.

1932 йили Лоуренц яратган дунёдаги биринчи циклотрон ишга туширилди, Чедвик нейтронни, Андерсон эса позитронни кашф этди. 1939 йилнинг январида немис олимлари Ган ва Штрассманлар нейтронлар таъсирида уранни парчалашни кашф қилишди. Бу янгилик жуда куп олимларни қурқув аралаш ҳайратга солди, чунки атом бомбасини яратиш сари йул очилган эди.

1939 йилнинг 26 январида даниялик машҳур назариётчи физик Нильс Бор Вашингтон университетида маъруза қилади ва унда олимларга ядронинг булиниши ҳақида атрофлича маълумот беради. Унда иштирок этган физиклар оламшумул ишларни амалга ошириш олдида турганликларидан воқиф буладилар. Шу йилнинг февралида немис олимлари Фриш ва Мейтнерлардан янги илмий маълумотларни олган Нильс Бор уран элементи атом ёқилғиси булади, деган хулосага келади. Чунки, уран секин ҳаракатланаётган нейтронлар таъсирида парчаланади ва бунда жуда катта миқдордаги энергия ажралиб чиқади. 1942 йилнинг декабрида эса АҚШда

Э. Ферми раҳбарлигида дунёда биринчи ядро реактори ишга туширилади, бу билан эса атом бомбасини яратиш учун зарур булган шароитларнинг ҳаммаси амалда яратилади.

Шу даврда энг кузга куринган йирик олимлар, жумладан Нильс Бор дунёдаги сиёсий ва ҳарбий таъсири салмоқли булган давлатлар раҳбарларини атом энергиясидан фақат тинчлик мақсадларидагина фойдаланиш зарурлигига ишонтиришга ҳаракат қиладилар. «Бирон-бир давлат томонидан атом бомбасининг яратилиши, — дейди олим, — кучли давлатлар ортасида қуролланиш пойгасини келтириб чиқаради. Руслар ҳам яқин орада уз атом бомбаларига эга булишлари мумкин, шунинг учун уларни ҳам бу соҳада ҳамкорлик қилишга жалб этиш зарур». Олимнинг бу даъватига АҚШ президенти Т. Рузвельт қушилса-да, лекин Англия бош вазири У. Черчиль бу таклифни мутлақо рад этади.

Бордаги дунё тақдиридан ташвишланиш туйғуси бошқа олимларга ҳам ўтади. П. Вагнер ва Л. Сцилард каби атомчи физиклар томонидан АҚШ президенти Рузвельт номига ёзилган хатга мактуб муаллифларининг илтимослари билан А. Эйнштейн ҳам имзо чекади. Мазкур мактубда атом қуролидан назоратсиз фойдаланиш инсоният учун ҳалокатли оқибатларни олиб келиши мумкинлиги ҳақида суз юритилади. Унда дунёга эгалик қилиш даъвоси билан ёнаётган Гитлер бундай қуролга эга булмасидан аввал, уни АҚШда яратиш ғояси таклиф этилади. Шундан сунг Америкада атом бомбасини яратиш ишлари бошлаб юборилади.

Бироқ, иккинчи жаҳон урушининг ўрталарига келиб Германиянинг ҳеч қачон оммавий қирғин қуроли булган атом бомбасига эга булолмаслиги ва тез орада урушда мағлубиятга учраши муқаррарлиги маълум булиб қолди. Германиядаги ядровий объектларнинг унга қарши курашаётган мамлакатлар ҳарбий авиацияси томонидан мунтазам равишда бомбардимон қилиб гурилиши, шунингдек, немис олимларининг атом физикаси соҳасидаги уз кашфиёт ва ихтироларини фашистлардан сир тутганликлари ҳам бунга сабаб булди. Бундан ташқари, бани башарга нафрат кузи билан қараган Гитлер илм-фан қудратига эмас, балки немис халқининг жанговар руҳига купроқ ишонган.

1945 йилнинг баҳорида АҚШда атом бомбасини яратиш билан боғлиқ ишлар поёнига етай деб қолади. Бундан ташвишланган Нильс Бор президент Рузвельтга меморандум билан мурожаат қилади. Бироқ, президент бу мактубни уқишга улгурмайди — у 1945 йилнинг 12 апрелида кутилмаганда вафот этади. Трумен АҚШ президенти булади, у ақл-идрок даъватига қулоқ солишни истамайди. Аксинча, энди АҚШ давлати раҳбарлари ва ҳарбий саноат доиралари бундай қуролни дунёга ҳукмронлик қилиш ҳамда узларининг сиёсий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси, деб биладилар.

АҚШда атом бомбасини яратиш соҳасидаги ишлар жуда жадал равишда олиб борилди ва у уз поёнига етай деб қолди. Булажак бомбанинг конструкцияси ҳақидаги масала муваффақиятли ҳал этилди, мураккаб улчаш ва назорат ишларини амалга оширувчи юзлаб қурилмалар тайёрланди.

Ишлар уз поёнига яқинлашгани сари, бу махфий ишга алоқадор булган олимлар, муҳандислар ва ишчилар одамзод келажагидан шунчалик ташвишлана бошлашди. Олимлар энди узлари яратган нарсанинг қанчалик даҳшатли эканлигини нафақат англаб етишди, балки уни куриб ҳам туришарди. Уларнинг ақл-идроки, меҳнати ҳамда улкан сарф-харажатлар эвазига яратилган бу даҳшатли «шар» ҳар дақиқада ишга тушиши ва Ер юзидаги ҳаётни барҳам топтириши мумкин эди. Бомба ҳали синалмаган булса-да, лекин гаровга инсоният ҳаёти тикилганлиги аниқ эди.

Олимлар узларининг инсонпарварлик қарашларида ёлғиз эмас эдилар. Шоша-пиша учрашувлар ташкил этилади, мактублар ёзилади, ҳар хил таклифлар билдирилади. Бу ишлардаги махфийликни бекор қилиш ва инсониятга ҳақиқатни айтиш лозим эди. Ҳақиқат шуки, инсон ақли ва қули билан мисли курилмаган даҳшатли қурол яратилди ва бу қурол ҳеч қачон қулланилмаслиги зарур. Эҳтимол, одамлар фаолиятида ақл-идрок устуворлик қилар ва бир-бирларининг қулларини дустона сиқиб қуярлар? Эҳтимол тинч-тотув умргузаронлик қиларлар? Балки ушанда олимлар бошқаришни урганиб олишган бу улкан куч инсонлар фаровонлиги учун, келгуси авлодлар бахт-саодати учун хизмат қилар? Нильс Бор, Альберт Эйнштейн ва Л. Сцилард шундай уйларди. Лекин, АҚШ ҳар-

бий доираларида шундай деб уйлашармиди? У ердагилар ақлидрок даъватига қулоқ тутишармикан?

Ёвузлик ва эзгулик орасидаги бу курашда ёвузликнинг қули баланд келди. Бомбани 1945 йилнинг ёзидан кечиктирмай тайёрлаш ва ишлатишга қарор қилинди. Бундан ташқари, олимлар давлат арбобларини бундай хунрезликдан қайтаришга уринаётган бир пайтда АҚШ ҳарбий вазири Г. Стимсон Японияга атом бомбасини ташлаш режасини тасдиқлади. Бу режага кура Япония шаҳарларини бомбардимон қилаётган Америка ҳарбий ҳаво кучлари Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига ҳаво ҳужумларини амалга оширмаслик ҳақида буйруқ олишади. Бундан кузланган мақсад эса ушбу шаҳарларни бутунлигича сақлаш ва сунгра атом бомбасининг вайрон қилиш имкониятларини куришдан иборат булиб, уларни йуқ қилиб ташлаш олдиндан режалаштирилган эди.

Атом бомбаси яратиш билан боғлиқ ҳамма ишлар қилиб булинди. Бундай ҳолатда фақат тажрибагина асосий мезон булиши мумкин. 1945 йилнинг мартида учта бомба ясашга қарор қилинди: биттасини тажриба мақсадида портлатиш, қолган иккитасини эса Япония шаҳарларига ташлаш учун.

Тажриба «Гринити» деган шартли ном остида амалга оширилади. Бунинг учун эса Нью-Мексико штатининг жанубишарқидаги саҳро ҳудуди танланди. Май ойининг бошидаёқ бу ерга улчов асбобларини урнатиш учун юзлаб олим ва муҳандислар келишади. Бу гуруҳга ҳарбий мутахассислар ва атомчи физиклардан ташқари оптика, аэродинамика, геофизика, термодинамика каби соҳа мутахассислари ҳам киритилади.

Олимлар ва бошқа кишилар вақтинчалик яшашлари учун саҳрода ёғоч бинолар қад ростлади. Қумлик ва тошлоқликлар орқали минглаб километр узунликдаги кабел ўтказилди. Бир-биридан унлаб чақирим масофада портлаш кучини улчашга мулжалланган техник анжомлар урнатилди. Синов Потсдам конференцияси иш бошлайдиган кун —1945 йилнинг 16 июли эрталабки соат 4 га белгиланди ва муваффақиятли амалга оширилди.

Шу куни Американинг энг тезсузар крейсери «Индианаполис» Сан-Франциско портидан Тинч океанидаги Ма-

риана архипелаги томон йулга чиқади. Унга Япония шаҳарларига ташлаш учун мулжалланган иккита бомба юкланган булиб, уларни Тиньян оролига олиб бориш керак эди. «Индианаполис» Тиньянга июлнинг охирида етиб келади. Бу ерда иккита бомба йиғилади. Японияниинг Хиросима шаҳрига парвоз душанбага — 6 августга белгиланади ва уша куни эрталаб амалга оширилади. Саноқли дақиқалар ичида бутун бир шаҳар дузах олови ичида қолади. Орадан уч кун утиб, 9 августда Нагасаки шаҳрига нисбатан ҳам шундай хунрезлик амалга оширилади. Бу ҳужумлар оқибатида неча ун минглаб аҳоли қурбон булди, юз минглаб кишилар эса майиб-мажруҳ булиб қолдилар. Шу кунларда ушбу машъум воқеаларга 65 йил тулади.

Машҳур Манхеттен лойиҳасининг қатнашчиси — илк атом бомбасини яратганларнинг энг сунггиси Филип Моррисон 2005 йилнинг 22 апрелида 89 ёшида вафот этди. У 1942 йили плутоний олиш йулларини тадқиқ қилган. У Лос-Аламосга бориб, у ерда атом бомбасини йиғиш ишига раҳбарлик қилади. Кейинчалик эса Тинч океанида жойлашган Тиньян оролига бориб, у ерда Японияга аталган уша машъум бомбаларни йиққан.

Уруш тугаганидан сунг Моррисон Хиросима ва Нагасакида атом бомбаси қолдирган асоратларни урганиш учун тузилган махсус гуруҳ таркибига киритилди. У уз қилган ишидан ниҳоятда изтироб чеккан ва халқаро атом тадқиқотларини назорат қилиш кампаниясининг фаол қатнашчисига айланган. Олим сунгги кунларигача дунё халқларини тинч-тотув яшашга чақиришдан чарчамади.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Маълумки, Шарқнинг буюк мутафаккири Жалолиддин Румий инсоният маънавий ва интеллектуал тараққиётига муносиб ҳисса қушган шахслардан бири ҳисобланади. Яқинда мана шу ижодкор қаламига мансуб булган асар — «Маснавийи маънавий» китоби — у «форсий Қуръон», «Тасаввуф қомуси» ёки «Психоанализ буйича қулланма» ҳам дейилади — олти жилдда тулиқ узбек тилида нашр этилди. Румийнинг олти жилдлик «Маснавийи маънавий» асарининг узбек

тилида чоп этилиши миллий маънавий ҳаётимизда жуда катта воқеа булди. Бу йил дунё жамоатчилиги Румий тавал-лудининг 800 йиллигини нишонлаяпти. Яқинда эски қоғозларимни титкилаб туриб, қачонлардир бу закий инсон ҳақида ёзганим — эски ён дафтарчамни топиб олдим. Уни қайта варақлаб куриб, ундаги фикрларни бошқалар билан баҳам куриш фойдадан холи булмас, деган мулоҳазага бордим. Қолаверса, бу улкан мутафаккирнинг шахси ва ижоди купчиликни қизиқтириши табиий.

Жалолиддин Румий 1207 йилда ҳозирги Афғонистоннинг шимолидаги Балх шаҳрида таваллуд топади. Уша даврда бу ерлар Хоразмшоҳлар давлатига қарашли булган. Унинг отаси — Баҳауддин Валад жамиятдаги обрули шахслардан бири булиб, «уламолар султони» дея улуғланган ҳамда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида катта таъсир кучига эга булган.

Оила 1218 йили Балхни тарк этиб, ҳозирги Туркияга кетишга мажбур булади. Бунга Хоразмшоҳ ва Баҳауддин Валад уртасидаги келишмовчилик сабаб булди. Гап шундаки, Хоразмшоҳ қалтис бир вазиятда жамиятни фожиага олиб келиши мумкин булган учта жиноятни амалга оширади: аҳоли уртасида катта нуфузга эга булган шахслардан бири — шайх Нажмиддинни қатл эгтирди; Халифа ҳокимиятига қарши уруш бошлади; Чингизхоннинг мусулмон савдогарларини ва элчисини улдиртирди. Бу жаҳоннинг энг қудратли давлати булган Хоразмшоҳлар империясини муқаррар ҳалокатга олиб келади. Қизиғи шундаки, Баҳауддин Валад Чингизхон босқинини бир йил аввал башорат қилади. Бундай башоратгуйлик бу оила билан шоҳ саройи уртасидаги шундоқ ҳам совуқ муносабатни баттар таранглаштиради. Бу гапларни Румий шахсини англаш осон булиши учунгина айтяпман, холос. Асосий мақсад эса, Румий бир умр интилган ғоя — идеалларни билишдан иборат.

Хуш, Жалолиддин Румий ижодидаги бош ғоя нимадан иборат? Ҳар қандай диний-тасаввуфий таълимотларда булгани сингари унинг қарашларида ҳам худога булган муносабат биринчи уринда туради. Худони ақл билан билиб булмайди, омманинг озод булиш йули тафаккурнинг озод булиш йули билан мусовий эмас, дейди Румий. Куриниб

турибдики, аллома жисм озодлигидан ҳам кура онг ва тафаккур эркинлигини биринчи ўринга қуяди. Ҳақиқий ҳокимият одамлар устидан эмас, уларнинг қалби устидан қарор топади. Румий юрак — қалбни ақлдан устун қуяди. Ўзни билган худони ҳам билур, дейилади ҳадисларда. Румийнинг «худо билан муносабат ҳар кимсанинг шахсий иши булиши керак», деган даъватида ҳозир ривожланган дунёвий давлатлар қонунчилигида мустаҳкамлаб қуйилган ва инсонлар уртасидаги ижтимоий адолат ҳамда барқарорликнинг муҳим омилига айланган «Виждон эркинлиги» ғоясини куришимиз мумкин. Унинг наздида худо — бу инсон! Ҳажга бориб ҳам осийлигингча қолишинг ёки маҳалладан чиқмасдан туриб ҳам тақводор булишинг мумкин. Румийдан етти аср кейин яшаб, ижод қилган улкан ёзувчи Лев Толстойнинг «Иқрорнома» асарида шунга ухшаш фикрларга кузим тушди.

Румий ва унинг шогирдлари узларини суфийлар эмас, балки ошиқлар деб аташган. Улар учун билиш воситаси мантиқ эмас, муҳаббат булган. Румий учун севги — бутун борлиқни ҳаракатга келтирувчи куч. Усимлик ва ҳайвонлар ҳам сева олади. Лекин, ёлғиз тани билан. Фақат инсонгина ҳам жисми, ҳам ақли, ҳам хаёли, ҳам хотираси билан севади.

Шуни таъкидлаб утиш керакки, мусулмон жамиятида аёлларнинг узларига муносиб мавқени эгаллашларида Румий қарашлари муҳим роль уйнади. «Инсон аёлга муҳаббат қуйиш билан уз моҳиятини, яъни инсонлик моҳиятини англаб етади, — дейди Румий. — Инсоннинг аёлга булган муносабати унинг табиатга булган муносабати кабидир». Бошқа тасаввуфий таълимотлардан фарқли улароқ Румий қарашларига аёлларнинг ҳам эргашганлигини шу билан изоҳлаш мумкин.

Суфийлар идеалист булганлари ҳолда монизм нуқтаи назарида туриб, оламнинг бирлигини эътироф этишган, яъни диалектикани тан олишган. Олам билан уйғун булишга чексиз ташналик — Жалолиддинни ҳаракатга солувчи куч мана шу эди. Ҳозирги замон фанида энг фундаментал илмий таълимот булган нисбийлик назариясининг асосида ҳам оламнинг узаро уйғунлиги ётади. Табиийки, билишда икки хил даража — мантиқий ва ҳиссий билиш мавжуд. Ҳозирги замон мантиқ илмида ва фалсафада аввал ҳиссий билиш, кейин

эса мантиқий билиш келади, деб ҳисобланади. Суфизмда ҳиссий билишга катта эътибор берилган.

Румий узини узи идрок қилиш ва узини узи камолга етказиш йўлини уч босқичга булади: шариат, тариқат ва ҳақиқат. Шариат — Қуръон ва ҳадисларда айтилган қоидаларни бажариш, яъни тайёргарлик даври. Тариқат босқичида муридлар уз пирлари — муршидларга итоат этиши, уз шахсий истакларидан воз кечиши шарт. Мурид — уз измини узгага топширган киши. Бу босқичдан ўтганлар энг юқори босқич — ҳақиқатга кутариладилар, бунда коинотнинг бирлиги Худода мужассам булиши, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлиги ақл билан эмас, қалб билан англаб етилади. Ҳақиқат босқичида зоҳид шахс сифатида тугаб ҳақиқатга — Худога етишади, унга сингиб кетиб, абадийликка эришади. Суфийлар ақлий мушоҳада ортида тағин бир мушоҳада бор, деб ҳисоблашади, уни илми ғайб, деб аташади. Фақат илми ғайб воситасида инсоннинг моҳияти очилади. Румийнинг шогирди Шамсиддин Табризий тили билан айтганда «Узини ўзи билган инсон ҳамма нарсани билгай. Сен самовий ва заминий икки оламга баробарсан. Аммо ўз баҳойингни билмасанг — начора?!»

Румий ҳақиқатга эришиш босқичларини образли қилиб қуйидагича тушунтиради: шариат: «менга айтишган: оғу заҳарлайди, олов куйдиради»; тариқат: «мен оғунинг заҳарлашини ва оловнинг куйдиришини уз кузим билан кўрдим»; ҳақиқат: «мен узим оғу ичиб, оловда ёниб курганман».

Ҳақиқатга етган суфий «ориф» деб аталади. Тасаввуф намояндалари интуиция — савқи табиий йули билан мутлақ ҳақиқатни билиш мумкин, деб ҳисоблашади. Суфийлар ҳақиқат босқичида ўз руҳий ҳолатларини шу даражага етказишардики, уларнинг онги мушоҳада объекти билан қоришиб кетарди. Бу ҳолни олим ва ёзувчилардаги кашфиёт ҳамда ижод жараёнидаги руҳий ҳолатга қиёслаш мумкин. Суфийлар ҳақиқатга утишда ҳиссиётни маънавиятга айлантиришга ёрдам берувчи психофизиологик ҳодиса — сублимациядан самарали фойдаланишган. Шунингдек, улар очликни ҳикмат хазинасининг калити, деб билишган. Ҳозирги замон Ғарб социологиясида ҳам «дунёни очлик бошқаради», деган қарашлар мавжуд.

Румий шахсияти камолотида тасаввуфнинг улуғ намояндаси Фаридиддин Аттор ҳамда шоир ва шайх Шамсиддин Табризийларнинг урни катта. Румийнинг узи «агар Аттор менга руҳ бахш этган булса, Табризий тилсим калитини тутқазди», деган эди. Румий ижоди асосан илоҳий ишқ билан боғланган. У узининг барча асарларида еру кукнинг соҳиби бўлмиш Аллоҳ ва унинг заминдаги халифаси Ҳазрати инсонни улуғлайди. «Маснавийи маънавий»да Қуръони карим ва Ҳадиси шариф маъноларини узига сингдирган, инсон ҳаёти билан боғлиқ барча масалалар бадиий йусинда баён этилган. Олти дафтардан иборат асарнинг дастлабки қисмларини адибнинг шогирди Ҳисомиддин Чалабий устози оғзидан ёзиб олиб, таҳлилдан ўтказган. Чалабий вафотидан сунг муаллиф асарнинг давомини ун йилда ёзиб тугатади. Румий ижодидаги бош ғоя — бу Комил инсон. Румийнинг устози Шамсиддин Табризий тили билан айтганда: «ҳамманинг юзи Каъбага угирилган. Каъбани олиб қуйсанг, маълум буладики, одамлар бир-бирларининг қалбига сиғинур — бирининг қалби бошқаси учун саждагоҳ. Менга кофирни курсат, мен унга сажда қилай!»

Мақсад — инсон. Лекин, уз тирикчилиги билангина банд булган инсон эмас. Балки мукаммал инсон. Табризий наздида уз-узини англаган ва уз-узини унутган инсонгина Комил инсон. Комил инсон — оламнинг гултожи! Узини узи англаган ва узини-узи унутиб, дунё билан бириккан инсон тангрига баробардир! Европада Зигмунд Фрейд ишлари туфайли психоанализ йигирманчи асрда пайдо булди. Румий эса ун учинчи асрдаёқ инсон руҳиятини тадқиқ қилиш билан шуғулланди.

Иккинчи фасл

ТАФАККУР МАНЗАРАЛАРИ

ДАҲОЛИК СИРЛАРИ

Унинг сену мендек шоирлари куп,
Бундай элга энди даҳолар керак.

Эркин ВОҲИДОВ

Инсон онги билан боғлиқ ва ҳозиргача ҳал қилинмаган масалалардан бири — бу даҳолик муаммосидир. Даҳолик нима ва уни қандай омиллар билан изоҳлаш мумкин? У юксак даражада ривожланган қобилиятми ёки баъзи бир кишиларгагина бериладиган Аллоҳнинг марҳаматими?

Узбекистон миллий энциклопедиясида даҳога «фавқулодда кучли ақл, хотира ва ижодий истеъдод, билим савияси жиҳатидан уз давридан илгарилаб кетган шахс» деб таъриф берилган. Шубҳасиз, даҳолик — ноёб ҳодиса. Иммануил Кант даҳоликни табиатнинг туҳфаси, деган эди. Олимлар ҳар миллионта янги туғилаётган чақалоқларга битта даҳо туғри келишини ҳисоблаб чиқишган. Агар, жамият ҳаётида юз берадиган баъзи бир чекловлар ва йуқотишларни эътиборга оладиган бўлсак, бу нисбат ўн миллионга бирни ташкил этади. Албатта, бу қупол арифметика. Реал ҳаётда эса, даҳолик бундан ҳам ноёброқ, тақчилроқ эканлигига гувоҳ буламиз. Туғма даҳо эртами ёки кечми маълум шарт-шароитлар булганда очилади. У қанчалик эзилса ва қаршиликка учраса ундаги фавқулодда истеъдод қирралари шунчалик куп намоён булади. Ҳар доим даҳолар онгу шуурини қандайдир улуғвор ғоялар эгаллаб олади ва уларнинг ҳаёт мазмунига айланади. Мазкур ғояларни амалга ошириш йулида ҳеч бир нарса уларга тусиқ булолмайди.

Баъзи бировлар даҳоликни жуда юксак даражадаги ижодкорлик ҳолати, деб ҳисоблашса-да, аммо ижодкор шахсларнинг узлари уларда ижодий ғоялар қандай пайдо булишини ҳар доим ҳам тушунтириб беролмайдилар. Бюффон даҳоликни жуда катта сабр-бардош, дея таърифласа, Уордсверт уни бирон-бир янгилик яратишда куради. «Даҳоликнинг ибтидоси ва интиҳоси, — дейди Гёте, — ҳақиқатни

севиш ва унга интилишдадир!». Шопенгауэр назарида «даҳолик — бу хусусийда умумийни кура олиш лаёқати». Карлейл эса даҳоликка қийинчиликларни енгиб утишнинг ғайриоддий воситаси сифатида қараган. Оксфорд луғатида даҳоликка қуйидагича таъриф берилган: «Даҳо — бу табиатнинг фавқулодда юксак даражадаги интеллектуал кучи булиб, у хаёл, оригинал тафаккур, ихтирочилик ва кашфиётчиликни тақозо қилувчи юксак даражадаги ижодий қобилиятда намоён булади».

«Даҳо» тушунчаси инсоннинг ижодий лаёқатини ифодалаш учун, шунингдек, унинг у ёки бу соҳадаги самарали фаолият юритишига нисбатан туғма қобилиятини назарда тутувчи фаолият натижаларини баҳолаш учун ҳам қулланилади. Даҳо истеъдоднинг юксак даражаси булган талантдан шуниси билан фарқ қиладики, у сифат жиҳатидан бутунлай янги қадриятлар яратади. Шунинг учун ҳам оригиналлик — даҳоликнинг энг асосий хусусияти ҳисобланади. Таниқли рус ёзувчиси И.С. Тургенев «Белинский ҳақида хотиралар» номли мақоласида узига замондош ва дуст булган машҳур рус танқидчиси В.Г. Белинскийнинг ижодий портретини маҳорат билан тасвирлаб берган. Муаллиф инсон ва ижодкор Белинскийдаги камчиликларни курсатишдан истиҳола қилмайди. И.С. Тургенев дустининг яхши маълумот олмаганлигини, айтайлик, рус тилидан бошқа биронта ҳам тилни билмаслигини, ҳатто Россия тарихидан ҳам бехабар эканлигини, жисмоний жиҳатдан эса касалманд ва ташқи куриниши хунук булганлигини таъкидлаб туриб, уни даҳо шахс деб баҳолайди. И.С. Тургенев ҳақ эди, чунки В.Г. Белинский ҳали ҳеч ким қилмаган ишни қилди — рус танқидчилигида мактаб ярата олди.

Даҳо ҳеч қачон ҳеч кимдан нусха кучирмайди — у ҳар доим ижод маҳсули сифатида янги булади. Даҳонинг фаолияти уз ижоди учун озуқа оладиган инсоният жамиятининг муайян бир тарихий-ижтимоий муҳитида кечади. Қуйидаги формула даҳо билан талантни бир-биридан аниқ ажратиб беради: «Даҳо қилиши зарур булган ишни, талант эса уддалай оладиган ишини амалга оширади».

Даҳолик илҳом ҳолати билан изчил боғлиқликка эга. Илҳом даҳо инсоннинг онгу шуурида, руҳиятида пайдо бу-

лади, аниқроқ қилиб айтсак, у даҳога Худо томонидан берилади. «Даҳо, — дейди Отто Вейнингер, — бу ҳеч нарсани урганмай туриб, ҳамма нарсани биладиган инсон». Ҳозиргача яшаб утган ва биргина Европа ҳамда Шимолий Америкада тан олинган даҳоларнинг сони 400—500 тани ташкил этади. Табиийки, уларнинг умумий сони бундан ҳам куп.

Даҳоликка қандай хусусиятлар хос? Купинча даҳонинг фикрлари аҳоли томонидан мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилинади. Нажмиддин Кубро — даҳо эди. Шунинг учун ҳам Чингизхон уни очиқчасига маҳв этолмади. Чунки, Куброга халқнинг эътиқоди юқори эди. Даҳо оддий халқ тасаввурида — қобилиятлари фавқулодда ривожланган инсон. Яъни, у яхши хотирага, фавқулодда ривожланган тафаккурга, юксак даражада шаклланган ҳиссиёт ва сезгиларга эга. Баъзи бир ёзувчилар даҳоларни ҳозирги башарият урнига муқаррар равишда келадиган янги ирқнинг биринчи вакиллари сифатида тасвирлашга ҳаракат қилашаяпти. Уларнинг назарида, даҳо оддий одамдан органик даражада ҳам фарқ қилади. Бундай ёндашувнинг нотуғрилигига даҳоларнинг узлари яхшигина далил булаолишади — маълум булишича, улар биологик жиҳатдан оддий одамлардан ҳечам фарқ қилишмас экан.

Даҳолик муаммоси буйича олиб борилган изланишлар бу ҳодисанинг баъзи бир жиҳатларини тушуниб олиш имконини берди. Даҳоларда куз билан куриб идрок қилиш лаёқати яхши ривожланган. Куз, ҳар қандай инсонда булгани каби, даҳо учун ҳам асосий ахборот олиш воситаси ҳисобланади. Аристотелнинг фикрича «фикрловчи инсон шаклни образларда тасаввур қилади». «Олимлар ҳам, — дейди Галилей, — формулалар билан эмас, балки оддий одамларга ухшаб образлар воситасида фикрлайдилар». Эйнштейн узидаги образларни шакллантириш лаёқатини ижодкорлик фаолиятининг манбаи, деб ҳисоблаган. Маълум булишича, инсон онгида қайта ишланадиган ахборотларнинг 80 фоизи куз орқали утар экан. Сезги органлари уртасидаги узаро алоқадорликнинг юқорилиги ҳам даҳоларни бошқалардан ажратиб туради. Даҳо инсонлар ҳамма сезги органларидан юксак даражада фойдаланишга мойил буладилар. Бу эса уларга воқеликни ва айниқса узлари урганаётган ҳодисаларни туғри ҳамда барча тафсилотлари билан тулалигича идрок этишга

ёрдам беради. Шунингдек, даҳолар мақсадга эришиш учун бир неча режалардан фойдаланишади. Даҳо купинча унгача ҳеч ким фойдаланмаган йуллар очилиши билан дунёга келади. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси уз моҳиятига кура воқеликка нисбатан турлича нуқтаи назарлар туқнашувининг натижаси ҳисобланади. Воқеликка нисбатан бутунлай янгича ва оригинал ёндашувларни топиш — даҳоликнинг умумий стратегияси ҳисобланади. Бундан ташқари, даҳо воқеликни турлича нуқтаи назардан идрок қила олиш қобилиятига ҳам эга. Бунда уларга турлича қарашларни бир-бири билан узаро қиёслаш лаёқати ёрдам беради. Улар узларидаги мавжуд фараз ва тахминлар доирасидан ташқарига чиқа олишади. Бу эса вазиятни холисона баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Улар тафаккурнинг бир поғонасидан бошқасига осонлик билан ута оладилар. Айнан мана шу қобилият даҳога воқеликни умумий тарзда тасаввур қилишдан унинг майда деталларини идрок қилишга утишга имкон беради. Даҳолар ҳеч бир нарсани эътибордан четда қолдирмайдилар — улар учун майда ва иккинчи даражали нарсаларнинг узи йуқ. Шунинг учун ҳам даҳо воқеликни бутун тафсилотлари билан бир бутунлигича идрок қилади. Эйнштейн яратмоқчи булган майдоннинг ягона назарияси борлиқдаги ҳамма — атомдан космосгача булган физикавий ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни топишга қаратилган эди. Даҳонинг тафаккурида воқеликдаги муайян ва мавҳум ҳодисалар уртасидаги алоқалар доимо акс этиб туради. Даҳолар мавҳум моделлардан уларни моддийлаштиришга ва яна мавҳум — гаҳайюлий реалликка қайтадан осонлик билан утишади. Улар уз асарларини руҳий ҳолатлар ва физик реаллик ўртасидаги доимий алмашувлар шарофати билан яратадилар. Мавҳум образлар ва уларнинг реал шакл-шамойиллари орасидаги доимий алоқадорлик таъсирида уларнинг иккаласи ҳам такомилланшиб, сайқаллашиб боради. Эйнштейннинг фикрича, «назария биз сезги органларимиз воситасида эгаллайдиган тажрибаларимизга четдан назар ташлаш имконинигина беради, холос».

Даҳоларнинг онгида тафаккурнинг хаёлпарастлик, реалистлик ва танқидчилик функциялари ўртасида доимо мувозанат мавжуд булади. Буни даҳоликнинг энг асосий унсу

ри, деб айтса булади. Даҳолар нафақат утакетган хаёлпарастлар, балки орзу-истакларини муайян бир шаклда амалга оширишга ҳамда уларнинг амалдаги татбиқига нисбатан танқидий муносабатда булиш лаёқатига ҳам эгалар. Даҳо учун орзуларга берилиш қанчалик муҳим булса, уз ғояларига нисбатан танқидий мушоҳада юритиш ҳам шунчалик катта аҳамиятга эга. Ушбу мувозанатдаги энг муҳим жиҳат — танқид орзуни бутунлай йуқ қилиб ташламаслигини таъминлашдан иборат. Фрейдча «Ид», «Эго» ва «Супер Эго» билан даҳолар тафаккуридаги хаёлпарастлик, реалистлик ҳамда танқидчилик ўртасида жуда куп ухшашликлар мавжуд. Даҳолар инсоният ҳаёти учун энг муҳим аҳамиятга эга булган глобал масалаларни кун тартибига қуя олишлари билан ҳам ажралиб туришади. Улар учун жавоблардан кура саволлар купроқ аҳамиятга эга. Ута қизиқувчанлик ва ҳиссиётлар жушқинлиги ҳамма даҳоларга хос булган сифат ҳисобланади. Улар шахсий муваффақиятсизликни фожиа сифатида эмас, балки кейинги изланишлар соҳаси сифатида қабул қилишади. «Муваффақиятсизлик, — деган эди бир ихтирочи, —бу шунчаки муаммонинг бошқача ечими, холос». Омадсизлик — муваффақиятли ечим учун трамплин. Дисней мазкур ҳолатни ифодалаб шундай деган эди: «Мен изланишим ва тажрибалар утказишим зарур... Узимдаги тасаввурнинг чекланганлиги мени изтиробга солади».

Булардан ташқари, даҳолар киноя ва ухшатишлардан ҳам уз ўрнида фойдаланишга моҳир булишади. Ҳар бир доҳиёна хатти-ҳаракат ёки мушоҳада асосида киноя ва ухшатишлар ётади. Киноя воқеликнинг суз билан ифодалаш мумкин булмаган ички — куздан яширин қисмларига назар ташлаш имконини беради. Бу жабҳада фан тарихидаги энг ҳайратомуз ғоя — нисбийлик назариясининг асосчиси Эйнштейн ҳамма даҳоларни ортда қолдиради: «икки улчамли борлиқнинг текис дунёси», «шар устида юриб бораётган кур қунғиз», «фикрнинг энг зур мусиқийлиги», «парвардигор қайси мурватлардан фойдаланишини билганимда эди».... Алломадаги киноягуйлик маҳорати унинг яқинларига ҳам утган чоғи — ҳикоя қилишларича, утган асрнинг 30-йилларида Эйнштейн рафиқаси билан Маунт-Вилсондаги обсерваторияга ташриф буюради ва у ерда олимнинг рафиқасига ул-

кан телескопни курсатишиб, «унинг ердамида олимлар коинот сир-синоатлари бағрига кириб боришади», деб тушунтиришади. «Қаранг-а! — дейди бундан ҳайратланган Эйнштейн хоним, — менинг эрим бунақа ишларни эски конвертларнинг орқасига ҳар хил формулаларни ёзиш билан амалга оширади». Умуман даҳоларнинг киноя ва қочиримларини кимдир, қачондир бир жойга жамлаб, урганса ажаб эмас. Бу ҳам даҳоликни тушуниш йулида бир восита булишига шубҳа йуқ. Чунки уларнинг ортида жуда катта ижодкорлик салоҳияти ва фикрни ифодалаш маҳорати яширинган. Сал аввалги фикримизга қушимча қилиб шуни айтиш мумкинки, роботлар ихтирочиси Тесла темир одам яратиш ҳақидаги ғоясини узининг асаб тизими иши билан солиштириб куриш орқали шакллантирган эди.

Ва ниҳоят, даҳо амалга ошираётган ишини уз шахсиятидан устун қуяди, яъни узининг улуғвор мақсадлар учун хизмат қилаётганлигига ишонади. «Менга, — деб ёзган эди Леонардо да Винчи, — бошқаларга қараганда беҳаловатроқ ва қашшоқликда ҳаёт кечиришга туғри келса ҳам, муъжиза яратишни хоҳлайман». Тесла узининг куриш қобилиятини «кичик дунё буйлаб саёҳат қилиш учун» ривожлантирган эди. Эйнштейн эса, «агар ортида жонли руҳ турмас экан, ҳар қандай усул яроқсиз булиб қолаверади» дейди. Буюк олим узининг нима учун физика билан шуғулланишининг сабаблари ҳақида шундай деб ёзган эди: «Мен парвардигорнинг фикрларини билишни хоҳлайман, қолгани — арзимас нарса».

Тарихан ноёб ҳодиса булган даҳолик, уни юзага келтирувчи сабаблар, унга хос булган хусусиятлар ҳамда унинг ижтимоий қадри ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, шу уринда таниқли психолог олим А.Р. Лурияниинг уз ишлари билан дунё психология фанида катта мактаб яратган аллома Л.С. Виготский ҳақида айтган қуйидаги фикрларини келтириш ўринли булади: «Л.С. Виготскийни ҳеч бир муболағасиз даҳо деб аташ мумкин. Узимнинг эллик йиллик илмий фаолиятим давомида ақл-идрокининг тиниқлиги, мураккаб муаммолар моҳиятини кура олиш лаёқати, куплаб фан соҳаларини чуқур билиши ва психологиянинг кейинги ривожланиш йулларини башорат қила олишига кура унга

қандайдир даражада яқинлашган бошқа бирон-бир инсонни учратмадим». Ушбу тавсифдан даҳога хос булган (1) ақлидрокнинг тиниқлиги, (2) мураккаб муаммолар моҳиятини кура олиш лаёқати, (3) нафақат уз касбий фаолиятини, балки бошқа соҳаларни ҳам яхши билиши, (4) уз фаолият соҳасининг кейинги ривожини башорат қила олиши сингари умумий хусусиятларни ажратиб курсатиш мумкин.

Энг аввало, даҳо — бу зиддиятлар маҳсули! Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, илмий ва бошқа муаммолар кескинлашган вақтда жамият бағридан даҳолар етишиб чиқади. Масалан, ун туққизинчи аср адоғида табиатшунослик фанларида пайдо булган зиддиятлар Европанинг Германия, Англия, Франция, Дания ва Италия каби мамлакатлари аҳолиси орасидан бир вақтнинг узида унлаб даҳоларни етиштириб чиқарди: Эйнштейн, Планк, Резерфорд, Томсон, Бор..., бу руйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Шуни айтиб утиш керакки, улуғвор муаммо ва зиддиятларнинг мавжудлигигина даҳолик учун етарли эмас. Бунинг учун яна истеъдод ва шу истеъдод озиқланадиган муҳит-макон ҳам зарур булади. Буни қисқача қуйидаги формула — алоқадорлик куринишида ифодалаш мумкин: даҳо = замон + макон + истеъдод. Агар, Эйнштейндаги истеъдод илм-фандаги инқироз (замон) ҳамда уша вақтдаги адабиёт, санъат, техника, фалсафа ва айниқса, аниқ фанлар юксак даражада ривожланган, шунингдек, юқори даражада маърифатлашган Европа ижтимоий муҳити (макон) билан уйғунлашмаганда Эйнштейн даҳоси ҳеч қачон порламаган булар эди. Ёки, жаҳон бадиий тафаккури ривожига мислсиз катта ҳисса қушган даҳо ижодкор Алишер Навоийни олайлик. Агар, ёш Алишерда Худо берган истеъдод булмаганида ва бу истеъдод Ҳирот адабий муҳитида ҳамда Ғиёсиддин хонадонида эмас, айтайлик, бошқа бир музофотда ва узга бир хонадонда дунёга келганида, шунингдек, унга уз замонасидан юз йил олдин ёки эллик йил сунг умргузаронлик қилиш насиб қилганида ҳам, туркий халқлар ва умуман башарият каттагина бадиий-маънавий меросдан маҳрум булар эди.

Яна бир нарса — даҳолик доимий ҳодиса эмас. Энг зур истеъдод соҳиблари ҳам маълум бир ёш даврларида ва маъ-

лум бир ҳолатларда — илҳом юксак даражада жуш урган кутаринки вазиятлардагина даҳолик намоён этишган. Эйнштейн 25 ёшларида энг буюк кашфиётларини амалга оширди. Шуни алоҳида таъкидлаб утиш зарурки, даҳолик куп нарсани билишни англатмайди! Маълумки, А. Эйнштейн оддий нарсаларни билмаслиги билан бошқаларни ҳайратга солган.

Уз моҳият-эътибори билан ижтимоий-интеллектуал ҳодиса булган даҳоликнинг яна бир узига хос хусусияти шундан иборатки, гарчи у фаолиятнинг маълум бир соҳасидагина оламшумул ишларни амалга оширган булса-да, инсоният ҳаётининг турли томонларига, айниқса, маънавий-ахлоқий ва сиёсий жараёнларга кучли таъсир курсатади. Оммада мамлакат, минтақа ва жаҳон миқёсида кечаётган ҳодисаларга нисбатан «даҳо нима дер экан?» қабилидаги тамойил устуворлик қилади. Таъбир жоиз булса, бани башар воқеликка узига замондош булган даҳо инсонлар нигоҳи билан қарашга мойил булади. Утган асрнинг уттизинчи йилларида Германияда ҳокимият тепасига келган фашистлар Эйнштейнни узларининг наздида энг олий ирқ булган немис миллатининг душмани деб эълон қилиб, сиртдан улимга ҳукм қилишади. Фашизмни чучитган нарса машҳур олимдаги ақл-идрокдан ҳам кура, унинг дунё аҳолиси ижтимоий фикрига ва сиёсатига курсатадиган таъсири эди. Маълумки, аллома наинки фашизмни, балки ҳар қандай зуравонлик ва адолатсизликни қоралайди.

Туғри, даҳолар ҳам хато қилади. Лекин, бу хатолар, номаълум манзил сари суқмоқ йул буйлаб бораётган йуловчи томонидан содир этиладиган хатолик каби, юксак тараққиётга туртки буладиган илғор ғоялар муҳитида беихтиёр юз берадиган янги хатоликлар ҳисобланади. Оддий одамлар эса, утган авлодлар ва узлари йул қуйган эски хатоларни такрорлаш билан овора булишади. Даҳолар йул қуядиган ҳар бир хатолик, бошқа бир хатоликни англаб етиш учун туртки булади. Инсоният тарихидаги жуда куп кашфиётлар хатоларни тузатиш жараёнида яратилган.

Даҳо қандай сабабларга кура муайян бир давр ва мамлакатда (жойда) дунёга келади? Бу саволга биология, психология, тарих ва эзотеризм таълимоти турлича жавоб беради.

Биология, аниқроғи, генетика даҳоликни ирсият билан боғлайди. Бу ҳақдаги статистик маълумотлар юксак истеъдодли кишиларнинг 70 фоизидан купроғи аҳолининг маънавий ва интеллектуал жиҳатдан урта табақасидан чиққанлигини курсатади. Лекин, уларнинг жуда куплари ёлғизликда ҳаёт кечиришган. Шунинг учун булса керак, инглиз мутафаккири Бекон «фақат суққабошларгина буюк ишларга қодир буладилар» деган эди. Бу эса даҳоликнинг ирсий йул билан берилишини, агар у бор булса, узиб қуяди. Купгина даҳоларнинг оилавий ҳаётлари бахтдан мосуво булган ва бундай оилаларда бошқаларга қараганда камроқ фарзандлар дунёга келган. Даҳолар ҳар доим ҳам замондошлари томонидан эъзозланган эмас. Масалан, ноевклид геометриянинг асосчиларидан бири, машҳур рус математиги Лобачевский тириклигида қадр топмайди. Узоқ йиллар Қозон университетига ректорлик қилган бу доно инсон, қариликда қашшоқлик ва хору зорликда умргузаронлик қилади. Унга замондош олимлар ҳам Лобачевский кашфиётининг моҳиятига етишмайди. Баъзи бировлар яна ҳам ҳадларидан ошишади — олимни ақлдан озганликда айблашади.

Даҳоларнинг сулолалари, асосан, эркак зурриёти буйича нисбатан тезроқ барҳам топган. Уларнинг фарзандларидан куп ҳолларда машҳурлар чиқмаган, баъзан эса бундай оилаларда ақли заиф болалар дунёга келган. Шунинг билан биргаликда баъзи ҳолларда даҳоликнинг кейинги авлодларга утганлигига гувоҳ булишимиз мумкин. Масалан, темурийлар сулоласи инсониятга Амир Темур, Улуғбек ва Бобур сингари даҳоларни берди. Машҳур немис психологи Э. Кречмер «ҳақиқий даҳо ирсий йул билан авлоддан-авлодга мунтазам равишда мустаҳкамланиб борадиган истеъдодлиликдан фарқли равишда танҳо булиб, ирсий йул билан берилмайдиган феномен сифатида пайдо булади», деб ҳисоблаган.

Даҳолар муайян бир миллат ва халққа мансуб аҳоли сонига боғлиқ булмаган ҳолда тасодифий равишда тақсимланади. Узидаги даҳолик иқтидорини юзага чиқариш эса бошқа масала — бу ерда энди генетик механизмлар эмас, балки ижтимоий шарт-шароит устуворлик қилади. Одамлар орасида даҳоликнинг ирсиятга боғлиқлигига булган ишончнинг юқорилигини шундан ҳам билса буладики, АҚШда Нобель

мукофоти совриндорларининг спермаларини консервация қилиш учун сармоя йиғиш тадбири утказилган. Ваҳоланки, бундай инсонлардан даҳолар дунёга келишини асословчи далиллар йуқ.

Сунгги вақтларда генетика фанида инсондаги у ёки бу биологик ҳамда хулқ-атвор белгиларига жавоб берувчи генларни аниқлаш устида тадқиқот ишлари кенг суратда олиб борилмоқда. Биргина 1999 йилнинг узида оналик инстинкти, шафқатсизлик, оғриқни сезувчи, тутқаноқ, артрит, сифилис, ирсий карлик, қурқув, уз жонига суиқасд қилиш, кашандалик ва хотира генлари кашф қилинди. Купгина олимлар даҳолик генини аниқлаш устида илмий изланишлар олиб боришаяпти. Агар шундай ген топиладиган булса, инсоният ҳаёти кескин узгаришларга юз тутиши аниқ. Ҳозир генетикада шундай бир нуқтаи назар мавжудки, унга кура Улуғбек ва Эйнштейнларнинг туғилишига сабабчи булган қандайдир яккаю ягона ген мавжуд эмас, балки маълум бир тартибда жойлашадиган генлар ва генетик дастурлар бор, деб ҳисобланади. Айнан шу жойда — даҳоликнинг кейинги зурриётларга узатилиши масаласида куплаб саволлар пайдо булади. Зотан «даҳоларнинг фарзандларида табиат дам олади» кабилидаги, ҳақиқатдан унча узоқ булмаган қараш ҳам мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар даҳоликни куплаб авлодлар томонидан амалга ошириладиган генетик ва биологик узгаришларнинг ҳосиласи булса керак, деб тахмин қилишади. Яна бир нуқтаи назарга кура эса, даҳо илоҳий туҳфа саналади. Қадимги римликлар даҳони Олий Мавжудот, деб билишган. Римликлар наздида оддий инсонларнинг ҳаёти уларга боғлиқ булган. Зеро, фарзанднинг дунёга келишига, уларнинг катта булиб, ҳаёт йулини туғри танлашларига даҳолар сабабчи буладилар, деб ҳисобланган. Шарқ фалсафасида, хусусан будда таълимотида инсонда онг пайдо булиши билан жамоа эволюцияси якка индивид эволюциясига айланган дейилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир инсон узидан даҳо яратишга қодир.

Эзотеризм таълимотига кура, табиатда баъзи бир кишиларни узлигидан, уз ҳузур-ҳаловатидан кечиб, бутунлай ижодга берилишга мажбур қилувчи қандайдир номаълум кучлар мавжуд. «Баъзан, — деб ёзади француз психологи

Г. Доли, — ҳатто даҳо ҳам узининг ақл чироғи ёритган уфққа назар ташлар экан, ҳайратдан ёқа ушлайди ва бу нарса унга юқоридан, куринмас илоҳий кучлар томонидан берилаётганлигига ишонади». Ижоднинг диний табиати ҳақида Н.А. Бердяев шундай деб ёзади: «Узидаги истеъдод ва даҳолик учун инсоннинг узи сабабчи эмас. Улар инсонга худо томонидан берилган... Шунинг учун ҳам даҳо узини гуёки худо томонидан маҳв этилгандай, яъни мустақил ҳаракат қилмаётгандай ва илоҳий ишлар учун бир воситадай ҳис қилади».

З. Фрейд психологияга сублимация тушунчасини олиб кирди. Бу тушунча тушкун ва муаммоли вазиятларда инсон руҳиятида пайдо буладиган зуриқишларни узининг куч ҳамда имкониятларини ҳаётий зарур булган фаолият соҳасига йуналтириш орқали йуқотишни англатади. Унга кура, инсон узидаги либидо, яъни жинсий энергияни тафаккурини фаоллаштиришга йуналтириш билан ижодий қувватини ошириши мумкин. Агар бу назарияга асосланиладиган булса, сублимация — бу даҳо ижодкорлигининг асосий руҳий механизми ҳисобланади.

Онгдан олдин келувчи онгсиз интеллект ғояси И. Фихте ва Ф. Шеллингларга тегишли. Ҳақиқатан ҳам, қандай қилиб инсон онгида фазонинг эгриланиши, вақтнинг квантланиши ёки йуқолиши, шунингдек, «қора ура»даги вақт ва фазо ҳақидаги ғоялар яратилиши мумкин? Нима учундир энг улуғвор ғоялар аввал кашф қилинади ва шундан сунггина ҳар томонлама исботланиб, тасдиқланади. Табиийки, бу ерда ҳақиқатга ақл билан етишиш ҳақида гап бораётгани йуқ. Шунинг билан биргаликда қандайдир мистик хаёлларга берилиш ҳам уринли эмас. Бунда гап инсон руҳиятига хос булган интуиция ҳодисаси ҳақида бормоқда. Ижод психологиясига доир адабиётлар билан танишиш шундан далолат берадики, онгнинг маълум бир узига хос — фавқулодда ҳолатларида интуиция юз беради. Бир хил вазиятларда муаммонинг охирги ечими инсон ухлаётганда ёки бетоблигида юз берадиган галлюцинация вақтида кутилмаганда пайдо булади. И. Ньютон, Б. Паскаль, Д.И. Менделеев ва В. Гейзенбергларга улуғвор кашфиётларнинг ечимлари уйқу вақтида аён булган. Маълумки, Д.И. Менделеев кимёвий

элементларнинг даврий жадвалини тушида курган эди. Бошқа бир ҳолатда эса улуғвор ғоя инсон миясида қуққисдан келадиган илҳом таъсирида пайдо булади. Купинча бундай ғояларнинг жамият томонидан қабул қилиниши учун ун йилликлар, баъзан эса ҳатто юз йилликлар керак булади. Бунга Левкипнинг атомистик назариясини, Берунийнинг «уммоннинг нариги томонида катта қуруқликнинг мавжудлиги» туғрисидаги башоратини ёки Анаксагорнинг ҳаётнинг дастлаб океанларда пайдо булганлиги ҳақидаги ғоясини мисол қилиб келтириш мумкин.

Даҳо шахслар ижодий фаолиятининг асосида узининг кулами ва воқеликнинг энг майда тафсилотларигача аниқ намоён булиши билан ажралиб турувчи идрок ётади, деб фараз қилиш мумкин. Йоглар устида тажрибалар олиб борган тадқиқотчиларнинг фикрларича, «уз онгининг маълум бир қатламларигача кириб бораолган инсон мия ёрдамисиз ҳам фикрлай олади... Мантиқий тафаккурдан қутула олмаган инсон номаълум шаҳарни пиёда кезиб урганаётган сайёҳга ухшайди. Вертолётда учаётган киши эса, бу шаҳарни бошқачароқ урганиш имкониятига эга булади».

Таниқли рус тарихчиси ва этнографи Л.Н. Гумилёв уз асарларида Ерга ташқаридан келадиган «импульс»ни англатадиган «пассионарлик» тушунчасини қуллайди: Ер космосдан биосферадаги мувозанатни сақлаб туриш учун зарур буладиганидан купроқ энергияни олади. Натижада сайёрамизда «пассионар туртки» ҳосил булади. «Пассионар туртки»ларнинг пайдо булиш вақти ҳар доим Қуёш фаоллигининг ошиш ва пасайиш даврларига туғри келади. Бу эса ионосферанинг ҳимоя қобилиятини пасайтиради. Натижада баъзи бир дағал нурлар Ер сиртигача етиб келиб, мутациялар ҳосил қилади. Пассионарлик инсонни фаоллаштиради, натижада унда даҳолик ва ҳаттоки, жиноятчилик каби турли-туман хусусиятларни ҳосил қилади. Пассионарлар узларини бир умрлик катта мақсадларга бағишлайдилар. «Даҳонинг мақсад йулида узини курбон қилиши» ҳақидаги ғояга Н.А. Бердяев ҳам мурожаат қилган: «Даҳолик — фожиали қисмат. У бизнинг дунёмизга сиғмайди ва қайсидир маънода унга ҳар доим омадсизлик йулдош. Жамият уни кераксиз бир нарсадай қабул қилади. Унинг ижоди куп ҳолларда тан

олинмайди... Шунинг учун ҳам даҳолик фақатгина фидойиликдан иборат».

Тарих ва социология нуқтаи назаридан эса даҳолик жамиятдаги талаб ва эҳтиёжлар маҳсули сифатида ижтимоий ҳаёт саҳнасига чиқади. Баъзи даҳоларнинг тирикликларидаёқ шон-шуҳратга бурканишлари, бошқаларининг аксинча, тан олинмаслигининг сабаблари ҳозиргача ҳам тула-тукис ўрганилган эмас.

Даҳолик уз-узича мавжудми? Ёки омма шундай шахсни орзу қилганлиги учун ҳам уни узи «яратиб», узи «тан олади»ми? Ижтимоий тарих шундан далолат беради: одамзод табиатан ҳар доим даҳоларга муҳтож. Буни ҳақиқий даҳолар булмаган жойда, сохта даҳолар ижтимоий эҳтиёж маҳсули сифатида ҳаёт саҳнасига чиқишидан ҳам билса булади. Маълум бир давр мобайнида дунё сиёсий харитасида мавжуд булган тузум — социализм мамлакатлари аҳолиси томонидан Ленин ва Сталин каби инсонларнинг улуғ доҳий сифатида улуғланганлиги бунга мисол була олади. Албатта, жамият томонидан, гарчи кейинги авлодлар даврида булсада, тан олинмаган даҳони тасаввур қилиш қийин. Табиийки, шон-шуҳрат булмас экан, даҳо ҳам булмайди. Агар шундай булса, номаълум ва ҳали-ҳануз тан олинмаган даҳоларни нима деб аташ мумкин? Атрофдаги инсонларнинг онги ва ҳиссиётига узоқ вақт кучли таъсир утказиш — машҳурликка эришишнинг биринчи шарти ҳисобланади. Шахс қандай булмасин, бошқаларда кучли гаассурот қолдириши зарур. Бу нарсага кучли қобилият, оригинал асар ёки бошқа инсонларникидан ажралиб турадиган ҳаёт йули — аянчли тақдир туфайли эришиш мукин.

Даҳоликнинг тан олиниши даврнинг амалий эҳтиёжлари билан ҳам боғлиқ. «Мен сизга нимани хоҳламаслигимни айтишим мумкин, — деган эди О. Кромвель, — бироқ нимани исташимни айтиб беролмайман, чунки бу нарсани унга зарурат туғилгандагина англаб етаман».

Яна бир нарса — даҳолар узларидаги истеъдодларни юзага чиқаришга имкон туғилган даврларда ижтимоий ҳаёт саҳнасига гуруҳ-гуруҳ булиб чиқишган. Даҳолардаги юксак ақл-идрокнинг манбаи — уларни ураган ижтимоий муҳитда. Инсоният тарихида оз сонли аҳоли орасидан унлаб даҳолар

етишиб чиққан даврлар куп марта булган. Хоразмийларни, Берунийларни ва Ибн Синоларни берган IX—XII асрларда Марказий Осиёда шундай шароит юзага келган эди. Англияда қиролича Елизавета даврида шундай булди. Францияда энциклопедистлар, революциялар ва Наполеон урушлари даврида шундай ҳодиса кузатилди. Афинада эрамиздан аввалги бешинчи юз йиллик инсоният тарихидаги шундай даврларнинг дастлабкиси булди — Анаксагор, Зенон, Протагор, Софокл, Суқрот ва Фидий каби даҳолар бир стол атрофида утириб, баҳс-мунозара олиб боришган. Уша даврда Афинанинг озод фуқаролари бор-йуғи 50 мингтани ташкил этган. Агар қадимги Афинадаги мусиқа даҳоларининг ижоди бизгача етиб келмаганлигини, табиатшунослик, математика ва техника соҳасидаги даҳоларнинг камолоти учун уша даврда шароит булмаганлигини, фақатгина қумондонлар, сиёсатчилар, нотиқлар, драматурглар, файласуф ва ҳайкалтарошларга эҳтиёж булганлигини назарда тутадиган булсак, даҳолик лаёқатига эга булган кишиларнинг фақат бешдан бир қисмигина уз қобилиятларини намоён қилганликларига ишонч ҳосил қиламиз. Афинада эллин маданияти ақл-заковат соҳибларининг ҳаммаси ҳам йиғилмаган эди. Чунки Афина фуқаролигини олиш осон булмаган — у фақатгина шаҳар аҳолисига берилган, афиналик ва афиналик булмаган кишилар уртасидаги никоҳдан туғилган болалар Афина фуқароси ҳисобланишмаган. Юқорида биз номларини келтирган даҳолар шу шаҳарда шаклландилар ва уларнинг ижоди нафақат уқимишли кишилар доирасида, балки оддий аҳоли орасида ҳам қадрланган. Шу нарса аниқки, афиналиклар бошқа халқлардан қандайдир биологик-ирсий хусусиятлари билан ажралиб туришмаган.

Утган йигирманчи юз йилликнинг биринчи ярмида халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган катта узгаришлар ва миллий маънавиятимиз эҳтиёжлари таъсирида миллатимиз орасидан А. Авлоний, М. Абдурашидхонов, А. Соғуний, Фитрат, Чулпон, М. Беҳбудий, А. Қодирий каби куплаб фидойи ижодкор шахслар етишиб чиқдилар. Бу алломалар уша давр учун мислсиз булган илғор ғояларни кутариб чиқишди ва уларни амалга ошириш йулида курашишди. Улар уз ҳисобларидан мактаблар очиб, улар учун дарслик-

лар ёздилар ва узлари бевосита таълим-тарбия ишлари билан шуғулландилар. Уларнинг ҳаммаларини бир суз билан даҳолар деб аташ мумкин. Шу уринда бир мулоҳаза — биз узбеклар нима учундир миллатдошларимиз орасидан чиққан улкан ақл-идрок соҳибларини даҳо деб аташдан истиҳола қиламиз. Назаримизда улар ёки узоқ утмишда умргузаронлик қилишган ёки бошқа бир мамлакатларда яшашади. Масалан, Маҳмудхужа Беҳбудийнинг ижодий фаолиятини чуқур тадқиқ қилган таниқли адабиётшунос олим, марҳум Бегали Қосимов алломанинг ижодий ва ижтимоий фаолиятидан ҳайратланиб, унга нисбатан «йигирманчи аср биринчи ярмидаги энг машҳур узбек» деган узундан-узоқ қиёсий таърифни уйлаб топади-ю, аммо М. Беҳбудийни бир суз билан даҳо деб аташдан чучийди. Агар уша даврда амалга оширилган қатағонлар бу закий инсонларни маҳв этмаганида эди, улар миллат ва минтақа тараққиётини яна ҳам юксакроқ марраларга олиб чиққан булардилар.

Аммо, инсон узидаги даҳолик иқтидорини намоён қилолмайдиган вазиятлар ҳам булиб туради. Бир педагог «биз узимизнинг таълим ва тарбиядаги нуноқлигимиз туфайли қанчадан-қанча эйнштейнларни бой бераяпмиз» деган эди. Марк Твеннинг «Дайди» номли ҳикояси бор. Асарда нариги дунёга тушиб қолган бир киши унга ҳамма халқлар ва замонлар учун энг улуғ булган қумондонни курсатишларини сурайди ва ҳайратда қолади — унинг ҳузурига қушни кучада яшаб, вафот этган этикдузни олиб келишади. Этикдуз ҳақиқатан ҳам ҳарбий санъат даҳоси булган-у, бироқ ҳаётлиги вақтида унга ҳатто взводга ҳам қумондонлик қилиш насиб этмаган экан. Ҳақиқатан ҳам, даҳоликнинг намоён булмаслигида ижтимоий тусиқлар катта роль уйнайди. Ўн туққизинчи юз йиллик урталарида Австрия ҳукуматига жуда куп кишилар узларининг ихтироларини тақдим қилишади. Мазкур ихтиролар орасида худди ҳозирги ўқотар қуролларида булгани сингари, затвор орқали ўқланадиган милтиқ ҳам бор эди. Маълумки, у даврларда ўқ отиш қуроллари стволининг оғзи орқали ўқланган. Бу анча машаққатли юмуш булиб, куп вақтни оларди. Бироқ бу ихтиро қабул қилинмайди — ҳукумат аскарлар узларига берилган патронларни тезда сарф қилиб қуйишидан қурқади. Бу янгиликка қушни мамлакат — Прус-

сияда зур қизиқиш билан қарашади ва уни тезда ишлаб чиқаришга жорий қилишади. Натижада 1866 йилдаги Австрия — Пруссия урушида австрияликлар қушини айнан шу қурол воситасида бутунлай тор-мор этилади. Уша даврларда Австрияда фақат мусиқа даҳоларигина қадрланган. Мамлакат «мусиқа оламининг маркази» мақомига эришган булсада, бироқ техника жиҳатидан яқин вақтларгача ҳам нисбатан қолоқ улкалардан бири булиб қолаверди.

Тафаккур соҳасидаги тажрибаларнинг курсатишича, инсон интеллектининг 20 %и у 1 ёшга етганда, 50 %и — 4 ёшга борганда, 80 %и — 8 ёшида, 92 %и эса — 13 ёшга борганда шаклланар экан. Табиийки, 14—15 ёшли бола ҳам юксак ақлий фаолият учун яхшигина интеллектуал асосга эга булар экан. Нобель мукофоти совриндорларининг қарийб ҳаммаси энг асосий кашфиётларини 25—30 ёшларида амалга оширишган.

Даҳолар купинча узларидаги истеъдодга энг куп мос келадиган соҳани тополмай сарсон булишади. Масалан, Г.Х. Андерсен буюк эртакчи-ёзувчи сифатида танилгунича жуда куп соҳаларда узини синаб куради. Зигмунд Фрейд ҳам уни машҳурлик шоҳсупасига олиб чиққан психоанализга доир асарларини 40 ёшларидан кейин ёза бошлаган.

Даҳоларнинг жушқин ва беҳаловат ҳаётида шундай дақиқалар буладики, улар телбаларга ухшаб қоладилар. Аристотел «машҳур шоир, сиёсатчи ва рассомларнинг бир қисми телбанамо буладилар. Бу ҳолни Суқрот, Эмпедокл, Платон ва бошқаларда кузатишимиз мумкин. Совуқ қонли инсонлар калтафаҳм, иссиқ қонлилари эса ҳаракатчан, ўткир зеҳнли ва вайсақи буладилар», дейди. Марк Сиракузский маняклик ҳолатида ажойиб шеърлар ёзган, лекин соғайиши билан бу қобилияти бутунлай йуқолган. Ницше умрининг охирги йилларини телбаликда утказади, Эйнштейнда ҳам ақлдан озиш ҳолатлари булиб турган. Аристотел яна «қоннинг мияга қуйилиши баъзи кишиларни шоирга, пайғамбарга ёки кашфиётчига айлантиради», деб ёзган эди. Агар психологик фаолият нуқтаи назаридан қарайдиган булсак, бу иккала ҳолат уртасида узаро умумий жиҳатлар мавжуд. Масалан, кучли ҳиссиёт, жушқин ижодий кутаринкилик ва апатия ҳолатларининг алмашиниб туриши, эстетик

қарашларнинг оригиналлиги ва кашфиётчилик лаёқати, интуиция ва ўзига хос ифода усулларини қўллаши, кучли паришонхотирлик ҳамда суицидга мойиллик, шунингдек, спиртли ичимликларга ружу қўйиш ва ниҳоят улкан шуҳратпарастлик кабилар даҳоликка ҳам, шунингдек, телбаликка ҳам бирдай хос. Туғри, даҳолар орасида телбалар ҳам бор. Лекин, бундан ҳамма даҳолар ҳам телба бўладилар, деган хулоса чиқариш ярамайди. Агар, даҳолик ҳар доим телбалик билан ёнма-ён юрганида, нега Навоий, Бобур, Галилей, Кеплер каби даҳо инсонларда бирон марта ҳам ақлдан озиш ҳолатлари бўлмаган? Одатда бундай инсонларда даҳолик телбаликдан олдинроқ кўзга ташланади: уларда даҳолик анча ёш даврларида намоён бўлгани ҳолда, телбалик 35 ёшларда энг юқори даражасига чиқади. Телбалик бошқа ҳар қандай касалликка қараганда ҳам кейинги авлодларга ирсий йўл билан кўпроқ утиб, қайсидир аждоддаги васваса кейинги авлодда ҳақиқий телбаликка айланиши мумкин экан. Даҳолик эса деярли ҳар доим даҳонинг ўлими билан барҳам топади. Яъни, даҳоликнинг авлоддан-авлодга утиши фавқулодда ноёб ҳодиса саналади. Яна шу нарса ўрганилганки, даҳолик кўпроқ ота авлодларига утгани ҳолда, телбаликнинг кейинги авлодларга тарқалиши ота ва она авлодларида бир хилда бўлади.

Нима бўлганда ҳам даҳо — бу энг аввало инсондаги юксак иқтидор ва салоҳиятнинг зўр бериб ишлаши, шунингдек, бошқалар томонидан тан олинмаса ҳам, нафрат ва хурликлар қаршисида таслим бўлмасдан, бетаъма амалга оширилган оғир меҳнат маҳсули саналади. Табиийки, буюк истеъдоднинг ўзи даҳолик учун етарли эмас. Шундай қилиб, даҳоликка нисбатан истеъдод аломатлари билан туғилиш биологик муаммо бўлгани ҳолда, уни тарбиялаш, асраш ва унинг улкан бунёдкорлик имкониятларидан инсоният манфаатлари йўлида фойдалана билиш эса ижтимоий муаммо саналади.

Даҳо шахс сифатида жуда ҳам мураккаб эканлигини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. У гарчи бир соҳада оламшумул ишларни амалга оширган бўлса-да, лекин унинг таъсирини одамзод ижтимоий-маънавий ҳаётининг ҳамма соҳаларида кўришимиз мумкин. Шу маънода Эйнштейннинг

«олимларнинг кашфиётларидан ҳам кўра уларнинг ахлоқий қарашлари одамларга купроқ таъсир этади», деган гапларини эслаш ўринли буларди. Уз соҳасида даҳо даражасига кутарилган яна бир шахс Чарли Чаплиннинг «мен жаноб Эйнштейн ишларининг моҳиятига тушунмасам-да, у барибир буюк инсон», деган иқрори ҳам бу нарсани тасдиқлайди. Албатта, бундай фикрни инкор этувчи қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, йигирманчи юз йилликнинг яна бир даҳо фарзанди — Мария Склодовская-Кюри «олимларга уларнинг ахлоқий-маънавий қиёфасига эмас, балки улар амалга оширган ишлар орқали баҳо беришимиз керак», дейди.

Маълумки, юксак ақл-идрок соҳиблари орасида аёллар озчиликни ташкил этади. Аёлларнинг ижодий фаолият билан эркакларга нисбатан кам шуғулланишлари табиий-биологик ёки генетик узига хослик булмасдан, балки ижтимоий, баъзан эса, диний характер касб этади.

Назаримда ҳозир дунёда глобал муаммо ва зиддиятлар кулами шунчалик ошиб кетдики, буларни ечиш йулларини курсатиб беришга қодир булган даҳоларга инсоният ҳар қачонгидан ҳам купроқ муҳтож. Бизнинг ёш ва мустақил мамлакатимизда ҳам бунинг учун ижтимоий-тарихий ва маънавий-иқтисодий шароит етарли. Бир шеърда айтилганидек, «бундай элга энди даҳолар керак!» Шубҳасиз, шоир ҳақ! Умид қиламиз, сиз мазкур сатрларни уқиётган айни шу паллада улкамизнинг қайси бир гушасидаги, саодатли бир хонадонда булажак даҳо дунёга келган булса, ажаб эмас.

КАШФИЁТЧИДАН ЧИҚҚАН ИХТИРОЧИ

Бернда қандай яхши эди-я!

Альберт ЭЙНШТЕЙН

Қадрли ўқувчига Альберт Эйнштейнни таништиришнинг ҳожати булмас, чунки унинг башарият тарихидаги энг буюк ақл-заковат соҳибларидан бири бўлганлигига ҳеч ким шубҳаланмаса керак. Қолаверса, олимнинг оламшумул илмий кашфиётлари мактаб физика курси орқали ҳар бир ўқувчига таниш. У яратган иккита кашфиет — махсус ва умумий

нисбийлик назариялари илм-фан тарихидаги энг муҳим таълимотлар сирасига киради. Агар, бирон-бир тарихий даврга унда яратилган янгиликлар нуқтаи назаридан баҳо бериладиган бўлса, шубҳасиз йигирманчи юз йиллик Эйнштейн ёки нисбийлик назарияси асри булади. Чунки нисбийлик назарияси бизнинг борлиқ ҳақидаги тасаввурларимизни остин-устун қилиб юборди. Шу сабабдан бу улуғ даҳони купчилик буюк кашфиётчи сифатидагина билади. Ваҳоланки, Эйнштейн яхшигина ихтирочи ҳам булган. Мазкур суҳбатимиз бу беназир ижодкорнинг ихтирочилик фаолияти ҳақида булади.

Аввало, биз суз юритаётган масалалар доирасидаги фикрларимизда ҳар хиллик булмаслиги учун «кашфиёт» ва «ихтиро» тушунчаларига ойдинлик киритсак. Эҳтимол, баъзилар назарида бу ортиқчадай туюлиши мумкин. Бизнингча эса ундай эмас. Агар диққат билан кузатадиган булсак, баъзи кишиларнинг ёзма ва оғзаки нутқ жараёнида бу иккала тушунчани уз урнида ишлатмасликларига гувоҳ булиш мумкин. Яъни, баъзан ихтиро — кашфиёт ёки кашфиёт — ихтиро тарзида нотўғри талқин қилинади. Масалан, «бутун олам тортишиш қонунини Ньютон ихтиро қилган» ёки «велосипед илк бор Англияда кашф қилинган» каби мулоҳазалар қулоққа чалинади. Ваҳоланки, бутун олам тортишиш қонунининг пайдо булиши кашфиёт, велосипеднинг яратилиши эса ихтиро ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда борлиқдаги мавжуд булган қонуният, нарса ва хусусиятларнинг топилишига кашфиёт, одамнинг ижодий тафаккури билан янгидан яратилган нарсаларга эса ихтиро дейилишини ҳурматли уқувчига эслатиб қуйиш фойдадан холи булмас.

Буюк назариётчи физик булган Эйнштейн умр буйи техник тараққиёт билан боғлиқ амалий масалаларга катта эътибор билан қаради. У электрометр, музлатгич, магнитогидродинамик насос, гидроскопик компаслар, автоматик фотокамера, эшитиш мосламаси каби техник қурилмаларни яратиш устида ишлади. Эйнштейн шахси уз даврида булгани каби ҳозир ҳам жуда куп кишиларни қизиқтиради. Албатта, бунинг узига хос сабаблари бор. Аввало, у улкан ижодкор булиб, тириклигидаёқ шон-шуҳратга бурканган эди.

Қолаверса олимдаги инсоний сифатлар ҳам бунга сабаб булган: у ўткир ақли, илмий ва ижтимоий муаммоларга нисбатан фаол қизиқиши, зийраклиги ва оддийлиги, шунингдек, самимияти билан бошқалардан ажралиб турарди.

Баъзи бировлар уйлаганидек, олим ихтирочилик билан асосий ишидан буш пайтларида, яъни эрмак учунгина шуғулланган эмас. У фаолиятининг ҳамма соҳаларида булгани сингари, бу ишга ҳам жиддий ёндашган. «Тилни билмай туриб, шеър ёзиб булмаганидек, маълум бир билимларни ўзлаштирмай туриб, ихтиро ҳам қилиб булмайди», дейди Эйнштейн. Олим ҳақида уқиганлар унинг етти йил — 1902 йилдан 1909 йилгача Берн шаҳридаги патентлаш идорасида эксперт лавозимида ишлаганлигини билишади. Бунақа ташкилот ҳозир жуда куп мамлакатларда, жумладан Узбекистонда ҳам мавжуд. Аммо бундай хизмат дастлаб Европа давлатларида пайдо булганлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Саноат ишлаб чиқариши ҳамда фан ривожини эътиборга олган «кўҳна қитъа» давлатлари 1883 йили ихтироларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш мақсадида конвенция қабул қилишади. Ташкилотнинг доимий равишда фаолият юритадиган идорасини Швецариянинг Берн шаҳрида ташкил этишга келишишади. Мазкур идора уз даври учун жуда юксак даражадаги ташкилот ҳисобланиб, ундаги кам сонли ходимлар узлуксиз равишда оқиб келаётган ихтиролар оқимини қабул қилиб олишлари, уларни баҳолашлари ва таснифлашлари зарур эди. Чунки, бу даврда Европада, хусусан Швецарияда машинасозлик, электротехника, тўқимачилик ва мазкур мамлакат учун анъанавий булган соат ишлаб чиқариш саноати гуркираб ривожланаётган эди. Қарийб эллик йил давомида — 1871 йилдан 1923 йилгача патентлаш идорасига ихтиролар ҳақидаги 104656 та аризалар тушган, бу йилига ўртача 2000 тани ташкил этади. Агар идорада ўнтадан куп булмаган эксперт-ходимлар ишлаганлигини ҳамда иш кунлари йилига 300 тани ташкил этишини эътиборга оладиган булсак, бир иш кунида ҳар бир ходим ўртача учтадан ихтирони куриб чиққанлигини билиш мумкин. Бу эса ходимларга тушадиган иш юкламаси жуда юқори булганлигини курсатади. Эйнштейннинг фотосуратлари орасида, айниқса биттаси купчиликнинг ёдида сақла-

ниб қолган. Унда катакли костюм кийган ёш Эйнштейннинг баланд стол ёнида тикка турганча диққат билан ишлаётган пайти тасвирланган. Эйнштейннинг бу ҳолати донишманд Хеменгуэйнинг уз асарларида қандай қилиб қисқаликка эришганлиги ҳақидаги саволга берган жавобини эсга солади. Ёзувчи уз жавобида ҳар доим тикка турганча ёзишини айтади — бу инсонни иложи борича қисқа ёзишга мажбур қилади. Ёзилган нарсага тушакда ётганча сайқал бериш эса бошқа нарса: бу ҳолат хаёлга эрк беради ва хатоларни туғирлаш осонлашади. Шунинг учун ҳам Эйнштейн асарларидаги қисқалик ва аниқликни унинг экспертлик фаолиятида орттирган маҳорати, деб баҳолаш мумкин. «Патентлаш идорасидаги хизматим туфайли,— деб ёзган эди олим,— менинг моддий аҳволим анчагина яхшиланди. Бундан ташқари, патентлаш билан боғлиқ ишлар менга ҳузур бағишлар эди. Бундай иш тафаккурни чархлаб, физикавий муаммолар устида чуқурроқ мушоҳада юритишга ёрдам беради». У бир неча йиллик фаолиятидан кейин «патент ишининг устаси» деган шарафли номга сазовор булади. Эйнштейн билан ёнма-ён утириб ишлаган эксперт И. Заутернинг эслашича, «Эйнштейндаги узига хослик шунда эдики, унинг узи ихтирочи эди». Эйнштейн билан дустона муносабатда булган машҳур немис олими М. Планкка бир куни мухлислари қийинроқ савол бериб қолишади. Шунда олим «мен бу ҳақда уйлаб куриб, ёзма равишда жавоб бераман. Мен дарров жавоб беролмайман, Эйнштейн булганда буни уддаларди, мен эса йуқ» дея жавоб беради. Эйнштейндаги бундай ҳозиржавобликка куп йиллик экспертлик фаолияти ёрдам берганлиги аниқ.

Бу ерга келадиган ҳужжатлар, ихтиролар баён этилган қоғозлар ҳар хил тилларда булиб, экспертдан бир неча тилларни билиш талаб этиларди. Бунинг учун Швецариянинг узида учта тил — немис, француз ва италян тиллари расмий тил сифатида қабул қилинганлигини таъкидлашнинг узи кифоя. Гарчи Эйнштейннинг узи тилларни урганишга нисбатан анча нуноқ эканлигини таъкидлаган булса-да, лекин ундаги тил урганиш лаёқати купчиликнинг ҳавасини келтириши тайин. Немис тили Эйнштейннинг она тили булиб, у француз ва италян тилларини ҳам яхши билган. Олим ке-

йинчалик инглиз тилини ҳам урганиб олади. Бироқ инглиз тили грамматикасидаги узига хос мураккабликлар олимни бир умр қийнайди. Эйнштейн билан ҳаммуаллифликда «Физика эволюцияси» асарини ёзган поляк олими Н. Инфельднинг эслашича, аллома узининг мураккаб фикрларини инглиз тилида ифодалаш жараёнида қийинчиликлар туғилиб қолса, «лаънати инглиз тили» дейишни канда қилмаган.

Бироқ Эйнштейн ҳаётининг бу даври ҳақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. Шу билан биргаликда, олимнинг патентлаш идорасидаги хизмат фаолияти туғрисида ҳазил-мутойиба тарзидаги ҳар хил гаплар юради. Уларга кура, патент қоғозларини тулдириш билан боғлиқ ишлар оралиғида, у узининг нисбийлик назариясини яратган эмиш. Ёки аксинча, гуёки патентлаш иши билан фундаментал физикавий муаммолар устидаги ишлари оралиғидаги қисқа танаффуслар вақтидагина шуғулланган эмиш. Аслида эса, ҳаммаси бунчалик содда куринишга эга эмас эди. Экспертлик иши, айниқса, дастлабки вақтларда Эйнштейн учун осон кечмаган булса-да, у кейинроқ олимни узига маҳлиё қилади. Аллома экспертлик фаолиятига нисбатан узининг илиқ муносабатини бир умр сақлаб қолди ҳамда дунёга машҳур булганидан кейин ҳам унга куп марта патент эксперти вазифасини бажаришига туғри келди.

Кейинчалик маълум булишича, Эйнштейн ҳисобида йигирматага яқин патентлар булиб, олим уларни бутунлай янги ихтиролари учун олган. Уларни яратиш жараёнида ихтирочи маълум усулларни ва физикавий қонуниятларни муайян вазифаларни ечишга нисбатан маҳорат билан қуллаганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Мазкур ихтироларнинг ҳаммаси саноат ишлаб чиқариши ёки кундалик маиший турмуш талабларидан келиб чиққан. «Инсонларнинг эҳтиёжларини қондиришнинг имкон қадар тежамкор йулларини топган инсонни мен ихтирочи деб ҳисоблайман» дейди аллома. Бунда Эйнштейндаги ихтирочилик талантига хос булган сифатлар — топқирлик, ҳар турли нарсаларга қизиқувчанлик ва чуқур мулоҳаза юритиш кабилар муҳим роль уйнаганлиги шубҳасиз.

Патентлаш идорасидаги хизмат Эйнштейннинг илмий ишларига қанчалик таъсир курсата олди? Агар олим ярат-

ган энг муҳим кашфиётлар унинг патентлаш идорасидаги фаолияти даврига туғри келишини эътиборга оладиган булсак, бундай алоқадорликнинг булганлиги, булганда ҳам жуда катта ижобий хусусият касб этганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу таъсир ҳам бевосита, ҳам билвосита булганлиги шубҳасиз. Ихтиро жараёнидаги ижодий фикрлаш унда янги илмий ғоя ва назарияларнинг туғилишига олиб келди. Хуш, ихтирочи Эйнштейн кимлар билан ҳамкорлик қилган? Ва бу ҳамкорлик қандай шароитларда пайдо булган? Орадан куп йиллар утгач, олим узининг йигитликдаги дусти Морис Соловинга йуллаган мактубида, шу даврларни эслаб, чуқур соғинч билан «...Бернда қандай яхши эди-я!» деб ёзган эди. Узининг назарий ишлари билан талабалик пайтидаёқ илмий доираларда танилиб қолган венгер физиги Лео Сцилард университетни тугатгач, қаерга ишга киришни уйлаб юрганида, унга Эйнштейн шундай маслаҳат беради: «Нега патент идорасига ишга кираолмайсиз?! Бу сиз учун энг яхши имконият. Илм кишисига қачон хазина топиб оларканман, деб яшаш туғри келмайди. Мен учун патент идорасида ишлаган йилларим ҳаётимнинг энг яхши даврлари булган». Бу нарса Эйнштейн фаолиятининг мазкур даври узига ёққан кишилар даврасида, мароқли утганлигидан далолат беради. Айтганча, Л. Сцилард утган асрнинг энг кузга куринган ихтирочиларидан бирига айланади. Айнан ихтирочиликка булган иштиёқ бу иккала олимни бир умр бир-бирларига боғлаб туради. Улар узаро ҳамкорликда назарий физикага доир ишлардан ташқари купгина ихтиролар ҳам қилишган. Маълумки, оддий кундалик ҳаётимизни уй музлаткичларисиз тасаввур қилолмаймиз. Уларнинг айнан Эйнштейн ва Сцилард ишлари туфайли ҳозирги куринишга келганлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Ҳозиргача атом электростанцияларида ишлатилаётган «Эйнштейн-Сцилард насоси» ҳам бу иккала ижодкор ҳамкорлигининг маҳсулидир. Эйнштейнни 1939 йилнинг 2 августида АҚШнинг уша пайтдаги президенти Ф. Рузвельтга йуллаган машҳур мактубини ёзишга айнан Сцилард илҳомлантирган эди. Унда Германия атом бомбасига эга булишидан аввалроқ уни Қушма Штатларнинг узида яратиш ғояси илгари сурилади.

Эйнштейннинг фаолият доирасини шартли равишда бевосита патентлаш идораси ва ундан ташқаридаги муҳитга ажратиш мумкин. Бевосита патентлаш идорасидаги муҳит ҳақида шуни айтиш мумкинки, у ердаги ходимларнинг ҳаммаси, айниқса М Бессо, И. Заутер ва И. Шенклар жуда юксак маълумотли кишилар булиб, уларнинг узлари ҳам куплаб ихтиро ва илмий ғояларнинг муаллифлари саналишган. Махсус нисбийлик назариясига бағишланган мақоласининг хотимасида Эйнштейн шундай деб езади: «Охирида шуни айтишим мумкинки, дустим ва ҳамкасбим М. Бессо бу ишда менга ишончли кумакчи булди ва мен ундан бир қатор қимматли маслаҳатлари учун миннатдорман». Эйнштейннинг, айниқса, ташкилот раҳбари профессор Галлерга эҳтироми баланд булиб, у кейинчалик «мен уни юксак даражада қадрлайман» деб езади. Олимнинг асосий ишидан буш вақтлари ҳам самарали ва мароқли ўтар эди. Гап шундаки, Эйнштейн шу даврда ўзига тенгдош булган иккита йигитча билан яқиндан танишиб, дустлашиб қолади. Улардан бири асли миллати румин булган Морис Соловин булиб, у Берн университетида философияни ўрганади. Иккинчиси эса математик Конрад Габихт эди. Бу учала ҳамфикр кичкина жамият тузишади ва уни «Олимпия академияси» деб аташади. Улар фалсафа, физика, адабиёт ва узларини қизиқтирган бошқа мавзуларда суҳбатлар қуришади. Баъзан бундай суҳбатлар кескин тортишувларга айланиб кетарди. Дустлар одатда Эйнштейннинг уйида йиғилишар ва камтарона кечки овқатдан сунг тонгга қадар давом этадиган баҳс-мунозара авжига чиқар эди. Габихт кейинчалик қачонлардир Эйнштейн ишлаган мактабда уқитувчи булиб ишлайди. Соловин эса Парижга кучиб кетади ҳамда ноширлик ва ёзувчилик фаолияти билан шуғулланади. Кейинчалик у Эйнштейннинг асарларини французчага ўгириб, нашр этади. Улар ўртасидаги дустона муносабатлар бир умрга сақланиб қолади.

Ўтган асрнинг 30-йиллари бошида Рабиндранат Тагор билан қилган суҳбатида Эйнштейн узининг Берндаги бахтли дамларини эслайди ва патент идорасидаги фаолиятида бир қанча техник қурилмалар, жумладан суратга олиш жараёнида вақтни курсатадиган «сезувчи электрометр» ясаганлиги ҳақида ҳикоя қилиб беради. Ҳозир бу қурилмага

фотоэкспонометр дейилади. Шуниси қизиқки, Эйнштейн ҳеч қачон фотоҳаваскор булган эмас. У кейинчалик мазкур асбобни такомиллаштиради ва муҳитнинг ёруғлик даражасига қараб, вақтни автоматик равишда туғирлаб турадиган қурилма ихтиро қилади. Олим ихтирочилик ишига лаёқатли булган бошқа кишиларни ҳам бу жараёнга жалб қилаоларди. Масалан, у рассом Орлик ва тиш доктори Гринберг билан ҳамкорликда бадиий графика учун полиграфия машиналарининг янги турини яратади. Эйнштейн 1915 йили самолётларни конструкциялаш билан шуғулланади. Бироқ унинг бу иши анча муваффақиятсиз якун топади: у лойиҳалаштирган самолёт «ҳавода худди урдакка ухшаб у ёндан бу ёнга тебрана бошлайди ва учувчи уни бир амаллаб қундиришга улгуради».

Эйнштейннинг мусиқани севганлигини, узи ҳам скрипкада ажойиб куйлар ижро этганлигини купчилик билади. Лекин, унинг мусиқа асбобларини такомиллаштириш буйича узига хос ғояларга эга булганлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Рус физиги Ю.Б. Румернинг ҳикоя қилишича, 1929 йили Эйнштейннинг Берлиндаги уйида булганида уларнинг мулоқоти кутилмаганда бузилади: «хонага узун соқолли киши — скрипка устаси кириб келди ва улар уртасида ҳақиқий усталарга хос суҳбат бошланди. Эйнштейн мусиқа асбобининг декасини ундай қилиш керак деса, уста эса, йуқ ундай эмас, бундай қилиш керак, дерди». Уста кетгач, Эйнштейн енгил нафас олиб, «афсуски, бу одам менинг қанча вақтимни олишини сиз билмайсиз», дейди. Эйнштейнни яна бир мусиқа асбоби — машҳур кимёгар В. Нернстнинг электр токида ишлайдиган рояли қизиқтириб қолади. Бу асбобда торларнинг товуши оддий роялдагидек ёғоч дека билан эмас, балки радиокучайтиргич ёрдамида оширилади. Эйнштейн ҳатто уша вақтда Берлин университетидаги физика коллоквиумига раҳбарлик қилган Лауэдан Нернстга физиклар олдида уз рояли ҳақида маъруза қилиш имконини беришни сурайди.

Эйнштейннинг елканли яхтада сузишни яхши курганлиги ҳаммага маълум. Бир куни унинг ҳузурига яхталар буйича таниқли конструктор В. Бургесс ташриф буюради. У олим билан янги яхталарнинг конструкциялари юзасидан масла-

ҳатлашмоқчи эди. Бургесс Эйнштейнга ўзининг муаммолари ҳақида ҳикоя қилиб беради ва ўзи билан олиб келган ҳар хил хомаки чизмаларини олимга кўрсатади. Эйнштейн Бургесни диққат билан тинглаб бўлгач, қўлига қаламни олади-да, муаммоларни ечиш йўлларини осонлик билан кўрсатиб беради. Эйнштейн яхтада сузишни қанчалик яхши кўрмасин, лекин «мусобақа ва кураш руҳи унга бегона» эди. У кўп таъкидлашни яхши кўрадиган «табиат билан уйғунлик ҳисси»ни айнан яхтада туйган бўлса, ажаб эмас. Айнан шунинг учун ҳам мухлисларининг унинг яхтасига мотор урнатиб бериш ҳақидаги таклифларини рад этган бўлса, эҳтимол.

Назариётчи физик Я.И. Френкель ҳам 1925 йили Эйнштейннинг Берлиндаги уйида бўлади. Бу учрашув ҳақида у шундай эслайди: «Эйнштейн жуда меҳрибон инсон экан... У қўлда тўқилган нимча кийиб олган эди. Мен у билан фақатгина физика ҳақида гаплашдим...». Кейинги сафар эса суҳбат физикадан сунг сиёсат ва фалсафага, ундан кейин эса оддий маиший техникага кўчади. Эйнштейн Френкелни ошхонага таклиф қилар экан, унга ўзи ясаган ва уй бекасининг меҳнатини осонлаштиришга хизмат қиладиган ҳар хил қурилмаларни зур иштиёқ билан кўрсатади.

Эйнштейн 1909 йилнинг 15 октябрида патент идорасидан бушаш ҳақида ариза ёзади. Чунки уни Цюрих университетига экстроардинар профессор лавозимига ишга таклиф қилишган эди. «Бу ёлғон! — дея хитоб қилди, бундан хабар топган Галлер, — бу шунчаки қўпол ҳазил!» Лекин, бу рост эди. Берн олим учун қадрли бўлиб қолди — у шу ерда машҳур бўлди, ўзининг энг асосий ишларини бажарди, оила қурди, дўстлар орттирди, алломанинг ўз сўзлари билан айтганда «Крамгасс кўчасидаги 49-уйда махсус нисбийлик назарияси яратилди» ва бу назария ҳақидаги биринчи маърузасини шу шаҳардаги табиатшунослар жамиятида ўқиди. Олим умрининг кейинги 50 йилида кўплаб академик унвонларга, жумладан Нобель мукофотига сазовор бўлади. Эҳтимол буларнинг орасида Эйнштейн учун энг қадрлиси Берн табиатшунослар жамиятининг фахрий аъзолиги ҳақидаги дипломи бўлса ажаб эмас, чунки фақат ўгина олимнинг Принстондаги ишхонаси деворига осиғлиқ ту-

рар эди. «Назария яратиш учун тажриба фактларини шунчаки жамлаш камлик қилади, — дейди Эйнштейн. — Бунинг учун ҳар доим муаммонинг моҳиятига қаратилган ихтирочилик лаёқати зарур булади». Олим 1948 йили Бессога ёзган хатида немис мутафаккири Э. Махни назарияни тажрибанинг узига хос маҳсули, деб ҳисоблагани учун танқид қилган эди. Эйнштейн «ҳеч бир тажриба табиатдаги назарияни очиб беролмайди» деб тахмин қилади. Бироқ, аллома қанчалик ихтирочи булмасин, техникавий ижод жараёнида, аввало назариётчи сифатида иш тутади. У «қул билан» ишлашни қанчалик яхши курмасин, асосан «калла билан» ишлаган — табиат унга «олтин қуллар» ато этмаган эди. Шубҳасиз, даҳо ижодкор фаолиятида ихтирочилик жуда катта роль уйнаган. У ҳатто, баъзан ихтирочиликни кашфиётчиликдан устун қуяди. Эйнштейн таъбири билан айтганда «ихтирочилик фаолияти назарий ҳузур-ҳаловатга тула. Кашфиёт — ижодий жараён эмас, зеро кашф қилиш — тайёр ҳолдаги нарсани куриш холос. Ихтирочилик эса бошқа нарса».

Суҳбатимиз ниҳоясида таниқли физик олим Макс Борннинг «фан билан қушимча меҳнат сифатида муваффақиятли шуғулланиш учун Эйнштейн булиш керак», деган гапларини келтириш ўринли буларди.

«МЕНИ КЕЧИР, НЬЮТОН!»

Аниқ фанлар тарихи Ньютонгача ва Ньютондан кейинги давр, деб икки даврга ажратилиши бежиз эмас, чунки айнан у яратган кашфиёт ва назариялар туфайлигина олам манзараси илмий томондан тула-тукис изоҳлаб берилди. Галилей ва Кеплерлар томонидан бошланган классик физика биносининг қурилиши Ньютон, Максвелл ва Гельмгольц ишларида уз поёнига етди. Токи йигирманчи юз йиллик ибтидосигача ньютонча дунё манзарасига ҳеч бир олим шубҳа билан қарамаган эди, аниқроғи бунинг учун сабаб булмаган. Ёшликларидан ҳамма нарсага шубҳа билан қарашга урганиб қолган немис назариётчи физиклари Макс Планк ва Альберт Эйнштейнларнигина ҳамма учун мукаммаллик намунаси булиб куринган классик физикадаги консерватив

қарашлар қониқтирмайди — фақат уларгина дунёнинг физикавий манзараси сал бошқачароқ эмасмикан, дея савол беришдан чарчашмайди.

XIX асрнинг охирги ун йилликларида табиатшунослик фанларида, айниқса физикада турғунлик ҳолати юзага келади. Бу ҳолатни жуда куп олимлар дунё физикавий манзарасининг охиригача урганиб булинганлиги билан изоҳлашади. Ҳатто инглиз физика мактабининг энг кузга куринган вакилларидан бири Уильям Томсон(ёки бошқачасига лорд Кельвин) XX аср ибтидосида фан уз поёнига етди, энди фақатгина баъзи бир арзимас нарсаларни аниқлаб олишгина қолди холос, деб ёзган эди. Олим назарида бу аниқланиши зарур булган нарсалар «фан осмонини салгина тусиб турган иккитагина булутчалар» булиб, бу «булутчалар» нурланиш назариясидаги қийинчиликлар ва ёруғлик тезлигини аниқлаш мақсадида Майкельсон утказган тажрибалардаги қониқарсиз натижалардан иборат эди. Лекин, бу арзимас «булутчалар»дан йигирманчи юз йиллик ибтидосида яшин чақнаб, жала қуяди: Майкельсон тажрибаларидаги қарамақаршиликларнинг Х. Лоренц ва А. Пуанкаре ишларида бартараф этилиши билан боғлиқ вазият нисбийлик назарияси яратилиши учун туртки булган булса, нурланиш назариясидаги қийинчиликлар эса квант назариясига олиб келди.

Бу эстафетани биринчи булиб М. Планк бошлаб берди. У классик физикадаги, ҳар қандай энергия (у қанчалик кичик миқдорда булмасин) узлуксиз равишда тарқалади ва ютилади деган нуқтаи назарни инкор этади ҳамда энергия маълум бир (дискрет) миқдордаги порциялар — квантлар тарзида тарқалади ва ютилади деган гипотезани илгари суради. У янги физика фани асосида ётувчи Планк доимийси деб аталган янги физикавий константани кашф этди. Кейинчалик макро ва микрофизика ортасидаги чегара айнан мана шу доимийлик орқали утиши маълум булди.

Эйнштейн эса уз назариясида оламдаги физикавий узгаришлар нисбий характерга эга булиб, биз яшаётган дунё турт улчамли эканлигини курсатиб берди. Унда фазо ва вақт хусусиятларининг шу фазода мавжуд булган материяга боғлиқлиги исботланган. Модда буш қутининг ичига ташқаридан киритилмайди. Фазо, вақт ва модда бир-биридан мус-

тақил равишда мавжуд эмас. Материя яқинида фазо эгриланади, соат эса ўз юришини секинлаштиради. М. Планк тавсиясига кўра бу таълимот кейинчалик «Нисбийлик назарияси» деб аталди. Нафақат дунё илм-фани ривожига, балки ижтимоий тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатган мазкур таълимот кашф этилганига юз йилдан ошди.

Ўзларининг кашфиётлари билан йигирманчи юз йилликдаги фан ривожини белгилаб берган бу иккала аллома ўртасидаги соф инсоний ва илмий муносабатлар самимий асосга қурилган булиб, агар бу муносабатлар булмаганида фаннинг кейинги юз йилликдаги ривожи бошқача йўлдан кетиши муқаррар эди.

Макс Планк ва Альберт Эйнштейн илгари сурган ғояларни дастлабки вақтларда нафақат оддий одамлар, балки олимлар ҳам тушуниб етишмаган. Ньютон ва умуман классик физика ғоялари олам манзарасини шунчалик осон ҳамда мукаммал изоҳлаб берардики, бу ерда янги ва уни инкор қилувчи ғояларга ўрин йўқдай эди. Шуниси қизиқки, квант физикасининг тамал тошини қуйган Макс Планкдек даҳо ҳам ўз ғояларининг тўғрилигига қанчалик ишонмасин, классик физика яратувчилари ақл-заковати ва таълимотлари олдида ўзини гуноҳкордай ҳис қилади, бу ҳиссиёт олимни купинча мувозанатдан чиқишга олиб келади.

У ўз ҳаракатларида ҳаммасини асл ҳолига қайтаришга интилади. «Биз ҳаммаси учун Максвелл олдида қарздормиз, унинг назариясидан воз кечиш ношукрлик булар эди,—дейди у А.Ф. Иоффега. — Уриниб кўринг, Максвелл ишларидан воз кечмасдан шундай хулосаларга келиб бўлмасмикан». У ҳар доим илтимос қилар ва эслатарди: «Агар сиз Эйнштейн келтирган далилларни классик физика доирасида қандай тушуниш ҳақида ўйласангиз яхши булар эди»; «Квант ҳаракатни имкон қадар консерватив асосда қуллаш». Бундай иккиланиш ва афсусланишлар бир ёки икки йил эмас, балки чорак аср давом этди.

Планк ўзи яратган назария классик физикадан келиб чиқишини ўзига ҳам, бошқаларга ҳам исботлаб беришга сабот билан, астойдил ҳаракат қилар эди. Унинг шогирди, таниқли физик Макс Фон Лауэ кейинчалик шундай деб

езади: «... узоқ йиллар давомида М. Планк классик ва квант физика орасидаги жарликни йуқотишга ёки ҳеч булмаганда улар уртасига куприк қуйишга ҳаракат қилди. Бу йулда у муваффақиятсизликка учради, лекин ҳаракатлари бекор кетмади — ҳар ҳолда олим бундай уринишлар бефойда эканлигини курсатиб бера олди».

М. Планкнинг узи ҳам буни яхши гушунарди. «Квант назариясини классик физикага мувофиқлаштириш учун олиб борган уринишларим узоқ йиллар давом этди ва мен бундан анча азият чекдим. Баъзи бир ҳамкасбларим буни мен учун фожиа ёки мағлубиятдек қабул қилишди. Бироқ, узимнинг бу ҳақдаги қарашларим узгача — мен учун бу йулдаги чуқур таҳлиллар ва мушоҳадалар жуда ҳам фойдали булди: энди квант назарияси физикада мен аввалроқ уйлаганимдан ҳам муҳимроқ роль уйнашини билиб олдим».

Лекин, бу гаплар 1940 йилларнинг урталарида, туқсон ёшга яқинлашиб қолган Макс Планк томонидан айтилган эди. 1910 йилнинг ёзида эса у назариётчи физик Вальтер Нернстга йуллаган мактубида «...назариянинг ҳозирги узуқ-юлуқ ҳолати ҳар қандай ҳақиқий назариётчини изтиробга солади», деб ёзган эди.

Табиатан қувноқ булган Эйнштейн эса уз маслакдошидан фарқли равишда ҳазил-мутойиба ортига яширина олар эди. «Мени кечир, Ньютон!» — дейди Эйнштейн. Ярим ҳазил, ярим чин қилиб айтилган бу сузларда жуда катта маъно бор: кечир, лекин биз бошқача қилолмаймиз, чунки олдимизда узга йул йуқ. Бир эслаб кур, уз замонингда сен ҳам шундай йул тутгансан-ку! Ҳар доим шундай булган. Биз ҳам олдинга қараб қадам ташлаймиз.

Бу сузлар Эйнштейнда ҳар қандай олимда булгани каби шубҳа ва иккиланишлар булмаганлигидан далолат бермайди. Лекин, ундаги даҳоларга хос булган том маънодаги исёнкорлик руҳи бундай гумонлардан тезроқ қутулишига ёрдам берган булса, ажаб эмас.

Бу иккала алломанинг ёши ва феъл-атворларида анчагина тафовутлар булишига қарамасдан, улар узаро самимий муносабатларни бир умр сақлай билдилар. 1900 йилда М. Планк илгари сурган квантлар ҳақидаги ғояни дастлабки қабул қилганлардан бири А. Эйнштейн эди. Орадан беш

йил утиб, махсус нисбийлик назарияси яратилганда эса, уни тушунган ва маъқуллаган биринчи олим М. Планк булди.

Планкнинг саъй-ҳаракатлари билан Эйнштейн 1914 йилда Пруссия фанлар академияси аъзолигига сайланади ва Цюрих шаҳридан Германия пойтахтига кучиб утади. «Планк ва Эйнштейнларнинг узаро ижодий ҳамкорликлари, — деб ёзган эди Макс Борн,— Берлинни жаҳон назарий физика фанининг марказига айлантирди».

Улар яратган ғоялар физика фанини инқироз ҳолатидан олиб чиқди.

ЭЙНШТЕЙННИНГ «ТЕЛБА» НАЗАРИЯСИ

> Узоқ умрим давомида бир нарсани англадим: инсоният туплаган барча билимлар борлиққа нисбатан жуда ҳам содда экан.
>
> *Альберт ЭЙНШТЕЙН*

Замонавий тортишиш назариясининг яратилиши Эйнштейн эришган энг юксак марра булди. У тортишиш нима деган саволга биринчи булиб жавоб берди. Унинг мазкур назарияси ижодий тафаккурнинг юксак намунаси эди. Олимнинг узи бу ҳақда шундай дейди: «Нима учун мени нисбийлик назариясининг асосчиси сифатида улуғлашларига ҳечам тушуна олмайман. Менсиз ҳам уни бир йилдан кейин Пуанкаре, икки йилдан сунг эса Минковский кашф этган буларди ва охир-оқибат бу ишнинг ярми Лоренцга тегишли. Менинг хизматим эса бу ерда бурттирилганлиги аниқ. Тортишиш назариясига нисбатан эса шу нарсага ишонаманки, агар мен булмаганимда эди уни ҳозиргача ҳам ҳеч ким кашф қилаолмасди».

Эйнштейнда 1925 йили электромагнит ва тортишиш майдонларини ягона назарияга бирлаштириш ғояси пайдо булди. Унинг назарида бу назария шундай булиши керак эдики, токи энергия тарқалиши билан боғлиқ булган электромагнит майдонларининг ҳамда массага боғлиқ равишда намоён буладиган тортишиш майдонларининг ҳамма хусусиятларини изоҳлаб берсин. «Майдоннинг ягона назарияси» билан

боғлиқ муаммолар шулардан иборат. Эйнштейн бу муаммо устида умрининг охирги кунларигача ишлади. Бу даҳо ижодининг буюк фожиаси эди. У бир ишнинг кетидан бошқасини бажарар, лекин ҳеч қандай тайинли натижа чиқмас эди. Бу ишлар Эйнштейнга тегишли булганлиги учун ҳам уларни дастлабки беш йил давомида ҳамма уқийди. Бироқ кейинчалик уқимай қуйишади. Эйнштейн оғир руҳий тушкунликни бошидан кечирди.

Бу бутунлай янги ғоя эди. Асрлар давомида фанда ва оддий кишилар дунёқарашида коинот тузилишига нисбатан турли-туман қарашлар ҳукмронлик қилди. Бироқ уларнинг ҳаммасидаги умумлаштирувчи жиҳат шунда эдики, уларда коинотнинг ривожланиши ёки эволюцияси эмас, балки айнан тузилиши баён этилган эди (ифодасини топган эди). Яъни коинот узгармас стационар деб қаралган(ҳисобланган). Коинотдаги ҳар турли мураккаб жараёнлар содир булиши мумкин, бироқ у нима таъсирида ва қаерга қараб ривожланиши мумкин? Бутун бошли коинотга нисбатан эволюция тушунчаси бир қадар аҳмоқона туюлди ва бундай фикр дастлабки даврларда энг катта олимларда ҳам булган. Бунга Альберт Эйнштейннинг узи мисол була олади. Нисбийлик назариясининг ижодкори космология учун унинг таълимоти қанчалик муҳим роль уйнашини жуда яхши тушунган. Умумий нисбийлик назарияси яратилгач, Эйнштейн назария тенгламаларида бутун коинотга нисбатан қуллаш мумкин булган статик, яъни вақт утиши билан узгармайдиган ҳолатларни ифодалайдиган ечимлар бор ёки йуқлигига эътибор қаратади. Олимга коинотнинг эволюцияси эмас, балки айнан статик моделини яратиш зарурдай туюлади. Бироқ умумий нисбийлик назариясининг тенгламаларини коинотга нисбатан татбиқ қилиш статик ечимларни (хулосаларни) бермади. Маълум булишича, физикавий назария тенгламалари унинг яратувчиси башорат қилганидан ҳам купроқ нарсаларни узида ифодалар экан. Бу нарса нафақат нисбийлик назариясига, балки ҳар қандай жиддий назарияга ҳам хос эканлигини таъкидлаб утиш уринли булади. Статик дунё ғояси шунчалик жозибали эдики, Эйнштейн уз тенгламаларига ишонмайди ва уларни узгартиришга киришади.

Статик коинот ғоясининг жозибадорлиги нимада? Эҳтимол бу коинотнинг бизга куриниб турган қисмидаги астрономик жисмларнинг, у қуёш тизими, юлдузлар ёки галактикалар буладими, узгармасдай булиб куриниши билан боғлиқ булса керак. Хоҳлаймизми ёки йуқми бу ҳолат бизнинг коинот ҳақидаги қарашларимизни белгилайди. Аристотелнинг «Осмон ҳақида» деган асарида ҳам бу ҳақда гапирилган: «Аждодларимиздан авлодларга утиб келаётган ёзма манбаларга асосланадиган булсак, утган даврлар давомида осмон жисмларидаги узгаришларни тополмаймиз».

Албатта, бундай фикр ҳозирги давр нуқтаи назаридан нотуғри булиб Эйнштейн ва унинг замондошлари булган бошқа олимларнинг ишлари туфайли унинг узгарувчан эканлиги исботланган. Коинотга нисбатан эволюция мавжудлиги қайтмас жараён булган радиактив моддаларнинг емирилиши билан ҳам исботланган. Агар осмон жисми — Ер абадий мавжуд булганда эди, ундаги ҳамма радиактив моддалар аллақачон парчаланиб булган буларди. Бироқ сайёрамизда бундай моддаларнинг борлигини биз биламиз. Демак, Ер, унинг қобиқлари ва радиактив моддалар пайдо булгандан буён қандайдир чекли вақт утган. Ҳозир тоғ жисмларидаги радиактив моддаларнинг миқдорига қараб Ернинг ёши аниқланишини мактаб ўқувчиси ҳам билади. Қуёш ва бошқа юлдузларда ҳам эволюция жараёни кетаётганлиги аниқ. Бу осмон жисмлари узларидан энергия тарқатади. Улар бағрида кечадиган термоядро реакциялари мазкур энергия манбаи ҳисобланади. Лекин ҳеч бир энергия манбаи абадий эмас. Шундай экан, Қуёш ва бошқа юлдузлар ҳам уз тарихига эга булиб, қачонлардир йуқолади. Биз бугун галактикалар деб аталувчи улкан тизимларда катта портлашлар билан боғлиқ узгаришларни кузатишимиз мумкин. Галактикалар бағридаги моддалар юлдузларда кечадиган ядровий жараёнлар таъсирида аста-секин қайта ишланиб боради. Водород аввал гелийга, сунгра эса бошқа оғир кимёвий элементларга айланади.

Шундай қилиб, агар етарлича катта вақт оралиғини олиб куриб чиқадиган булсак, дунёнинг статик манзараси ҳеч бир астрономик тизимга туғри келмас экан.

Ҳозиргача ҳам майдоннинг ягона назариясини яратиш устидаги ишлар кутилган натижани бергани йуқ. Олимларда мутлақо янги ғояларсиз бу муаммони ҳал қилиб булмайди деган қарашлар мавжуд. Эйнштейн эса ҳеч қандай янги ғоянинг кераги йуқ деб ҳисоблаган. Нима учун? Фанда улкан революционер булган бу олим, маълум маънода кашфиётчи эмас, балки бутун бир даврни поёнига етказган аллома эди. У Ньютон томонидан бошланиб, Максвелл давом эттирган классик физикани охирига етказди. Классик физика эса янги ғояларни бера олмас, уларни фақатгина квант назарияси бериши мумкин эди.

Эйнштейннинг классик физикага муносабатини ифодалайдиган мулоҳазалардан бири қуйидагича булиб, у голландиялик назариётчи физик Паул Эренфестга тегишли. Эйнштейн ва Бор бошқа физиклардан нималари билан ажралиб туришади, улардаги ақл ва феъл-атворнинг қайси жиҳатлари улар эришган илмий муваффақиятларни изоҳлаб бераолади деган саволга Эренфест «бу иккала аллома бир-бирларидан шахсий фазилатлари билан ажралиб туришса-да, лекин уларни «оддий» физиклардан ажратиб турувчи томонлар ҳам анчагина» деб жавоб беради. Масалан, «Эйнштейн ҳам, Бор ҳам классик физикани жуда яхши билишади, таъбир жоиз булса, улар классик физикани узларига сингдиришган. Улар классик физикани шунчалик билишади ва севишадики, оддий физик бундай қилолмайди. Улар янгиликни у янгилик булгани учунгина қабул қилишаолмайди. Шу маънода уларни консерваторлар деб аташ мумкин — улар классик физика биносининг ҳар бир ғиштига ута эҳтиёткорона муносабатда буладилар. Бироқ улар эски нарсаларни чуқур узлаштирганликлари туфайли классик изоҳларнинг етарли эмаслигини яхши биладилар ва шунинг учун ҳам янги ғояларнинг зарурлигини бошқалардан кура купроқ тушунадилар».

Эренфестнинг мазкур сузлари Эйнштейн илмий тафаккурига нисбатан қайсидир маънода калит вазифасини утайди. Оптикага квант тушунчасини айнан Эйнштейннинг узи олиб кирганлигига ва ёруғликнинг квант назариясини яратганлигига қарамасдан, у янги физика — квант механикасига ҳар доим ишончсизлик билан қараган. 1920 йиллар

охирида майдоннинг ягона назариясини яратиш соҳасидаги дастлабки муваффақиятсизликлар муаллифга ҳам, бошқаларга ҳам фожиа булиб туюлмади. Бу муаммо устида Шрёдингер, Гейзенберг ва Дирак каби олимлар ҳам ишлашган. 1931 йили Эйнштейн узининг «Нисбийлик назариясининг ҳозирги аҳволи» номли маърузасини уқийди. Мазкур қисқагина маърузани уқиш асносида бу исёнкор ақл олиб борган мислсиз кураш ва у тортган мағлубият аламлари узининг зиддиятларга тула буй-басти билан намоён булади. «Материянинг ягона қонунини топиш, майдон ва квант назарияларини бирлаштириш йулидаги интилишлар тухтагани йуқ,— дейди Эйнштейн. — Бу ерда иккала назария илгари сурган шароитларни қондирадиган фазо таркибини аниқлаш ҳақида гап бораяпти. Натижада саробга айланган умидларгина қолди. Мен 1928 йилдан бери ечимни топишга уринаман, бироқ тағин бу йулдан воз кечдим... Ўн йил аввал бир француз қизиқарли ғояни илгари сурди — у дунёни беш улчамли фазо сифатида қараб чиқишни таклиф қилди. Бунда электромагнит ҳодисаларни ҳам уз ичига оладиган назария пайдо булади. Бироқ мен ва ёрдамчим Майер бешинчи улчам булмаслиги зарур, деб тахмин қиламиз».

Кейин Эйнштейн узининг сунги ғояси ҳақида тухталиб, қуйидагича хулоса қилади: «Бироқ умидларим амалга ошмади. Мен, агар мазкур қонун топилса, квантларга ва материяга татбиқ қилса буладиган назария яратилар эди, деб умид қилган эдим. У бундай булмайди. Назаримда тузилган назария материя ва квантлар ҳақидаги муаммоларни бир-биридан ажратади. Иккала ғоя орасида ҳали ҳам жарлик мавжуд».

Эйнштейннинг мазкур маърузаси муносабати билан шуни айтиш мумкинки, мавзу ута қизиқарли булиб, чуқур ва ҳар томонлама мулоҳаза юритишни тақозо қилади. Гап Эйнштейн ижодининг охирги уттиз йили, майдоннинг ягона назариясини яратиш соҳасидаги интилишлари, агар яна ҳам кенгроқ оладиган булсак, табиатнинг умумий ва дастлабки қонунларини излаш соҳасидаги ишлари ҳақида бормоқда. Таниқли физик А. Ф. Иоффенинг қуйидаги ҳикояси майдоннинг ягона назарияси Эйнштейн-

ни қанчалик узига маҳлиё қилганлигидан далолат беради: «Эйнштейн билан мулоқотларимиз вақтида майдоннинг ягона назарияси ҳақидаги масала тез-тез суҳбат мавзусига айланар ва олим одатда уз назарида уни муваффақиятга олиб келувчи сунгги гипотезасини баён қилар эди. Гипотеза муваффақиятсизликка учрайди, бир ёки икки йилдан кейин эса янгиси пайдо булади. Мен бундай ҳолнинг Эйнштейн учун ҳалокатли эканлигини куриб турардим, бироқ унга қандайдир даражада ёрдам беришдан ҳам ожиз эдим. Уни 1926 йили иложи булмаган бу йулдан қайтармоқчи булдим. Биз Брюсселда буладиган Сольвей қумитасининг йиғилишига биргаликда жунадик. Соат эрталабки 11 дан кечки 10 гача Берлиндан Амстердамга борадиган поезднинг купесида иккаламиз бирга булдик. У пайтда ҳали квант назарияси охиригача шаклланмаган эди. Мен уз фикр-мулоҳазаларимни жамлаб, микродунёдаги квант ҳодисаларининг кашф этилиши билан боғлиқ равишда пайдо булган зиддиятларни тасвирлар эканман, фавқулодда физикавий интуицияга эга булган Эйнштейндан бошқа ҳеч ким бундан чиқиш йулини топа олмаслигини таъкидладим. Унинг онг-шуурини ягона майдон муаммоси оҳанрабодек қанчалик узига жалб қилмасин, узидаги имкониятларни квант назарияси масалаларини ҳал этишга қаратиши зарур эканлигига ишонтиришга уриндим». Лекин Эйнштейн унинг ғояларига қарши қаратилган ҳеч бир нуқтаи назарни қабул қилмайди. Леопольд Инфельд Эйнштейннинг Принстонда айтган қуйидаги гапини эслайди: «Физиклар мени қари тентакка чиқариб қуйишди, лекин мен физиканинг кейинги ривожи бошқача йулдан боришига ишонаман». Таниқли немис физиги Гейзенбергнинг фикрича эса, «Эйнштейн узининг универсал назарияси устида зур бериб ишлаётган вақтда атом бағридаги янги элементар заррачалар бирин-кетин кашф этилаётган эди. Уларни мукаммал ўрганмай туриб эса, майдоннинг ягона назариясини яратиб булмас эди».

Майдоннинг ягона назариясини яратиш ғояси ортида иккита тасаввур яширинган (мавжуд): муайян — тулалигича аниқ ва умумий қарашлар, иккинчиси эса ҳамма нарсани узида қамраб оладиган қарашлар. Эйнштейннинг физик

майдонни излаш — гравитацион ва электромагнит майдонларни бирлаштириш соҳасидаги ишлари биринчисига таллуқли. Олим 1916 йилдаёқ тортишиш фазонинг эгриланиши билан бир хил эканлигини кашф қилган эди. У яратган умумий нисбийлик назарияси — тортишиш назариясининг асосий моҳияти шундан иборат. Шундан сунг олим фазонинг бошқа геометрик хусусиятларини излашга киришади. Унинг мақсади майдонни тула равишда тавсифлаб берувчи геометрик хусусиятлар ва улар орасидаги муносабатларни топишдан иборат эди. Аммо шу уринда бир нарсани назарда тутиш керакки, нисбийлик назариясидаги «геометрия» тушунчаси соф фазовий хусусиятларни эмас, балки фазо — вақт муносабатларини ифодалайди. Яъни, у жараёнлар бир вақтнинг узида ҳам фазода, ҳам вақтда юз берадиган «турт улчамли дунё»нинг геометрияси ҳисобланади. Учта координата жисмнинг фазодаги ҳолатини, туртинчиси эса вақтдаги ҳолатини тасвирлайди ва бу туртала координата бир-бири билан узвий равишда боғланган булади. Бошқача қилиб айтганда Эйнштейннинг ғоясига кура ҳар бир майдон, ҳар бир физикавий ҳодиса хусусий ҳол сифатида мазкур ягона майдонда акс этиши зарур.

У даврда фақатгина икки турдаги — тортишиш ва электромагнит майдонлари маълум булиб, Эйнштейннинг вазифаси электромагнит майдонни геометриялаштиришдан иборат эди. Яъни, у фазо геометриясидаги шундай узгаришларни топиши керак эдики, токи улар электромагнит ҳодисалари куринишида намоён булсин. Майдоннинг ягона назариясининг моҳияти шундан иборат. Туғриси бизга замондош булган физиклардан кимнингдир бу йулдан боришига ишониш қийин. Ҳозир электромагнит ва гравитация майдонлари билан бир қаторда яна бошқа турдаги майдонлар ҳамда кучлар — ядро ичида содир буладиган узаро таъсирлашувларнинг борлиги маълум булди. Лекин, майдоннинг ягона назарияси моҳият-эътибори билан яна бошқа бир нарсани ҳам уз ичига олади. Гап шундаки, Эйнштейн мазкур назарияни яратиш билан табиат қонунларидаги уйғунлик ҳамда узаро бирликни топишга интилган. Ҳозир жуда куп назариётчи физиклар шундай назарияни яратиш эҳтимолининг юқори эканлигига ишонишади.

У қандай булади? Табиатдаги қонуниятларни қанчалик даражада изоҳлаб бера олади? Бу саволлар ҳаммадан ҳам купроқ физикларни қизиқтиради. Яратилажак янги назарияда микродунё ҳодисаларига купроқ эътибор қаратилиши тахмин қилинаяпти. Бир нарса аниқ: водород спектрини изоҳлаб бериш билан квант назариясининг туғрилиги исботланди. Квант механика асосида эса «Менделеев даврий жадвали»даги қонуниятлар тушунтириб берилди. Янги назария элементар зарралар «жадвали»ни, шунингдек, бизга маълум булган барча физикавий ҳодисаларни изоҳлаб бериши зарур. Нильс Борнинг сузлари билан айтганда «янги назария «ақлсиз» нисбийлик назарияси ва квант механикага нисбатан ҳам «ақлсизроқ» (ёки телбароқ) булади.

Узоқ вақт Ньютон кашф қилган бутун олам тортишиш қонуни коинот ҳақидаги фанларнинг гултожи булиб келди. Орадан икки аср уггач эса бу фахрли шоҳсупага Эйнштейннинг умумий нисбийлик назарияси чиқади. Бу таълимотга бошқачасига тортишишнинг янги назарияси ҳам дейилади. Шундан сунг Ньютоннинг қонуни мазкур назарияга нисбатан хусусий ҳолга айланиб қолди. Махсус нисбийлик назариясини яратиш билан физикада революцияни бошлаб берган Эйнштейн ярим йулда тухтаб қолмади. У тортишиш деб аталувчи моддий жисмларнинг узаро таъсирлашувини янги назария қолипига солишга карор қилади. Махсус нисбийлик принципи бутун олам тортишиш назарияси асосларининг емирилишига олиб келган эди. Мазкур принципдан келиб чиқадиган хулосалардан бири — ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги табиатда кечадиган ҳар қандай жараёнлар учун охирги ва энг катта тезлик ҳисобланади, деган тезис эди. Ҳеч бир жисм ёруғликка нисбатан тезроқ ҳаракат қилолмайди, ҳеч бир хабар (сигнал) ёруғликка нисбатан тезроқ тарқала олмайди.

Демак, бир онда юз берадиган ҳаракат умуман йуқ эканда! Ньютоннинг тортишиш назариясида ҳам олис масофаларга нисбатан ҳаракатнинг бир онда содир этилиши инкор этилади. Бир жисм массасининг бошқа жисм массасига таъсири энг катта тезликда тарқалади ва бу таъсир майдон орқали узатилади. Ҳаракатланаётган электр заряди атро-

фида электромагнит майдони ҳосил булгани каби, ҳар қандай жисмни ураб турган фазода тортишиш майдони яратилади. Бутун коинот, хоҳ у улкан юлдуз ёки космик чанг заррачалари булсин, жисмлар билан тула. Мазкур жисмларнинг узаро жойлашуви майдонни, уларнинг ҳаракатлари тортишиш майдонини, гравитация майдонини ҳосил қилади. Гравитация майдони фазо ва вақтда мавжуд ҳамда узгариб гуради. Ва мазкур майдонларнинг хусусиятлари улар мавжуд булган фазо ҳамда вақтда узларининг учмас изларини қолдирадилар. Эйнштейн бунинг нима эканлигини курсатиб беради. «Учмас излар» физикавий нуқтаи назардан шунда намоён буладики, тортишаётган массалар жисмлар ҳаракатланаётган турт улчамли фазо — вақт дунёсини эгрилантиради. Уз навбатида эгриланган фазо — вақт — тортишиш майдони массаларнинг ҳаракатларини, уларнинг траекторияси ва тезликларини белгилайди. Ёруғлик нуридан тортиб, юлдузлар галактикаларигача булган ҳамма массаларнинг — бутун материянинг ҳаракатини нисбийлик назарияси шундай тушунтиради. Космик миқёслардаги «тескари алоқа»ни нисбийлик назарияси шундай изоҳлайди: массаларнинг ҳаракати фазонинг эгриланишидан келиб чиқади, фазонинг эгриланиши эса унда жойлашган материя таъсирида содир булади. Ёки бошқача қилиб айтадиган булсак, масса майдонни ҳосил қилади, майдон эса массалар ҳаракатини бошқаради. Эйнштейн яратган бутун олам тортишиш қонунининг моҳияти шундан иборат, бундай «тескари алоқа» коинотнинг кузатиш мумкин булган исталган қисмида мавжуд.

Эгриланган турт улчамли дунёнинг бундай географияси евклидча эмаслиги аён. Туғри, фазонинг «евклидча тартиблардан чекиниши» улкан массалар яқинида ҳам унчалик катта эмас. Бироқ айнан мана шу чекиниш коинот тузилишининг гула манзарасини белгилаб беради. Уч улчамли геометрия ёки фазонинг тузилиши ҳақидаги масала бундан 150 йил аввал Лобачевский ва Риман тасаввур қилганларидек, соф физикавий муаммолигича қолаётганлиги аниқ.

Коинотда содир буладиган жараёнларни изоҳлаб берган умумий нисбийлик назарияси, энди унинг тузилиши-

ни тушунтириб бериши зарур эди. Эйнштейнча назариянинг бундай ривожланиб бориш йули мантиқан тўғри. Бу йулдаги биринчи қадамни айнан Эйнштейннинг узи қуйганлиги ҳам табиий. Унинг «Космология масалалари ва умумий нисбийлик назарияси» мақоласи 1917 йили ёзилган. Ньютон уз даврида коинот чексиз ва ундаги юлдузлар ҳам чексиз куп сонда, деб тасаввур қилган. Нисбийлик назариясининг асосчиси ҳам дастлаб шундай фикр юритган: «Осмон, — дейди Эйнштейн, — чексизликдан чексизликка қадар чузилган». Агар юлдузлар сони чекли миқдорда булганда эди, унда ҳисоб-китобларга кура, узаро тортишиш кучи уларни бир жойга жамлаган булар эди. Аслида эса, бундай булгани йуқ. Бошқа томондан эса, ньютонча коинотдаги бир текис тарқалган чексиз миқдордаги юлдузлар ёрқин нур таратиб, бутун коинотни ёритиши керак эди. Бу ҳодиса ҳам кузатилмади. Бундан ташқари, чексиз муҳитда тортишиш кучи чексиз ошиб бориши ва осмон жисмларининг ҳаракат тезлигини чексиз даражага олиб бориши, яъни «гравитация парадокси»га олиб келиши керак эди. Тажрибада бундай ҳодиса кузатилгани йуқ. Эйнштейн олдида коинотнинг чексизлиги билан боглиқ ва дастлаб ҳал қилиш имконияти йуқдай булиб туюлган муаммо кундаланг булади. Бироқ, ечим топиш лозим. Эйнштейн бу йулда узоқ вақт тер тукиб ишлайди.

Охир-оқибат, мазкур қийинчиликни четлаб утиш мақсадида, Эйнштейн коинотнинг эҳтимол тутилган бошқа бир шаклини — чекли, ёпиқ фазовий коинотни таклиф қилади. Унинг фикрича, «ноевклид геометриянинг ривожи, тафаккур қонунлари ва тажрибага зид бормаган ҳолда фазомизнинг чексизлигига нисбатан шубҳа билан қарашга олиб келди. Чегарасиз ёпиқ фазони англаш мумкинми? Уларнинг орасида ҳамма нуқталари бир хил қийматга эга булган сферик фазо узининг соддалиги билан ажралиб туради. Бундан эса астрономлар ва физиклар учун фавқулодда қизиқарли булган савол пайдо булади: биз яшаётган дунё чексизми ёки сферик дунё каби чеклими? Тажрибаларимиз бу саволга жавоб берадиган даражада етарли эмас. Бироқ, умумий нисбийлик назарияси мазкур саволга маълум даражада ишончли жавоб бериш имкониятини ярата-

ди». Умумий нисбийлик назарияси жуда ҳам мураккаб математик аппаратга эга булиб, коинотнинг фазовий геометрияси ва унинг бағридаги материя орасидаги муносабатларни мазкур математик аппарат ёрдамида изоҳлаш мумкин. Бу муносабатлар тортишиш майдонининг тенгламалари, деб аталади. Уларга бир томондан фазонинг тузилиши, унинг эгрилиги ва метрикаси билан боғлиқ булган катталиклар кирса, бошқа томондан эса материянинг хусусиятлари, биринчи навбатда унинг зичлиги киради. Муайян фазонинг метрикаси деб, ундаги масофаларни улчаш қонунига айтилади. Масалан, текисликда жойлашган иккита нуқта оралиғидаги масофа мазкур нуқталар орқали утувчи туғри чизиқ кесими билан улчанса, шарда эса катта айлананинг ёйи билан улчанади. Матрица ва фазонинг эгрилиги орасида алоқадорлик мавжуд эканлиги шубҳасиз. Бу алоқадорлик ҳар қандай эгриланган фазо учун уринли. Майдон ва материя билан боғлиқ масалалар шунчалик мураккабки, уларни бутун тафсилотлари билан на Эйнштейн, на бошқа биров тасвирлаб бера олган эмас. Ҳозир физиклар ва математиклар шулар устида бош қотиришмоқда. Мазкур муаммога нисбатан Эйнштейнда узига хос ёндашувлар булганлиги маълум. У коинотдаги материянинг зичлиги доимий деган ғояни илгари суради.

Бу туғрими? Тунги осмонга назар ташлаб, бунга ишонмаслигингиз мумкин: ахир, юлдузлар — улкан массалар материясиз фазо бушлиқларига сочилиб кетган булса-ю, бунинг устига уларни мислсиз улкан масофалар ажратиб турса. Галактикалараро масофалар эса булардан-да катта! Галактика тупламлари орасидаги масофалар-чи?! Лекин, ҳар ҳолда Эйнштейн шундай фараз қилишга ҳақли эди. Нима учун? Астрономлар муҳим бир омилни — коинотда галактикалар тахминан бир текисда тарқалганлигини аниқлашди, афтидан галактикалардаги зичлик, ҳеч булмаганда коинотнинг бизга куриниб турган қисмидаги материянинг зичлиги доимий характерга эга. Эйнштейннинг фикрича, бу ерда физиклар геодезистларга ухшаб иш куришади, чунки ер юзаси эллипсоидга ухшаб кетади. Агар материянинг уртача зичлиги доимий характерга эга булар экан, табиийки фазонинг уртача эгрилиги ҳам доимий булади. Бу ҳол Эйн-

штейн томонидан иккинчи фаразнинг илгари сурилишига туртки булди: унга кура, биз зичликни қанчалик «уртача» деб баҳолашимизга қарамасдан, у шу қадар каттаки, натижада фазоннинг эгрилиги мусбат булади.

Фазодаги эгрилик ҳамда материянинг зичлиги уртасида қонуний боғланиш мавжуд булиб, айнан зичликнинг катталиги коинот геометриясини белгилайди: агар зичлик қандайдир критик миқдордан кичик булса, фазонинг эгрилиги манфий, катта булганда эса мусбат булади. Шундай қилиб, Эйнштейн назарида дунёмиз мусбат эгриликка эга булган ёпиқ фазодан иборат. Бироқ, фазо вақт билан қатъий боғлиқликка эга булиб, уларни бир-биридан ажратиб булмайди. Эйнштейн бу масалада ҳам маълум бир тухтамга келади. У коинотда қанақанги жараёнлар юз беришидан қатъи назар, фазонинг таркиби вақт утиши билан узгаришсиз қолади, деб фараз қилади. Бундай ёндашув тасодифий булмай, дунёмизнинг стационар — узгармаслиги уша давр фани учун аксиома эди. У «ҳаракатсиз» юлдузларнинг кичик тезликларида — асрлар давомида деярли узгармайдиган юлдузлар осмонининг манзарасида уз исботини топади. Шундай қилиб, дунёмизнинг тузилиши, эгрилиги узгармас ва доимийдир. Бу эса эйнштейнча турт улчамли фазода туртинчи координата — вақт туғри чизиқ куринишига эга булишидан далолат беради.

Вақтнинг туғри координатаси фазонинг учта эгри координатаси билан боғланган. Шунинг учун ҳам эйнштейнча дунё «цилиндрсимон коинот» деб аталади. Уни тасаввур қилиш анча қийин. Бироқ, икки томонга чексиз чузилган цилиндр юзасини фараз қилиш осон. Унинг сирти эгриланган, уқи эса чексиз туғри чизиқ куринишида булади. Мазкур уқ турт улчамли Эйнштейн дунёсидаги вақтни курсатади. Цилинднинг сирти эса уч улчамли эгриланган фазони ифодалайди.

Лекин, тортишиш майдонининг тенгламасини узининг нисбийлик принципи билан солиштириб кургач, Эйнштейн «нисбийлик назарияси ёпиқ фазоли дунё ҳақидаги гипотеза билан чиқиша олмаслигини» куради. Назариядан ёпиқ коинот гравитация кучлари таъсирида сиқилиши лозимлиги келиб чиқади. Бу ҳол Эйнштейнни изтиробга солади.

Коинотнинг чексизлиги билан боғлиқ муаммодан қутулган олим, дунёмизнинг чеклилиги ва ёпиқлигидан иборат янги зиддиятга рубару келади. Эйнштейн мазкур зиддиятдан чиқиш учун уз тенгламаларига «космологик доимий» деб аталувчи янги қушимча киритади. У юлдузларни бирбирларидан маълум масофаларда ушлаб туриш билан коинот сиқилишининг олдини олувчи кучни ифодалайди. Космологик доимийнинг катталиги уч улчамли сферик фазодаги эгриликка боғлиқ булади. У ҳам эгриликнинг радиуси сингари коинотдаги материянинг миқдори ва тақсимоти билан улчанади. Эйнштейн бутун олам тортишиш кучларига қарама-қарши йуналтирилган итарувчи космик куч тушунчасини киритади. Бу эса дунёнинг стационар булишига хизмат қилиши зарур эди. Бу куч универсал булиб, жисмларнинг массаларига эмас, балки улар орасидаги масофага боғлиқ булади. Бундан ташқари, бу кучнинг узатилиш тезлиги мазкур масофага пропорционал, яъни масофа қанчалик катта булса, у шунчалик тез узатилади. А.А. Фридман Эйнштейн назариясига асосланиб, тортишиш кучлари таъсирида коинотдаги жисмлар ҳаракатининг математик моделини яратди. Олим коинотдаги жисмларнинг тинч ҳолда булолмаслигини — коинотнинг ностационар эканлигини курсатиб берди: у ёки кенгаяди ёки сиқилади, яъни ундаги моддалар зичлиги ёки камаяди, ёки ошади. Шундай қилиб, коинот эволюцияси назарий йул билан исботланди. Коинот эгрилигининг вақт утиши билан узгаришини кейинроқ рус математиги А. Фридман топди. Демак, дунёмиз ностационар булиши мумкин. Эйнштейн коинотнинг статик моделини уз назариясига бутун олам тортишиш кучлари билан биргаликда узаро итарувчи (гипотетик) кучларни ҳам киритиш билан яратди. Фридманнинг коинотнинг ностационарлиги исботланган ишлари билан танишгач, Эйнштейн дастлаб Фридман хатоликка йул қуйган, деб ҳисоблайди. Фридманнинг ёзма мулоҳазалари билан танишгач, Эйнштейн рус математигининг хулосалари туғри, узининг стационар модели эса хато эканлигини тан олади. Ва ниҳоят, 1929 йили америкалик астроном Э. Хоббл уз кузатишлари асосида коинотнинг кенгаяётганлигини исботлаб берди.

Борлиқ ягона. Шундай экан, унда кечадиган ҳамма жараёнларни узида ифодалайдиган универсал қонун — майдоннинг ягона назариясининг мавжуд булиши муқаррар. Бу билан Эйнштейн аслида йуқ ёки хаёлий нарсани изламаганлигини таъкидламоқчимиз, холос. Шу маънода Эйнштейн ҳақ — ундаги интуицияга қойил қолиш керак!

ИЛМИЙ ҒОЯЛАРНИНГ БУТУН БИР ҚИҒЪАСИ

Классик физиканинг такомил босқичига эришиши ва янги физика фанининг яратилиши йигирманчи асрнинг биринчи ярмида «замонамиз Ньютони» деб ном олган германиялик машҳур назариётчи физик Альберт Эйнштейн номи билан боғлиқ. Фанда революционер булган бу олим йигирманчи юз йилликдаги дунё тарихида катта роль уйнади. У яратган нисбийлик назарияси дунёнинг физикавий манзарасини узгартириб юборди. Бу йил илм-фан намояндалари ва бутун инсоният махсус нисбийлик назариясининг юз йиллигини кенг нишонлайди.

Эйнштейн Германиядаги Ульм шаҳарчасида савдогар оиласида дунёга келди. Альберт 14 ёшга кирганида Эйнштейнлар оиласи Швейцарияга кучиб утади. Мактабда ҳамма фанлардан ҳам бирдай яхши баҳога уқий олмаган бу йигитча 1900 йили Цюрихдаги политехникумнинг физика ва математика уқитувчилари тайёрлайдиган педагогика факультетини тамомлайди. У икки йил ишсиз юргач, 1902 йилнинг 23 июнида Берн шаҳридаги патентлаш идорасига техник эксперт лавозимига ишга қабул қилинади. Эйнштейн бу ерда 1909 йилнинг 15 октябригача ишлайди ва айнан шу жойда бу камтар йигитча жуда машҳур булиб кетади.

1905 йили Эйнштейн уша даврнинг энг яхши илмий нашрларидан бири булган «Аннален дер физик» («Физика йилномаси») журналида бирин-кетин бешта мақола чоп эттиради. Улар «Молекула улчамларини топишнинг янгича йуллари ҳақида», «Броун ҳаракати ҳақида», «Ёруғликнинг квант гипотезаси ҳақида», «Ҳаракатланувчи жисмнинг электродинамикасига доир» ва сунггиси $E = mc^2$ формула-

сига бағишланган ҳажман унчалик катта булмаган мақолалар эди. Бу мақолаларнинг ҳар бири жуда катта илмий қимматга эга булган дурдона асарлар ҳисобланса-да, бироқ улардан охирги учтаси муаллифни шон-шуҳратга буркади: куринишидан содда булган $E = mc^2$ формуласи массани энергия билан боғловчи қонунни ифодалайди. Ҳозир ҳар бир мактаб уқувчиси яхши биладиган бу формула атом даврини бошлаб берди ва кейинчалик Макс Планкнинг $E = h\nu$ формуласи билан бир қаторда давримизнинг асосий формуласига айланди. Олим ёруғликнинг квант гипотезаси ҳақидаги мақоласида ундан бир неча йил аввал Макс Планк илгари сурган ғояни яна ҳам ривожлантирди. Планк узининг квантлар гипотезасида ёруғликнинг табиати ҳақидаги «корпускуляр тасаввурлар»ни физикага қайта олиб кирди. Олим ёруғлик зарралар тарзида гарқалади, деб тасаввур қилади ва атом ютадиган ёки чиқарадиган энг кичик миқдордаги энергияни квант (масса, порция) деб атайди. Эйнштейн эса, ёруғлик ҳам зарра, ҳам тулқин табиатига эга эканлигини курсатиб берди. У назарий жиҳатдан башорат қилган ёруғлик квантлари орадан 18 йил утгачгина тажрибада уз тасдиғини топди ва фотонлар деб атала бошланди. «Ҳаракатланувчи жисмнинг электродинамикасига доир» деб аталган 30 саҳифалик мақолада илгари сурилган ғоялар кейинчалик махсус нисбийлик назарияси деб аталади.

Физика тарихининг шу даври ҳақида ёзган олимларнинг куплари махсус нисбийлик назариясини Эйнштейндан бошқа яна кимдир яратиши мумкинмиди, деган савол атрофида мулоҳаза юритадилар. Эйнштейннинг узи баъзи бир олимлар қилган ишларнинг нисбийлик назарияси учун асос булганлигини ёки уларнинг муаллифлари унга жуда ҳам яқин келиб қолганликларини эътироф этади. «Максвелл-Лоренц назарияси муқаррар равишда махсус нисбийлик назариясига олиб келади» ёки «Фарадей ва Максвеллар илмий муомалага киритишган электромагнит майдони тушунчаси булмаганида нисбийлик назарияси ҳам яратилмас эди» деган сузлар айнан Эйнштейнга тегишли. Биз шунингдек, Эйнштейндан сал олдинроқ табиатнинг умумий қону-

ни сифатида нисбийлик принципини яратган Анри Пуанкаре ишларининг нисбийлик назарияси учун катта аҳамиятга эга булганлигини эътироф этишимиз зарур. Бу принципга кура, табиатда мутлақ ҳаракатни кузатиб ҳам, аниқлаб ҳам булмайди. 1905 йили Пуанкаре катта бир мақола эълон қилади. У уз мақоласида Лоренц алмаштиришлари ҳақида суз юритиб, бир қатор ҳолатлар буйича нисбийлик назариясини яратишга жуда ҳам яқинлашиб қолади. Бироқ, ҳал қилувчи қадамни қуя олмайди. Бунга ундаги электромагнит ҳодисалар ҳақидаги классик тасаввурлар халақит беради.

Эйнштейн талабалик даврида асарларини севиб уқийдиган австриялик файласуф ва физик Мах ҳам узининг назарий қарашларида нисбийлик назариясига яқинлашиб қолган эди. Эйнштейннинг узи ҳам нисбийлик назариясини яратишида Махнинг таъсири катта булганлигини эътироф этади. У немис назариётчи физиги Зоммерфельдга ёзган хатларидан бирида «Махдаги фикр-мушоҳада жараёни айнан нисбийлик назарияси йуналишида ётади», деб ёзган эди.

Нисбийлик назариясини яратиши мумкин булган олимлардан яна бири таниқли француз физиги Поль Ланжевен ҳисобланади. Бу олим 1906 йили Эйнштейндан мустақил равишда масса ва энергия орасидаги узаро алоқадорликни топади. У 1913 йилда қилган «Энергиянинг инертлиги ва ундан келиб чиқадиган оқибатлар» номли маърузасида масса дефекти ҳақидаги тушунчани илгари суради ва бу билан атомда улкан энергия захиралари жамланганлигини башорат қилади. Эйнштейннинг узи эътироф этганидек, «агар, махсус нисбийлик назарияси бошқа жойда яратилмаганида эди, уни Ланжевен албатта топар эди».

Тақдирнинг уйинини қарангки, бундай назарияни яратиш Эйнштейнга насиб этди.

Эйнштейн қилган ишларнинг улуғворлиги кишини ҳайратга солади. У ҳаётидаги энг муҳим ишларини 26 ёшида амалга оширди. Эйнштейн физикани бирон-бир машҳур университетда урганмади ва унга ҳеч бир олим устозлик ҳам қилмади. «Уттиз ёшимгача, — деб эслайди олимнинг узи,—

ҳақиқий назариётчи физикни курмадим». У фавқулодда хотира ёки эрудицияга эга булмаган. Масалан, у товушнинг ҳаводаги тарқалиш тезлиги катталигини эслай олмаслиги билан Макс Планкни ҳайратга солади ва суҳбатдошининг ажабланишига жавобан «ҳар қандай маълумотномадан топиш мумкин булган рақамларни ёд олишдан нима фойда?» деб жавоб беради.

Эйнштейн 1908 йили Берлин университетига приватдоцент лавозимига ишга қабул қилинади. Бироз вақт утиб Цюрих университетида, сал кейинроқ эса Прага университетида, сунгра яна Цюрих университетида ишлайди. У 1914—1933 йиллар давомида Берлин университетининг профессори булиш билан биргаликда, физика институтининг директори лавозимида ҳам ишлайди. Эйнштейн шу йиллар ичида совутилган қаттиқ жисмларда иссиқлик сиғимининг камайишини тушунтириб беради ва фотохимиянинг асосий қонуни(Эйнштейн қонуни)ни топади, шунингдек, лазер нурини башорат қилади, бир суз билан айтганда, у квант физикаси асосчиларидан бирига айланади. Ниҳоят, 1916 йилда умумий нисбийлик назариясининг яратилиши Эйнштейн ижодий тафаккурининг чуққиси булди. Бу назария кейинчалик олимнинг узи таклиф қилган тажрибалар воситасида тула-тукис амалий исботини топди. У, тортишиш —бу худди инерция каби, маълум бир массага эга булган жисмлар яқинидаги фазонинг хусусияти эканлигини курсатиб берди. Эйнштейннинг илмий кашфиётлари муносиб баҳоланди ва унга 1921 йили Нобель мукофоти берилади.

Германияда фашистлар таъқибига учраган олим 1933 йили АҚШга кучиб утишга мажбур булади ва ҳаётининг сунгги кунларигача Принстондаги унинг узи учун ташкил этилган олий тадқиқотлар институтида ишлайди. У бу ерда космология билан шуғулланади ва майдоннинг ягона назариясини яратиш устида ишлайди. Бундай назария электромагнит ва тортишиш майдонларини узаро боғлаши лозим эди. Бу ишга Эйнштейн ақл бовар қилмайдиган меҳнати ва бутун билимини сарфлади. Аммо, бу меҳнатларнинг ҳаммаси бесамар кетди. Майдоннинг ягона назариясини яратиш орзуси

фақат Эйнштейнгагина хос эмас эди. Бундай универсал назарияни яратишга Эйнштейнга замондош булган ва ҳозирги замон физикасининг асосчиларидан ҳисобланган Поль Дирак, Эрвин Шрёденгер ва Вернер Гейзенберг каби олимлар ҳам уриниб куришган.

Эйнштейн бир умр ёлғиз ишлади — у ҳеч кимга шогирд булмади, узи ҳам бевосита шогирдлар тарбияламади. Лекин, дунёдаги юзлаб машҳур олимлар уни узларига устоз деб биладилар. Нисбийлик назариясини яратиш ва уни ҳар томонлама асослаш учун кураш йилларида Эйнштейнда кучли характер шаклланган булса-да, у бир умр инсонларга булган самимий муносабатини йуқотмади ва камтарона ҳаёт кечирди. Эйнштейн инсон ҳаётининг мазмуни жамиятга хизмат қилишда, деб билди. У спортни севар, мусиқа эса жону дили эди. Олим скрипкада ажойиб куйлар чалар эди. Эйнштейн ҳақида ёзган кишиларнинг купчилиги ундаги мусиқий иштиёқ онасидан, фанга булган истеъдод эса отасидан утган, деб ҳисоблашади.

Талабалар билан булган қайсидир бир учрашувда мухлислари Эйнштейндан иш қуролини сурашади. Шунда олим доим кийиб юришни канда қилмайдиган фуфайкаси ёқасида олиб юрадиган ручкасини, лабораторияси қаердалигини сурашганида эса, кўрсаткич бармоғи билан пешонасини курсатади.

Фан тарихида ҳали ҳеч бир олим Эйнштейнчалик машҳур булган эмас. У тириклигидаёқ афсонавий шуҳрат қозонади: Эйнштейннинг ҳақиқатан ҳам ҳаётда мавжудлигига шубҳа қилган бир уқувчи қиз олимга хат билан мурожаат қилиб, «мен сизнинг ҳақиқатан ҳам борлигингизни билиш мақсадида мактуб йуллаяпман», дейди.

Машҳур инглиз физиги Жон Томсон Лондон қироллик жамияти йиғилишида нисбийлик назарияси ҳақида гапира туриб, «бу қандайдир оролнинг эмас, балки янгича илмий ғоялардан иборат булган бутун бир қитъанинг кашф этилишидир» дейди.

Эйнштейн узоқ йиллар педагогик фаолият билан шуғулланди. У бир маромда уқиладиган машғулотларни ёқтирмас, жонли мулоқот ва баҳс-мунозара эса унинг жону дили

эди. Эйнштейн машғулотларни жуда қизиқарли шаклда олиб бора билган. Унинг маърузаларини тинглаган кишилар унда курилган масалаларни узоқ вақт эслаб юришган. Олим суҳбатларида ва мақолаларида ёшларни илм олишга чақиришдан чарчамаган. У ҳар доим Макс Планкнинг «ёшлар ҳақиқатни бирдан узлаштириб оладилар» деган гапини такрорлаб юришни яхши курган. Бу биздаги: «Ёшликда олинган билим — тошга уйилган нақшдир»,— деган мақолимизга ухшаб кетади.

Учинчи фасл

ХАЁЛОТ ВА МОЗИЙ КЕНГЛИКЛАРИДА

ГЛОБУС ҚАРШИСИДАГИ ЎЙЛАР
Эссе

Қаршимда Ер шарин суврати турар...

Абдулла ОРИПОВ

1

Иш столимнинг бир четида, ҳар хил ёзилган ва ёзилмаган қоғозлар тахламининг ёнида, она-сайёрамизнинг «салмоғи Қуванинг анорича» булган муъжазгина макети — глобус туради. У нафақат хонага зеб берадиган жиҳоз, балки ҳамкасабалар уртасида уқтин-уқтин пайдо булиб турадиган ҳар турли баҳс-мунозараларда «айбдор» ва «одил ҳакам» вазифаларини ҳам «шараф билан» бажаради. Бугун ҳам шундай булди. Қатар давлатининг пойтахти Доха шаҳрида Осиё уйинлари мусобақалари кетаётган кунлар эди. Узаро суҳбат вақтида, кеча спорт мусобақаларини томоша қилиб утирганимда кунглимдан утган гапни — спорт шарҳловчилари «Хитой Тайпейи» деб айтаётган давлат қаерда, деган саволни уртага ташладим. Одатдагидай глобус атрофида туриб юритилган анчагина фикр-мулоҳазалардан сунг, бу давлат Тайвань деган қатъий хулосага келдик. Энди уйласам, узимни дунё жуғрофияси буйича анча-мунча саводли санаб юришим унчалик ҳам туғри эмас экан. Бунга сабаб — маълум маънода биз инсонларда йиллар давомида шаклланиб борадиган консерватизм туйғуси. Гап шундаки, қачонлардир узимиз урганган билимларимиз бизга ҳеч қачон узгармайдигандек булиб туюлади. Ваҳоланки, узгариш ва ривожланиш — биз яшаётган дунёнинг азалий ҳамда узгармас қонуни. Шу нуқтаи назардан бизнинг давримиз — улкан ва шиддатли эврилишлар замони. Бу нарса жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва албатта, жуғрофий манзарасига ҳам тааллуқли. Келинг, узоққа бормайликда, узимиз бевосита гувоҳи булганимиз — яқин ун йилликларни куз олдимизга келтирайлик. Тарихан шу, нисбатан қисқа

бир давр ичида жаҳон геосиёсий манзарасида нималар юз бермади дейсиз?! «Куҳна дунё»нинг бир булаги булган Европанинг узидагина кейинги эллик йил давомида икки қутбли дунёнинг рамзий чегарасига айланган «Берлин девори»нинг қулаши оқибатида иккита немис давлати — Шарқий ва Ғарбий Германия узаро бирлашган булса, Чехословакия, Югославия ва собиқ Совет Иттифоқи сингари империячилик тамойиллари асосига қурилган мустабид давлатларнинг парчаланиши оқибатида дунё сиёсий харитасида унлаб янги мустақил давлатлар пайдо булди. Албатта, агар нигоҳимизни салгина кенгайтириб, бошқа қитъаларга ҳам қаратадиган булсак, бундай узгаришлар салмоғи яна анчага ортиши тайин.

Шу уринда бундан бир неча йиллар аввал уқиганим бир китобдаги тафсилотлар хаёлимга келади. Мазкур асар инсоннинг ақлий камолоти масалаларига бағишланган булиб, муаллиф ҳозирги даврдаги илмий-техник тараққиёт суръатларини ҳамда ахборот оқимининг борган сари ортиб боришини эътиборга олиб, замондошларимиз ижтимоий ривожланишдан ортда қолмасликлари учун энг камида қандай билимларга эга булишлари зарур, деган савол атрофида мулоҳаза юритади. Тадқиқотчи — муаллиф юзлаб турли-туман далилларни узаро қиёслаш орқали, биз билишимиз зарур булган минимал билимлар руйхатини таклиф қилади. «Мамлакати ва дунё географиясини билиши зарур»лиги руйхатда дастлабки уринлардан бирини эгаллайди. Ва табиийки, бундай хулоса — фикрга ҳеч ким эътироз билдирмаса керак?! Узингиз уйлаб куринг, гарчи биз географияни фан сифатида мактабнинг олтинчи синфидан ургана бошласак-да, географик билимларга икки-уч ёшимиздаёқ эҳтиёж сезамиз ва уларни ҳаётнинг амалий сабоқлари сифатида узлаштира бошлаймиз. Зеро, боланинг узини қуршаган кичик оламни, айтайлик, ундаги томонларни ёки уч улчамли фазонинг энг оддий хусусиятларини урганиши ҳам маълум маънода географик билимларга асосланади. Бу нарса инсон дунёқарашининг кенгайишида ва унинг шахс сифатида камол топишида муҳим омил булиб хизмат қилади.

Гап илмий дунёқараш ҳақида борар экан, фанлар таснифи туғрисида гапириш уринли булади. Маълумки, ҳамма

дунёвий илмлар табиий ва ижтимоий фан тармоқларига ажратилади. Яъни, табиатшунослик фанлари табиатни, жамиятшунослик фанлари эса жамиятни урганади. Уларнинг ҳар бирининг ичидаги кейинги тармоқланишлар соф нисбий характерга эга. Бошқача қилиб айтганда, турли фанлар бир хил ҳодисаларни турли нуқтаи назардан урганадилар, холос. Айтайлик, бирон-бир тарихий ҳодисани куриб чиқишда фақат тарихийликнинг узигина етарли эмас. Бунда куплаб фанлар, жумладан географик билимлар ҳам зарур булади. Сўз юритилаётган тарихий воқеанинг моҳиятига тула-тукис етиш учун эса, у содир булган географик-табиий муҳит ҳақида етарлича тасаввурга эга булиш ҳодисанинг моҳиятини англаб етишимизда катта роль уйнайди. Афсуски, баъзи бир кишиларда ижтимоий фанларни урганиш табиий — аниқ фанларни ўзлаштиришга қараганда осонроқ, деган янглиш тасаввур мавжуд. Бир машҳур мутафаккирнинг «табиий фанларни урганиш мумкин, аммо тарихчи булиб туғилиш зарур» деган гаплари ҳам бундай ёндашувнинг нотўғрилигини курсатади.

Аслида табиий фанлар ҳам, ижтимоий фанлар ҳам алоҳида-алоҳида олганда яхлит бир бутунликни ташкил этади. Чунки улар урганадиган соҳалар — табиат ва жамият ҳар бири алоҳида, шунингдек, узаро ҳам бир бутундирлар.

Мендаги дунё географиясига, хусусан узимиз мансуб булган замин — Осиё қитъасига нисбатан илиқ муносабатнинг шаклланишига уқувчилик пайтимдаги бир воқеа сабаб булган эди. Гап шундаки, мен уқиган мактабда ён-атрофдаги бир неча қишлоқ болалари қатнаб уқишарди. «Осиё» қишлоғи — шундайлардан бири. Болалик эканда, мабодо гап талашиб қолсак, мазкур қишлоқлик тенгдошларимизни «осиёлик» дея узимизча камситган, мазах қилган буламиз. «Сиз бундан хурсанд булишингиз керак,— деди бир куни мазкур гапдан хабар топган география уқитувчимиз, уз нигоҳини «камситилган» тенгдошларимиз томон қаратиб. — Чунки Осиё дунёдаги энг катта қитъа! Шунинг учун ҳам уз қишлоғингиз билан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди». Ишонасизми, шу воқеадан кейин осиёлик синфдошларимга ҳатто ҳавас билан қарай бошладим, айтишим мумкинки, уларни яхши ҳам куриб қолдим. Ўқитувчимизнинг

биргина изоҳи биз болалар уртасидаги узаро меҳр ришталарини мустаҳкамлади.

Осиё қитъалар орасида энг каттаси булиб, унинг майдони 43,4 миллион квадрат километрни ёки дунё қуруқлик майдонининг 30 фоизини ташкил этади. Қитъамизнинг дунё тақдиридаги етакчилик мавқеини назарда тутган таниқли француз шоири Поль Валери «Европа — Осиёнинг кичик оролчасидир», деган эди. Бу баҳони шунчаки шоирона ташбеҳ деб уйлаш хато булур эди. Келинг, фикрларимизни асослаш учун аниқ далилларга ва мантиқий мушоҳадаларга мурожаат қилайлик.

Осиё — куплаб цивилизация учоқларига ватан булган юрт. Бу марказлар узларининг қадимийлиги, кулами ва инсоният тараққиётига қушган ҳиссасига кура дунёнинг бошқа минтақалари — Африка, Европа ва Жанубий Америкадаги цивилизация учоқларини анча ортда қолдиради. Бундай марказлар сон жиҳатидан ҳам бошқа минтақалардан устунлик қилади — Япония, Хитой, Ҳиндистон, Месопотамия, Византия, Марказий Осиё... Узбекистон ҳудудларидаги энг қадимги одамларнинг манзилгоҳи Фарғона водийсидаги Селунғур ғоридан топилди. Маълум булишича, бундан миллион йил аввал ҳам бу ҳудудларда одамлар яшашган. Шу уринда инсоният бешиги Африка эмас, балки Осиё деган қадимшуносларнинг қарашлари асослидай туюлади! Осиёда асрлар давомида буюк давлатлар — Бобил, Шумер, Оссурия, Хараппа, Урарту ва бошқалар юзага келган. Агар бу маданиятлар шаклланган минтақаларнинг географик жойлашувига эътибор берадиган булсак, улар шимолий ярим шарда экватордан тахминан бир хил узоқликда ва унга параллел туғри чизиқда ётганлигини куриш мумкин. Шуни айтиб утиш керакки, бу цивилизация марказлари жойлашган минтақа муътадил табиий иқлим шароитига эга. Бу нарса мазкур маданиятларнинг пайдо булиши қандайдир тасодиф булмасдан, маълум бир ижтимоий-тарихий ва табиий шарт-шароитлар таъсирида шаклланганлигидан далолат беради. Шу уринда ун иккинчи асрда яшаб ижод қилган машҳур араб мутафаккири Ибн Рушднинг «Иқлимлар назарияси» ёдга тушади. Аллома мазкур таълимотида дунёни учта — иссиқ, муътадил ва совуқ иқлимли зоналарга булади. «Доимо

ёз буладиган иссиқ улкаларда, — дейди олим,— яшаш учун зарур булган маҳсулотлар ва қулай об-ҳаво шароитлари етарли булиб, инсонларни овқат ва бошпана муаммоси купда ташвишлантиравермаган. Совуқ об-ҳаво ҳукмрон булган юртларда эса, улар узлари учун овқат излашга ҳамда совуқдан ва йиртқич ҳайвонлардан ҳимояланиш йулларини ахтаришга мажбур буладилар. Шунинг учун ҳам бу иккала минтақада ижтимоий-маданий ривожланиш юз бермайди. Бундай юксалиш фақат муътадил иқлимли улкаларда содир булади. Бунинг сабаби шундаки,— деб курсатади Ибн Рушд, — бу жойларда йил фасллари алмашиниб туради. Одамлар иссиқ кунларда қиш фасли учун ҳам озиқ-овқат ва бошқа зарур нарсаларни жамлашга, шунингдек, уй-жой қуришга мажбур булишган». Айнан мана шу эҳтиёж — талаб цивилизацияга туртки булган. Охирги юз йилликларда юз берган илмий-техник тараққиёт таъсирида шимолий, яъни совуқ, шунингдек, иссиқ минтақаларда жойлашган мамлакатлар ҳам куп соҳаларда юксак ривожланиш босқичларига эришдилар.

Маълумки, мамлакат, улка ва миллат тарихи ҳар доим уларнинг номидан қадимийроқ булади. Осиёга номни юнонлар қуйган, деган гап бор. Гап шундаки, «осиё» атамаси юнончадан таржима қилинганда «шарқ» деган маънони беради. Қадимий халқлардан булган ассурийлар тилидаги «асу» сузи ҳам шундай маънони англатар экан. Бу ном мантиқан туғри, чунки Осиё географик жиҳатдан Грециянинг шарқ — кунчиқар томонида жойлашган. Агар юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқадиган булсак, бу қитъа узига ном берган уша греклар учун ҳам ота юрт ҳисобланади. Қизиғи шундаки, «Европа» атамаси ҳам мазкур тиллардан олинган булиб, юнонча «Европа» ва ассурийча «эреб» сузлари «ғарб» деган маънони беради. Бу нарса ҳам дастлаб цивилизациянинг айнан Осиёда, аниқроғи Олд Осиёда пайдо булганлигини билдиради. Зеро, дунё ҳақидаги тасаввурлари бироз кенгайган қадимги аждодларимиз — осиёликлар, узларидан кунчиқар томондаги ерларни «Осиё» — «Шарқ», кунботар тарафдаги улкаларни эса «Европа» — «Ғарб» деб атадилар.

Қитъалар ва цивилизациялар ҳақида гап кетганда аслида яхлит бир қуруқлик — материк булган Европа ва Осиё

қитъаларини бир-бири билан қиёслаш анъана тусини олган. Бу ҳолатни Европа ва Осиёнинг умумтараққиётга қушган улушларининг юксаклиги билан изоҳлаш мумкин. Африка гарчи инсоният учун куҳна макон ҳисобланса ҳам, агар қадимги Миср маданиятини — гарчи унда осиёча руҳ сезилиб турса-да — эътиборга олмаса, тараққиётдан орқада қолди. Кейинчалик кашф қилинган Америка ва Австралия қитъалари эса янги жамиятлар булиб, уларда мавжуд булган ҳозирги юксак ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт Евроосиё маданиятининг маҳсулидир.

2

Эволюцион таълимот тарафдорлари булган қадимшунос олимларнинг эътироф этишларича, одам дастлаб Африка қитъасида пайдо булган, аниқроқ қилиб айтадиган булсак, у шу ерда ҳайвонот оламидан ажралиб чиққан. У тур сифатида аста-секинлик билан купайиб, узининг табиий-ижтимоий маконини кенгайтириб боради. Тараққиётнинг маълум бир босқичида бу кенгайиш шу даражага етадики, одамзодга бешик булган макон — Африка замини энди унга торлик қилиб қолади ва бундан бир неча миллион йил аввал қадимги аждодларимизнинг саргузаштталаб вакиллари мангу иссиқ улкани тарк этиб, узлари учун ҳали номаълум булган диёр — Осиё сари равона булишади. Улар бизнинг қитъамизга ҳозирда бу икки қуруқликни бир-биридан ажратиб турган сунъий сув ҳавзаси — Сувайш канали ҳудуди орқали утишган. Уша замонларда Олд Осиё — Урта денгиздан Форс курфазигача булган ҳудуд иқлими муътадил, ёғингарчилик даражаси меъёрда булиб, тупроғи деҳқончилик ва чорвачилик учун ниҳоятда қулай эди.

Машҳур Месопотамия маданиятининг айнан шу жойда шаклланганлиги тасодиф эмас, албатта. Бу маданият камол топган жой тахминан ҳозирги Ироқ ҳудудига туғри келади. Месопотамия маданиятининг кейинги тараққиётга курсатган таъсирини шундан ҳам билса буладики, айнан шу жойда одамлар биринчи марта ҳайвонларни қулга ургатишган, яъни уларни хонакилаштиришган. Ит — «маданийлашган» дастлабки ҳайвон эди. Кейинчалик сигир, қуй, эчки ва

бошқа ҳайвонлар хонакилаштирилди. Айнан шу минтақада одамлар оловни бошқаришни урганиб олдилар. Бу минтақада инсонлар табиий бошпаналари — ғорларни тарк этиб, узларига яшаш учун уй-жой қуришни урганиб олишган. Мазкур ҳудудда инсоният уз тарихидаги энг улкан ихтирони яратди — ёзув пайдо булди. Шуни айтиб утиш керакки, аждодларимиз амалга оширган бу улкан кашфиётлар турли минтақаларда ва бир-биридан мутлақо мустақил равишда ҳамда давр жиҳатидан бир вақтда ёки турли даврларда яратилган булиши ҳам мумкин. Чунки улар умумтараққиёт мантиғидан келиб чиқадиган кашфиётлар булиб, эртами ёки кечми одамзод барибир айнан шу йулдан — бошқасидан эмас — борар эди. Бундан ташқари, инсоният жамияти камолотида муҳим роль уйнаган тарихий жараён — деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликни бир-биридан ажратган дастлабки меҳнат тақсимоти юз берди. Одамлар бир жойда муқим яшашга урганишди. Ўтроқ ҳаёт эса тараққиётни тезлаштирди. Чунки овчилик ва термачилик асосига қурилган кучманчи ҳаёт ривожланишни чеклаб қуяр эди. Оқибатда жамоавий бирлашмаларнинг янги шакли булган шаҳарлар ва давлатлар шаклланди. Албатта, бу руйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Бир нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, гарчи одам биологик тур сифатида Африкада пайдо булган булса-да, бироқ ижтимоий ва маданий ҳодиса сифатидаги инсонга Осиё доялик қилди. Эътибор бердингизми, энди инсон табиатидаги янгилик яратишга қаратилган исёнкорлик руҳи унга тинчлик бермай қуйди. Унинг ботинида тобора кучлироқ жуш ураётган онг борган сари инсоннинг узига ва дунёга булган даъвосини оширар эди. Башарият фарзандларининг комилликка интилиш йули шундан бошланган булса, ажаб эмас.

Менимча, кишилик жамиятининг асоси ҳисобланадиган бир ота ва бир онадан иборат булган моногам оила ҳам осиёча ҳодиса ҳисобланади! Бундай оила қарор топиши билан инсониятнинг маънавий-ахлоқий камолотида улкан силжишлар юз берди. Энди оила ҳақиқий тарбия учоғига, жамиятнинг асосий таянчига айланди. Чунки, фақат шундай оиладагина чинакам беғараз ва самимий узаро қардошлик алоқалари таркиб топиши мумкин эди. Айнан беғаразлик ва

самимият кишилар маънавиятининг асосий устунлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам оила Шарқда қадим-қадимдан муқаддас қўрғон ҳисоблаб келинган. Инсоният жамияти тарихидаги жуда катта ижтимоий ҳодиса бўлган оила ҳам инсоннинг узи сингари узоқ ва машаққатли тараққиёт йулини босиб утди. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формация даврида оила узига хос шакл ва мазмун касб этганлиги аниқ. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузум оилага, унинг камолот даражасига, шунинг билан бир қаторда оиладаги узаро муносабатлар характери умумжамият миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий ва ҳатто сиёсий муносабатлар тизимига чуқур таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз. Айниқса, бу таъсир иккинчи ҳолатда самаралироқ кечган. Бу ҳолни биз жамият ва инсон ҳаётида ахлоқий қадриятлар ролининг ошиб боришида куришимиз мумкин. Ҳа, айнан ахлоқ оиланинг ва у орқали умумжамиятнинг камол топишида муҳим роль уйнади. Бу нарса кейинчалик давлат пайдо булиши билан, ижтимоий хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг мажбурий шакли — ҳуқуқий онг ва унинг асосида ётувчи қонунларнинг яратилишида муҳим роль уйнади. Худди мана шундай эврилишлар жараёнида ҳозирги замон кишиларининг маънавий-ахлоқий қиёфаси шаклланди ва бунда оила институти муҳим роль уйнади.

Ҳозир «инсонга қаратилган ахборот оқимининг ошиб кетаётганлиги» ҳақидаги мулоҳазалар тез-тез қулоққа чалиниб туради. Буни ахборотларнинг шакл ва мазмун жиҳатидан узгарганлиги тарзида қабул қилиш мумкин, албатта. Аммо у миқдор жиҳатидан камайса камайдику, лекин зинҳор кўпайгани йўқ. Узингиз ўйлаб куринг, қадимги замон кишиси яшаб қолиши учун табиат билан шундай бир уйғунликни ҳосил қилиши зарур эдики, бу ҳол инсон ва табиий муҳит ўртасида юксак даражада ахборот алмашинуви булишини тақозо қилар эди. Бу нарса ҳаёт-мамот масаласи эди, чунки мувозанат бузилган тақдирда инсон ҳалок бўлган.

Мен ўз мулоҳазаларимда «маданият» тушунчасини кўп бора ишлатдим ва ундан яна баҳоли қудрат фойдаланаман. Мана шу жойда мазкур тушунча ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Гап шундаки, маданият кўп қиррали тушунча булиб, юзлаб ҳар хил таърифу тавсиф-

ларга эга. Бу таърифларнинг ҳаммаси ҳам мазкур ижтимоий-маънавий ҳодисанинг моҳиятини қандайдир даражада узида ифодалайди, албатта. Лекин назаримда, «маданият — бу инсоннинг инсонликка интилишидир» деган таъриф уларнинг орасида энг туғрисидир. «Инсоннинг инсонликка интилиши» эса моҳият-эътибори билан айнан Осиёда юз берди. Шу уринда Зигмунд Фрейднинг «ҳар қандай маданият — бу инсон устидан қилинган зуравонликдир», деган гаплари ёдга келади. Бу билан улуғ олим зинҳор маданиятни қораламоқчи булган эмас. Балки ижтимоий ва ахлоқий тақиқ нималигини билмаган ибтидоий давр одами билан, бир қадар ижтимоийлашган ва маданийлашган янги давр кишиси уртасидаги фарқни курсатмоқчи булган, холос. Аллома бу муаммога файласуф ва руҳиятшунос сифатида назар ташлайди. Узингиз уйлаб куринг: агар борди-ю, кунглига келган ҳамма ишни қилишга урганиб қолган одамга бирон нарсани тақиқласангиз, у қандай аҳволга тушарди?! Маданият ҳам ибтидоий одам учун шундай узига хос маънавий ва ахлоқий тусиқ вазифасини бажарди. Умуман, табиат ва жамиятда мутлақ эркинлик булиши мумкинми? Асло, йуқ! Бутун борлиқдаги ҳамма нарса ва ҳодисалар қатъий қонунлар асосида бир-бирлари билан боғланган. Бундан кишилик жамияти ҳам мустасно эмас, чунки бу боғлиқлик умумфалсафий характерга эга. Шу маънода «Эркинлик — бу англанган заруратдир» деган гап зап топиб айтилган-да! Демак, инсоннинг эркинлик даражаси унга мамлакат конституцияси ва қонунлари томонидан берилган эркинликлар билан бир қаторда, унинг онг даражасига ҳам боғлиқ булар экан. Албатта, бу уринда ахлоқий қадриятларни ҳам унутиб булмайди. Шу маънода маданий қадриятлар ҳар томонлама камол топган ҳозирги замон кишисининг ва жамиятининг шаклланишида ҳал қилувчи роль уйнади. Яна бир мулоҳаза: гап шундаки, узларини «демократия устунлари» деб айтаётган мамлакатлардаги «инсонларнинг ҳар томонлама эркинликларини тарғиб қилиш сиёсати» туфайли, Ғарбнинг ҳозирги юксак тараққиёт чуққиларига чиқишини таъминлаган асосий қадриятлар — оила, мактаб ва черков охирги ун йилликларда узининг анъанавий мавқеини йуқота бошлади.

3

Осиёда бу қитъа халқлари яратган ҳамда инсониятнинг кейинги камолотида улкан аҳамият касб этган ўлмас маънавий қадрият — дин пайдо булди. Шубҳасиз, дин инсоният ақл-идроки яратган энг улкан кашфиётлардан бири ҳисобланади. Диний онгнинг пайдо булиши билан жамиятдаги жуда кўп иллатларга барҳам бериш имконияти туғилди, энг муҳими эса мавжуд ахлоқий қадриятлар кўлами ошиб, уларнинг қонунлаштирилуви юз берди — диний талаблар муқаддаслаштирилди. Диний дунёқарашнинг такомиллашуви оқибатида қабила динлари аста-секин миллий динларга айлана борди. Кейинроқ жаҳон динлари пайдо булди. Бундай динларнинг ҳаммаси айнан бизнинг қитъамизда шаклланганлигини ҳурматли уқувчига эслатишнинг зарурати булмас. Бу жараёнда Марказий Осиё халқлари ҳам фаол иштирок этдилар. Кўҳна Хоразм заминида шаклланган Зардуштийлик динида яккахудолик ғояси илгари сурилади, кейинчалик Христианлик ва Ислом бу дин илгари сурган куплаб илғор ғояларни узларига сингдиришади. Масалан, жаннат ва дўзах категориялари шундай диний ғоя-қадриятлар сирасига киради. Зардуштийлик биринчи марта меҳнатни энг савобли амал — ибодат дея эълон қилиш билан, инсонлар маънавиятини яна бир поғона юксакликка кутара олди. «Ватанни ҳимоя қилиш — муқаддас бурчдир», деган битикларда ҳарбий хизматнинг ҳамда ватаннинг муқаддаслаштирилганлигини кўрамиз. Бир замонлар инсонларни тарбиялашга ҳамда турли миллат ва элатларни бирлаштиришга хизмат қилган дин, бугунги кунга келиб, дунёнинг баъзи бир минтақаларида узаро низоларга сабаб булаётганлигини уйлаганингда, ногаҳон диний қадриятларни ислоҳ қилиш вақти келмадимикан, деган хаёлларга борасан киши?! Туғри, эҳтимол мавжуд динлар ва диний эътиқодлар негизида ягона дин яратиш мумкин эмасдир. Бироқ, оқилона равишда олиб бориладиган толерантлик — бағрикенглик сиёсати, фалсафаси туфайли уларнинг узаро зиддиятларсиз яшашларини таъминлаш мумкин.

Шу ўринда таниқли олим Г. Сиборгнинг қуйидаги фикри эътиборга молик: «Ҳар бир яшаб утган йилимиз биз-

нинг маънавий ва сиёсий томондан биргаликда яшашга ургинишимизни тақозо қилади. Бугун биз билим натижасида куп нарсага эришмоқдамиз, шундай кунлар келадики, ҳамма бирдек ишлайди ва бугунги кунда баъзиларгина эришаётган роҳат ва фароғатга ҳамма мушарраф булади. Дунё маҳаллий ёки диний цивилизациялардан иборат эмас. Бизнинг цивилизациямиз бир бутун ва ягонадир. Бундай муҳитда ҳар бир миллат ва қайсидир маънода ҳар қайси инсоннинг ҳаракати барчамизнинг тақдиримизга таъсир курсатиши ҳеч гап эмас».

Осиё ва Европа қитъалари ортасидаги савдо-иқтисодий муносабатларда Буюк ипак йули муҳим роль уйнади. Бу ҳамкорлик фақат шу билангина чегараланиб қолгани йуқ. Бунга мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, қадимги Греция фанининг илмий ва маданий ютуқлари Европага айнан Осиё орқали утиб борди. Аниқроғи, осиёликлар қарийб йуқолиш даражасигача бориб қолган бу улкан ва бебаҳо меросни европаликларга қайта «таъмирлаб» ва бойитиб берди. Бу маънавий-маърифий жараён қуйидагича юз берган эди: греклар яратган илмий мерос IX—XII асрларда яшаб ижод қилган осиёлик олимлар — уларнинг жуда куплари Марказий осиёлик эдилар — томонидан қайта урганилиб, араб тилига — у пайтларда бу тил халқаро тил мақомига эга булган — таржима қилинади. Буюк қомусий олимлар — Форобий ва Ибн Синолар бу ишга, айниқса, катта ҳисса қушишган. Кейин бу мерос араблар қул остида булган Шимолий Африка ва Пиреней ярим ороллари орқали утиб, Европага тарқалади. Бу ҳиссани замонавий фалсафанинг энг катта вакили — Гегель «фан ва билимлар, айниқса, фалсафа Ғарбга араблардан утган», дея ҳақли равишда эътироф этади. Маълумки, утмишда Европада Марказий осиёлик олимларни ҳам араблар деб ҳисоблашган, чунки улар асарларини уша пайтда халқаро тил булган араб тилида ёзишган. Шубҳасиз, Европа илм-фани, тиббиёти, айниқса, фалсафасининг шаклланиши ва тараққиётига энг катта таъсир этган омил — бу буюк ватандошимиз Ибн Сино ва унинг ижоди булди.

Ғарб мамлакатлари олимлари купинча бир ёқлама таъсирни — Европанинг Осиёга таъсирини тан олиб, Шарқ-

нинг Ғарбга курсатган таъсирини эса инкор этадилар. Таниқли шарқшунос олима Фозила Сулаймонова бу ҳақда ўзининг «Шарқ ва Ғарб» рисоласида шундай деб езади: «Эллинистик маданиятнинг шаклланишида Шарқ катта роль ўйнади. Яқин ва Марказий Шарқда ривож топган илм-фан, айниқса астрономия, математика, табобат ва ўзига хос қишлоқ хўжалиги борлиги, греклар таниш бўлмаган экин экиш, ҳосил олиш усуллари, улар билмаган озуқа, мева ва полиз етиштиришни кўрдилар. Айниқса, бир-бири билан алоқаси кам бўлган мустақил шаҳар — давлатлар — полислар тузуми шароитида яшашга ўрганган келгиндилар Шарқда ягона давлат, йўлга қўйилган савдо алоқалари, шаҳарлараро яхши йўллар ва қишлоқлар билан бирдамлик, умумий дин, ибрат олишга арзигулик кўп нарсалар борлигини кўрадилар». Ҳақиқатан ҳам Шарқ халқлари давлат тузуми, иқтисоди ва маданиятининг эллинизмга таъсири оз бўлмади. Бу нарса яна бир бор шундан далолат берадики, ҳеч қачон ҳеч қайси халқ, элат бошқа халқлардан узилиб қолган эмас, акс ҳолда ҳеч қандай тараққиёт бўлмас эди.

Афсуски, бу қитъа тақдир тақозоси билан инсоният тарихидаги энг даҳшатли ва қирғинбарот урушларни ҳам бошидан кечирди. Милоддан аввалги туртинчи юз йиллик адоғида Александр Македонский армиясининг жасур ва эрксевар Туронзамин халқига қарши утказган шафқатсиз босқинини суз билан ифодалаш қийин. Айниқса, Чингизхон қушинининг зулми ҳаммасидан ошиб тушди — ҳаёт ва маданият гуллаб-яшнаган кентлар ва шаҳарлар бутунлай вайрон этилиб, аҳолиси ёппасига қиличдан ўтказилади. Мозий мозий бўлиб бунгача ҳам ва бундан кейин ҳам бунақа хунрезликни кўрган эмас. Гапнинг индаллосини айтганда, Сталин ва Гитлер сингари қонхур жаллодлар бу жиҳатдан Чингизхонга шогирдликка ҳам ярамайдилар. Машҳур шоир Абдулла Ориповнинг эътироф этишича, дунёнинг энг кўҳна шаҳарларидан бири — биз яқингинада 2700 йиллик туйини нишонлаганимиз Қарши шаҳри қабристонлар сонининг кўплигига кура дунё шаҳарлари орасида биринчи уринда турар экан. Бунга сабаб шуки, шаҳар халқи утмишда ёвлар томонидан уч марта ёппасига қирғинбарот қилинган.

Шу сатрларни қоғозга туширдиму уйланиб қолдим, хаёлимда яқингинада уқиганим — рус публицисти Игорь Буничнинг «Партиянинг олтинлари» китобидаги баъзи бир тафсилотлар қайта жонлангандек булди. Ҳурматли уқувчига тушунарли булиши учун ушбу асардан биттагина иқтибос келтираман: «Ўрта Осиё мўғуллар истилосидан сунг, Европа уттиз йиллик урушдан кейин, Франция ун йил давом этган улатдан кейин ва ҳатто, уларнинг барини қушиб олганда ҳам хароблиги жиҳатидан Россия Лениннинг салкам етти йиллик ҳукмронлиги оқибатида тушиб қолган ҳолатига қиёслаб ҳам булмасди». Табиийки, уша вақтда Россия империясининг мустамлакаси булган юртимиз — Туркистон ҳам бу «насиба»дан бебаҳра қолмади. Лениндан сунг ҳокимият тепасига келган ва уттиз йил мамлакатни бошқарган Сталин ҳам қонхурликда уз салафидан қолишмади. Албатта, инсоният тарихининг бир булаги булган социализм ҳодисаси ва советлар даври иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-тарихий нуқтаи назардан ҳали охиригача тула-тукис урганилган эмас. Ҳали бу йулда олимларимизнинг анча тер тукишларига туғри келади. Мен совет даври ҳақидаги турли адабиётларни уқиб шундай хулосага келдим: мамлакат раҳбари неча марта алмашган булса, ижтимоий-иқтисодий тузум ҳам амалда шунча марта узгарди. Ҳамма нарса биринчи раҳбарнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ буладиган тузумда бундан бошқача булиши ҳам мумкин эмас эди. Давлат тепасига янги раҳбар келиши билан ҳамма соҳада ислоҳотлар жараёни бошланиб кетар ва бунда мамлакат миқёсида олдин эришилган марралардан орқага қайтиш ҳоллари ҳам мустасно эмас эди. Совет халқи муттасил 74 йил ислоҳотлар даврида яшади. Бунинг қанчалик азоблигини шундан ҳам билса буладики, машҳур хитой мутафаккири Конфуций «ҳатто душманимга ҳам ислоҳотлар даврида яшашни раво кўрмайман» деган эди. Сохталик ва қушиб ёзишлар шу даражага чиқдики, натижада халқнинг ва миллатнинг менталитети узгарди — бир замонлар ёлғонни энг оғир гуноҳ санаб яшаган инсонларнинг авлодлари учун раҳбарларнинг кунглини олиш илинжида ёлғон сузлаш ва лаганбардорлик оддий ахлоқий меъёрга айланиб қолди. Бундан ҳалигача қутула олмаяпмиз. Шу уринда узим анчадан бери уйлаб юрган бир мулоҳазам-

ни сиз билан ўртоқлашмоқчиман. Гап шундаки, биз инсонлар утадиган ҳар бир кунимиз, яъни вақт ҳамма соҳада ривожланиш ва юксалишларга олиб келади, деган хаёлда юрамиз. Биздаги нажот, яъни умидворлик туйғуси шуни тақозо қилади ва бу туғри, албатта. Аммо бир нарса аниқ — вақт нафақат ривожланиш ва тараққиётга, балки емирилиш ва талафотларга ҳам олиб келади. Ва бунда борган сари инсон омилининг роли ошиб бораяпти. Шу уринда, «биздаги маънавий-ахлоқий сифатларда аждодларимизга нисбатан қандайдир даражада юксалиш юз бердими?» деган ҳақли савол пайдо булади ва бу суроққа тасдиқ жавобини бериш унчалик ҳам туғри эмас, деб уйлайман.

4

Буюк ипак йули куп асрлар давомида нафақат Осиё қитъаси ҳаётида, балки Евроосиё материги, қолаверса, бутун дунё тараққиёти ва тақдирида жуда муҳим роль уйнади. Бу йул орқали маҳсулотлар савдосигина амалга оширилмасдан, маданиятлар алмашинуви ҳам юз берди. Бу йул орқали инсонлар, халқлар, миллатлар, давлатлар ва минтақалар бирбирларини кашф қилдилар. Бу йул турли-туман диний, илмий, маърифий ғояларнинг тарқалиши учун асосий восита булиб хизмат қилди. Кейинчалик буюк географик кашфиётлар даврида янги денгиз йулларининг очилиши ва давлатлараро низоларнинг кучайиши оқибатида бу йул узининг аҳамиятини йуқота борди. Бизнинг давримизга келиб эса, «Буюк ипак йули» соф тарихий қадриятга айланиб улгурган эди. Евроосиё материгида охирги ун йилликларда юз берган сиёсий-иқтисодий узгаришлар бу йулни қайта тиклаш эҳтиёжини юзага келтирди. Айниқса, бевосита денгиз портларига чиқиш имкониятига эга булмаган Узбекистон ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари учун бу нарса катта имкониятлар эшигини очади.

Коммуникация тизими ҳар бир мамлакат учун жуда муҳим геосиёсий омил булиб хизмат қилиши кундай равшан. Шу маънода Узбекистоннинг ҳам ташқи, ҳам ички коммуникация тизими анча ноқулай аҳволда. Давлатимизнинг қитъа мамлакати эканлиги (яна бир геосиёсий омил) темир йул

ва автомобиль йулларининг ривожланган тармоғи булишини тақозо этади. Уларни яхшилаш учун кейинги йилларда бир талай ишлар амалга оширилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган ички темир йул тармоғининг ишга туширилиши, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларини бир-бири билан боғловчи Қумқурғон — Бойсун — Термиз темир йулининг қурилаётганлиги ҳамда Қамчиқ довонидаги йулларнинг кенгайтирилиши шундан далолат беради. Узбекистоннинг бир-бирига муқобил булган бир неча халқаро савдо йулларига эга булишга қаратилган интилишларини геосиёсий ноқулайликларни камайтириш чораси сифатида қабул қилиш керак.

2000 йилда Қозоғистон — Хитой чегарасида иккала давлатни узаро боғловчи темир йул тармоғи ишга туширилди. Бу йуналиш Узбекистон ва Қозоғистонни Хитой портларига олиб чиқувчи муқобил йуллардан бири ҳисобланади. Минтақамиз давлатлари ҳамкорлигида 1996 йил Транссиб йуналишининг давоми сифатида Марказий Осиё орқали Хитой ва Европани боғлаб турувчи Тежен — Серахс — Машҳад темир йул тармоғи қуриб битказилди. Бу йуналишга Евроосиё мақоми берилди. Хитой бу йуналишга Европа ва Осиёни боғлаб турувчи куприк сифатида баҳо бериб, унинг ривожланишига катта аҳамият бермоқда. Ушбу йуналишнинг яна бир устунлиги шундаки, бу йул Транссиб йуналишидан 1500 км масофага қисқадир. Юклар денгиз орқали Хитойнинг Ляньган портидан то Берлингача 20—30 кунда етказиладиган булса, ушбу шимолий коридор орқали улар 11 кунда етказилмоқда. Шу жиҳатдан Афғонистон орқали утказилиши мулжалланаётган автомобиль ва темир йуллари ҳам анча истиқболли ҳисобланади. Афсуски, бу эзгу ишнинг тезроқ амалга оширилишига мазкур мамлакатда ҳукм сураётган нобарқарор вазият ҳамон тусқинлик қилмоқда.

Биз учун Транссиб маршрутига яна бир муқобил йуналиш — бу ТАСИС дастури доирасида ишлаб чиқилган ТРАСЕКА, яъни Осиё —Кавказ — Европа транспорт йулаги ҳисобланади. Бу тармоқ ҳозир ҳам фаолият юритаётган булишига қарамасдан, баъзи бир сабабларга кура, унинг имкониятларидан тулиқ фойдаланилмаяпти.

«Бозор инсоният маданий тараққиётининг энг ажиб маҳсулидир, — деб ёзади таниқли иқтисодчи олим Нурислом Тухлиев. — Табиийки, бозор дастлаб кишилик жамиятининг маданий учоқларидан бирида пайдо бўлди. Кейин эса бошқа юртларга тарқалди. Бугун ўша маданий марказ — Осиё қитъаси эканлигига, бозорни тарихий осиёвий ҳодиса деб ҳисоблашга етарли ашёвий ва илмий асослар, археологик ва этнографик манбалар бор».

Осиёда бозор қачон пайдо бўлди? Бу ҳақдаги мулоҳазалар илмий адабиётларда учрайди. У бундан 30 минг йиллар илгари пайдо бўла бошлаган, деган тахминлар мавжуд. Бозорнинг илк кўриниши инсон меҳнатининг натижалари — маҳсулотларни узаро айирбошлашдир. Бу жиҳатдан бозор кишилик жамияти сингари қадимийдир. Инсоният қанча маданий босқичлардан ўтган бўлса, айирбошлаш ҳам шунча босқичларни босиб ўтган. Инсон ҳамиша, ҳатто ўзининг энг қуйи тараққиёт босқичи — ибтидоий шароитда ҳам фақат ўзи учунгина меҳнат қилмайди. У жамият аъзоси, унинг меҳнати айирбошлаш механизми орқали бошқаларнинг меҳнатига боғланиб кетган. Меҳнат тақсимоти, унинг янги шаклларини бу боғлиқликни янада зарурийроқ қилиб боради. Меҳнат натижаларини айирбошлашга эришиш инсоният тарихида жуда катта инқилобий ўзгариш эди. Машҳур француз тарихчиси Фернан Бродель маҳсулот айирбошлашни ҳақли равишда озодлик, ёриб ўтиш, бошқа дунёга эришиш имконияти билан тенглаштиради. Дастлабки ижтимоий меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши билан — деҳқончиликдан чорвачилик ажралиб чиққанидан кейин, айирбошлаш тасодифий ҳодисадан доимий жараёнга айланди. Ўша вақтлардаёқ қиймати бир қатор товарлар қийматига муқобил бўла оладиган товарга зарурат пайдо бўлган эди. Шундай қилиб, пул пайдо бўлади. Бу ҳодиса ҳам Осиёда содир бўлди. Умуман, бозор маданиятининг вужудга келиши ва ривожланишида бизнинг заминимиз — Туркистоннинг муҳим ва бетакрор хизмати бор. Бу ҳақда тарихий ва маданий ёдгорликлар далолат беради. Марказий Осиёдаги Аму ва Сирдарёларнинг этаклари буюк Нил, Дажла, Евфрат, Хуанхе ва Ганг дарёлари оқимларидек, қадимий маданият бешикларидан ҳисобланади. Яна шуни ҳам эътиборга олиш

керакки, Туронзамин бир томондан Месопотамия ва Эрон, иккинчи томондан Хитой ва Ҳиндистон уртасидаги боғловчи ҳалқа эди. Даре уз узанидан оқади. Юртимизда яна бозор маданияти гуллаб-яшнашига тула ишонч бор. Бунга Тинч океани ҳавзаси яна халқларни бирлаштирувчи восита булаётганлиги, айниқса, унинг Осиё қисмида бозор муносабатлари кенг қулоч ёзаётганлиги далил була олади. Америкалик машҳур сиёсатшунос З. Бзежинский йигирма биринчи аср Тинч океани ҳавзаси, шу жумладан, унинг Осиё қисмининг эраси булади, деб ҳисоблайди.

Гап бозор ва бозор муносабатлари ҳақида борар экан, иқтисодий, сиёсий ва тарихий адабиётларда тез-тез тилга олинадиган «осиёча ишлаб чиқариш усули» ҳақида тухталишга тўғри келади. Бундан икки минг йил аввалроқ пайдо булган бу усулнинг моҳияти осиёликлар меҳнат фаолиятининг моддий шарт-шароитлари ва хусусиятлари билан белгиланади. Бу хусусиятларни уч йуналишга ажратиш мумкин: катта миқёслардаги ишлаб чиқаришнинг мувофиқлаштирилишини талаб қиладиган ижтимоий меҳнат тақсимотининг мавжудлиги; табиий ва моддий ресурсларнинг чекланганлиги; меҳнат ресурсларининг керагидан ортиқ даражадалиги. Албатта, осиёча ишлаб чиқариш усулининг энг асосий хусусияти, шубҳасиз, ерга давлат мулкчилигининг амал қилишидир. Бу типдаги иқтисодиёт ҳокимият ва мулкнинг ягоналигига ва марказлашган хужалик юритишга асосланади. Бунда жамоа жуда катта роль уйнайди. Чунки каналлар, туғонлар ва бошқа кўп меҳнат кучларини талаб қилувчи ишлар ҳамманинг уюшиб меҳнат қилишини тақозо қилар эди. Ишлаб чиқаришнинг бу усулига эволюционлик, яъни аста-секин ривожланиб бориш хос. Бундай шароитда ҳаёт экстенсив омиллар ҳисобига ривожланади ва давлат фуқароларнинг барча хатти-ҳаракатлари, ҳатто фикрлаш тарзи устидан назорат ўрнатади.

Қулай табиий ва географик шароит юртимизни урушлар, босиб олишлар майдонига ҳам айлантириб қуйди. Бу ерда турли вақтларда аҳамонийлар, кушонлар, грек-бақтрийлар, салавкийлар, парфияликлар, тоҳирийлар, эфталийлар, сосонийлар, аббосийлар, сомонийлар, қорахонийлар, қоракидонлар, салжуқлар, турк хоқонлари, хоразмийлар,

темурийлар ва бошқа давлатчилик тузумлари ҳукм сурди. Натижада халқлар, маданиятлар бир жойга тупланди. Аммо маҳаллий маданият ҳамма вақт узидан устун маданият унсурларини қабул қилди, пастроғини эса узига сингдириб юборди. Араб ёзуви қадимий Хоразм ва суғд ёзувини сиқиб чиқарди. Чунки араб маданияти ислом дини шаклида ва Оллоҳнинг сузи — Қуръон таъсирида маҳаллий маданиятни енгди, демак шу жиҳати билан маҳаллий халқ маданиятидан юқорироқ эди.

Бундан араблар бу ерга етиб келгунича маҳаллий аҳоли ибтидоий ҳолатда эди, деган маъно келиб чиқмайди. Бу ерда исломгача жуда кучли Марғиёна, Суғд, Бақтрия ва Кушон давлатлари маданияти мавжуд эди. Марғиёна саноати, масалан, дунёнинг ярмига жангчиларнинг жанговар кийимларини етказиб берарди. Демак, улкамизда ҳарбий санъат уша давр учун юксак даражада булган экан-да?! Бу ерда шаҳар маданияти узининг эллинизм, форс, ҳинд ва хитой маданияти унсурлари билан бойитилган икки минг йиллик тарихга эга эди. Бу юрт энг ривожланган жаҳон динларидан бири — зардуштийликнинг ватани эди. Аммо арабларда бу вақтда кучли давлатчилик тузуми, катта жанговар армия, уз ёзуви, энг асосийси, янги ва қудратли мафкура — Ислом бор эди.

Муғул маданияти ҳақида эса бу фикрни айтиб булмайди. Муғуллар Мовароуннаҳрни ишғол этганларида уларда инсонни қурбонлик қилиш, кўпхудолик мафкураси ҳукмрон эди. Шунинг учун ҳам уларнинг маданияти ерли халқ маданияти тарихида бирон-бир жиддий из қолдирмади.

Халқлар, маданиятлар тўқнашуви ва тўплануви Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби жаҳон фани ва маданиятини беқиёс бойитган буюк қомусий алломаларнинг стишиб чиқишига имконият яратди.

Агар антик маданият хуннлар ва вандалларнинг ҳужумлари таъсирида қулаган булса, Осиёда маданият инқирози аста-секинлик билан етилди. Бу инқироз урушлар туфаили эмас, балки куп жиҳатдан, иқтисодий омил ҳисобига — денгиз йулларининг очилиши билан карвон йулларининг халқаро аҳамияти пасайиши таъсирида чуқурлашиб борди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, уйғониш ва маърифатпарварлик руҳи антик дунёдан Европага Осиё орқали утди.

«Осиё цивилизацияси антик ва Европа цивилизацияларидан консервативроқдир, — деб таъкидлайди Нурислом Тухлиев. — Бунинг сабаби шуки, бу ерда қадриятларда маънавий йуналишнинг роли устунроқ. Бу йуналишнинг илдизлари минг йиллар давомида юксак маданият ва ижтимоий тараққиёт билан суғориб келинди. Шунинг учун ҳам Осиёда анъаналарнинг аҳамияти жуда катта. Япония император тахти ва ёзуви (иероглифлари)ни сақлаб қолиши билан биргаликда, осиёвий фидойиликни европача илғор фан, техника ва технология ютуқлари билан қушиб юбориш механизмини топа олди. Натижада жаҳоннинг энг илғор давлатларидан бирига айланди».

5

Охирги ун йилликларда инсониятнинг келажакда яшаши учун узга сайёралар ва галактикалардан макон излашга бағишланган илмий-фантастик асарлар купайиб қолди. Уларни илгари сураётган олим ва ёзувчилардаги инсоният келажагидан ташвишланиш туйғуларини тушуниш мумкин. Афсуски, бундай фикрлар — улар қанчалик жозибали ва юракларни энтиктирувчи таҳайюл кучига эга булмасин — фақат соф назарий қимматга эга булиб, инсонларни мушоҳадага ундашдан бошқа нарсага ярамайди. Бундай ярим илмий ва фантастик хаёлотга ишониш инсонларда она-сайёрамизга нисбатан лоқайд — вақтинчалик бошпанага булгани сингари муносабатнинг шаклланишига олиб келади, бунга эса асло йул қуйиб булмайди. Бунақанги ғайриилмий фикрлар инсонларда жирканч хулқ-атворни юзага келтиради — уларда сайёрамиз ва унинг табиий бойликларига нисбатан шафқатсиз истеъмолчилик психологияси шаклланади. Ишончимиз комил булсинки, биз ва биздан кейин келадиган авлодлар шу ва фақат шу заминда умргузаронлик қиладилар. Албатта, башарият вакиллари борган сари чексиз коинотнинг янада олисроқ минтақаларига бевосита — фазовий кемаларда парвоз қилиб ва билвосита — уз тафаккурларига асосланган назарий билиш йули билан кириб бориб, янги-

дан-янги кашфиётларни фақат сайёҳ-тадқиқотчи сифатида амалга оширавердилар, биз учун эса, қанча замонлар утишидан қатъи назар, «шу буюк сайёра — ягона Ватан» булиб қолаверади. Одамзод ҳеч қачон курраи заминни ўзи қачонлардир ғорларни тарк этгани каби, ташлаб чиқиб кетолмайди. Шундай экан, барчамиз Ер деб аталмиш бу сайёрага фарзанд меҳри билан боқиб, уни куз қорачиғидек асрашимиз лозим.

Ер сайёраси моҳиятан тирик организм ҳисобланади. Биз сайёрамиздаги мавжуд нарсаларни органик ва ноорганик моддалар деб икки қисмга булиб урганамиз. Гарчи бу нисбатда жонсиз — ноорганик унсурлар миқдор жиҳатдан куп булса-да, заминимиз биокимёвий жиҳатдан тирик организм ҳисобланади. Агар муаммога фалсафий нуқтаи назардан кенгроқ назар ташлаб, мантиқий мушоҳада юритганимизда ҳам, бунга ишонч ҳосил қиламиз — жонсиз муҳитда ҳаёт булиши мумкин эмас! Қолаверса, одамзод уз нигоҳини қанчалик олис коинот бушлиқларига қаратган булмасин, узини дунёга келтирган ва асраб келаётган замин — Ер сайёраси ҳақидаги билимларимиз ҳаминқадар оз. Биргина мисол — одамзод фақат геология нуқтаи назаридангина бу замин бағрининг бир неча чақиримгина ичкарисига кира олди, холос. Унинг пастки қатламлари ва айниқса, ядросида кечадиган жараёнлар ҳақидаги илмий хулосалар нари борса, гипотеза, яъни илмий тахминлардир. Кейинги йилларда физика соҳасидаги тадқиқотлар сайёрамиздаги ҳаётни таъминлаб турган муҳим омиллардан бири — Ернинг магнит майдони унинг ядросида кечадиган жараёнлар билан туғридан-туғри боғлиқлигини исботлади. Бундан ташқари, Ердаги ҳаёт яна бошқа юзлаб, эҳтимол минглаб — Ер сайёрасининг улчами, атмосфера ҳавосининг кимёвий таркиби, сувнинг физикавий ва кимёвий хусусиятлари, озон қатлами, сайёрамизнинг Қуёшга нисбатан узоқлиги ва оғиш бурчаги каби омилларга боғлиқки, буни шунчаки тасодиф дейиш, юмшоқ қилиб айтганда, ҳақиқатни тан олмаслик буларди.

Кейинги вақтларда оммавий ахборот воситаларида сайёрамиз экологиясининг ёмонлашаётганлиги ва асосий энергия манбалари булган кумир, нефть ҳамда табиий газнинг тобора камайиб бораётганлиги ҳақида ташвиш ва хавотир

билан кўп гапирилаяпти. Бу табиий, албатта. Чунки ҳозирги ҳаётимиз мазкур табиий захираларнинг мавжудлигига ва ишлаб чиқарилишига мутлақо боғлиқ. Шунинг учун ҳам баъзи бир илмий-оммабоп ва сиёсий-иқтисодий адабиётларда давримизга нисбатан «нефть цивилизацияси» атамасининг ишлатилаётганлигига ажабланмаса ҳам булади. Бундай муносабат туғри, албатта. Аммо қайта тикланмайдиган табиий захиралар булган мазкур манбаларнинг тугаб боришидан ҳам кўра, уларнинг қазиб олиниши ва ишлатилиши оқибатида ердаги табиий мувозанатнинг бузилиши ҳаётга кўпроқ таҳдид солади, дейиш мантиқан туғрироқ буларди. Кумир, нефть ва табиий газнинг ёниши натижасида углерод, азот ҳамда бошқа кимёвий моддалар ҳосил бўлади. Бу нарса ердаги табиий мувозанатни бузувчи салбий узгаришларни ҳосил қилади. Мазкур муаммолар устида узоқ йиллар тадқиқотлар олиб борган машҳур рус олими В. И. Вернадский шундай деб ёзади: «Маданиятнинг ривожланиб бориши билан инсоннинг сайёрамиз табиий манзарасининг узгаришига олиб келувчи таъсири ҳам уз-узидан ошиб боради. Ер юзаси шаҳарлар ва экин майдонлари билан қоплана боради. Натижада унинг кимёвий таркиби кескин узгаради. Кимёвий жараёнлар характерини ва маҳсулотлар кимёвий таркибини узгартириш билан инсон космик куламдаги ишни амалга оширади». Улуғ олим бу фикрларни жуда катта ҳадик ва хавотир билан бундан юз йил аввал ёзган эди. В.И. Вернадский яна инсоннинг атроф-муҳитга курсатадиган салбий таъсири натижасида табиатда микроорганизмларнинг янгидан-янги турлари пайдо булишини башорат қилган эди. Охирги ун йилликларда СПИД, парранда гриппи каби куплаб бедаво касалликларнинг пайдо булганлиги олимнинг қанчалик ҳақ эканлигини курсатиб турибди. Шу уринда уз-узидан ғоятда мантиқий бир савол туғилади: хуш, ноосфера туғрисидаги таълимот асосчиси антропоген омилнинг табиатга курсатадиган таъсирини юз йил аввал башорат қила олган экан, ҳозирги таъсир куламини эътиборга олган ҳолда булғуси аср тугул, ҳеч булмаганда яқин йиллардаги табиий узгаришларни яна кимдир олдиндан айтиб бера оладими? Бир нарса аниқ — бундай башоратларнинг аниқлик даражаси тез суръатлар билан камайиб бораяпти. Чунки инсоният-

нинг табиий муҳитга курсатаётган таъсир кучи ҳаддан ташқари катталашиб кетди.

Узингиз уйлаб куринг, инсоният бу энергия манбаларидан охирги юз йилликларда, айниқса, охирги ун йилликлар даврида жадал суръатда фойдалана бошлади. Унгача эса, бу табиий захиралардан деярли фойдаланилмади. Агар инсоният тарихига назар ташлайдиган булсак, одамзод турли даврларда маълум бир предмет ёки моддалардан энг куп даражада фойдаланганлигини курамиз. Тош даврида асосий меҳнат қуроллари тошдан, темир ва бронза даврларида эса иш анжомлари мазкур металлардан ясалган. Кейинчалик уларнинг урнини бошқа нарсалар эгаллади. Лекин уларнинг биронтаси ҳам охиригача тугаб битгани йуқ. Энди ҳам шундай булади — нефть ва табиий газ тугамасдан туриб, одамзод энергиянинг бошқа манбаларини уйлаб топади! Ҳозир бу йулда маълум ишлар амалга оширилди: атом энергетикасига асос солинди, Қуёш энергиясидан фойдаланиш ва термоядро реакторларини яратиш устида самарали илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Табиатнинг энг асосий таянч қонунларидан бири — кимёвий элементлар даврий жадвалининг асосчиси Д.И. Менделеев нефтдан ёқилғи сифатида фойдаланишни пулни ёқишга қиёслаган эди. Ҳақиқатан ҳам, бу ноёб кимёвий бирикмадан ёқилги урнида фойдаланиш купам мақсадга мувофиқ эмас. Нима учун? Шунинг учунки, биринчидан, нефть қайта тикланмайдиган табиий бойлик булса, иккинчидан, у шунчалик ноёб кимёвий таркибга ва тузилишга эга булган минералки, ундан ёқилғидан кура қимматроқ ва фойдалироқ юзлаб турдаги маҳсулотлар олиш мумкин. Учинчидан эса, ер бағрида ётган нефть, кумир, табиий газ ва бошқа минерал хом ашё захиралари шунчаки мавжуд булишликдан ташқари, бутун сайёрамиз биоэкосистемасидаги табиий мувозанатнинг муҳим омили булиб, бу муаммони урганиш ер ҳақидаги фанларнинг келгусидаги вазифалари сирасига киради. Зеро, шу нарсага ишончимиз комил булсинки, табиат — борлиқдаги ҳеч бир нарса бесабаб, яна ҳам аниқроқ айтадиган булсак, беҳикмат яратилган эмас.

Қадим замонларда инсон ва табиий муҳит уртасида узига хос мутаносиблик мавжуд эди. Техник ва ижтимоий тарақ-

қиёт бу мувозанатга путур етказди. Туғри, куҳна даврларда ҳам инсонлар фаолияти оқибатида атроф-муҳитга зарар етказилган, бироқ аждодларимизнинг экологияга етказган салбий таъсири — зарари қисқа вақт ичида қайта тикланган. Бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, табиий муҳит соғлом булган; иккинчидан, етказилган зарар қулами катта булмаган; учинчидан, бу таъсир муҳитнинг биокимёвий таркибини узгартирадиган даражада эмас эди; туртинчидан, дунё аҳолиси жуда кам эди; бешинчидан, усимлик ва ҳайвонот оламига мансуб организм турларининг ҳаммаси ҳали тулиқ сақланган эди; ва ниҳоят олтинчидан, ҳали катта шаҳар ҳамда мегаполислар булмаган.

Агар хаёлан инсон ва табиатдаги узгаришларни узаро қиёслайдиган булсак, одам охирги минг йилликларда биологик, ҳатто ижтимоий-маънавий жиҳатдан узгармагани ҳолда, табиий муҳит тез суръатлар билан, афсуски салбий томонга, узгариб бораяпти. Шундай бир шароитда инсоният уз-узига доимо бериб келган «нима қилмоқ керак?!» деган азалий ва мантиқий, аммо оғриқли савол яна узининг бутун салобати билан намоён булади. Ҳозир табиий муҳитни соғломлаштириш учун инсоннинг узини маънавий-ахлоқий жиҳатдан узгартириш керак, деган фикр нафақат экологлар, балки бошқа соҳа вакиллари томонидан ҳам борган сари қатъий қилиб айтилмоқда. Бунинг исботи сифатида шуни айтиш мумкинки, охирги йилларда илмий ва сиёсий адабиётларда, ҳатто оммавий ахборот воситаларида ҳам «экологик этика», «табиат этикаси» сингари фалсафий-ахлоқий мазмундаги янги тушунчалар пайдо булди. Бу тушунчалар қайси нуқтаи назардан баён этилмасин, уларнинг асосида «табиий муҳитнинг соғломлиги учун инсоннинг узи масъулдир!» деган ғоя ётади. Ҳурматли уқувчимда бундай ёндашувнинг нечоғлик туғрилигига шубҳа булмаса керак, деб уйлайман. Шундай нарсалар ҳақида уйлаганингда кунглинг таскин топади, демак одамзод она-сайёрамиз, демакки, келгуси авлодлар тақдирига бефарқ эмас!

6

Назаримда, дунёда қанча миллат яшайди, деган савол купчиликни қизиқтирса керак. Аҳолишуносликка бағишлан-

ган адабиётларда бу саволга турлича жавоб берилган. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти томонидан тайёрланиб, нашр этилган биргина «Фалсафа қомуси» китобининг турли саҳифаларида дунёдаги миллатлар сони турлича қилиб берилган: 1600 та, 3000 та ва 2000 та. Бундай ноаниқликлар ўз йўлига, бироқ энг кичкина миқдор — 1600 тани олганимизда ҳам, бу анчагина катта сон эканлигини сезиш қийин эмас. Бу миқдор шунинг учун каттаки, уларнинг ҳаммасини номма-ном айтиш ёки қоғозга ёзиб чиқиш учун ҳам анчагина вақт, қоғоз ва сиёҳ керак булар эди. Аъзоларининг сони жиҳатидан ҳам миллатлар бирбирларидан тубдан фарқ қиладилар: аҳолиси бир неча ўн киши булганларидан тортиб бир миллиардгача булган миллатлар (хитойлар) мавжуд. Уларнинг орасида жуда кўплари ўз ёзувига эга эмас, баъзилари эса, ҳаттоки ўз тилини ҳам унутган, яъни бошқа миллат тилини ўз она тили сифатида қабул қилганлари ҳам бор. Миллатлар сонининг турли манбаларда ҳар хил қилиб курсатилишига миллат тушунчасига нисбатан турли мамлакатларда ҳар хил мезонлар асосида ёндашилиши сабаб булса керак, деб уйлайман.

Ер юзидаги давлатлар сони ҳақида ҳам аниқ бир нарса дейиш қийин. Жуда куп сиёсий адабиётларда 200 та атрофида мамлакатлар борлиги айтилса-да («атрофида» сузига эътибор беринг!), жуғрофияга оид нашрларда 220 сони қайд этилади. Узбекистон Миллий университети профессори, файласуф олим Анвар ака Абдусаметов эса узининг динлар тарихига бағишланган маърузасида мавжуд давлатлар миқдорини 254 та деб таъкидлайди. Шуни айтиб утиш керакки, дунё ҳамжамияти деб аталувчи БМТ га 192 та давлат аъзо. Нима булган тақдирда ҳам миллатлар ва мамлакатлар сони уртасида кескин номутаносиблик мавжуд, яъни миллатларнинг мутлақ купчилиги узларининг миллий давлатларига эга эмаслар. Шу маънода биз узбеклар омадлимиз, яъни узимизнинг мустақил мамлакатимиз ва миллий давлатчилигимизга эгамиз. Мамлакатлар сонидаги ҳар хилликни асослаш учун қуйидагича мулоҳаза юритиш уринли деб уйлайман: ҳар хил ижтимоий-сиёсий ва тарихий сабабларга кура мамлакатлар сони ҳам тез-тез узгариб туради. Масалан, утган асрнинг 90-йилларида социализм ғоясининг барҳам топи-

ши билан дунё сиёсий харитасида унлаб янги мустақил давлатлар, жумладан бизнинг ватанимиз — Узбекистон Республикаси пайдо булди.

Миллатлар узларида дунё аҳолисининг 96 фоизини бирлаштиради, қолган 4 фоиз аҳоли эса элат ва қабилалар вакилларидан иборат. Бундан ташқари, аҳолишунослик фанида миллатларни аҳоли сонига қараб таснифлаш анъанаси шаклланган, унга кура миллатлар бешта йирик гуруҳларга ажратилади. Улар қуйидагилар:

1. Буюк миллатлар — ҳар бири 100 млн. дан ортиқ булган миллатлар — хитойлар, ҳиндлар, америкаликлар, японлар, руслар ва ҳоказо;

2. Катта миллатлар — 50 млн. дан 100 млн. гача, — инглизлар, французлар, испанлар, немислар, турклар ва ҳоказо;

3. Йирик миллатлар — 10 млн. дан 50 млн. гача, — узбеклар, португаллар, поляклар ва ҳоказо;

4. Урта миллатлар — 1 млн. дан 10 млн. гача булганлари;

5. Кичик миллатлар —1 млн. гача булганлари.

Жаҳондаги 27 та энг йирик миллатлар Ер юзи аҳолисининг 75 фоизини ташкил этади. Турли тарихий даврлардаги дунё аҳолисининг усиш курсаткичлари билан танишиш бизнинг аҳолишунослик ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиради.

Дунё аҳолисининг усиши

Сана (йиллар)	Дунё аҳолиси (млн киши ҳисобида)
Эрамиздан олдинги 400 йил	153
0	252
Эрамизнинг 400 йили	205
1000	305
1500	440
1800	954
19001	634
2000	6000 (100 йилда 3,2 мартага ошган)
2025	8039 булади

Дунё аҳолиси энг тез купайган давр XX асрдир. Ер шари аҳолисининг 1 миллиардга етиши учун 850 йил, 2 миллиардга етиши учун 85 йил, 3 миллиардга етиши учун 25 йил, 4 миллиардга етиши учун 15 йил, 5 миллиардга етиши учун 20 йил ва 6 миллиардга етиши учун эса яна 15 йил вақт керак булди.

Ўзбекистонда аҳоли усишининг динамикаси

Йиллар	Аҳолининг йиллик усиши, % ҳисобида
1886—1917	6,6
1917—1940	1,5
1940—1950	—0,6
1950—1960	3,2
1960—1970	4,2
1970—1980	3,5
1980—1990	2,7
1991—2000	1,9
2004 йил	1

Албатта, аҳолининг усиш тезлиги турли даврлардаги ижтимоий-иқтисодий ва тарихий шарт-шароитлар билан бевосита боғлиқ булади. Бошқача қилиб айтганда, замон руҳи шу даврдаги аҳолининг усиш курсаткичларида ўз аксини топади. Масалан, утган юз йилликда Ўзбекистондаги демографик манзарани куриб чиқадиган булсак, аср бошларида аҳолининг усиши энг юқори даражада булганлигини куришимиз мумкин. Бу эса шу даврда халқимизнинг ҳаёти нисбатан осойишта кечганлигини курсатади. 1917 йилдан кейин усиш курсаткичи турт мартадан ҳам купроққа камайиб кетганлиги аҳоли жуда ҳам оғир синовларни бошидан кечирганлигидан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам 1917 йилги давлат тунтаришидан сунг ҳокимият тепасига келган коммунистлар халқимизга нисбатан мислсиз зуравонлик сиёсатини олиб боришади. Бир томондан очлик, ҳар хил касалликлар, мажбурий колхозлаштириш ва саноатлаштириш сиёсати, иккинчи томондан эса, аҳолининг кенг қатламларига нисбатан олиб

борилган геноцид ва террор сиёсати аҳоли ўсишига салбий таъсир курсатди.

Дунё халқлари бошига мислсиз азоб-уқубатлар солган иккинчи жаҳон уруши даврида республикамиз аҳолисининг ўсиш кўрсаткичлари нафақат пасайди, балки сони жиҳатдан урушдан олдингига қараганда сезиларли даражада камайди. Бунинг сабабларини изоҳлашга ҳожат булмаса керак, деб ўйлайман. Урушдан кейинги ўн йилликлар даврида аҳолининг табиий ўсиши анча юқори бўлди. 1991 йилдан сўнг бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар бу жараёнга ҳам узининг таъсирини кўрсатди. Ҳозир бу курсаткич 1 %ни ташкил этади. Бу кўпми ёки камми? Агар, ҳозир мамлакатимизда 27 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётганлигини ва унинг бир фоизи 270 минг киши бўлишини назарда тутсак, шунингдек, бу миқдор мен истиқомат қилаётган Чирчиқ шаҳри аҳолисидан икки марта кўплигини эътиборга олсак, шу биргина фоиз унчалик ҳам кичкина миқдор эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ер курраси аҳолиси бугунги кунда олти ярим миллиардга яқинлашиб қолди. БМТ маълумотига қараганда дунё аҳолиси 2015 йилгача ҳар йили 86 миллион кишидан кўпайиб борар экан. Дунё аҳолисининг ўсиши ва унинг ҳаёт фаолияти учун зарур булган маҳсулотлар, биринчи навбатда озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш тезлиги ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи Мальтус назариясига кўра бу иккала жараён орасида номутаносиблик мавжуд, яъни аҳоли геометрик прогрессия буйича ўсгани ҳолда ноз-неъматлар ишлаб чиқариш арифметик прогрессия тезлигида ривожланади. Жаҳон аҳолиси таркибида қашшоқлик ва очлик даражасининг ошиб бораётганлиги бу назария асосида маълум бир қонуният ётганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари ҳамда қуроллашишга сарфланаётган маблағларнинг тобора ошиб бораётганлиги ҳам дунё аҳолиси катта қисмининг ҳаётини оғирлаштирмоқда.

Ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг 60 %дан зиёдроғи Осиёда, 12 % Африкада, 13 % Америкада, 10 % Европада, 0,5 % Австралия ва Океанияда ҳамда 6 % собиқ СССР

таркибига кирган давлатларда истиқомат қилади. Табиийки, аҳолининг усиш курсаткичларида ҳам турли қитъалар ўртасида тафовут мавжуд. Африка аҳолиси йилига 2,4 фоизга ошмоқда. Бу эса аҳолининг энг кўп ўсиши қолоқ ва ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келишини англатади. Бу курсаткич Осиёда 1,4 фоизни, Америкада 1,3 фоизни, Австралия ва Океанияда 1,1 фоизни ташкил этади. Бу жиҳатдан Европа манфий курсаткичга эга, яъни бу қитъа аҳолиси ҳозир ҳар йили 0,1 фоизга камаймоқда. Ҳозир дунёда 1 миллиард аҳоли қашшоқликда кун кечиради, 500 миллиони эса тўйиб овқат емайди. Ҳар куни очликдан 35 минг киши вафот этмоқда ва уларнинг асосий қисмини болалар ташкил этади.

7

Англиялик таниқли исломшунос олим Тимоти Ж. Уинтернинг «XXI асрда ислом: постмодерн дунёда қиблани топиш» китоби охирги йилларда нашр этилган асарлар орасида алоҳида ажралиб туради. Уни таниқли шоир ва таржимон Фахриддин Низомов (Фахриёр) инглиз тилидан ўзбекчага ўгирган. Китобнинг салмоғи анча катта бўлиб, у ислом динининг кўп асрлик ривожланиш босқичларининг баёнини ўз ичига олади. Албатта, асар таҳлили менинг муддаом эмас. Мақсадим, асарда баён этилган ва кейинги вақтларда кучайиб бораётган «ислом мутаассиблиги» ҳодисаси билан боғлиқ бўлган мулоҳазаларим билан ўртоқлашиш.

Муаллифнинг таъкидлашича, иккинчи минг йилликнинг сўнгги йилларида дунё миқёсида иккита муҳим воқеа руй берди: коммунизм ғояси инқирозга юз тутди ва «ислом мутаассиблиги» деб аталадиган ҳодиса тўсатдан кучайиб кетди. Коммунизм ғоясининг таназзули билан боғлиқ тафсилотлар ҳаммага маълум, шунинг учун ҳам мен «ислом мутаассиблиги» ва уни юзага келтирган сабаблар ҳақида фикр юритмоқчиман.

1880 йилда дунё аҳолисининг 13,7 фоизи мусулмонлар эди. XX асрнинг 80-йилларига келиб бу курсаткич 16,9 фоизга, минг йилликнинг охирига келиб эса 21 фоизга етди.

Бошқа динларга мансуб аҳолининг усиши барқарорлигича турибди ва ажабланарлиси шундаки, 1970 йилдан бошлаб дунёдаги даҳрийлар — ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиганлар сони бир оз камая бошлади. Бу рақамлар муҳим аҳамиятга эга: бир аср давомида дунё мусулмонларининг сони кескин ошиб кетди. Купчиликнинг ислом динига утгани ҳам бунга сабаб булди, бироқ энг асосий сабаб — табиий усишдир. Боз устига, мусулмон дунёсидаги бундай демографик портлаш, бу динга эътиқод қилувчилар сони келгусида ҳам усиб боришини курсатади. Ҳозир дунёда христианларнинг сони камайиб бораяпти — 2025 йилга бориб уларнинг сони дунё аҳолисининг 25 фоизини ташкил этади. Уша вақтга бориб мусулмонларнинг сони дунё аҳолисининг 30 фоизини ташкил этар экан. Суҳбатимизнинг дебочасидаёқ бундай статистик маълумотларни келтиришимизга сабаб шуки, воқелик ҳақидаги объектив ахборотларга эга булиш, назаримда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг асоси ҳисобланади.

Нега айнан бундай ҳол юз бераётганини англаш қийин эмас. Америка ва Европа аҳолиси жадал суръатлар билан кексайиб бормоқда. Янги минг йилликнинг энг муҳим маънавий муаммоларидан бири кексаларни боқиш учун етарли маблағ топиш билан боғлиқ булиб қолади. Бугунги тиббиёт эришган муваффақиятлар ортача умрни 70 ёшгача олиб боришга имкон бераяпти. Бироқ фаол умр кечириш муддати ҳали бу қадар тез усгани йуқ. Тасаввур қилинг: XX аср бошларида ғарб кишиси ортача 2 йиллик умрини оғир хасталик билан утказар эди. Бугунги кунда бу курсаткич 7 йилга етди. Таниқли рус мутафаккири Иван Ильич исботлаб берганидай, тиббиёт фақат умрни узайтириши мумкин, бироқ у инсоннинг фаол ҳаёт кечириш муддатини узайтира олмайди. Оқибатда бундай мункиллаб қолган кишиларни боқиш ва саломатлигини сақлаш жамият елкасидаги оғир ижтимоий-иқтисодий юкка айланади. Бундай аҳоли сони вақт утган сари ошиб бораверади.

Ғарб аҳолиси кексайиб бораётган бир вақтда ислом дунёсида бунинг бутунлай тескарисини куришимиз мумкин. Масалан, Ливия аҳолисининг ярмидан купи бугунги

кунда 20 ёшга ҳам тулмаганлардан иборат. Бундай манзарани бошқа ислом мамлакатларида ҳам кузатиш мумкин. Йигирманчи асрнинг 70-йилларида Совет Иттифоқида демографик вазият кескин узгарди: русларнинг усиши 6,5 фоиз, мусулмонларники эса 24 фоиз булди. Бу ҳолни Россия империясини инқирозга олиб келган сабаблардан бири дейиш мумкин: расмий Москва мусулмонлар куп яшайдиган минтақаларни улар сони христианларникидан куп булиб кетмасидан бурун ажратиб ташлашга мажбур булди. Ҳозир Москва ва Санкт-Петербург аҳолисининг 10 фоизини мусулмонлар ташкил этади. АҚШнинг мусулмон аҳолиси 1972—1990 йиллар орасида асосан кучиб келганлар эвазига олти марта купайди. 1999 йили Европа Иттифоқи давлатларида дунёга келган чақалоқларнинг 7 фоизи мусулмонлар эди. Брюсселда бу рақам 57 фоизни ташкил этди. 1992 йилда Римдаги энг машҳур исм Жованни ёки Луижи эмас, балки Муҳаммад булди. Ислом барча Европа давлатларида иккинчи уринда турадиган динга айланди. Албатта, аҳолисининг купчилигини мусулмонлар ташкил қиладиган Озарбайжон ва Албания бундан мустасно. Мусулмон мамлакатларида кузатилаётган демографик портлашлар беқарорлик, тус-туполон ва ислоҳотларни келтириб чиқаради. Ун олтинчи асрда Германияда ёш аҳоли миқдорининг ҳаддан ташқари усиб кетиши Европада протестант ислоҳотларига ҳамда қишлоқ хужалиги ва сиёсатда узгаришлар қилишга сабаб булган эди. XX асрнинг 30-йилларида Марказий Европада фашизмнинг пайдо булиши ҳам қисман ёш аҳоли миқдорининг усиб кетиши билан боғлиқ. Мусулмон мамлакатлари ичида биринчи булиб утган юз йилликнинг 70-йиллари охирида Эрон ёш аҳоли миқдорининг кескин ошиб кетишини уз бошидан кечирди ва 1979 йили бу мамлакатда ислом инқилоби руй берди. Бошқа мамлакатларда бу ҳол кейинроқ содир булди. 1990 йилга таққослаганда 2010 йилда араб мамлакатлари меҳнат бозорига келиб ишловчилар миқдори 50 фоизга усади. Натижада ишсизлик муаммоси энг юқори нуқтасига етади. Шундай қилиб, дунё бу минг йилликда қуйидаги куринишга эга булади: Ғарбда кекса ва суст аҳолининг барқарор, уз-узи билан овора сиёсий

маданияти; ислом дунёсида демографик портлаш ва ҳар жойда урнатилган режимларнинг радикал кучлар исканжасида қолиши.

Ислом худди христианлик ва буддизм сингари, назарий жиҳатдан ҳам, тарихий анъаналарга кўра ҳам дунёнинг илғор миссионерлик динларидан биридир. Дунёдаги улкан ва глобал эътиқодларнинг энг ёши булган ислом Қуръоннинг «Тур ва огоҳлантир» амрини бажаришга киришмаганида бир неча номаълум араб монотеистларининг мазҳаби булиб қолган ва ярим оролдагилар уни қуршаб турган серғайрат христиан дини билан муроса қилгани сари йуқолиб кетишга маҳкум булар эди. Расулуллоҳ диний раҳнамолигининг энг юксак нуқтаси бўлмиш Арафот тоғида айтган хутбаси исломнинг буюк ваколатига тенг сузлар билан тугайди: «Ушбу ҳақиқатни бу ерда йўқ кишиларга ҳам етказинг!»

Ҳозирги тарих фани одамлар дастлаб халифалар ғайридинлар учун жорий этган камситувчи солиқни туламаслик учунгина исломни қабул қилган, деган эски ёндашувни рад этаяпти. Шу тариқа ўша солиқ миқдори унчалик кўп булмагани, унинг аксарият ҳолларда динни қабул қилишқилмасликка боғлиқ эмаслиги маълум булиб қолди. Бундан ташқари, тарихчилар мусулмончиликка утиш ҳоллари мамлакатлар забт этилиши биланоқ содир булиб қолмагани, аксинча, уч-турт асрдан сунг содир булганини кўрсатиб беришди. Африка, Ҳиндистон, Болқон ярим ороли ва Индонезия каби ҳудудлар аҳолиси эса мусулмон динидаги савдогарлар ва дарвешлар тарғиботи таъсирида исломлашади. Масалан, Ҳиндистон тажрибаси бу тезисни етарли даражада исботлаб берди: ҳиндлар исломни Ҳиндистондаги мусулмонлар ҳукмронлик қилган жойлардан кура улар ҳукмрон булмаган ҳудудларда купроқ қабул қилишган. Ҳозир Ҳиндистон аҳолисининг учдан бир қисмини мусулмонлар ташкил этади.

Бугунги кунда Америка Қушма Штатларида исломни қабул қилаётган қора танли аҳоли миқдори оқ танли диндошларига нисбатан йигирма баравар куп дир. Баъзи социологларнинг фикрича, маълум тоифа кишиларининг ижтимоий ҳаётдан норозилиги ҳам уларнинг исломга утишига

сабаб булар экан. Яқинда Россия телеканалининг «Вести» ахборот дастури орқали Шимолий кореяликларнинг православликни қабул қилишлари билан боғлиқ маросимни курсатишди. Япон самурайларининг уз ижтимоий мавқеларини йуқотганларидан кейин норозилик белгиси сифатида протестантизмни қабул қилганлигини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Шуни айтиб утиш керакки, динлараро рақобат ҳар доим булган, масалан, ҳадисда «мусулмонлар тарихдаги энг сунгги дин вакилларидир ва улар Қиёмат куни биринчи булишлари керак, бунинг рамзи эса шанба ва якшанбадан олдин келадиган жума кунидир» дейилади. Лекин, купинча тарихчилар исломий жамиятларнинг ғарб давлатларидан орқада қолишининг сабабларидан бири сифатида ислом таълимотидаги мутаассиблик тамойилларини курсатишади. Қуйидаги ҳадис бунга мисол була олади: «Янги бошланган нарсалардан эҳтиёт булинглар, ҳар бир янги нарса бидъатдир, ҳар бир бидъат нотуғри йулга бошлашдир, ҳар бир нотуғри йулга бошлаш эса жаҳаннамга етаклайди». Туғри, бу фатвода ҳар қандай янгиликка нисбатан бидъат сифатида қараш кайфияти устувор. Бироқ бу фатвони мутлақлаштириш ярамайди. Чунки исломий манбаларда янгиликнинг беш хили таърифланиб, улардан фақат иккитасигина қораланади, холос. Муаллиф «тараққиёт ҳар доимгидай, улкан қимор уйинидир» дея таъкидлар экан, узининг ислом мутаассиблигига нисбатан салбий муносабатини ифодалаш ҳамда унинг тараққиёт ва фаровон ҳаёт душмани эканлигини таъкидлаш мақсадида «эҳтимолки, фаолларимиз уз мамлакатидаги сунгги кислороддан нафас олаётиб, ҳали ҳам ибодат пайтида қулни қандай ушлаш туғри экани, соқолнинг узунлиги қанча булиши кераклигидан баҳс қилиб, томоқ йиртаётгандир», деб ёзади.

Тимоти Ж. Уинтер наинки диний, балки ижтимоий-сиёсий мазмундаги иккита муҳим тезисни илгари суради. Ва эҳтимолки, мазкур тезис — хулосалар асарнинг мазмун-моҳиятини тула равишда узларида ифодалайди. Албатта, бу — менинг шахсий фикрим. Дастлабки тезисга кура «уз ичида хавф сезган ҳар бир жамият беихтиёр ташқаридан душман ахтара бошлайди». Муаллиф узининг ушбу

мафкуравий «теорема»сини асослаш мақсадида Гитлернинг «Дунё яҳудийлиги» ҳақидаги мунозараси ёки ҳозирги Эрон ва бошқа мусулмон мамлакатлари, Шимолий Корея ва собиқ Совет Иттифоқида кечган ва кечаётган воқеаларни тилга олади. Маълумки, мазкур воқеалар негизида «айбсиз айбдорни излаш» тамойили ётган эди. Тадқиқотчининг маҳорати шундаки, у сизни уз нуқтаи назарига ишонтира олади. Иккинчи тезис эса «бугунги кунда динни уз чегарасидан ташқарида тарғиб қилаётган иккита давлат — Эронда ҳам, Саудия Арабистонида ҳам классик исломнинг ишонч ёрлиғи йуқ экани» билан боғлиқ булган масалага бориб тақалади ва Уинтернинг фикрича, бу нарса мусулмон дунёсининг улкан фожиасидир. Чунки Эронда исломнинг шиалик мазҳабига, Саудияда эса ваҳҳобийликка эътиқод қилинади. Масалан, «Саудия Арабистонидаги ваҳҳобийлик пайдо булган марказий вилоятлар — Нажд ва Қассимда намоз вақти кучада юрган кишилар ҳибсга олиниб, зурлик билан масжидга олиб борилади. Бу мамлакатдаги купчилик одамлар худодан эмас, диний полициядан қурққани учун намоз уқийди. Бу фақатгина диннинг инқирозига олиб келиши мумкин».

Таржимоннинг «туғриси, менга ушбу китоб қулёзмасини келтириб беришгач, нимага қул ураётганимни билмасдан тез ишга киришиб кетганимдан кейинчалик афсусланган пайтларим ҳам булди... Нима булса булди дедиму таржимани уч йил деганда тугатдим», деган гаплари таржима жараёни осон кечмаганлигидан дарак беради. Таржимачиликни алланечук енгил иш деб уйлайдиганлар қаттиқ янглишишади. Мен таржима ишининг «роҳати»ни озгина татиб курган инсон сифатида мутаржимнинг иқрорини тушунаман. Туғриси, мутолаа жараёнида матнларни тушуниш анча қийин кечганлиги учун ҳам таржимон асарнинг академик шаклини сақлаб қолишга уриниб нотуғри йул тутган, деган хаёлга ҳам бордим. Чунки менга узбекчада ҳам гап тузилишидаги инглизча шаклнинг сақлаб қолинганлиги ҳамда изоҳларнинг ҳаддан ташқари куплиги ортиқчадай туюлган эди. Лекин, кейинроқ таржимоннинг китоб хотимасидаги фикрларини уқигач эса, бундай ёндашув унчалик ҳам фойдадан холи эмаслигини тушундим. Бу асар яна шуниси би-

лан қимматлики, биз ислом дунёсига ғарб кишиси нигоҳи билан четдан назар ташлаймиз. Чунки муайян бир ижтимоий муҳитда яшаб туриб, унга холисона баҳо бериш анча мушкул.

8

Мен гапни Осиё уйинларидан бошлаган эдим. Агар эсингизда булса, унда иштирок этган 45 та мамлакатлар орасида қулга киритилган медаллар сони жиҳатидан Хитой биринчи уринни эгаллаган эди ва шарҳловчилар туғри таъкидлаганларидек, ушбу давлат вакилларининг спорт соҳасидаги бундай фаолликлари мусобақалар тарихида биринчи марта кузатилди. Бу мамлакатдаги ривожланиш ва ўзгариш жараёнларидаги юқори суръатлар фақат спорт билангина чегараланиб қолмайди. Энг қадимги цивилизация ўчоқларидан бири бўлган мазкур мамлакат кейинги йилларда ҳамма соҳаларда улкан узгаришларни бошидан кечирмоқда. Биргина ялпи миллий маҳсулотнинг йиллик усиш курсаткичи ўртача 9 фоизни ташкил этади. Бу давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси сифатида жаҳон сиёсатида уз ўрнида мустаҳкам турибди. Хитой илмий-техник имкониятлари нуқтаи назаридан ҳам дунёнинг илғор давлатларидан бирига айланди. У бошқа мамлакатларнинг ёрдамисиз, халқ хўжалигининг энг мураккаб тармоғи — космонавтика соҳасини яратди ҳамда ҳақли равишда бу йўналишда ўзаро рақобатчи булган томонлар —АҚШ ва Россия Федерацияси давлатлари сафидан урин олди. Ҳозирги пайтда Хитой ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш буйича дунёда тўртинчи уринда туради, иқтисодчилар бу соҳада унинг яқин вақтлар ичида учинчи уринга кутарилишини башорат қилишаяпти. Ижтимоий ва иқтисодий мазмундаги бундай узгаришларни Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам кузатиш мумкин. Айтайлик, кейинги бир неча юз йил давомида ижтимоий-иқтисодий ва диний муаммолар қуршовида қолган дунёнинг яна бир улкан мамлакати —Ҳиндистон ҳам узининг иқтисодий ва илмий-техникавий ютуқлари билан жаҳонни ҳайратга солаяпти. Қизиғи шундаки, аҳолисининг каттагина қисми ишсиз, қашшоқ ва бошпанасиз булган бу

мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик усиши 7 %ни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан Узбекистон Республикасида ҳам умумтараққиётдан орқада қолмаслик учун ҳамма имкониятлар мавжуд булиб, кейинги йиллардаги ютуқларимиз шундан далолат бериб турибди.

Яқин вақтларгача Осиёда фақат иккита давлат — Хитой ва Россия ядровий қуролга эга эди. Энди эса уларнинг сони узаро кушни давлатлар булган Ҳиндистон ва Покистон ҳисобига турттага етди. Тез орада улар қаторига Эрон ва Шимолий Корея ҳам қушилиши мумкин. Қитъанинг яна унлаб мамлакатлари, агар истасалар, бундай қуролни яратиш учун илмий-техник салоҳият ва иқтисодий имкониятларга эга. Минтақада мустаҳкам хавфсизлик тизимининг яратилмаганлигини эътиборга оладиган булсак, бу нарса нафақат қитъа тақдирига, балки умуминсониятга катта таҳдид солаётганлигини англаш қийин эмас.

Европа давлатлари ва умуман Европа Иттифоқи сиёсатида АҚШнинг таъсири сезилиб туради. Бу қитъанинг ҳамма масалаларда Америка билан узил-кесил бир хил фикрлашига утиб кетишига ҳозирча узларининг тарихий узига хосликларини сақлаб қолишга интилаётган икки мамлакат — Франция ва Германия монелик қилмоқда, холос.

Африка эса, аксинча, табиий, сиёсий, демографик ва иқтисодий талатуплар олдида узининг ожизлигини намойиш қилиб қуйди. Бу улканинг табиий захираларидан истаганича истеъмол қилишга урганиб қолган Ғарб унга ҳар томонлама ёрдам беришга купам ошиқаётгани йуқ.

«Яқин Шарқ, — деб ёзади сиёсатшунос Вадим Дубков, — инсониятнинг Африкадан кейинги иккинчи катта муаммосидир. Унинг «куҳна дунё»нинг учта қитъаси узаро туташган минтақада жойлашганлиги эса муаммони янада чигаллаштиради. Бу зиддиятни ҳал қилиш нуқтаи назаридан энг катта ваколатга эга булган БМТ уз фаолиятида турли хил ташқи таъсирларга дуч келаяпти. Европа Иттифоқи, НАТО ва Катта Саккизлик давлатлари шундай сиёсий кучлар сирасига киради. Улар купинча халқаро муаммоларни ҳал қилишда БМТга муқобил кучлар сифатида йул тутишга ҳаракат қилишадики, бу ҳол мавжуд муаммони ҳал қилиш урнига, купинча янги зиддиятларни юзага келтиради. Ҳозир-

ги вақтда сиёсий адабиётларда, мулоқотларда фаол муҳокама қилинаётган ҳамда БМТни ислоҳ қилишга қаратилган интилиш ва истакларни мана шу ҳолат билан изоҳлаш мумкин».

Агар умумий Евроосиё материгига диққат билан назар ташласангиз, ундаги иккита муҳим жиҳат эътиборингизни тортади. Булардан биринчиси — табиий захиралари тобора тугаб бораётган ривожланган Европа ва минерал хом ашё бойликлари мул-кул, бироқ иқтисодиёти нисбатан кам тараққий этган Осиё уртасидаги узига хос зиддият; иккинчиси шундан иборатки, Европа ҳозирги аҳволга етишиши учун ундаги давлатлар эллик йил саъй-ҳаракат курсатишиб, Европа Иттифоқи тимсолида тобора бирлашиб бораяпти. Осиё давлатлари эса узаро шартномалар ва ташкилотлар воситасида бирлашишга, ҳамкорликка интилишаётган булишса-да, улар орасида мавжуд булган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, миллий ва диний тафовутлар туфайли қитъанинг ҳеч булмаганда яқин ун йилликлар ичида қандайдир бир якдил ижтимоий-иқтисодий тузилмага айланиш эҳтимоли жуда кам. Маълумки, яқинда Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти Евроосиё ҳамкорлиги ташкилоти билан қушилди. Мазкур шартномага қушилиш мамлакатимиз олдида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги истиқболларини очади. Евроосиё иқтисодий ҳамкорлигида қатнашиш минтақа ва минтақалараро даражаларда интеграция жараёнларининг жадал ривожланиши учун қулай шароит яратади. Бу уринда гап, энг аввало, Эркин савдо маконини яратиш, кейин эса Божхона Иттифоқини вужудга келтириш ҳақида бормоқда.

Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги, аввало, иқтисодий ташкилот. Ҳозирги ҳолатини ҳисобга олганда, бу ташкилот 200 миллиондан купроқ аҳоли яшаётган 20797 минг квадрат километрли йирик ҳудудни уз ичига олади. Баъзи бир жиддий сиёсатшуносларнинг фикрларича, бу иккала қитъа — Европа ва Осиё уртасидаги зиддиятларни юмшатишда ҳамда уларни узаро яқинлаштиришда Россия катта имкониятларга эга. Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган булсак, узининг геосиёсий мавқеига ва тарихий анъаналарига кура Марказий Осиё давлатлари, жумладан Узбекис-

тон Осиё учун шундай бирлаштирувчилик ролини бажариши мумкин.

Мен мулоҳазаларимни Осиёнинг буюк фарзанди — Жаваҳарлал Нерунинг қуйидаги сўзлари билан якунламоқчиман: «Бутун дунёнинг нигоҳи Осиёга қаратилган, чунки ҳар биримизга аён — келажакнинг қандай бўлишида Осиёнинг ўрни бўлакча».

Тўртинчи фасл

ҲИМОЯМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИНГ БЕШ ТАЯНЧИ

Шубҳасиз, ҳар қандай халқнинг энг катта орзуси ўзининг мустақил мамлакатида озод ва фаровон яшаш истагидир, десак муболаға булмас. Шукрки, бизнинг халқимизга шундай бахт насиб этди — 18 йилдан буен Ўзбекистон Республикаси деб аталган давлат жаҳон сиёсий харитасида тажассум топиб, ривожланишнинг ойдин йулидан бораяпти.

Халқимизга ҳуррият берган моддий ва маънавий неъматларни санаб адоғига етиш қийин, албатта. Лекин, шунинг билан биргаликда мустақиллик халқнинг ва давлатнинг зиммасига маълум бир вазифаларни ҳам юклайдики, шу уринда «мустақиллик — бу энг аввало масъулиятдир», деган пурмаъно гап ёдга келади.

Бундай янги ва ўзига хос вазифаларнинг энг муҳими мамлакат ва миллат хавфсизлигини таъминлаш зарурати билан боғлиқ булиб, бу вазифа ҳарбий-сиёсий адабиётларда мамлакатнинг мудофаа салоҳияти деган тушунча билан аталади. Жамиятнинг мамлакатни ташқи ва ички тажовузлардан ҳимоялаш ёки бошқа ҳарбий-сиёсий мақсадларга эришишида ишлатилиши мумкин булган моддий ва маънавий куч ҳамда воситалари мажмуасига давлатнинг мудофаа салоҳияти дейилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Мудофаа туғрисида»ги қонунда мудофаа тушунчасига «мудофаа деганда Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва бошқа тадбирлари мажмуи тушунилади», деб ёзилган. Мазкур қонунда мудофаа соҳасида Узбекистон Республикаси-

нинг бошқа давлатлар билан ҳамкорликни амалга ошириши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Гарчи бу қонунда «мудофаанинг етарли даражада булиши» алоҳида таъкидланган булса-да, бу тамойил ута нисбий характерга эга — унинг қандайдир бир умумэътироф этилган ва илмий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган меъёрлари мавжуд эмас. Бундай нисбийлик эса ҳар қандай мамлакатнинг мудофаа салоҳияти учун хос булиб, ҳеч қандай куч уни ташқи ва ички тажовузлардан ҳимоялаш учун кафолат булолмайди. Дунёнинг ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан энг қудратли мамлакати булган АҚШ шаҳарларида 2001 йилнинг 11 сентябрида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари буни яна бир марта исботлади.

Ядровий ва бошқа оммавий қирғин қуроллари мавжуд булган ҳозирги дунёда қайси мамлакат қудратли деган саволни қуйишнинг узи мантиқдан йироқ эканлигини асослашга ҳожат булмаса керак. Қадриятлар ва мезонлар узгариб бораётган бир пайтда куч воситасида бошқа бир мамлакатни, у қанчалик кичкина ва заиф булмасин, бирон-бир режасидан урта асрчилик шароитидаги дуқ-пуписа ва таҳдид усулларидан фойдаланиб қайтаришга уриниш бемаъниликдан бошқа нарса эмас.

Албатта, мудофаа ҳақида сўз юритилар экан, ҳурматли уқувчининг куз олдига Қуролли Кучлар — ҳар томонлама таъминланган ва яхши тарбия курган аскар уғлонларимиз келиши табиий. Лекин, мамлакат мудофаасини таъминловчи тизим фақатгина Қуролли Кучлар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидангина иборат булмасдан, у уз ичига анча кенг доирадаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий омилларни олади. Хуш, булар қанақа омиллар ва улар мамлакатимиз мудофаасига қандай таъсир курсатадилар?

Мамлакат мудофаа салоҳиятини қуйидаги бешта таркибий қисмга ажратиш мумкин булиб, улар сиёсий, иқтисодий, илмий-техник имкониятлар, шунингдек, ижтимоий омиллар ва Қуролли Кучлардан иборат.

СИЁСАТ

Мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлашда давлат юритаётган ташқи ва ички сиёсат катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдустликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан ажралиб чиқиши мумкинлиги ёзиб қўйилган. «Мудофаа тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида «...мудофаа вазифаларини ҳал этиш учун ташқи сиёсий йўналишдаги чора-тадбирларни кўриш» алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистон сиёсий мустақиллигининг дастлабки кунларидан уз халқининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тинчликпарвар ички ва ташқи сиёсат юритишни узининг асосий мақсадларидан бири қилиб белгилаб олди. «Хавфдан қандай холи булишимиз мумкин? Ривожланиш учун куч — мададни қаердан излаш лозим? — деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қумондони И. Каримов узининг «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида. — Булар стратегик муаммолар булиб, ҳар қандай мустақил давлат, энг аввало ана шу муаммоларга эътибор берган ва бундан буён ҳам эътибор беражак».

Бугунги кунда ҳар томонлама пухта уйланган ва таъсирчан сиёсат мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашнинг энг самарали воситаси эканлиги кундек равшан. Зеро, бутун бир армия кучи билан эришиб булмайдиган марраларга биттагина тўғри сиёсий қарор билан етиб бориш мумкин. Бунга тарихимиздан ҳам, бугунги кунимиздан ҳам истаганча мисоллар келтиришимиз мумкин. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ғалабаларининг ундан тўққизига муросаю мадора йули билан эришганлигини узининг тузукларида фахр билан таъкидлаган.

Дунёдаги ҳар қандай мамлакат, айниқса, бизга қушни булган ёки биз узаро алоқалардан манфаатдор булган давлатлар билан яхши муносабатларни ўрнатиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатнинг дустлари эмас, унинг манфаатлари булади, деган азалий ҳақиқат сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий кучларнинг турли қутбларга қайта тақсимланиши жараёнлари кетаётган ҳозирги вазиятда қанчалик туғри эканлигини ҳаётнинг узи курсатиб турибди. Шунга асосланиб мамлакатимиз раҳбари давлатимизнинг ташқи сиёсати фақатгина Узбекистон ва унинг халқининг манфаатларига хизмат қилишга йуналтирилганлигини узининг нутқларида ҳамда асарларида қайта-қайта таъкидлаган. Узбекистон ташқи сиёсатининг тамойилларидан яна бири хавфсизликнинг узлуксиз жараён эканлиги билан боғлиқ. Ҳозир дунё тараққиётнинг шундай босқичига кутарилдики, энди алоҳида олинган битта мамлакат, минтақа ёки бутун бошли қитъада тинчлик ва барқарорликка эришиш мумкин эмас. Бунинг учун эса хавфсизликнинг шундай халқаро тизимини яратиш керакки, токи сайёрамизнинг ҳамма нуқталарида тинчлик ва барқарорлик булсин. БМТ ни ислоҳ қилишга қаратилган, Марказий Осиёни ядросиз ҳудуд деб эълон қилиш ва терроризмга қарши курашувчи халқаро марказ тузиш каби бир қатор ташаббуслар ва бу йулдаги саъй-ҳаракатлар Узбекистоннинг шундай тизимни яратиш сари интилаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Жаҳон сиёсатининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро ташкилотлар фаолиятида ҳам фаол иштирок этишга, шунингдек, манфаатдор давлатлар билан икки томонлама ва куптомонлама шартномалар орқали боғланишга ҳаракат қилаяпти. Айниқса, АҚШ, Россия, Япония ва Хитой каби дунёнинг қудратли давлатлари билан стратегик шериклик ҳақидаги шартномаларнинг имзоланиши мамлакатимиз мудофаасини мустаҳкамлаш соҳасидаги энг катта ютуғимиз булди. Қушнинг тинч — сен тинч, деган тамойилга амал қилаётган Узбекистон Республикаси Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Афғонистон каби бевосита чегарадош давлатлар билан буладиган ҳар томонлама алоқаларга ҳам катта эътибор бериб келаяпти. Бу давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлигимиз йилдан-йилга ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Узининг миллий хавфсизлиги манфаатларидан келиб чиққан Узбекистон ҳарбий блокларга қушилмаслик сиёсатини

ҳар томонлама собитқадамлик билан олиб бораяпти, бу эса ташқи сиёсатда мамлакатимизнинг анча эркин фаолият олиб боришини таъминламоқда. Айниқса, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳар томонлама сиёсий ҳамда савдо-иқтисодий муносабатларимиз ривожланиб боряптики, бу эса ушбу мамлакатлар ва улар орқали ташқи дунё билан савдо-иқтисодий муносабатларимизни таъминлайди. Бевосита жаҳон савдо йулларига чиқиш имконияти геосиёсий нуқтаи назардан чекланган Узбекистон учун бунинг қанчалик ҳаётий зарурат эканлигини сиёсатдан узоқ одам ҳам яхши тушунади. Бундай сиёсат фақат мамлакатимиз мудофаасини мустаҳкамлабгина қолмасдан, балки яхши узаро икки томонлама муносабатлар маҳсули сифатида бу мамлакатлардан инвестиция ва янги технологияларнинг мамлакатимизга кириб келишини ҳам таъминламоқда. Масалан, 2005 йилнинг 24, 25 май кунлари Пекинда булиб утган Олий даражадаги Узбекистон — Хитой музокаралари вақтида турли лойиҳалар куринишида яқин йиллар ичида мамлакатимиз иқтисодиётига 10 млрд долларлик Хитой инвестициясини олиб кириш ҳақидаги икки томонлама шартномалар имзоланди. Бу нарса яқин йиллар ичида иқтисодиётимизнинг яна ҳам ривожланишидан далолат беради. Сиёсат ва иқтисодиёт узаро эгизак тушунчалар — ҳодисалар булиб, бири иккинчисига шубҳасиз катта таъсир курсатади — туғри ва қатъий сиёсат иқтисодиётни мустаҳкамлайди, ривожланган иқтисодиёт эса уз навбатида таъсирчан сиёсат учун манба — таянч булади. Бу эса мамлакатимиз мудофаасининг мустаҳкамлигини таъминлайди.

Шубҳасиз, геосиёсий омил давлат сиёсатини белгиловчи асосий мезонлардан бири булиб, бунда географик ва демографик шарт-шароитлар катта аҳамиятга эга булади — давлатнинг мудофаа соҳасидаги имкониятлари географик ва демографик омилларда купроқ уз ифодасини топади. Ҳудуднинг катта ёки кичиклиги, рельефи, иқлими, фойдали қазилма конлари ва ер усти табиий бойликлари, энергетик ресурслар кабилар мудофаанинг географик имкониятларини ташкил этади. Демографик потенциал эса аҳолининг сони, миллий таркиби, ҳудудлар буйича қандай

тақсимланганлиги, табиий ўсиши ва миграция жараёнларини ўз ичига олади.

Бошқа давлатларга солиштирганда Ўзбекистон ҳудудининг катталиги жиҳатидан ўртача давлат ҳисобланса-да, бироқ рельефи ва ҳудудининг шаклига кўра мудофаа нуқтаи назаридан анча ноқулай вазият ҳосил қилган. Ҳудудининг каттагина қисмини эгаллаб турган тоғлар маълум даражада ҳимоя вазифасини утагани ҳолда, чегаралар назорати ва коммуникация имкониятлари жиҳатидан қийинчиликлар туғдиради. Бундан ташқари, Тошкент ва Наманган вилоятларини узаро туташтириб турувчи ҳудуддаги тоғлар Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан ажратиб қуйиши оқибатида нафақат транспорт, балки мудофаа жиҳатидан ҳам нохуш манзара ҳосил булади. Ўзбекистоннинг ер ости конларига ва ер усти табиий бойликларига ниҳоятда сероблиги, аҳолисининг кўплиги (27 млн дан зиёд), унинг мамлакат буйлаб нисбатан бир текисда тақсимланганлиги (Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятининг чўл ҳудудлари бунга кирмайди) ва аҳоли табиий купайишининг барқарор курсаткичлари (йилига 1 фоиз атрофида) мудофаа учун анча қулай шароитлар яратади. Бундан ташқари, мамлакатимиз ичкарисидаги ва бошқа давлатлар билан булаётган миграция жараёнларининг нисбатан паст даражада эканлиги ҳам мудофаа нуқтаи назаридан геосиёсий аҳволимизга ижобий таъсир курсатади.

Ҳозир сиёсатшунослик фанида алоҳида минтақаларнинг ўзига хос «устуворлик мавқеи»ни тарғиб қилувчи геосиёсий назариялар анчагина булиб, уларда у ёки бу ҳудуднинг геосиёсий жиҳатдан қулайлигини асослашга уринишлар яққол кузга ташланади. Масалан, инглиз географи Х. Маккиндер сайёрамизда Евроосиё ва Шимолий Африкани ўз ичига олган «Марказий ҳудуд» — «Хартланд» мавжудлигини башорат қилади. Муаллифнинг фикрича, «Хартланд»га ким эгалик қилса, у бутун дунё устидан ҳукмронлик қилади. Бошқа бир назарияга кура эса, Яқин Шарқ минтақаси ва Арабистон ярим ороли дунёнинг шундай маркази ҳисобланади. Албатта, бунда бу ҳудуднинг савдо ва транспорт йуллари туташган чорраҳада жойлашганлиги, шунингдек, нефть захираларига ниҳоятда бойлиги эътиборга олинган.

Ироқдаги вазият ва ушбу ҳудудда неча ун йиллардан буён давом этаётган ҳарбий-сиёсий жараёнлар бу назариянинг қанчалик туғрилигини курсатади.

Ва ниҳоят, икки қутблиликдан янги тартибга утаётган ҳозирги дунё учун қуйидаги белгилар хос булиб, ҳар қандай давлат уз сиёсатини белгилашда албатта ушбу умумий жиҳатларни эътиборга олади:

биринчидан, жаҳон хужалик алоқаларининг кенгайиши, хавфсизлик муаммоларининг глобаллашуви ҳамда давлатларни қамраб олган интеграция жараёнлари оқибатида мамлакатлараро таъсир ришталарининг кенгайиб бораётганлиги;

иккинчидан, миллий уз-узини англашнинг ва уз миллий давлатчилигини тиклашга нисбатан интилишларнинг ортиб бориши;

учинчидан, куп қутбли дунёни шакллантиришга қаратилган тенденцияларнинг чуқурлашуви;

туртинчидан, минерал хом ашё, иссиқлик-энергетика ва сув ресурсларининг чекланганлиги;

бешинчидан, ички ва халқаро, шунингдек, минтақавий ва глобал можаролар ортасидаги чегаранинг тобора йуқолиб бораётганлиги;

олтинчидан, тараққиётни таъминлашга имкон берувчи янгидан-янги саноат ва ахборот технологияларини ривожлантиришга интилишнинг ортаётганлиги;

еттинчидан, халқаро терроризм, диний экстремизм, агрессив миллатчилик, қурол-яроғларнинг, жумладан, ядровий қуролларнинг тарқалиши, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар савдоси экологик инқироз куринишидаги минтақавий ҳамда глобал таҳдидларнинг мавжудлиги;

саккизинчидан, халқаро ҳамжамият давлатларининг узаро ҳамкорликдаги ҳаракатларига булган талабнинг ошиши ҳамда халқаро ташкилотлар ва уларнинг фаолиятларини ислоҳ қилиш заруриятининг ортиб бораётганлиги.

Шу нуқтаи назардан Марказий Осиё жаҳон «геосиёсий харитаси»да муҳим урин тутувчи минтақалардан бири хисобланади. Унинг марказида жойлашган Ўзбекистон Республикаси жаҳон сиёсий саҳнасида муносиб уринни эгаллашга ва шу орқали узининг мудофаа салоҳиятини оширишга ҳаракат қилаяпти.

ИҚТИСОДИЁТ

Эндиги суҳбатимиз Узбекистон Республикаси мудофаа салоҳиятининг яна бир ташкил қилувчиси — иқтисодиёт ва уни ривожлантириш имкониятлари ҳақида булади. Шу уринда одамлар орасида тез-тез айтилишига кўникиб қолганимиз, «аввал иқтисод, кейин сиёсат», деган ҳазиломуз мақол ёдга тушади. Куп ҳолларда бу матал қорин туйдириш маъносидагина айтилса-да, лекин мамлакат доирасида олганда иқтисодиётнинг бевосита ва билвосита сиёсат манбаи эканлигидан далолат беради. Бу иқтисодиёти мустаҳкам булган давлатнинг сиёсати ва мудофааси мустаҳкам булишини билдиради. Хуш, бу нималарда намоён булади?

Агар, таъбир жоиз булса, иқтисодиётни мамлакатнинг қон томирига қиёслаш мумкин. У мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ҳуқуқий вазиятга уз таъсирини ўтказади ва узи ҳам уларнинг таъсирига тез учрайди. Масалан, мамлакатдаги ишсизлар сонининг 1 фоизга ошиши қамоқхоналардаги маҳбуслар сонининг 1 фоизга, қотилликлар содир этилишининг 5,7 фоизга ва умумий жиноятчилик курсаткичининг 4,1 фоизга ошишига сабаб булар экан. Демак, иқтисодиётни ривожлантириш билан янги ишчи ўринлари яратилар экан, уз-узидан жиноятчилик камаяди. Бу эса жамиятдаги маънавий — ахлоқий муҳитни соғломлаштиради. Мамлакатдаги соғлом маънавий-ахлоқий вазият уз навбатида мудофаа салоҳиятининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Иқтисодий потенциал давлатнинг жамият моддий эҳтиёжларини таъминлаши, шунингдек, мудофаа учун зарур булган ҳамма нарсани ишлаб чиқариши булиб, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий потенциали саноат, қишлоқ хужалиги ва транспортнинг ривожланганлик даражаси, хом ашё манбалари билан таъминланганлиги, меҳнат захираларининг мавжудлиги, давлат молия тизимининг ҳолати, технология ва жиҳозлардан фойдаланишнинг самарадорлиги каби курсаткичлар билан белгиланади. Давлат томонидан Қуролли Кучларнинг жанговар ҳаракатларни олиб бориши билан боғлиқ эҳтиёжларини қондиришга йуналтирилган мавжуд имкониятлари иқтисодий потен-

циалнинг таркибий қисми булган ҳарбий-иқтисодий потенциални ташкил этади. Унинг катталиги ва ривожланганлик даражаси эса умумий иқтисодий потенциалга, давлат юритаётган сиёсатга ҳамда дунёдаги умумий сиёсий вазиятга боғлиқ булади.

Ташқи тажовузлар мавжуд булганда ёки уруш шароитида иқтисодиётни ҳарбий соҳага йуналтириш оқибатида ҳарбий-иқтисодий потенциал маълум бир чегарагача усади. Бундай усишнинг энг юқори чегарасида давлат иқтисодиёти таназзул ҳолатига келиб қолади, маълумки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида собиқ иттифоқ ва Германия давлатларининг иқтисодиётлари шундай ҳолатга тушган эди, энг қуйи чегарасида эса ҳарбий саноат ишлаб чиқаришига бутунлай барҳам берилади. Бунга эса инсониятнинг азалий орзуси — дунёда тулиқ қуролсизланиш мавжуд булган шароитдагина эришиш мумкин.

Мамлакатларнинг халқаро ва минтақавий уюшмаларга қушилишдан кузлаган мақсадлари бир неча булиб, уларнинг асосийси узининг миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашдир. Ҳозирги вақтда дунёда минтақавий иқтисодий ҳудудларни шакллантириш тенденцияси кузга ташланмоқда. Масалан, АҚШ 1994 йилда Канада ва Мексикани ҳам уз ичига олган НАФТА иқтисодий ҳудудини ташкил этди. Эндиликда эса Америка Қушма Штатларининг саъй-ҳаракатлари мазкур ҳудудни бутун ғарбий ярим шарга ёйишга қаратилган. Бошқа мисол — Европа Иттифоқи. Конфедерация шаклидаги бу тузилма аллақачон узининг имкониятлари жиҳатидан бошқа иқтисодий ҳудудлардан анча илгарилаб кетди. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг умумий бозорини яратиш учун эса Хитой фаол сиёсат олиб бормоқда, бунда ХХР ва АСЕАН мамлакатлари учун ягона булган валютага утишга муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш уринлики, қандайдир сабаблар билан бундай бирлашмаларга кирмаётган ёки уларнинг фаолиятида етарлича иштирок этмаётган давлатларда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш тобора қийинлашмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамжамияти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги ва Коллектив Хавф-

сизлик Шартномаси каби уюшмаларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда.

Бир замонлар иқтисодиётнинг асоси ер булган булса, кейинчалик унинг урнини товар, сал фурсат утиб эса капитал, яъни пул эгаллади. Ҳозирги вақтда эса иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи куч булган рақобат кундан-кунга билимлар ва ахборотлар уртасидаги рақобатга айланиб бораяпти. Шунинг учун ҳам айнан билимларни «ишлаб чиқариш»га ихтисослашган мамлакатларнинг иқтисодиёти гуллаб яшнаяпти. Бунда таълим тизими асосий роль уйнайди, зеро айнан шу ерда юксак малакали мутахассислар тайёрланади, уларсиз эса рақобатбардош иқтисодиётни тасаввур қилиб булмайди. Таълим муассасалари ва иқтисодиётдан иборат бу тизимда билимлар янги маҳсулотлар ёки хизматларга айланади. Мамлакатимизда кенг суратда ҳаётга татбиқ этилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг энг асосий мақсади ҳам шундан иборат.

Ҳозир америкаликлар Хитой мактаблари уз уқувчиларига купроқ билим бераётганлигидан ташвишланиб, узларидаги таълим тизимини ислоҳ қилишга киришишди. Мутахассисларнинг фикрларича, узининг сифати жиҳатидан финляндияликлар таълим тизими дунёда биринчи уринда туради. Лекин, АҚШ ва Буюк Британия мутахассислар «ишлаб чиқариш»да биринчиликни қулдан бермаяптилар. Бу давлатлар узларидаги олий уқув даргоҳларида бутун дунёдан келган талабаларни уқитишар экан, бу билан нафақат иқтисодий наф курадилар, балки узларининг геосиёсий таъсирларини ҳам кенгайтирадилар. Ҳозирда АҚШ олий уқув муассасаларида дунёнинг турли қитъаларидан келган 600 мингта талаба таълим олмоқда ёки биргина Буюк Британия университетларида уқиётган хитойлик ёшларнинг сони 38 мингтани ташкил этади. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда самарали таълим тизими глобал рақобатлашув шароитида муваффақиятга эришишнинг асосий омилига айланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида мустақилликнинг 15 йили давомида улкан ишлар амалга оширилди. Иқтисодиётда 1996 йилдан бошлаб барқарор усишга эришилди. 2000 йили эса Мустақил Давлатлар Ҳамжамияти давлатлари орасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш курсаткичи

жиҳатидан 1991 йилдаги даражага эришди. Биргина 2004 йилни оладиган булсак, иқтисодиётнинг барқарор усиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди. Ислоҳот йиллари давомида ялпи ички маҳсулот илк бор 7,7 фоизга усди. Иқтисодиётнинг деярли барча тармоқ ва соҳалари жадал ва изчил ривожланмоқда — соноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13,4 фоизга, жумладан, саноат товарлари ишлаб чиқариш 18,6 фоизга усди. Қатъий пул-кредит сиёсатини утказиш натижасида ислоҳот йиллари давомида биринчи марта инфляция даражаси энг паст — 3,7 фоиз булишига эришилди. Бу аҳолиниг реал даромадлари усишига ҳам уз таъсирини курсатди — 2004 йилда бу кўрсаткич 15 фоизга усди.

Қишлоқ хужалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми утган йили 10,1 фоизга ошди. Бошоқли дон экинларидан тахминан 5 миллион тоннага яқин ҳосил олинди. Кейинги йилларда биринчи марта пахта хом ашёси етиштиришда энг катта натижага эришилди — 3,5 миллион тонналик пахта хирмони бунёд этилди. Қишлоқ хужалиги ҳар доим Ўзбекистон иқтисодиётининг асосини ташкил этган ва ҳозиргача ҳам шундай булиб қолаяпти. Унга меҳнатда банд аҳолининг 40 фоизи ва экспортнинг 60 фоизи туғри келади.

Маҳсулот экспорти буйича ҳам сезиларли натижалар қулга киритилди — унинг ҳажми 30 фоизга ошди. Шу билан бирга, экспорт таркиби сифат жиҳатидан узгариб бормоқда. Тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 52 фоизга усди. Ташқи савдо айланмасида жами 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги ижобий сальдога эришилди.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 425 мингдан зиёд янги иш уринлари ташкил этилди. Бу 2003 йилга нисбатан 14 фоиз куп демакдир. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортди ва 2004 йилда 35,6 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётимизга туғридан-туғри хорижий инвестицияларни жалб этиш кескин, яъни 1,5 баробар купайди. Айниқса, нефть, газ, туқимачилик саноатида уларнинг улуши янада салмоқли булди.

Шуни айтиб утиш керакки, юқорида зикр этилган вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатимизни такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. Бусиз ҳеч қандай масалани ҳал этиб булмайди. 1997 йилда ишлаб чиқилган ва қабул килинган Солиқ кодекси иқтисодий ислоҳотлар соҳасида бугунги куннинг янги ва усгувор вазифалари талабларига жавоб бермайди. Фақат сунгги икки йил давомида Солиқ кодекси ва солиқ қонунчилигига юздан ортиқ узгартиш ва қушимчалар киритилгани ҳам шундан далолат беради. Ҳозир Ўзбекистонда Солиқ кодексининг янги лойиҳаси тайёрланмоқда. Солиқ сиёсати мамлакат иқтисодиётида катта роль уйнайди. Ўзбекистон учун солиқларни камайтириш иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили булиб турибди. Масалан, Хитойда ислоҳот йилларида солиқлар миқдори 36% дан 13% га туширилди, бу эса иқтисодиётнинг тез ривожланишини таъминлади.

Мустақилликка эришилган кундан бошлаб ҳукумат олиб бораётган сиёсат мамлакатимизда ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини қуришга қаратилди. Бу дастур қуйидаги мақсадларни уз ичига олади: 1) импортни камайтириш ва унинг урнини узимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тулдириш эвазига иқтисодий мустақилликка эришиш; 2) иқтисодиётни хом ашё ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга утказиш; 3) мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва миллий валютани барқарорлаштириш учун олтин-валюта захираларини купайтириш; 4) иш уринларини кенгайтириш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш.

Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида олиб борилган нотуғри иқтисодий сиёсат натижасида Марказий Осиё давлатларига, жумладан Ўзбекистонга жуда катта экологик муаммолар мерос булиб қолди. Охирги ҳисоб-китобларга кура, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ муаммо туфайли Ўзбекистон Республикаси ҳар йили 144 миллион долларлик иқтисодий зарар кураяпти. Бу эса аҳоли жон бошига 5,7 долларни ёки мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 1,8 фоизини ташкил этади. Ёки Тожикистондаги алюминий заводининг мамлакатимизга етказаётган зарарини ҳисоблаб чиқиш жуда ҳам қийин. Заводдан чиқаётган заҳарли тутун-

нинг ҳаммаси шамол таъсирида Ўзбекистон ҳудудига ўтади. Натижада Сурхондарё вилоятининг шимолий ҳудудлари жуда катта зарар кўрмоқда. Мутахассисларнинг фикрларича, завод тўхтаган тақдирда ҳам у етказган зиённинг ўрнини 25 йилдан сўнггина қоплаш мумкин экан. Иқтисодий зиённинг ўрни ҳақиқатан ҳам вақти келиб балким қопланар, лекин халқимизга етказилган маънавий ва руҳий жабр-зулмнинг ўрнини юз йилда ҳам тўлдириб бўлмайди-ку ахир! Ўлик ёки майиб-мажруҳ туғилаётган чақалоқлар, ногирон бўлиб қолаётган ёки заҳарланган ҳаво туфайли бевақт ўлаётган инсонлар, ҳосил беришга ярамай қолган боғу роғлар ва далалар ўрнини ҳеч қачон тўлдириб бўлмаса керак. Назаримда буни Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига нисбатан тажовуз деб баҳоламоқ даркор.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг мудофаа салоҳиятини заифлаштирувчи иқтисодий сабаблар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

— Ўзбекистон иқтисодиётида ҳали ҳам хом ашё ишлаб чиқаришнинг устунлик қилаётганлиги;

— Ўзбекистоннинг ташқи бозорларга чиқиши учун маълум бир тусиқларнинг мавжудлиги;

— мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий тизимга ва Марказий Осиё иқтисодий тизимига интеграциялашувидаги номувофиқликлар;

— ташқи транспорт тузилмасининг, ахборот ва илмий-техник коммуникацияларнинг нисбатан кам ривожланганлиги;

— ер-сув ва маълум бир минерал хом ашё захираларининг чекланганлиги;

— аҳоли табиий усишининг, баъзи ҳудудларда эса аҳоли зичлигининг юқорилиги;

— ишлаб чиқариш воситалари маълум бир қисмининг эскирганлиги;

— бозор инфратузилмасининг охиригача шаклланмаганлиги;

— экологиянинг ёмонлашуви билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги.

Қуролли Кучлар ва мудофаа тизими учун зарур бўлган ҳарбий техника, қуроллар, ҳимоя анжомлари каби маҳсу-

лотлар ишлаб чиқариш ҳам мамлакат иқтисодиётида катта урин тутади. Ҳозирги вақтда бутун дунёда ҳарбий иқтисодиёт кулами куп мартага ошиб, таркибий узгаришлар амалга оширилмоқда. Купгина мамлакатларда иқтисодиётнинг тинчлик вақтида ҳам фаолият юритувчи ҳарбий тармоғи юзага келди. Бундай корхоналарда тинчлик вақтида ишлаб чиқариш воситалари ёки халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Зарурат туғилганда эса, улар ҳарбий эҳтиёжлар учун ишлашга тезда утишлари мумкин. Қолаверса, ҳозирги вақтда ҳарбий қурол-яроғ тушунчаси ҳам уз моҳиятини узгартирди. Айтайлик, оддий аммиакдан халқ хужалигининг турли тармоқларида хом ашё ёки кимёвий уғит сифатида фойдаланиш билан биргаликда, ундан портловчи воситалар ҳам яратиш мумкин. Ёки, радиактив моддаларни олайлик, плутоний АЭСлар учун ёнилғи булиш билан биргаликда, ядровий баллистик ракеталар учун портловчи модда була олади. Назаримда, ахборот технологиялари асрида таъсирчан ғоя ва мафкураларни энг кучли қурол сифатида баҳолаш мумкин. Ҳарбий саноати ривожланган давлатларнинг мавқеи йилдан-йилга узгариб, уларнинг сафи янги давлатлар эвазига анча кенгайди. Натижада ҳарбий саноатни бошқаришга ихтисослашган давлатлараро тизимлар шаклланмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бу тармоқ ҳам глобаллашмоқда. Ўтган асрнинг охирларидан бошлаб бир қанча давлатлар ҳарбий саноатида жадал ривожланиш кузга ташланди. Масалан, Россия Федерациясида бу тармоқ 1998 йили 5% га, 1999 йили эса 37% га усган. Бутун дунёдаги қурол-яроғ савдосининг 51% АҚШ ҳиссасига туғри келади. АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларида саноатнинг ҳарбий ва фуқаролик тармоқларини бир-бирига яқинлаштириш тенденцияси кузатиляпти. Бу давлатларда ҳарбий ишлаб чиқаришнинг кулами анча кенгайгани ҳолда, у алоҳида мамлакатларда тупланаяпти ва бунда АҚШ етакчилик қилмоқда. Қизиғи шундаки, глобаллашган ҳарбий иқтисодиёт асосан экспортга мулжалланган, яъни ундан кузланган асосий мақсад иқтисодий манфаатдорлик булиб қолаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз иқтисодиёти қанчалик ривожланса, мудофаа салоҳиятимиз ҳам шунчалик мустаҳкам булади.

ИЛМИЙ-ТЕХНИК САЛОҲИЯТ

Навбатдаги мулоҳазаларимиз мамлакатимиз мудофаа салоҳиятининг учинчи ташкил қилувчиси, яъни унинг илмий-техник имкониятлари ҳақида булади.

«Бугунги Узбекистон — фақат жуда бой табиий хом ашё захиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган соҳагина эмас,— деб ёзган эди мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қумондони И. Каримов узининг «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида, — айни чоғда мамлакатимиз ғоят улкан ақл-заковат, маънавий ва маданий имкониятларга эга. Буларнинг барчаси дунёда янги сиёсий ва иқтисодий тартиб фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб жуғрофий урни билан қушилган ҳолда жуда катта жуғрофий-сиёсий ва жуғрофий-стратегик қизиқиш уйғотади».

Илмий-техник салоҳият мамлакатдаги эришилган илмий тафаккур даражаси, техника ва технологияларнинг ривожи ҳамда уларнинг бевосита саноат ишлаб чиқариши, ижтимоий ва ҳарбий соҳалардаги иштироки билан белгиланади. Илмий-техник салоҳият бошқа потенциаллар орасида алоҳида мавқега эга. У бир томондан базис, яъни иқтисодиёт, иккинчи томондан эса устқуртма — сиёсат билан боғланганлиги учун ҳам уларни узаро бирлаштиради.

Илмий-техник салоҳият узининг миқдор ва сифат курсаткичларига эга. Унинг сифат курсаткичларига фаннинг илмий методологияси, яъни табиат, жамият ва ҳарбий иш қонунларининг моҳиятига чуқур кириб бора олиш қобилияти, шунингдек, фаннинг ижтимоий йуналганлиги — унинг ижтимоий ривожланиш мақсадларига қанчалик мос келиши ва давлат миқёсида илмий тадқиқотларни режалаштириш имкониятлари киради. Мамлакатдаги илмий тадқиқот муассасаларининг сони ва уларнинг юксак малакали мутахассислар билан, шунингдек, моддий-техник ва молиявий томондан таъминланганлиги эса мазкур салоҳиятнинг миқдорий курсаткичлари ҳисобланади.

Бу жиҳатдан Узбекистон анча катта имкониятларга эга. Фан ва техника давлат қумитаси ва фанлар академияси ти-

зимида унлаб илмий тадқиқот муассасалари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, олий уқув юртлари қарамоғидаги лаборатория ва кафедраларда ҳам илмий ишлар мунтазам равишда олиб борилади. Мамлакатимизда ҳар йили фан ва техниканинг турли йуналишларида 100 дан ортиқ докторлик ҳамда 600 та атрофида номзодлик ишлари ҳимоя қилинмоқда.

Узбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясида мамлакатимизнинг илм-фан, техника, технология ва ахборот соҳаларидаги хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозимлиги курсатиб утилган: 1) илмий-техника соҳасида ягона умумдавлат сиёсатини олиб бориш, амалиёт талабларини ортда қолдирадиган илмий-техник потенциални яратиш, иқтисодиётнинг устувор соҳаларига фан ва техника ютуқларини жорий этиш; 2) илмий-техник маҳсулотлар бозорини яратиш, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялашни таъминлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Шуни айтиб утиш керакки, Узбекистон аҳолисининг саводхонлиги жиҳатидан дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан урин олган, бу курсаткич аҳолининг умумий сонига нисбатан 99,2 фоизни ташкил этади. Асосий қонунимизда мактаб ёшидаги йигит-қизларимизнинг ҳаммаси учун урта умумий таълимнинг мажбурийлиги алоҳида таъкидлаб утилган булиб, таълим олишнинг текинлиги асосий омил булиб хизмат қилади. Буни таъкидлашимиздан мақсад шуки, аҳолининг саводхонлик даражаси мамлакатдаги илмий-техник салоҳиятнинг асосини ташкил этади, яъни аҳоли таркибида саводли кишилар сони қанчалик куп булса, моддий ва маънавий бойликлар яратишга қаратилган ижодкорлик фаолияти ҳам шу даражада юқори булади. Бу эса давлатнинг ҳарбий куч-қудратига ва мудофаа салоҳиятига ижобий таъсир курсатади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2003 йилда Узбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш курсаткичлари ҳақидаги ахборотномада кейинги йилларда мамлакатимиздаги олий уқув юртларига кирувчилар сони қисқарганлиги таъкидланиб, бу нарса Узбекистоннинг минтақадаги бошқа давлатларга нисбатан рақобатбардошлигининг камайишига олиб келмасмикан, деган

хавотирли бир фикр билдирилганки, бу нарса ҳам саводхонлик давлат қудратини оширувчи омил эканлигидан далолат беради.

Халқимизнинг фидойи фарзанди, буюк аллома Абдурауф Фитрат узининг таълим ва тарбияга бағишланган «Оила» китобида утган юз йиллик ибтидосида дунё ҳарбий-сиёсий саҳнасида шаклланган вазият ҳақида тухталиб шундай деб ёзади: «Ҳозирда 40 миллион инглиз 400 миллион ҳиндий ва африкаликлар устидан ҳокимдир. Чин ҳукумати 400 миллион аҳолиси билан 40 миллион японнинг ҳийла ва найранги уйинчоғига айланган. 60 миллион олмонлар иккита заиф давлатлар булган Австрия ва Туркияни «ёнларига олиб», аҳолиси 750 миллионга тенг келадиган етти давлат билан уруш қиляпти. Кишининг назарида ажиб ва ғаройиб куринадиган бу воқеалар тарбия таъсиридандир, зеро болаларнинг тарбияси бу фарзандни жисмонан, фикран ва ахлоқан тарбия қилиб, камолга етиштириш демакдир. Яъни, уларни уриниш ва тиришиш саҳросига, ҳаёт-мамот майдонига кучли бадан, соғлом фикр ва яхши ахлоқ билан қуроллантириб юбориш демакдир. Маълумки, инглизлар ҳинд ва мисрликлардан, японлар чин халқидан жисмонан, фикран ва ахлоқан анча комилдирлар. Уларнинг бу камолотлари тарбия натижасидир... Бу дунё кураш майдонидир». Бу жумлаларни уқиган китобхон, муаллиф ҳарбий зуравонлик сиёсатини маъқулламаяптимикин, деган хаёлга зинҳор бормаслиги керак. Менинг муддаом ҳар қандай мамлакат ва жамиятнинг қудрати халқнинг интеллектуал салоҳиятига туғридан-туғри боғлиқ эканлигини курсатиш эди, холос.

Ихтиро ва кашфиётлар уз қадр-қимматини тез йуқотаётган ҳозирги тезкор ривожланиш даврида, жамиятдаги янги ижодий кучларни мунтазам равишда яратиб бориш долзарб аҳамиятга эга булиб қолмоқда. Шуни назарда тутган мамлакатимиз раҳбари «XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли булади? Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар булиб униб-усаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин», деган эди.

Маълумки, ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг марказида шу ерда яшаб, фаолият юритаётган интел-

лектуал ақл эгалари булган олимлар туради. Бу бугуннинг-гина гапи эмас. Соҳибқирон Амир Темур уз замонасида турли юртлардан нафақат ҳар хил ҳунар соҳибларини, балки олимлар ва ёзувчиларни ҳам салтанатининг пойтахти булмиш Самарқандга олиб келишга, уларнинг ақл-заковатидан фойдаланишга катта эътибор берган. Ёки минг йил аввал мамлакат ҳукмдори ҳомийлигида Хоразм Маъмун академиясининг ташкил этилганлиги ва унинг фаолиятига Беруний, Ибн Сино каби буюк ақл соҳибларининг жалб этилиши ҳам шунчаки олимларга нисбатан меҳр-шафқат натижасигина эмас эди. Бу илм-маърифат масканига, ҳаттоки олис мамлакатлардан ҳам олимлар таклиф этилганлар. Илм-фан бевосита ишлаб чиқарувчи ва турфа хил бойликлар яратувчи кучга айланаётган ҳозирги кунда бу анъананинг яна ҳам ривож топганлигини куришимиз мумкин. Бу ривож топганлик «ақл уғирлаш» деб аталадиган узига хос сиёсий атама билан ифодаланадики, дунё мамлакатлари сиёсатида бу жараёнга жуда ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Гап шундаки, дунёнинг ривожланган давлатлари уз мамлакатлари иқтисодиёти учун етишмаётган соҳа олимларини ҳамда етук мутахассисларга булган эҳтиёжини бошқа мамлакатлардан шундай соҳа кишиларини сотиб олиш ёки кучириб олиб келиш ҳисобига қондиришга ҳаракат қилишади. Албатта, бундай сиёсатнинг узига хос афзал томонлари бор: биринчидан, истеъдодлар ҳамма даврларда булгани каби ҳозир ҳам камёб ҳодиса, иккинчидан эса уларни уз мамлакатида уқитиб, тарбиялагандан кура бошқа давлатлардан олиб келиш иқтисодий жиҳатдан бир неча марта арзон булади. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, Европа Иттифоқи давлатларида битта етук мутахассисни тарбиялаб вояга етказиш бир миллион евро туради, яъни унинг баҳоси бир миллион евро миқдоридаги пул қийматига эквивалент. Буни яна бошқачасига шундай тушунтириш мумкин: агар биронбир мамлакатни юзта интеллектуал тарк этадиган булса, мазкур давлат иқтисодиёти юз миллион евро миқдорида зиён куради. Аксинча, улар борган давлатлар шунча миқдорда фойда куради.

Дунёнинг турли мамлакатларидаги ривожланиш даражасининг ҳар хиллиги, улардаги интеллектуал меҳнатга бул-

ган талабнинг турличалиги, уларда олимларнинг яшаб, ижод қилишлари учун имкон берадиган шарт-шароитлардаги фарқлар бу жараённи юзага келтирувчи асосий сабаблар ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, олимларнинг ҳаёт тақозоси билан бир мамлакатдан бошқасига кучиб юриши ҳамма замонларда ҳам булган, лекин XX аср урталарига келиб бу жараён оммавий тус олиб, жамият тараққиётига таъсир этувчи ижтимоий-сиёсий омилга айланди.

Тарихчилар буни ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида Германияда фашистларнинг ҳокимият тепасига келиши билан изоҳлашади. Ягона мақсади уруш воситасида дунёни эгаллаш булган гитлерчилар тараққийпарвар олимларни таъқиб остига олишади. Уларнинг катта қисми Германияни тарк этади, қолганлари эса концлагерларда қийноқлар остида жон таслим қилишади. Бу террордан, айниқса, яҳудийлар купроқ изтироб чекадилар. Натижада, дунёнинг илмий марказларидан бирига айланган Германия бу мақомдан маҳрум булди. Фашизм таъқибидан қочган олимлар аввал Англия, Ирландия, Франция каби ғарбий Европа давлатларига, кейинроқ эса хавф-хатардан анча холи ва ишлаш учун имкониятлар купроқ булган Шимолий Америка давлатлари — АҚШ ва Канадага кучиб утишади. Қизиғи шундаки, бундан 70 йил аввал бошланган жараён ҳанузгача давом этиб келаяпти. «Ақл уғирлаш» тенденцияси нафақат Осиё ёки Африкадаги қолоқ ва ривожланаётган давлатларга, балки дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторида турувчи Европа Иттифоқи мамлакатлари иқтисодиёти ва хавфсизлигига ҳам жиддий таҳдид солмоқда. Яқинда Европанинг энг катта ва иқтисодий жиҳатдан энг қудратли мамлакати булган Германия Федерал Республикаси федерал канцлери Герхард Шрёдер уз мамлакати парламенти депутатлари олдида нутқ сузлаб, кейинги вақтларда Германияни 60 мингтадан купроқ етук мутахассислар тарк этганлигини таъкидлади ва уз вазирлари олдига яқин йиллар ичида шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларидан 100 мингта мутахассисларни кучириб олиб келиш вазифасини қуйганлигини айтиб утди.

Албатта, «ақл уғирлаш» Узбекистон учун унчалик хавфли эмас, бунинг сабаби бир томондан мамлакатимиз иқти-

содиётининг усиши билан интеллектуалларга булган талабнинг ошаётганлиги булса, бошқа тарафдан эса, бу миллий менталитетимиз хусусиятларидан келиб чиқади, яъни биз узбеклар уз туғилиб усган еримизни ҳар нарсадан устун қуямиз. Қисман бошқа миллатларга мансуб олим ва мутахассисларнинг кетиб қолишларини эса ХХ асрнинг 80-йиллари охирларида бошланган турли миллат вакилларининг уз тарихий ватанларига қайтиш истаги билан баҳолаш мумкин. Бу муаммо ҳақида тухталишимиздан мақсад илмий потенциалнинг мамлакат «ҳимоя иммунитети»га қанчалик таъсир этишини курсатиб бериш эди.

Олимлар меҳнатига ортиқча баҳо бермаган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, улар жамият ҳаётида биз уйлагандан кура купроқ ва муҳимроқ аҳамият касб этадилар. Машҳур француз олими Блез Паскал агар Франциядан 300 та интеллектуал кетиб қолса, у жоҳиллар ва телбалар мамлакатига айланади, деб курсатган эди.

Шундан келиб чиқиб, олимларнинг мамлакат учун аҳамиятини қуйидаги беш йуналишга ажратиб курсатиш мумкин:

биринчидан, улар меҳнати натижасида фан, адабиёт, санъат, ихтиролар ва кашфиётлар яратилади. Айнан интеллектуал мулк объектлари иқтисодиёт соҳасида самарали узгаришларни вужудга келтиради, тараққиётга туртки беради;

иккинчидан, олимлар муҳити авлодлар уртасидаги доимий ворисликни таъминлайди, яъни устоз-шогирд анъаналари асосида янги олимлар авлодини тарбиялаб етиштиради;

учинчидан, олимларнинг катта қисми таълим муассасаларида, купроқ олий уқув юртларида фаолият юритадилар ва ҳар томонлама етук, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб етиштирадилар;

тўртинчидан, олимлар узларининг юриш-туришлари, хулқ-атворлари, амал қиладиган қадриятлари билан теварак-атрофга намунали ибрат, таъсир курсатадилар;

ва ниҳоят, бешинчидан эса, олимлар қатлами сиёсий тизим, демократия даражаси ва фуқаролик жамияти тузилмаларига ижобий таъсир курсатади. Ёки бошқача қилиб ай-

тадиган булсак, интеллектуал жиҳатдан юксак мавқега эга бўлган жамиятда нодемократик бошқарув бўла олмайди.

Шундай қилиб, турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган ўқув машғулотлари ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш эвазига, улардаги тафаккур ва дунёқарашни кенгайтириш орқали мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини яна ҳам мустаҳкамлашимиз мумкин.

ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР

Мамлакатни ҳар томонлама ҳимоялаш ҳақида сўз борар экан, бунда ушбу давлатдаги ижтимоий аҳвол муҳим роль ўйнашини эсдан чиқармаслик лозим. Мамлакатдаги ижтимоий аҳволни белгиловчи ва унинг таркибига кирувчи элементлар эса жуда ҳам кўп. Лекин, шундай бўлса-да, уларнинг энг таъсирчанларини ва энг муҳимларини ажратиб кўрсатиш, шунингдек, уларнинг ижтимоий аҳволни белгилашдаги ўрни ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин. Ижтимоий аҳволни ўзида энг кўп ифодалайдиган тушунчалардан бири ижтимоий психология ҳисобланади. Ижтимоий психология кўпроқ мамлакатдаги ижтимоий муҳит билан боғлиқ бўлиб, ҳар хил ижтимоий гуруҳлардаги кайфият, одат, эҳтиёж ва қизиқишларни ўзида ифодалайди. Мамлакатдаги мавжуд миллат ва элатлар, диний конфессиялар, сиёсий ва жамоат ташкилотлари кабилар ижтимоий гуруҳлар ҳисобланади.

Ижтимоий психологияда ва умуман ижтимоий-сиёсий адабиётларда миллий белгиларга катта эътибор берилади. Ҳақиқатан ҳам турли миллат ва элатлар орасидаги муносабатлар жуда нозик масалалар сирасига киради ва умумдавлат миқёсида алоҳида сиёсий дастурлар асосида бошқариб борилади. Шу маънода дунё мамлакатлари иккита гуруҳга, яъни моноэтник ва полиэтник давлатларга ажратилади. Нисбатан бир хил миллий таркибга эга бўлган давлатларга моноэтник давлатлар дейилади. Япония, Италия, Арманистон ва Польша каби давлатлар шундай мамлакатлар гуруҳига киради. Аҳолиси кўп сонли миллат ва элатлардан иборат бўлган мамлакатлар полиэтник давлатлар гуруҳини ташкил этади. Табиийки, иккинчи гуруҳ давлатларининг сони анча

салмоқли. Куп миллатли ва куп тилли мамлакатларда уз давлатларига ном берган асосий этник бирлик — титул миллат билан бу мамлакатда истиқомат қилувчи этник озчилик уртасидаги узаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири булиб қолмоқда.

Ички сиёсий аҳволнинг барқарорлиги, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикаси куп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллатлар вакилларининг сиёсий хайрихоҳлигига бевосита боғлиқ булади. Жаҳон тажрибасидан миллатлар ёки этник гуруҳлар уртасидаги узаро муносабатларда анъанавий уйғунлик вужудга келган мамлакатларда куп элатлилик омили давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир этишини курсатувчи мисолларни куплаб келтириш мумкин. Бу мамлакатларда этник гуруҳлар ва ирқлар уртасида маълум муаммолар мавжуд. Шунга қарамай, куп элатлилик омили уларнинг ижтимоий-иқтисодий гараққиёти йулида туғаноққа айланиб қолмаган. Аксинча, гараққиётнинг жадаллашувига ёрдам берган. Миллатларнинг ва маданиятларнинг бир-бирига таъсир курсатиши бу давлатларда яшаётган халқларнинг маънавий-ақлий бойиши учун яхши манбага айланган.

Айни чоғда инсоният тарихида бунинг аксини, яъни куп элатли давлатлардаги миллатлараро муносабатларда уйғунликнинг йуқлиги бутун-бутун халқлар ва мамлакатларни анча орқага улоқтириб ташлаган ижтимоий-сиёсий фалокатларга олиб борганини курсатувчи мисоллар ҳам оз эмас. Зеро, куп элатлилик нафақат айрим давлатларнинг, балки бутун-бутун минтақаларнинг ҳам ички сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигига путур етказувчи бош омилга айланган.

Моноэтник давлатларда миллий муаммолар ёки умуман йуқ ёки улар осонлик билан ҳал этилади. Полиэтник давлатларда бу масала жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса мамлакат миллий хавфсизлигига таҳдид солади ва унинг мудофаа салоҳиятини заифлаштиради. Бунга олис ва яқин утмишимиздан куплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, «ёвузлик империяси» деб ном ол-

ган собиқ Совет Иттифоқининг парчаланиб, мозий қаърига улоқтирилишининг сабабларидан бири ҳам бу мамлакатда юритилган номақбул миллий сиёсат эди. Гарчи унинг раҳнамолари утган асрнинг олтмишинчи йилларидаёқ «кишиларнинг янги тарихий бирлиги булган совет халқи ташкил топганлиги»ни таъкидлашган булишса-да, алал-оқибат бу нарса Кремль хаёлпарастларининг яна бир чупчаги булиб чиққанлигини ҳозир бутун дунё билади. Бу империянинг энг умидли, энг навқирон, энг сунгги ва энг инсофли етакчиси булган Михаил Горбачёв юксак минбарлардан туриб айтган «Совет Иттифоқида юздан ортиқ миллат ва элатларнинг узаро дустлигига асосланган ривожланган социалистик жамият — коммунизмнинг дастлабки босқичи қуриб бўлинди. Бу жараён ривожланишнинг орқага қайтмайдиган даражасига етиб келди» деган гапларини мен яхши эслайман. Лекин таассуфки, орадан бир неча ойлар утиб, «миллатлар ва элатларнинг узаро дустлигига асосланган» бу жамият парчаланиб кетди. Ёки федератив тузилишга эга булган яна бир полиэтник давлат Югославия иттифоқи ҳам расмий Белград олиб борган майда миллатларнинг ҳар томонлама камситилишига қаратилган сиёсати туфайли ҳеч қандай ташқи тажовузларсиз фуқаролар урушига тортилди ва охир-оқибат парчаланиб кетди. Кейинчалик бу мамлакатда кам сонли миллатларга нисбатан геноцид сиёсати юритилгани дунё жамоатчилигига маълум булди.

Шу маънода 2005 йилнинг май ойида Андижонда юз берган воқеалар яхшигина таҳлил объекти булиши мумкин. Буларни ташкил этган кучлар у занжир реакцияси каби бутун Фарғона водийсига ёйилиб, кенг халқ оммасининг расмий ҳокимиятга ва Ўзбекистондаги конституциявий тузумга қарши бош кутаришига сабаб булади деб умид қилган эдилар. Аммо бундай булмади, чунки халқимиз менталитетига хос булган адолатга ва тинч-тотув ҳаётга ташналик, узи сайлаган ҳокимиятга булган ҳурмат ва ишонч бунга ҳеч қачон йул қуймас эди. Яна бир нарса — Узбекистон Республикаси Қуролли Кучлари узининг илк қадамларидан бошлаб чинакам халқчил армия сифатида шаклланди. Яъни, армия ва халқнинг, яна ҳам кенгроқ оладиган булсак, давлат, жамият ва Қуролли Куч-

ларнинг манфаатлари битта булиб, у ҳам булса, ватанимизни ҳур ва озод, шунингдек, ҳар томонлама тараққий қилган ҳолда куришдан иборат. Бир-бирига суянч ва таянч булган бу иккала кучни узаро зиддиятга олиб боришга қаратилган ҳар қандай интилишлар бемаъниликдан бошқа нарса эмас.

Бундан полиэтник мамлакатларнинг моноэтник ёки майдароқ давлатларга ажралиши доимо турли можаролар гирдобида кечар эканда, деган хулоса чиқариш туғри эмас. Европанинг қоқ жуғрофий марказида жойлашган Чехословакия тинч йул билан иккита давлатга, Чехия ва Словакия давлатларига ажралди. Улар бугунги кунда тинч-тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Мамлакатда қарор топган демократия тамойиллари ва айниқса, мамлакатнинг уша пайтдаги президенти Васлав Гавел олиб борган туғри сиёсат бунда муҳим роль уйнади.

Узбекистон ҳам куп миллатли давлатлар сирасига киради — унда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилади. Уларнинг узаро тинч ва осуда ҳаёт кечираётганликлари эса биз интилаётган ҳамда амалга ошираётган миллатлараро дустлик ғоясининг катта ютуғи ҳисобланади. Мамлакатимизда таълим еттита тилда олиб борилади, яъни энг куп сонли миллий жамоа вакилларига уз она тилларида билим олиш имконияти яратилган. Албатта, бунда аҳолининг қарийб 80 фоизини ташкил этадиган титул миллат булган узбекларнинг узига хос менталитети муҳим роль уйнайди. Шуни таъкидлаб утиш керакки, кейинги 150 йил давомида узбекларнинг менталитети камида уч марта узгарди: Рус мустамлакачилари келиши билан уларда мутелик психологияси шаклланди; собиқ Иттифоқ даврида эса «ҳамма нарса коллективда, ҳамма нарса коллектив учун» қабилидаги жамоавийлик психологияси қарор топди; ва ниҳоят, сиёсий мустақилликка эришганимиздан кейин, бизда эгаменлик туйғуси ривожлана бошлади. Узбеклар менталитетига бошқа миллатларга нисбатан дустлик, қардошлик ва бағрикенглик туйғуларининг ривожланганлиги, шунингдек, ватанпарварлик ҳамда тинчликка интилиш тамойилларининг юксаклиги хос булиб, бу ҳол миллий хавфсизлигимизни мустаҳкамловчи муҳим манба саналади.

Навбатдаги энг муҳим омиллардан бири жамиятда қарор топган диний муносабатлар ёки янаям аниқроқ қилиб айтадиган булсак, динлараро муносабатлар ҳисобланади. Мамлакатимиз Асосий қонунининг 18-моддасида Узбекистон Республикасида барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенг эканликлари ёзиб қуйилган. Конституциянинг 31-моддасида эса «ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йул қуйилмайди», дейилади. Диний кечинмалар ҳам миллий ҳис-туйғулар сингари жуда таъсирчан булиб, бошқа дин вакиллари томонидан эъзозланишни тақозо қилади. Ҳозир мамлакатимизда 17 та диний конфессиялар фаолият юритаётган булиб, улар ўртасида толерантлик, яъни диний бағрикенглик ғояси тўла амал қилмоқда. Бу ғоя мамлакатимизда шакллантирилаётган миллий истиқлол мафкурасининг энг муҳим мақсадларидан биридир. Агар жаҳонда кечаётган ижтимоий жараёнларга назар ташлайдиган булсак, ҳамма мамлакатларда ҳам вазият биздагидек осуда эмаслигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Ҳиндистонда асрлар буйи давом этиб келаётган ҳинд — мусулмон можароси ҳали ҳам тинчигани йуқ ва у гоҳигоҳида аланга олиб, минглаб бегуноҳ кишиларнинг ёстиғини қуритмоқда. Машҳур шоиримиз Эркин Воҳидов ўзининг «Руҳлар исёни» достонида мана шу муаммолар ҳақида фикр юритиб, йигирманчи аср бошларидаги воқеалар тўғрисида қуйидаги лирик сатрларни битади:

Хунрезлик қил демаган-ку,
На ведаю
На Қуръон!
Тиғ уради
нега ҳинду
Бош кесади
мусулмон?
Фарқ —
ким меҳроб,
кимса бутга

Сиғиниб бош қўядир.
Шу фарқ учун
Ёқиб утга
Эл бир-бирин сўядир.

Туғрисини айтганда, шу жиҳатдан Ҳиндистондаги вазият ҳозир ҳам анча мураккаблигича қолмоқда. Лекин, биз муаммолар яқин вақтлар ичида тинч, динлараро мулоқот ва узаро яраш йули билан ҳал этилишига умид қиламиз. Бундан ташқари, Яқин Шарқ — Исроил ва Ливан уртасидаги, шунингдек, Шимолий Ирландиядаги можароларнинг ҳам қисман диний асосга эга эканлигини таъкидлаб утиш уринли булади.

Ўзбекистонда виждон эркинлиги Конституция даражасида таъминланганлигини юқорида таъкидлаб утган эдик. Бундан ташқари, мамлакатимиз парламенти томонидан 1998 йилда янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар туғрисида»ги қонун қабул қилинган булиб, диний масалалар ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминланган. Бундай ҳолатни мамлакатимиз мудофаасини ҳимоялашга қўшилган муҳим ҳисса деб баҳолаш мумкин.

Кўп мамлакатларнинг тажрибаси бозор муносабатларига утиш силлиқ, ижтимоий қийинчиликларсиз, осон кечмаслигини кўрсатади. Ҳар қандай мамлакатда турли куринишдаги тенгсизликлар купайса, улар ижтимоий барқарорлик учун хавф туғдиради. Ижтимоий муаммоларнинг кескинлиги кимларнингдир камбағаллиги ёки бойлигида эмас, балки ушбу ижтимоий табақалар уртасида ҳаддан ташқари катта фарқ пайдо булишидадир. Бу эса беихтиёр уларнинг қарама-қаршилигига олиб келади. Ижтимоий зиддиятларнинг ҳаддан ташқари кескинлашуви жамиятда ижтимоий барқарорликнинг барҳам топишига, ички можароларга ва ҳатто фуқаролар урушига ҳам олиб бориши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида тараққиётга эришишнинг асосий тамойилларидан бири қилиб олинган кучли ижтимоий сиёсатни собитқадамлик билан амалга оширишга катта эътибор берилаяпти.

Албатта, битта мухтасаргина рисола доирасида мамлакатимизнинг хавфсизлигига у ёки бу даражада таъсир курсатувчи ҳамма ижтимоий омиллар ҳақида батафсил мулоҳаза

юритишнинг имконияти йуқ. Бизнинг муддаомиз ижтимоий воқеликнинг давлатимиз мудофаа салоҳиятига таъсирини кўрсатиб бериш эди, холос.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР

Табиийки, мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини унинг таркибий қисми булган Қуролли Кучларимизсиз тасаввур қилиб булмайди. Бу тузилма ҳам уз-узича мавжуд бўлмасдан, балки сиёсат, иқтисодиёт, илмий-техник салоҳият ва ижтимоий омиллар билан интеграциялашган булади.

Мудофаа туғрисида гап кетар экан, оммавий ахборот воситаларида тез-тез кузга ташланадиган «ҳарбий потенциал» тушунчаси ҳақида тўхталишга туғри келади. Бу тушунча ижтимоий ҳаётнинг деярли ҳамма жабҳаларини узида мужассам этади. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг ҳарбий потенциалини ҳарбий-географик, ҳарбий-демографик, ҳарбий-иқтисодий, ҳарбий-ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳарбий-маънавий мезонларнинг йиғиндиси сифатида тасаввур қилиш мумкин. Давлатнинг уз Қуролли Кучларини сақлаш ва такомиллаштириш, унинг жанговар қудратини ошириш ҳамда уларни тинчлик ва уруш даврида барча зарур нарсалар билан таъминлаши мамлакат ҳарбий потенциалининг асосини ташкил этади. Ҳарбий потенциал эса уз навбатида Қуролли Кучларнинг тинчлик ва уруш давридаги реал имкониятларини ифодалайдиган жанговар қудратида уз ифодасини топади. Бундан ташқари, давлатнинг бевосита Қуролли Кучлар жанговар қудратини мустаҳкамлашга йуналтирилган ҳарбий-сафарбарлик имкониятлари ҳам унинг ҳарбий потенциали таркибига киради.

Жанговар потенциал Қуролли Кучларнинг реал имкониятларини, шунингдек, уруш булган тақдирда ишга солиниши мумкин булган барча моддий ва маънавий қадриятларни ҳам ифодалайди. Бунга қушимча равишда яна шуни таъкидлаб утиш керакки, жанговар потенциалнинг функционал ҳолати ёки бошқачасига айтганда Қуролли Кучларнинг жанговар қудрати, унинг жанговар тайёргарлигида, яъни жанговар вазифаларни амалга оширишга нисбатан қанчалик тайёр эканлигида намоён булади.

Мамлакатимиз жанговар қудратини ташкил қилувчи ҳамма компонентлар бир-бирлари билан узаро диалектик алоқадорликка эга. Ҳарбий қудратни ташкил этувчи таркибий элементлар уртасидаги узаро алоқадорлик урушларда, жанговар вазиятларда воқеалар ривожини таъминловчи омиллар — моддий ва маънавий кучларнинг диалектик бирлигида уз ифодасини топади. Моддий омил жанговар ҳаракатлар жараёнида фаол равишда ишга солинадиган моддий имкониятлар мажмуасининг бир қисми ҳисобланади ва у қуйидагиларни уз ичига олади: урушаётган давлатларнинг иқтисодиёти; давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузуми; Қуролли Кучлар шахсий таркиби; ҳарбий техника ва қурол-яроғлар; ҳарбий ҳаракатлар жараёнига таъсир этувчи табиий-жуғрофий шароитлар. Мазкур компонентларнинг ҳаммаси давлат органлари томонидан ҳарбий-сиёсий вазифаларни ҳал қилишда фаол равишда ишга солинади.

Шунингдек, жанговар потенциал узига хос маънавий омилларга ҳам эга. Улар уруш жараёнида туғиладиган сиёсий ва стратегик мақсадларга эришиш учун хизмат қиладиган ижтимоий-маънавий имкониятлардир. Мафкура, ижтимоий психология, дин ва фан кабиларни маънавий омиллар сифатида курсатиш мумкин. Одатда, жамиятнинг маънавий кучлари халқ ва армиядаги ижтимоий кайфиятда, шахсий таркибдаги ахлоқий-жанговар сифатларда намоён булади.

Албатта, умумфалсафий нуқтаи назардан қараганда, моддий асос маънавий омилларга нисбатан ҳар доим бирламчи булади. Бу муносабат биз қараб чиқаётган вазиятга нисбатан ҳам узгармасдан қолади. Моддий омил урушаётган томонларнинг ҳар иккаласи учун ҳам асосий манбага айланади. Маънавий омил эса, уз навбатида моддий қадриятлар негизида пайдо булади ва ривожланади.

Ҳар қандай давлатнинг ҳарбий қудрати нисбий характерга эга булиб, унинг ҳақиқий улчамларини узга давлатларнинг ҳарбий қудрати билан қиёслаш орқалигина аниқлаш мумкин. Шу нуқтаи назардан узининг кучи, кулами ва характери жиҳатидан давлатнинг ҳарбий қудрати қандай булиши керак, деган савол муҳим аҳамиятга эга. Энг куҳна замонлардан ҳозиргача ҳарбий қудратга нисбатан «қанча куп

булса, шунча яхши» тамойили амал қилиб келмоқда. Яъни, у қанчалик катта булса, мамлакат хавфсизлиги шунчалик кафолатланади, деб ҳисобланган. Ва афсуски, бундай ёндашув ҳозир ҳам мавжуд. Бу эса дунё мамлакатларининг ғайриихтиёрий равишда қуролланиш пойгасига тортилишига олиб келмоқда. Чунки ҳар қандай давлат узининг ҳарбий салоҳиятини ҳеч булмаганда бошқа мамлакатларникига тенглаштиришга ҳаракат қилади. Натижада ҳозирги вақтга келиб дунёдаги йиғилиб қолган қуроллар ва портловчи моддалар захираси шу даражага етдики, улар воситасида наинки бани башарни, балки сайёрамиздаги тирикликни ҳам бир неча марта йуқ қилиб ташлаш мумкин. Шуларни уйлар экансан, уз-узидан қани меъёр, қани мантиқ деган саволлар туғилади. Таниқли бир ёзувчи дунёнинг ҳозирги манзарасини порох тулдирилган бочка устида утирган одамнинг аҳволига ухшатган эди. Бу қиёслашда қанчалик ҳақиқат борлигини узингиз чамалаб кураверинг.

Шуни айтиб утиш керакки, ҳозир бу муаммога нисбатан янгича ғоя ва қарашлар илгари сурилмоқда. Баъзи бир сиёсатчи ва олимларнинг фикрича, миллий хавфсизликни таъминлаш учун турли давлатлардаги ҳарбий потенциалларни тенглаштириш шарт эмас. Мазкур ғояни асослаш учун улар келтирган далил-исботларни қуйидаги туртта тезисга бирлаштириш мумкин: биринчидан, дунёда қурол-яроғлар шунчалик куп ишлаб чиқарилганки, уларнинг миқдорини яна ошириш мантиқан ҳеч нарсани узгартирмайди; иккинчидан, қурол-яроғлар миқдорининг ошиб бориши уларни назорат қилиш имкониятини кескин камайтиради; учинчидан, энди қуролланишга зур бермасдан, қуролсизланиш томон юз буриш энг мақбул йул эканлигини англаб етиш вақти келди. Қуролланишга сарфланаётган маблағларни бошқа мақсадларга, айтайлик қашшоқлик, ҳар хил касалликлар ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ фалокатларнинг олдини олиш сингари инсоният олдида турган глобал муаммоларни ҳал қилишга йуналтириш мақсадга мувофиқ; туртинчидан эса, ядровий урушда ғалаба қилиб булмайди, яъни унда ғолиблар булмайди, унда иккала тараф, яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган булсак, бутун инсоният, ҳаёт деб аталмиш муъжиза ҳам

мағлуб булади. Ҳатто ядровий қуролларни истисно қилганда ва уруш оддий қурол-яроғлар воситасида олиб борилганда ҳам жаҳоний миқёсдаги ҳалокатнинг юз бериш эҳтимоллиги жуда ҳам юқори. Чунки ҳозир Ер юзида минглаб «хавфли объектлар» — атом электр станциялари ва кимёвий корхоналар каби ишлаб чиқариш муассасалари фаолият юритмоқда. Ушбу объектларнинг ҳар бири бутун бошли минтақаларни ҳалокат ёқасига келтириб қуйиши мумкин. Бунинг учун Чернобиль воқеасини эслашнинг узи кифоя. Қолаверса, биз оддий қурол-яроғлар деб атайдиган воситалар ҳам анча такомиллашиши натижасида «оддий» булмай қолди — уларнинг таъсир этиш радиуси ва кучи юзлаб мартага ошди.

Энди давлатнинг хавфсизлиги ва унинг ҳарбий қудрати уртасидаги мутаносиблик узгарди, у маълум маънода тескари моҳият касб эта бошлади. Яъни, мамлакатнинг ҳарбий кучи қанчалик куп булса, унинг хавфсизлиги шунчалик заифлашади.

Узбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилиши ва шаклланиши республикамизнинг давлат мустақиллигини қулга киритиши ва ХХ аср адоғида дунёда юз берган ижтимоий-сиёсий ҳамда тарихий узгаришлар даври билан боғлиқ. Узбекистонда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни амалга ошириш учун жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатнинг ишончли хавфсизлиги ҳаётий заруратдир.

Бундан келиб чиққан ҳолда Узбекистон Республикаси суверен давлат ва халқаро муносабатлар субъекти сифатида уз мудофаа сиёсатини барча мамлакатларнинг узаро ҳамжиҳатлиги, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг суверенитети ва мустақиллигини, давлатлараро таркиб топган чегараларни ҳурмат қилиш, ўзининг куч ва имкониятларини барча давлатлар билан куп томонлама узаро фойдали муносабатларни урнатишга ҳамда ривожлантиришга йуналтириш, ҳар томонлама тинчликка эришиш тамойиллари асосида ташкил этади.

Узбекистон Республикаси халқаро муносабатларда тинчликсевар йул тутиб, урушнинг олдини олишда сиёсий — дипломатик ва бошқа тинчлик ҳаракатлари устуворлигини

таъкидлаяпти. Шу билан бирга уз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига асосан мудофаага бўлган уз ажралмас ҳуқуқини амалга оширишни зарур, деб ҳисоблайди.

Узбекистон Қуролли Кучлари кадрлардан тузилган мунтазам армиядир. Унинг негизида Узбекистон Республикаси мудофаасини таъминлашга қурби етадиган қушин турлари ва махсус қушинлар тузиш ҳамда уларни мутаносиб равишда ривожлантириш ётади.

Қуролли Кучлар уз фаолиятини қонунлар устуворлиги; ҳукуматнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи Конституцион органларига ҳисобот бериб бориш; Қуролли Кучлар фаолиятида ошкоралик ва давлат ҳамда ҳарбий сирни сақлаш; марказлашган раҳбарлик, қарорларни якка ва коллегиал ишлаб чиқиш; умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизматга контракт асосида кунгилли кириш; умумий хавфсизлик тизимларини яратиш; ҳарбий интизомни сақлаш; партиясизлик; ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларини кафолатланган ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш асосида амалга оширади.

Яна бир нарса, Қуролли Кучларнинг жамият учун бевосита моддий бойликлар яратишда иштирок этмаслигини эътиборга олиб, унга боқиманда ёки истеъмолчи сифатида баҳо бериш мутлақо асоссиздир. Армия халқимизга осойишта ҳаётни таъминлаб, яъни кишиларимизга уқиш, меҳнат ва ижодда эмин-эркин фаолият юритиш имкониятини яратиб бериш билан моддий неъматлар ҳамда қадриятлар бунёд этишда билвосита иштирок этади. Қуролли Кучларнинг яратувчилик салоҳияти шу билангина тугамайди ва у жуда катта ҳаёт мактаби вазифасини ҳам ўтайди. Ёш йигитларимиз ҳарбий хизмат даврида янгидан-янги маънавий-ахлоқий ва интеллектуал қадриятларни ўзлаштириш билан ҳар томонлама етук ҳамда баркамол инсонлар бўлиб етишадиларки, бу нарса жамиятимиздаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг яхшиланишига олиб келади. Шунинг учун ҳарбий хизмат нуфузининг йилдан-йилга ошиб бораётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Қолаверса, ҳарбий хизмат Узбекистон Республикаси учун сиёсий мустақилликдан кейин пайдо бўлган ижтимоий

муносабатларнинг янги тури ва ижтимоий онгимизнинг янги шакли сифатида мамлакатимиздаги маънавий ҳамда сиёсий ҳаётни анча бойитиб, унинг ранго-ранглигини таъминлайди.

Инсон тафаккури мушоҳада ва мулоҳазалар якунида умумлашма мантиқий хулосалар чиқаришга ҳар доим муҳтожлик сезади. Зеро, бу нарса олдимизга қўйган мақсадимизнинг нечоғли амалга оширилганлиги ҳақида фикрлашимизга имкон беради. Ҳозир жамиятимиз жадал эврилишлар жараёнини бошидан кечираяпти. Ва шу талотупларда бизнинг дунёга, унда кечаётган турли хил воқеа-ҳодисаларга булган муносабатимиз ҳам узгараяпти. Чунки кечаги қадрият ва мезонлар бугунги узгаришларни идрок қилишда оқсаб қолаётганлиги сезилмоқда. Сиз мутолаа қилишга улгурган фикрлар бир кунда пайдо булган эмас. Улар анча узоқ эврилишлар жараёнидан утди десам, ишонаманки муболаға қилмаган буламан. Шу маънода муаллиф сифатида асар баёнидан чиқарган хулосаларимдан бири қуйидагича: сиёсат, иқтисодиёт, илмий-техник салоҳият ва ижтимоий омилларнинг таъсирчанлигини ошириш Қуролли Кучлар зиммасига тушадиган юкни кескин камайтириши оқибатида олдимизга қуйган мақсадларимиздан бири — профессионал армияни қуришимиз осонлашади. Бунда Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби жанговар тайёргарлигининг мунтазам равишда ошиб бораётганлиги ҳам шубҳасиз муҳим роль уйнайди, албатта.

Азиз китобхон! Мана, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятининг таҳлилига багишланган мулоҳаза ва мушоҳадаларимиз баёни ҳам уз ниҳоясига етди. Албатта, бу фикрлар мутлақ ҳақиқат деган даъводан йироқман. Чунки, унда баҳсли ва таҳлилталаб уринлар борлигига шубҳа йуқ. Мақсадим, мамлакат мудофааси жуда ҳам кенг куламли тушунча эканлигини таъкидлаган ҳолда, унга ким булишимиздан ва қайси жабҳада — уқиш, иш ёки ҳарбий хизмат соҳасида фаолият юритаётганлигимиздан қатъи назар, ҳар биримиз уз ҳиссамизни қушишимиз мумкинлигига эътиборингизни қаратиш эди, холос.

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ

Маълумки, ҳеч бир жамият мафкурадан холи булиши мумкин эмас. Биз ҳаммамиз мафкурага таълим-тарбия омили сифатида қарашга урганиб қолганмиз. Мафкуранинг бошқа таълим-тарбия омилларидан фарқи унинг универсаллигида, яъни ҳар қандай педагогик жараённинг ажралмас қисми эканлигида намоён булади. Яна бир нарса: биз эгаллаган ҳар қандай билимлар суз — тушунчаларда ифодаланади. Мазкур тушунчаларни қанчалик чуқур англасак, билимларимиз ҳам шунчалик кенг ва мустаҳкам булади. Бундай тамойил, айниқса, мафкуравий тарбияга тааллуқли. Чунки айнан суз ва тушунчалар мафкуравий таълим ҳамда тарбиянинг асосини ташкил этади.

Мен гапни мафкурадан бошлаган эдим. Мафкуранинг жуда ҳам кенг куламли тушунча эканлигини эътиборга олиб, унинг ташкил қилувчи унсурларидан булган геосиёсат ва мафкуравий полигон тушунчалари ҳамда улардан уқув машғулотларини олиб бориш жараёнида фойдаланиш муаммолари ҳақида тухталмоқчиман.

Узбекистон миллий энциклопедиясида геосиёсат тушунчасига қуйидагича изоҳ берилган: «Геосиёсат термини муайян бир мамлакат урни, табиий бойликлари, иқлими ва бошқа географик омилларининг давлат ташқи сиёсатига (географик-сиёсий стратегияси ва ҳоказоларига) муайян таъсирини ифодалаш учун ишлатилади.

Геосиёсат тушунчасини биринчи бор Р. Челлан (Швеция) илмий муомалага киритган. Геосиёсат назарияси XIX аср охири ва XX аср бошларида Ф. Ратцель (Германия), А. Мехен (АҚШ) томонидан ишлаб чиқилган, Г. Киссенжер, З. Бзежинский (АҚШ) ва бошқалар томонидан ҳозирги дунёдаги сиёсий жараёнларга татбиқан ривожлантирилган.

Геосиёсатга оид илмий қарашларга давлатнинг географик жойлашуви билан унинг ички ва ташқи сиёсати уртасидаги уйғунлик принципи асос қилиб олинади. Узбекистон уз ташқи сиёсатида маълум даражада геосиёсатнинг асосий тамойилларини эътиборга олади».

Ўзбекистонда бевосита геосиёсат муаммолари тадқиқ этилган илмий, сиёсий ва бошқа турдаги адабиётлар ниҳоятда камлигини эътиборга олиб юқоридаги изоҳни тулатукис келтирдик.

Геосиёсатнинг илмий назария ёки фан даражасига эришганлигини шундан ҳам билса буладики, АҚШнинг ганиқли давлат арбоби ва сиёсатшуноси З. Бзежинский XX асрнинг олтмишинчи йилларидаёқ уша юз йилликнинг охирги йилларига бориб СССР парчаланиб кетади деб башорат қилган эди. Совет Иттифоқида эса ушбу фикрга империализмнинг навбатдаги хаёлпарастлик ҳамласи, деб қарашди. Ким ҳақлигини эса энг одил ҳакам — вақт курсатди. Бундай мисолларни куплаб келтириш мумкин.

Геосиёсатни Ўзбекистонга нисбатан оладиган булсак, мустақилликдан кейин мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсати унинг геосиёсий мавқеига боғлиқ булиб келаётганлигини куришимиз мумкин. Биргина ғалла ҳамда нефть мустақиллигига эришганлигимиз, мамлакатимизнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳолатини ҳам яхшилади. Ғаллазорларнинг кенгайтирилиши билан пахта яккаҳокимлигига анча чек қуйилди.

Мамлакатимизнинг жуғрофий жиҳатдан Осиё ва Европани ўзаро боғловчи ҳамда бир пайтлар гуллаб яшнаган Буюк ипак йулининг марказида жойлашганлиги дунеининг куплаб ривожланган мамлакатлари манфаатлари(сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва ҳоказо)нинг туқнашув жойига айланиб қолишимизга омил булди.

Россия, Ҳиндистон ва Покистондан иборат «ядровий ҳалқа» ичида бўлишимиз ҳам ўзига хос геосиёсий мавқеа касб этади. Эрон Ислом Республикасининг ядровий қурол га эга булиш соҳасидаги интилишлари эса бу муаммони янада кескинлаштирмоқда.

Бизга қушни бўлган янги мустақил давлатлар ривожланишнинг ҳар хил йулидан бораётганликлари ва турлича ташқи сиёсат юритаётганликлари, шунингдек, Афғонистонда кечаётган жараёнлар ва бу мамлакатнинг қурол-яроғ ҳамда наркотик моддалар омборига айланиб қолганлиги ҳам Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий вазиятга катта таъсир курсатувчи муҳим омил бўлиб қолаётганлигидан далолат беради.

Мафкуравий полигон тушунчаси ҳам уқувчиларга мафкуравий таълим ва тарбия беришда муҳим аҳамиятга эга. Аввало «полигон» атамасининг луғавий маъноси ҳақида тухталсак. У лотинча суз булиб, «купбурчакли» деган маънони билдиради. Бу тушунча туғри маънода ҳам, шунингдек, мажозий маънода ҳам мураккаб жараёнлар кечадиган макон маъносини англатади. Қурилиш ишлари булаётган ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётган ҳудудлар ёки ҳарбий-уқув машғулотлари утказиладиган майдонлар полигон деб аталади. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, «мафкуравий полигон» тушунчаси биринчи марта Узбекистон Республикаси Президентининг асарларида пайдо булди, яъни у узбек тилида яратилиб, кейин дунёнинг бошқа тилларига таржима қилинди. Ҳозир бу суз бирикмаси муҳим сиёсий-мафкуравий тушунча сифатида дунёнинг ҳамма тилларида янграмоқда. Назаримда «полигон» сузи «мафкуравий полигон» тушунчасида узининг тула моҳиятини намоён қила олган. Чунки ҳозирги пайтда мафкуравий жараёнлар шунчалик мураккаблашиб кетдики, мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда «мафкура полигонлари ядро полигонларидан муҳимроқ булиб қолди». Мафкура полигонларида дунёдаги турли мамлакатлар ва кучларнинг манфаатлари туқнашади. Бу туқнашувлар асосида инсонлар қалбини забт этиш ва уларнинг ишончини қозониш ётади. Бунда асосий қурол суз булиб, турли-туман ахборот тармоқлари эса восита булади. Шу маънода машҳур ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор айтганидай «суз — атомдан кучли». Бу гап худди бугун учун айтилгандек. Уни ҳеч бир муболағасиз мафкуранинг асосий тамойили деб аташ мумкин. Қолаверса, физика фанида «табиат бушлиқни ёқтирмайди» деган тушунча мавжуд. Уни салгина узгартириб, «мафкура бушлиқни ёқтирмайди» тарзида ҳам қулласа булади. Чунки мафкуравий бушлиқ булган жойни бизнинг жамиятимиз учун ёт булган бузғунчи ғоялар эгаллайди. Бунга олис ва яқин утмишимиздан истаганча мисоллар келтиришимиз мумкин.

Уқув-тарбия жараёнида турли воситалар билан ёшлар онгига мазкур тушунчаларни сингдириш орқали уларда мафкуравий иммунитетни тезроқ шакллантириш мумкин.

ОБРУ — МУСТАҲКАМ ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ АСОСИ

Ҳарбий жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни белгилаб берувчи омиллардан бири, бу узаро муносабатларга узига хос бир шаклда таъсир курсатувчи обру (обру-эътибор ёки нуфуз) ҳодисаси ҳисобланади. Рус тилидаги «авторитет» тушунчаси ҳам лотинчадан утган булиб, «ҳокимият» ёки «таъсир утказиш» деган маъноларни англатади. Кенг маънода эса авторитет, яъни обру ҳамма (купчилик) томонидан тан олинган расмий (норасмий) шахс ёки жамоа дегани. Тилимиздаги «обру» тушунчаси ҳам айнан шундай мазмунни англатади. Обру — ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида (илмий, диний, сиёсий, ижтимоий, ҳарбий соҳаларда, шунингдек, жамоада ва оилада) бирон шахснинг билими, тажрибаси, ташкилотчилиги, маънавий-ахлоқий фазилати туфайли орттирган, купчилик томонидан эътироф этилган таъсири, нуфузи. Турли даврларда олимлар ва давлат арбоблари узларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий таълимотларида обру масаласига жиддий эътибор қаратишган. Шарқ Арастуси номини олган Форобий «Фозил кишилар шаҳри» асарида юрт раҳнамолари учун зарур булган бир қатор фазилатларни санаб курсатар экан, бунда етакчиларнинг халқ ичида обруга эга булишларига алоҳида урғу беради. Соҳибқирон Амир Темур эса уз фаолиятида обруга эришиш ва уни сақлаб туриш шарти сифатида насл тозалигига ҳам катта эътибор қаратган. Ғарб утопист мутафаккирларининг асарларида ҳам шунга ухшаш фикрларни уқишимиз мумкин. Инглиз файласуфи Гоббс (1588—1679) эса «эркинлик — обру» ғоясини илгари суради. У инсон қанчалик эркин булса, унинг жамиятдаги обруси ҳам шунчалик юқори булади, деб ҳисоблайди. Немис жамиятшуноси М. Вебер (1864—1920) эса обру типологиясини, яъни обруга ёки ҳокимиятга эришишга имкон берувчи қоидалар тизимини яратган. У шунингдек, обру ва ҳокимиятнинг таъсир этиш чегаларини аниқлаш меъёрларини таклиф қилади. Олимнинг фикрича, обруга эга булиши учун инсонда ривожланган масъулият туйғуси билан бир қаторда шундай тафаккур

тарзи ҳам қарор топиши керакки, токи унинг учун фаолият (меҳнат, хизмат, уқиш) яккаю ягона мақсадга, даъватга айлансин.

Обру жамиятнинг, шунингдек, алоҳида жамоа ёки гуруҳнинг ривожланиш даражасига боғлиқ булади. Умуман жамият, хусусан эса жамоа ривожининг қуйи даражасида жисмоний ёки иқтисодий жиҳатдан кучли одам «обрули» киши ҳисобланади. Бироқ кишиларнинг ҳар қандай гуруҳи ҳам жамоа булавермайди. Ҳарбий жамоа ҳарбий хизматчиларнинг шундай гуруҳики, ундаги хизмат ва ички ҳаёт ҳарбий низомлар асосида ташкил этилиб, ҳарбий хизматчилар уртасидаги шахсий ҳамда хизматга оид муносабатлар мустаҳкам булади. Шунинг учун ҳам «булинма шахсий таркиби» ва «булинма жамоаси» тушунчалари бир нарсани англатмайди — узаро ихтилофлар мавжуд булиб, ҳарбий интизом заиф булган жойда ҳарбий жамоа булмайди.

Кишиларнинг ҳар қандай гуруҳи каби ҳарбий жамоа ҳам узгариб, ривожланиб турувчи ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида узига хос ривожланиш босқичларига эга. Улар қуйидагилар: биринчи босқичда командир бутун жамоа олдига уз талабларини қуяди; командир талабларининг жамоа аъзолари томонидан қуллаб-қувватланиши эса ривожланишнинг иккинчи босқичини англатади; бу талаблар жамоанинг умумий фикрига айланганда ва жамоа уз аъзоларининг ҳар биридан ушбу меъёрларни бажаришни талаб қиладиган пайтда эса ривожланишнинг учинчи босқичи бошланади; навбатдаги босқичда жамоа талаблари таъсирида ҳар бир ҳарбий хизматчи уз-узидан мана шу мажбуриятларни бажаришни талаб қилади. Уларда уз-узига нисбатан талабчанлик, танқид қилиш ҳисси пайдо булиши билан ҳарбий жамоа ривожланишининг энг юқори, олий босқичига эришилади. Жамоа ривожининг мазкур босқичидаги обру ҳақиқий булиб, инсонга ва жамоага безак буладиган фазилатга айланади. Ҳарбий гуруҳ ёки булинма узининг ривожланиши жиҳатидан жамоага қанчалик яқин булса, ундаги «обру»лар шунчалик сохталикдан узоқ булади. Қолаверса, ҳақиқий жамоа муҳитида сохта обру учун ижтимоий замин, асос мавжуд эмас.

Аммо, талаб қуйиш ҳарбий жамоа ривожининг ягона мезони эмас. Жамоа фикри ривожланиши билан бу талаблар

ҳар бир ҳарбий хизматчидаги бошқалар олдидаги жавобгарлик ҳиссига айланади, бу нарса ҳарбий интизомнинг мустаҳкамланишини таъминлайди. Демак, обрў мазмунан бойиб бориши билан ҳарбий интизом ҳам мустаҳкамланиб боради.

Ҳарбий жамоалар ривожланишига хос булган ва биз юқорида санаб утган босқичлардан ҳар бир ҳарбий хизматчи узининг индивидуал-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, турли даражадаги қийинчиликлар билан утади. Айниқса, эндигина ҳарбий хизматга келган ёш аскарларда куникиш даврининг руҳий ва жисмоний жиҳатдан бир меъёрда утиши булинмадаги ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Мослашиш шундай ҳодисаки, бунда атроф-муҳитдаги ва фаолиятдаги янги омиллар, шароитлар таъсирида шахс руҳиятида катта узгаришлар содир булади.

Обрули киши бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари ва тафаккурига ҳеч қандай мажбурловчи воситаларсиз таъсир эта олади. Бироқ обрули киши ҳаётда, меҳнат ва хизмат жараёнида пайдо буладиган кўпгина муаммоларни рационал баҳолай олмаслиги мумкин. Бу нуқсонни йуқотиш учун эса, бундай шахс уз талабларини ҳар томонлама асослашга урганиши, буни узига одат қилиб олиши зарур. Чунки ҳар қандай инсон уз фикрларини мулоҳаза ва мушоҳада ёрдамида атрофлича асослаш асносида ҳаракатлари ҳамда хулосаларини таҳлил қилади. Натижада эса, унинг туғри қарорларга келиш эҳтимоллиги анча ошади. Обрунинг ижтимоий-руҳий ҳодиса сифатида намоён булиш шакллари ва таъсир этиш кўлами жамиятнинг ривожланиш даражасига, мафкуравий қадриятларга ҳамда демократик қонунларнинг қанчалик амал қилишига боғлиқ.

Обрў — бир киши(гуруҳ)нинг бошқа киши(гуруҳ)ларга утказадиган ижтимоий-психологик таъсири. Масалан, раҳбар ёки командирнинг уз қул остидагиларига, уқитувчининг уқувчиларига, жамоанинг шахсга ва юқори ташкилотларнинг қуйи ташкилотларга кўрсатадиган таъсири. Гуруҳ пайдо бўлиши билан обрў ҳодисаси ҳам пайдо булади ва у кишилар уртасидаги мулоқот — муносабатларнинг ажралмас таркибий қисмига айланади. Бўлинма командирининг обруси ҳарбий хизматчилардаги ҳарбий интизомни мустаҳ-

камлашда, уларни уқитиш ва тарбиялаш жараёнида муваффақиятга эришишнинг асосий шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам обрули командир обрусиз командирга қараганда жуда катта таъсир кучига эга.

Аммо, ҳеч қачон зуравонлик билан обру қозониб бўлмайди. Обру жамоадаги мавжуд узаро муносабатларнинг ҳамда алоҳида бир шахсдаги ижобий сифатларнинг маҳсули ҳисобланади. Обру-эътиборда ҳар доим ўша инсонга нисбатан ҳурмат, унинг кучига ва имкониятларига ишонч ўз ифодасини топади. Обрунинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, усиз жамиятда ва алоҳида ҳарбий бўлинмада биронта ҳам ташкилий фаолиятни амалга ошириб бўлмайди.

Обру ишонтириш кучига эга. Унга эга бўлган киши атрофдагиларга кучли таъсир эта олади. Жамоадаги обрули шахсга бўлган ишонч шу жамоани жипслаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай жамоада битта эмас, балки бир неча обрули кишилар бўлиши мумкин: командир, яхши мутахассис, ҳарбий жамоа фаоллари, спортчи ва ҳоказо. Шунингдек, оддий аскарлар орасида ҳам шундайлари кўплаб топилади. Оддий ҳарбий хизматчининг обруси унинг хизматдошлари ўртасида узига хос юқори мавқени эгаллашини билдирувчи мезон бўлиб, ундаги ҳурмат, тажриба, билимлар, қобилиятлар, ахлоқий-психологик ва жисмоний сифатларга асосланади. Лекин, шу нарсани афсус билан таъкидлаб ўтиш керакки, биз ҳаётда обру тушунчасида катталар ёки командирларнинг мавқеини англашга урганиб қолганмиз. Обрўга нисбатан бундай бир томонлама қараш ҳарбий хизматчиларни жамоада тарбиялаш тамойилига зид ҳисобланади. Айнан оддий аскарлар ўртасидаги обрули ҳарбий хизматчилар жамоанинг бошқа аъзоларини тарбиялашда катта имкониятга эга. Ҳарбий бўлинмада обрули кишиларнинг кўп бўлиши жамоа маънавий ҳаётининг бойлигини, ранг-баранглигини, унинг имкониятлари кенглигини билдиради. Бироқ жамоада катта таъсир кучига эга обрули ҳарбий хизматчиларнинг кўп бўлиши, баъзан ушбу жамоада носоғлом муҳитнинг юзага келишига, айтайлик узаро қарама-қарши турувчи кичик гуруҳларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Натижада жамоа майда гуруҳларга бўлиниб, ҳарбий интизом заифлашади.

Аслида ҳарбий интизом ҳам мунтазам равишда ўзгариб турувчи ўзига хос ижтимоий-психологик ҳодиса ҳисобланади. У умумҳарбий низомлар ва ахлоқ меъёрлари, командирларнинг буйруқ ва курсатмалари, жамоа фикри, анъналар каби воситалар билан бошқарилади. Айниқса, турли даражадаги командирларнинг обрў-эътибори бунда муҳим роль уйнайди. Бунда командирларнинг ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларига тула амал қилишлари катта аҳамиятга эга. Ҳар қандай интизом, жумладан ҳарбий интизом асосида ҳуқуқ ва ахлоқ ётади. Умумҳарбий низомлар ҳарбий интизомни, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда кундалик хизмат фаолиятида пайдо буладиган муайян шароитларда қандай ҳаракат қилишни тартибга солади.

Тажрибаларнинг курсатишича, ҳарбий интизом бузилишининг сабабларидан бири ҳарбий хизматчиларнинг умумҳарбий низомларни қисман ёки умуман билмасликлари экан. Ҳарбий хизматчиларни интизомга ургатишда машғулот услубияти муҳим роль уйнайди. Низомларни ургатиш, одатда, офицернинг улар ҳақидаги ҳикоясидан, тушунтиришидан бошланади. У ёш аскарларга ҳарбий низомларнинг турлари, уларнинг мақсади ва жанговар тайёргарликдаги аҳамияти ҳақида сузлаб беради. Шундан кейин эса алоҳида моддаларни уқиб урганишга, уларни ҳаётий мисоллар билан мустаҳкамлашга утилади. Баъзи офицерлар умумҳарбий низомларни ўргатишда нотўғри йўлдан боришади, яъни ҳарбий хизматчилардан маълум бир моддаларни ёки қоидаларни тўлалигича ёд олишни талаб қилишади. Бундай муносабат кишиларнинг уз вазифаларига нисбатан совуққонлик билан муносабатда булишларига, улардаги ақлий фаолиятнинг заифлашувига олиб келади.

Бугунги «қийин» аскар кечаги «қийин» уқувчи ёки ишлаб чиқаришдаги «қийин» усмир. Ундаги муаммоларнинг ҳаммаси моҳият-эътибори билан олдинги фаолиятининг, айниқса оиладаги ҳаётининг натижасидир. Психолог ва социолог олимларнинг таъкидлашларича, «қийин» усмирларнинг сони узаро дустлик, ҳурмат муҳити мавжуд булган оилаларга қараганда худбинлик, бефарқлик ва қуполлик ҳукм сурадиган оилаларда 10 марта куп булар экан. Лекин ҳар доим ҳам «қийин» аскарлар ҳарбий хизматга ташқари-

дан келавермайди, балки маълум шарт-шароитлар мавжуд булганда ҳарбий булинмаларда ҳам пайдо булади. Ҳарбий хизматчи уз кучига ишонмай қолганида, унда уқишга, хизматга ва ижтимоий меҳнатга нисбатан қизиқиш йуқолганда, уз-узи билан булиб қолганда, шунингдек, командир ва бошлиқлар унинг учун намуна булолмай қолганларида, яъни уз обруларини йуқотганларида шундай булади.

Умуман, ҳарбий жамоалардаги интизом бузилишларини бутунлай бартараф этиш мумкинми? Ҳа, албатта! Фақат назарий жиҳатдан. Амалдачи?... Бир қараганда оддий булган бу саволга жавоб беришга ошиқмайлик-да, аввало, инсон ва жамоа психологиясига хос булган бир хусусиятни ёдга олайлик. Бу қонуният ҳар қандай инсон ва жамоа доимо ривожланиб ҳамда узгариб турувчи, яъни динамик ҳодисадир, деган таърифда уз ифодасини топади. Ҳар қандай инсон ёки гуруҳ фақат унинг узигагина хос булган ижтимоий-руҳий жараён, хусусият ва тузилмалар билан ажралиб туради. Ҳаётда бир-бирига айнан ухшаш инсонлар ёки гуруҳлар мавжуд эмас. Бундан ташқари, ижтимоий воқелик ва вақт омили уларга уз ҳукмини утказиб, турли-туман узгаришларга сабаб булади. Бу эса ҳар қандай гуруҳда интизом бузилишига олиб келувчи ижтимоий-руҳий ва бошқа турдаги омиллар доимо мавжуд булишидан далолат беради. Бир қараганда қайсидир булинмадаги ҳарбий хизматчилар уртасида келишмовчиликларнинг кузга ташланмаслиги улар уртасида ихтилофлар йуқлигини билдирмайди. Балки, бу зиддиятлар яширин шаклга утган булиб, маълум муддатдан сунг жиддий кунгилсизликларга сабаб булиши мумкин. Демак, ҳеч бир гуруҳ ёки жамоа интизом бузилишларидан холи эмас. Бироқ таълим-тарбия ишлари рисоладагидек йулга қуйилган булинмаларда салбий ҳодисалар миқдорини энг паст даражагача олиб бориш мумкин. Шу нуқтаи назардан ҳақиқий жамоага айланган гуруҳлар катта имкониятларга эга.

ҲАРБИЙ БУЛИНМА — ТАРБИЯ МАКТАБИ

Маълумки, гуруҳлар масаласи нафақат илмий, балки ижтимоий-маънавий муаммо ҳамдир. Чунки ҳеч бир инсон, у катта ёки кичик булишидан қатъи назар, бошқа инсон-

ларсиз уз ҳаётини тасаввур қилолмайди. Инсоннинг ижтимоий табиати ҳам унинг гуруҳ ва жамоаларда кечадиган ҳаёти билан белгиланади, чунки индивиднинг ижтимоийлашуви учун зарур қадриятларнинг ҳаммаси айнан кишилар гуруҳида шаклланади. Албатта, гуруҳ муаммоси у ёки бу даражада ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳаммасига ҳам тааллуқли: социология, ижтимоий психология ва педагогика фанлари гуруҳ муаммоларини изчил ҳамда ҳар томонлама урганса, бошқалари эса узларига дахлдор томонларини ёки маълум бир турдаги гуруҳларни урганиш билангина чекланишади. Шу нуқтаи назардан ҳарбий психология иккинчи тоифа фанлари сирасига киради.

Шуни айтиб утиш керакки, ҳарбий хизматчилар гуруҳи бошқаларидан тубдан фарқ қилувчи баъзи бир хусусиятларга эга. Биринчидан, улар ҳарбий техника ва қурол-яроғлар билан иш курадилар; иккинчидан, фақат уларгагина хос булган ички қонунларга амал қиладилар, учинчидан, қатъий яккабошчилик тамойилига амал қилишади; туртинчидан эса, ҳарбий фаолият купинча экстремал шароитларда кечади. Албатта, бу саноқни яна давом эттириш мумкин, бироқ шуларнинг узиёқ ҳарбий фаолият ва ҳарбий гуруҳлар ҳақида маълум бир тасаввурларни беради.

Ҳарбий гуруҳ (экипаж, секция, взвод...)ларда хизмат ва ички ҳаёт ҳарбий низомлар асосида ташкил этилиб, улар ортасида мавжуд булган шахсий ҳамда хизматга оид муносабатлар мустаҳкам булади. «Булинма шахсий таркиби» ва «булинма жамоаси» тушунчалари бир нарсани англатмайди. Узаро ихтилофлар мавжуд булиб, ҳарбий интизом йуқ жойда жамоа булмайди.

Ҳарбий хизмат шароитларига куникиш жараёни ёш аскар ва уни қуршаган ижтимоий муҳит ортасидаги узаро таъсирлашув эканлигини эътиборга олсак, уни шахсий ва ташқи омилларга ажратиш мумкин. Шахсий омилларга ижтимоий тажриба, ҳарбий хизматга муносабат, умумий маълумот даражаси, муайян мутахассисликни эгаллашга булган қобилияти, темпераменти ва характер хислатлари кабилар киради. Жанговар навбатчилик, коровуллик хизмати, уқувтарбия жараёни, руҳий тайёргарлик, кичик командирлардаги раҳбарлик усуллари ва жамоадаги узаро муносабатлар

эса ташқи омилларни ташкил этади. Ҳарбий хизмат шароитларига куникиш ушбу фаолиятга мойиллиги булган ва бошланғич ҳарбий тайёргарликдан утган йигитларда нисбатан тез содир булади. Аксинча, хизматгача булган даврда бетартиб ҳаёт кечирган ёшларда бу босқич қийинчилик билан кечади.

Ёш аскар иноқ жамоага тушса-ю, ҳарбий хизмат уни қониқтирсагина ундаги умумий маълумот ва техник қобилиятлар мутахассисликни тезроқ эгаллашига ҳамда куникиш жараёнининг осон кечишига ёрдам беради. Аксинча, мутахассислик ва хизмат вазифалари унга қувонч бахш этмаса, куникиш жараёни узоққа чузилиши мумкин. Купинча хизмат курсатиш ва қуриқлаш булинмаларида шундай ҳодиса кузатилади. Чунки, бундай булинмаларда аскарлар зерикарли, жанговар ишдан узоқ вазифалар билан шуғулланишади. Бу ерда командирлар ҳарбий хизматчилар ўртасидаги вазифаларни шундай тақсимлашлари керакки, токи аскарлар уз маҳоратларининг ижтимоий нафини ва ҳарбий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ эканлигини англашсин.

Кечаги уқувчи, талаба ёки ишчини фуқаролик ҳаётидан ҳарбий хизмат шароитига бирданига утказиш ҳар хил кунгилсизликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун бу босқич командирлар назорати остида амалга оширилади. Ёш аскардаги характер, қобилият ва куникмалар бу даврнинг қандай утишини белгилаб беради. Масалан, бири дилкаш, иккинчиси эса худбин булган аскарларни олайлик. Дилкаш аскар хизматга хос булган ҳарбий низом талабларини ва ахлоқ меъёрларини тезда узлаштириб олади. Бундайлар жамоа топшириқларини ҳам иштиёқ билан бажарадилар ва бошқа сафдошларига бажонидил ёрдам берадилар. Одатда улар мустаҳкам ахлоқий-иродавий хусусиятга эга бу ладилар. Худбин аскар эса, унинг командирларнинг назарига тушишига ёрдам берадиган ва уни юқори мавқега кутарадиган ишлар билан шуғулланади. У куп ҳам кузга ташланавермайдиган, ҳар вақт командирлар пайқайвермайдиган «қора» ишлар билан бошқалар қатори шуғулланишни ёқтирмайди. Куникиш жараёнида ёш аскарлар дунёқараши, одатлари ва умуман руҳиятида қайта қуришлар юз беради.

Шу уринда ҳозирги ёш аскарларнинг узига хос хусусиятлари ҳақида тухталишга туғри келади. Улар узларидаги кенг дунёқараш ва билимдонликлари билан ажралиб турадилар. Уларда меҳнатга муносабат ижобий булиб, Ватанга муҳаббат ҳисси ривожланган. Ёшлар ҳар соҳада мустақилликка интиладилар, лекин шунинг билан биргаликда уларга жамоа таъсирига берилувчанлик хос. Улардаги фикр юритиш ва фаолият тарзи тенгдошларига ва атрофдагиларга боғлиқ булиб, бошқаларга узини курсатиб қуйиш истаги уларда тез-тез пайдо булиб туради. Тажрибасиз булганликлари учун ҳам бу ҳаракатлар қупол, агрессив усуллар билан амалга оширилади. Бу ёшдаги кишилар атрофдаги воқеа-ҳодисаларга баҳо беришда купроқ максимализм(бир ёқламалик)га берилишади. Бунга сабаб — уларда сабр-тоқатнинг йуқлиги. Шунингдек, уларга яна туғилиб усган жойларига нисбатан маънавий-руҳий жиҳатдан боғланиб қолиш ҳодисаси ҳам хос булиб, бу нарса хизмат даврида маълум қийинчиликларни туғдиради.

Ёш аскарларни сафга қуйишда ҳарбий қисм ва булинмалардаги катта аскарлар ва сержантлар ёрдамидан фойдаланиш лозим. Улар булинмада шаклланган анъаналарнинг барқарор ташувчилари ҳисобланадилар. Уларнинг билим ва тажрибаларидан экипажларни тузишда ҳамда ёш аскарларга бириктириб қуйиш орқали ҳам фойдаланиш мумкин.

Муайян бир булинма ҳарбий хизматчилари уртасидаги узаро муносабатлар ушбу жамоа психологиясининг муҳим элементи ҳисобланади. Ҳамкорликдаги ҳаёт ва фаолият жараёнида жамоадаги кишилар уртасида ҳар хил алоқа ҳамда муносабатлар қарор топади. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳарбий жамоаларидаги узаро муносабатлар жанговар тайёргарлик, уқиш, меҳнат ҳамда кундалик ҳаёт жараёнида шаклланади. Бунда Узбекистон Республикасидаги ижтимоий ва давлат тузуми, шунингдек, жамиятимизда шаклланиб келаётган мустақиллик мафкураси ҳарбий хизматчилар орасидаги узаро муносабатлар учун мустаҳкам асос булиб хизмат қилади. Ҳарбий хизматчилар орасидаги муносабатлар аниқ бир тизимга солинган булиб, улар хизматга оид, хизматдан ташқари (маиший) ва шахсий муносабатлар каби турларга булинади.

Хизматга оид муносабатлар хизматни уташда, жангда ва кундалик ҳаётда ниҳоятда зарур булиб, ҳар бир кишидан энг аввало жанговар, хизматга ва меҳнатга оид, ижтимоий-сиёсий мажбуриятларни сузсиз бажаришни тақозо этади. Ушбу узаро муносабатлар ҳарбий жамоанинг ташкилий тузилишида расман мустаҳкамлаб қуйилган. Бундан ташқари, улар ҳарбий низом, буйруқ, қоида ва қулланмаларда баён этилган булади. Командирларнинг фаолиятлари ушбу узаро муносабатларни қарор топтиришга, мустаҳкамлашга ва бошқаришга қаратилади. Хизматга оид узаро муносабатлар тизими мунтазам қарор топтириб борилади (масалан, хизмат фаолиятининг у ёки бу жараёнида ҳарбий хизматчиларни қайта тақсимлаш, мажбуриятларни белгилаш ва вазифаларни тақсимлаш, ҳисобот вақти ва шаклини курсатиш, хизматда камчиликлар булганда жазолаш ва ҳоказо). Аммо, хизмат даврида ҳам, ундан ташқарида ҳам ирода, онг ва ҳиссиётга эга булган кишилар узаро таъсирлашадилар. Шунинг учун ҳам хизматга оид муносабатларни шахсий муносабатлардан, шахсий муносабатларни эса хизматдан ташқари муносабатлардан бутунлай ажратиб булмайди. Хизмат вақтида ҳам, хизматдан ташқари ҳолатларда ҳам узига хос ҳис-туйғуларга, иродавий сифатларга, тафаккур ва дунёқарашга эга булган инсонлар узаро муносабатларга киришадилар. Бу эса ҳарбий хизматчилар уртасидаги муносабатларнинг чуқур руҳий-эмоционал мазмунга эга эканлигидан далолат беради.

Булинмадаги узаро муносабатлар кишилар хулқ-атворига жуда кучли таъсир кўрсатади. Аскарнинг уз командирига булган ички субъектив муносабати унда ҳарбий хизматга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Қандайдир сабабларга кура ушбу муносабат салбий булса, бўйсуниш мажбурий, хизмат жараёни эса зерикарли булади, натижада келишмовчилик ва кунгилсиз ҳолатлар келиб чиқади. Аксинча, командир ва аскар уртасидаги ижобий муносабат хизматни осонлаштириб, уни севимли машғулотга айлантиради. Бу эса аскарларда керакли жанговар сифатларни тарбиялашга ёрдам берали. Булинмалардаги ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда узаро муносабатлар мазмуни катта аҳамиятга эга: қаерда узаро муноса-

батлар ҳарбий низомлар асосига қурилган булса, уша жойда ҳарбий интизом мустаҳкам булади.

Ҳарбий булинмадаги узаро муносабатлар ҳар хил ички ва ташқи омиллар таъсирида узгариб туради. Замонавий ҳарбий техника ва қуролларнинг мураккаблашганлиги, уларнинг бир неча кишилар томонидан бошқарилиши булинмадаги ва ҳар бир ҳарбий хизматчидаги масъулият ҳиссини ниҳоятда оширади. Уларни бошқаришда аниқлик ва ҳушёрлик, ҳаракатлардаги узаро мувофиқлик талаб этилади. Буларнинг ҳаммаси ҳарбий хизматчиларни битта жамоа атрофига бирлаштириб, ҳар бир кишининг умумий иш учун масъулиятини оширади.

Инсонларга утказадиган таъсирига кура, шахсий муносабатлар узаро муносабатлар тизимида алоҳида урин тутади. Бундай муносабатлар стихияли равишда (ёқтириш, ёқтирмаслик, бефарқлик, дустлик, хайрихоҳлик) қарор топади. Афсуски, кундалик ҳаётда бундай муносабатларга ҳар доим ҳам етарлича эътибор берилавермайди. Зеро шахсий муносабатлар катта таъсир кучига эга булиб, доимий эътиборни ҳамда изчил бошқарувни тақозо қилади. Узаро муносабатлар тизими жамоадаги раҳбарлик усулларига, ижтимоий-психологик муҳитга, анъаналарга, ҳарбий интизомга ва шахсий таркибнинг уз вазифаларига булган муносабатларига таъсир курсатади. Ушбу санаб утилган омиллар жамоанинг ривожланиш даражасини белгилайди. Ҳарбий булинмалардаги узаро муносабатлар умумҳарбий низомлар ва ахлоқ меъёрлари билан тартибга солиб турилади. Узаро ҳурмат, жанговар ўртоқлик, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиш, ҳар қандай шароитда ҳам ўртоқларига ёрдам беришга интилиш кабилар ҳарбий низомларга асосланган узаро муносабатларга хос.

Бошлиқлар ва буйсунувчилар орасидаги узаро муносабатлар яккабошчилик, турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатларда маълум оралиқни сақлаш, узаро ҳурмат ва бошлиқларнинг обруси каби тамойилларга асосланади. Бошлиқ ва командирларга сузсиз буйсуниш ҳарбий хизматчи шахсини ерга урмайди. Чунки, уларнинг қизиқишлари узаро мос келади, улар бир мақсад — Ватан ҳимояси учун хизмат қиладилар. Жамоада ҳарбий низомларга асос-

ланган узаро муносабатларни шакллантириш куп жиҳатдан аскарларнинг жамоага мослашувига, уларнинг мулоқот усулларига ва руҳий жиҳатдан қанчалик мосликларига боғлиқ булади. Ушбу курсаткичларни билган ҳолда булинмадаги узаро муносабатларни бошқариш мумкин.

Узаро муносабатларнинг ҳар қандай шаклида турли хил ижтимоий-психологик ҳодисалар юз бериб туради. Шундай ҳодисалардан бири тақлид булиб, инсон шахсининг камол топишида унинг урни беқиёс — ҳар қандай инсон ҳаётда кимгадир тақлид қилади, унга ухшашга ҳаракат қилади. Психологлар тили билан айтганда инсонлардаги ижтимоий билим ва тажриба манбаларидан бири тақлиддир.

Муносабатларда пайдо буладиган яна бир ижтимоий-психологик ҳодиса мусобақа ёки соғлом узаро рақобат ҳисобланади. Мусобақа инсонларни фаоллаштирувчи таъсир кучига эга. Ушбу ҳодисадан булинмалардаги жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик даражасини оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, яна ҳарбий хизматчилар уртасидаги муносабатлар бошлиқлар ва буйсунувчилар, катталар ва кичиклар, шунингдек, узаро тенглар уртасидаги муносабатларга булинади. Бундай муносабатларнинг мазмуни Узбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг интизом низомида баён этилган.

Ҳарбий булинма аъзоларидаги фикрлар, баҳолар йиғиндисидан иборат булган ижтимоий фикр мазкур жамоа психологиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жамоа фикри оммавий ижтимоий-психологик ҳодиса булиб, одамлар уртасидаги ғоялар, фикрлар, эътиқодлар ва ҳиссиётларнинг узаро алмашинувида ривожланади. Бу жараёнда давлат юритаётган сиёсат ва айниқса, жамиятимизда шакллана ётган ғоялар катта роль уйнайди. Жамоа фикри — узаро таъсирлашувларда маълум бир узгаришларга учраган шахсий фикрларнинг узига хос эритмаси. У жамоа маънавий ҳаётининг мураккаб ва тез узгарувчан ҳодисаси ҳисобланади. Жамоа фикри ижтимоий онгни ифодалашнинг узига хос махсус шакли булиб, у узида мафкура ва ижтимоий психология унсурларини бирлаштирган булади. Шунинг учун ҳам булинмаларда ижтимоий фикрни шакллантирмай туриб,

мустаҳкам ҳарбий интизом, юксак жанговар тайёргарлик ҳамда ҳарбий жамоа аъзоларининг ижтимоий фаоллигига эришиб бўлмайди. Жамоа фикри уз моҳият-эътибори билан бошқариладиган ҳодиса. Уни бошқариш, яъни мақсадга мувофиқ равишда маълум бир томонга йуналтириш мумкин. Ҳарбий хизматчиларда мафкура, ғоя, фикр ва мақсадларни шакллантиришда командирлар, жамоа фаоллари, расмий ва норасмий лидерлар катта роль уйнайдилар. Ҳарбий хизматчиларнинг уз командирларига ёки сафдошларига нисбатан тақлид қилишлари жамоада ғоявий асосдаги бирликка эришишда катта аҳамиятга эга. Жамоада ғоявий бирликка эришишда якдил ижтимоий фикр асос булиб хизмат қилади. Жамоа фикрининг тез узгарувчанлик хусусиятини юқорида айтиб утган эдик, командирнинг асосий вазифаси мана шу узгаришларни керакли томонга йуналтиришдан иборат.

Шу маънода аскарлар у ёки бу воқеани фаол муҳокама қилишаётган вақтни қулдан бой бермаслик лозим. Улар стихияли узаро муҳокама ва мунозара жараёнида у ёки бу фикрга келишади. Ушбу вазиятда маълум бир аскарлардаги нотўғри фикрлардан халос булиш учун воқеанинг асл сабаб ва моҳиятини тушунтириб бериш катта аҳамиятга эга. Баъзан алоҳида бир кишининг (лидернинг ёки оддий аъзонинг ҳам) фикри бутун бошли жамоанинг фикрига айланиши мумкин. Агар бундай кишилардаги фикрлар гуруҳнинг ҳақиқий мақсадларига зид булса, улардан эҳтиёт булиш керак.

Жамоа фикрини билишнинг, урганишнинг ягона йули — шахсий таркибга яқин булишдир. Айниқса, муҳим масалаларни, айтайлик жанговар вазифаларни бажаришдан олдин салбий индивидуал фикрларнинг олдини олиш жуда ҳам зарур. Булинмада туғри ва ҳақиқий ижтимоий фикрни шакллантириш учун жамоа олдига ва алоҳида олинган ҳар бир ҳарбий хизматчи олдига аниқ талаблар қуйиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомларида булинмалардаги жанговар тайёргарлик ва ички интизомни мустаҳкамлаш мақсадида офицерларнинг жамоа фикридан ҳар томонлама фойдаланишлари зарурлиги курсатиб утилган.

Ҳар хил одамларни бир жамоага бирлаштирувчи асослар турличадир. Шулардан бири аскарлардаги қарашлар,

фикрлар, қизиқиш ва эътиқодларнинг ухшашлиги ёки умумийлиги. Бундай кишиларга ҳамфикрлар ҳам дейилади. Умумий вазифаларни биргаликда бажариш асносида шаклланадиган узаро инсоний яқинлик эса яна бир асос булиб хизмат қилади. Учинчи асос — аскарлардаги ички туйғу: узининг уртоғига нисбатан ҳурмат ва ишонч туйғусига эга аскар ёрдамида умумий иш жараёни кутаринки фаолиятга айланади. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари қисм ва булинмаларидаги ижтимоий фикр бутун жамиятимиз миқёсидаги ижтимоий фикрга тула мос келади. Бу эса мустаҳкам ҳарбий интизом ва юксак жанговар тайёргарликнинг асосий омили ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчиларда у ёки бу ҳодисага нисбатан пайдо буладиган ҳиссиётлар йиғиндисидан ташкил топган жамоа кайфияти ҳам ҳарбий жамоа психологиясининг ташкил қилувчиларидан бири ҳисобланади. Жамоа кайфияти жуда катта таъсир кучига эга булиб, ҳарбий хизматчилар хулқатвори ва фаолиятининг мотиви ҳисобланади. Жамоа кайфиятининг баъзи турлари (иштиёқ, муваффақиятга булган ишонч, кутаринки кайфият) унинг муваффақиятига омил булса, бошқалари (ёмон кайфият, уз кучига ишонмаслик, зерикиш, хафалик ва норозилик) эса аксинча, жамоанинг имкониятларини пасайтиради.

Бундан ташқари, ҳарбий жамоалар анъана — узларидаги бирон-бир ижтимоий-психологик хусусиятини вақт утиши билан сақлаб қолиш хусусиятига ҳам эга буладилар. Умуман жамиятда, хусусан эса жамоада кишилар уртасидаги узаро мулоқот ва муносабатларда пайдо буладиган ҳодисалар кўп ҳолларда урф-одат ёки анъана шаклига киради. Ҳарбий булинмадаги кайфият, унинг фаолият ва ҳаёт тарзи, командирнинг раҳбарлик услуби ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг узига хос хулқ-атворлари ҳам анъана даражасига кутарилиши мумкин. Анъаналар умуминсоний, миллий, ҳудудий ва жамоавий булади. Улар жамоада узига хос ижтимоий «елим» вазифасини утайди: айнан анъаналар жамоани бир бутунликда ушлаб туради. Шу билан биргаликда, у жамоага узига хослик ва жозиба бахш этади. Мазмунан анъаналар меҳнат, спорт, жанговар ва бошқа турларга булинади.

Шунингдек, жамоа яна бир узига хос ижтимоий-психологик ҳодиса булган кайфият билан ҳам характерланади. Жамоа кайфияти бир вақтда жамоанинг ҳамма аъзоларида ёки уларнинг купчилигида намоён буладиган ҳис-туиғулар ва кечинмалар билан ифодаланади. Агар алоҳида бир шахсдаги кайфият физиологик, психологик ва бошқа ижтимоий омилларга бир хил даражада боғлиқ булса, жамоа кайфияти эса энг аввало ижтимоий муносабатлар бутун тизими(иқтисодий, сиёсий, ғоявий, маънавий)нинг натижаси ҳисобланади. Ижтимоий ҳаёт инсонлар ҳаётининг моддий ва маънавий шароитлари билан белгиланади.

Кайфият психологиянинг ҳаракатчан элементи булиб, жуда тез узгариб туради. Бир кишида пайдо булган кайфият тезда бошқаларга ҳам юқиб, уларни ҳам «руҳан озиқлантириши» мумкин. Айнан шу ерда тақлид қилишнинг ижтимоий-психологик қонуни амал қилади, унга кура ижобий ҳолатлар билан биргаликда салбий ҳолатлар ҳам тез тарқалади(масалан, ёмон хулқ-атвор, аҳмоқона мода...). Ёмон кайфият ҳарбий хизматчилар орасида учраб туради. Унинг ғоявий сабаблари йуқ, балки психологик сабаблари мавжуд. Салбий кайфиятларни олдини олишнинг энг туғри йули булинмада низомга асосланган муносабатларни жорий қилиш, хизматни, меҳнатни ва дам олишни туғри ташкил этиш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ҳақида ҳар томонлама ғамхурлик курсатишдан иборат. Бунда ҳарбий хизматчиларга мамлакатимиздаги ва дунёдаги аҳвол ҳақида мунтазам ахборот бериб бориш муҳим аҳамиятга эга булади. Аввало, командирларнинг узларида тетиклик ва уз фаолиятларига нисбатан ишонч булиши керак. Улар эндигина бир ёки бир неча ҳарбий хизматчиларда пайдо булган салбий кайфиятларни уз вақтида илғашлари ва уларнинг олдини олишлари лозим. Жамоаларда шаклланган ҳарбий анъаналар ижобий кайфият манбаи ҳисобланади: ҳарбий қасамёд қабул қилиш, саф куриги, қуроллар ва ҳарбий техника куриги, кечки йуқлама, ёш аскарларни жамоага қабул қилиш, байрамлар, қоровул алмашинуви, ҳарбий қисмга жанговар байроқ топшириш кабилар шулар жумласидандир.

АРМИЯ — ТИНЧЛИК ТАЯНЧИ, ТАРБИЯ МАСКАНИ

Сиёсий мустақилликнинг қулга киритилиши мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги жуда катта ўзгаришлар учун асос булди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сунг ўз Қуролли Кучларини барпо этди. Истиқлолимизнинг биринчи кунларидан бошлаб замон талабларига жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга булган миллий армияни шакллантиришни узимизга мақсад қилиб олдик. Шу йиллар давомида юртимизда ихчам, замонавий, ҳар қандай синовларни енгиб ўтишга қодир, бутунлай янгича асосларда ташкил этилган Қуролли Кучларни яратиш буйича катта ишлар амалга оширилди.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг сиёсий мустақилликни қулга киритиши ва Қуролли Кучлар ташкил этилиши орасида тўғридан-тўғри алоқадорлик мавжуд. Улар моҳият-эътибори билан эгизак тушунчалар ҳисобланади. Нима учун? Биринчидан, сиёсий мустақилликнинг қулга киритилиши билан Қуролли Кучларни шакллантириш учун узига хос объектив шароит яратилган булса, иккинчидан эса, Қуролли Кучлар сиёсий жиҳатдан мустақиллигимизнинг энг муҳим кафолоти булиб, унингсиз мустақиллик ва мустақил тараққиёт ҳақида гапириш маънога эга эмас. Бундан ташқари, жамиятимизда амалга оширилаётган ҳар қандай, жумладан иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар, уларни муваффақиятли амалга ошириш учун ҳам Қуролли Кучлар муҳим кафолот вазифасини ўтайди.

Яна бир нарса, агар ижтимоий қонунлар, ҳатто табиий қонунлар буйича оладиган булсак ҳам мустақил давлатда армиянинг мавжудлиги қонуний ҳодиса ҳисобланади. Нима учун? Чунки ҳимояга булган эҳтиёж жамият учун ҳам, қолаверса, ҳар бир жонзот учун ҳам бирламчи — энг муҳим эҳтиёж саналади. Ҳимояланмаган организм ҳам, давлат ҳам яшай олмайди!

Гарчи шу ҳақда сўз очилган экан, яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Гап шундаки, мустақилликка булган катта тарихий давр ичида — бу қарийб

150 йилни ташкил этади — бизда миллий армия булмаган. Ҳар қандай халқ узини тулақонли миллат сифатида ҳис қилиши учун бу нарса муҳим роль уйнайди. Халқимиз руҳиятида, менталитетида темурийлар замонидан кейинги даврларда қарор топган мутелик психологияси, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий ва айниқса, маънавий қолоқликни шу билан изоҳлаш мумкин. Шу маънода 1992 йилнинг 14 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши чиқарган уша тарихий қарор — мен Ўзбекистон ҳудудидаги ҳарбий қисмлар ва муассасаларни Ўзбекистон тасарруфига утказилиши ҳақидаги қарорни назарда тутаяпман — жуда катта, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий ва айниқса, халқимиз учун маънавий аҳамиятга эга булди.

Мустақил мамлакатимизнинг Қуролли Кучлари ташкил этилиши билан эса, жамиятимизда янги бир ижтимоий қатлам — ҳарбий хизматчилар табақаси шакллантирилди. Ва энди бу нарса биз учун янгича ҳодиса эди. Шу маънода Қуролли Кучларни жамият ичидаги жамият, дейиш мумкин. Нима учун? Биринчидан, Қуролли Кучлар Ватан ҳимоясидек муқаддас вазифани бажаради; иккинчидан, у умумдавлат ва умумжамият миқёсидаги қонунлар билан бир қаторда, фақат унинг узигагина хос булган ички қонунлар — ҳарбий низомлар доирасида фаолият олиб боради; учинчидан, бу «кичик жамият»нинг аъзолари — ҳарбий хизматчиларнинг ҳаммалари жисман, руҳан ва маънан соғлом кишилар ҳисобланадилар; туртинчидан, армияда оддий аскардан тортиб генералгача бир вақтнинг узида ҳарбий фаолиятнинг ҳам субъекти, ҳам объекти булишади, айтмоқчиманки, унвони ва лавозимидан қатъи назар ҳар бир шахс ҳам тарбиялаб уқитади, ҳам тарбияланиб, таълим олади. Шундай мукаммал тизим жамиятнинг яна қайси табақаларида мавжуд? Бешинчидан, ҳарбий фаолиятда соф назарий билимларнинг узи фаолият учун етарли эмас. Чунки ҳарбийлик моҳият-эътибори билан амалий фаолият ҳисобланади ва бунда билимларнинг куникма ҳамда малакаларга айланиши жуда катта роль уйнайди.

Агар Қуролли Кучлар фаолиятини ишлаб чиқариш, яъни моддий бойликлар яратиш нуқтаи назаридан баҳолайдиган булсак, у истеъмолчи ҳисобланади. Яъни, биз моддий неъмат-

лар яратмаймиз, уларни ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмаймиз. Аммо билвосита иштирок этамиз ва бизнинг бу иштирокимиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга булиб, моддий бойликлар ишлаб чиқарувчи тармоқ ва корхоналарнинг бир меъёрда фаолият юритишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам айтишадику, уз армиясини боқишни истамаган халқ, узгалар армиясини боқади деб.

Шунинг билан биргаликда, Қуролли Кучлар жамият учун жуда катта маънавий ва ахлоқий қадриятлар яратувчи тизим ҳисобланадики, биз унинг бу имкониятларидан тулароқ фойдаланишимиз зарур. Масалан, ҳарбий хизмат жараёни жуда катта тарбия мактаби эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат ҳисобланади. Ҳарбий техника ва қуроллар билан ишлаганда, умуман жанговар тайёргарлик жараёнида инсонга жуда катта жисмоний, руҳий ва ақлий юклама тушади. Унда нафақат ҳарбий хизматчиларнинг иродаси мустаҳкамланади, балки уларнинг узларига, уз имкониятларига булган ишончлари ҳам ортади. Натижада эса, улардаги дунёқараш тезроқ шаклланиши билан биргаликда улар шахс сифатида ҳам тезроқ камолга етадилар. Масалан, ёшгина офицер гуруҳ ёки взводга командирлик қилар экан, бунга ҳеч ким ажабланмайди.

Қуролли Кучларимизни шакллантиришнинг янги концепциясига асосан муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, ҳар томонлама таъминланган нуфузли сержантлар мактабларининг фаолияти йулга қуйилди ҳамда ҳарбий хизматнинг янгича шакли булган ва минглаб ёшларимиз уз йигитлик бурчларини утаётган сафарбарлик чақируви резерви хизмати ташкил этилди. Энг муҳими, халқимизнинг армияга булган муносабати тубдан узгарди, Қуролли Кучларнинг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётидаги урни мустаҳкамланди, уларнинг молиявий таъминоти сезиларли даражада яхшиланмоқда. Ҳарбий хизмат кун сайин обру-эътиборли касбга айланиб бормоқда. Дунёда Ўзбекистондаги каби муддатли хизматга чақирув ва шартнома-контракт буйича хизмат танлов асосида утадиган мамлакатлар кам.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафларида она-Ватанимиз манфаатларига садоқатли, сарҳадларимизни, муқаддас за-

минимиздаги тинч ва осойишта ҳаётни куз қорачиғидек асраш каби шарафли бурчни уз зиммасига олган энг муносиб уғил-қизларимиз хизмат қилмоқда. Энди фарзандларимиз уз юртимизда ва узимиз учун хизмат қилишларини эсдан чиқармаслигимиз зарур.

Узбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қумондони И. Каримов ҳарбий хизматнинг нуфузини янада ошириш мақсадида олий ҳарбий уқув юртлари ва сержантлар мактабларининг уқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ишларини охирига етказиш, уларни юксак малакали, амалий тажрибага эга булган офицер ва уқитувчилар билан ҳамда биринчи навбатда энг замонавий уқув қуроллари ва янги техника билан таъминлаш; оддий аскарлар, сержант ва офицерларнинг яшаш ва хизмат шароитларини ижтимоий-маиший нуқтаи назардан тубдан қайта куриб чиқиш ва яхшилаш, уларнинг машаққатли ҳарбий меҳнатига туланадиган иш ҳақи миқдорини ошириш учун қушимча манбаларни қидириб топиш; эски, номақбул казарма муҳитига батамом барҳам бериш, муддатли ва контракт хизмати, офицерлик ҳамда қумондонлик таркиби хизматларининг узига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш ва дам олишлари учун муносиб шароитларни таъминлайдиган янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш; ҳарбий хизматчилар учун янги, янада такомиллашган ва юқори қувватли овқатланиш рационини жорий этиш вазифаларини қуйди. Бу уз навбатида армиямизнинг ёшларимиз учун мардлик ва ватанпарварлик мактаби булиш билан бирга, уларнинг жисмонан бақувват, маънавий етук булиб вояга етиши, умуман жамиятимиз аъзоларининг соғлом булиши учун хизмат қиладиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш йулида биринчи қадам булади. «Бу борада менинг уз олдимга, Қуролли Кучларимиз олдига қуядиган асосий мақсад шундан иборатки, — деб таъкидлайди мамлакатимиз раҳбари, — ҳарбий ва армия хизматини утаган ёшларнинг барчаси ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом, интеллектуал жиҳатдан етук, ҳаётдаги уз урнини аниқ белгилаб олган, ҳар томонлама ишончли инсонлар булиб етишсин. Токи, ота-оналари улар билан фахрлансинлар, кичик фарзандларимиз улардан

урнак олсинлар, Узбекистоннинг гузал қизлари эса улар билан уз тақдирларини боғлашни орзу қилсинлар».

Оила, маҳалла, уқув ва меҳнат жамоалари бағридан чиқиб, ҳарбий хизмат соҳасига қадам қуяётган ҳозирги ёшларимиз ҳарбий хизматга қанчалик тайёрлар ва уларнинг бу соҳага муносабатлари қандай? Фаолиятнинг алоҳида узига хос тури сифатида ҳарбий хизмат инсон шахсига нисбатан узгача талаблар қуяди — ҳарбий жамоалардаги узаро муносабатлар ва ҳарбий хизмат узига хос ички қонун булган умумҳарбий низомлар асосида ташкил этилади. Ҳарбий хизматчилар қатъий кун тартибига амал қиладилар, уларга тушадиган жисмоний ва руҳий юклама анча юқори булиб, бунда узлари туғилиб усган гушаларидан узоқда эканликлари ҳам маълум маънода уз таъсирини курсатади.

Оила ва мактабда ҳарбий хизматга нисбатан муносабат ва тасаввурлари туғри шакллантирилган укаларимиз ҳарбий техника ва қуролларни тезда узлаштириб оладилар ҳамда уз ҳарбий бурчларини юксак даражада англайдилар. Улар учун Ватан мавҳум нарса булмасдан, уни яхлит бир улка — Узбекистон Республикаси тимсолида курадилар ва шу юрт, шу мамлакат, шу халқ ҳимоясига ҳар доим тайёрлар. Шуни таъкидлаб утиш керакки, ҳарбий ҳаёт ва ҳарбий хизмат, умуман Армия ҳақидаги илк тасаввурлар йигит-қизларимизда оиладаги ва маҳалладаги катталарнинг ҳикоялари, баҳолари ҳамда муносабатлари таъсирида, шунингдек, уқиган китоблари ёки курган кинофильмлари орқали шаклланади. Агар мана шу шаклланиш жараёни маромида амалга ошмаса, бу нарса ҳарбий хизматни ўташ даврида узининг салбий таъсирини курсатиши мумкин. Аҳён-аҳёнда булса-да, муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилаётган тартиббузарликларнинг илдизи оила, мактаб ва маҳаллага бориб туташиши ҳам бежиз эмас. Оиладаги катталарнинг ёки қариндошларнинг ҳарбий фаолиятга нисбатан ижобий муносабатлари успиринларнинг бу соҳани танлашларида ва уни самарали олиб боришларида катта аҳамиятга эга эканлигини эсдан чиқармаслик зарур. Бу нарса фақат ҳарбий соҳагагина хос булмасдан, ижтимоий фаолият йуналишларининг барчасига ҳам тааллуқли. Шунингдек, успиринлар руҳия-

тига максимализм — воқеликка бир ёқлама баҳо бериш хос булиб, улар ҳаётни оқ ва қора ранглардагина идрок этадилар ҳамда узгалар феъл-атвори ва фаолиятларига тақлид қилишга мойил буладилар.

Ҳурматли уқувчининг кунглига зинҳор оббо, ҳаммаси учун оила ва успириннинг узига хос руҳияти айбдор эканда, деган фикр келмасин! Албатта, хизмат жараёнида аскар томонидан у ёки бу даражада кунгилсиз ҳодисалар содир этилар экан, бунда шубҳасиз турли поғонадаги командир ва офицерларнинг масъулияти ҳар қандай баҳонаю сабаблардан юқори булади. Бироқ бир нарсада менинг фикримга қушиласиз, деб уйлайман. Гап шундаки ҳарбий хизматга 18 ёшдагилар ёки ундан катта ёшли фуқаролар олинадилар. Бу ёшда инсон шахс сифатида камолотга эришган булиб, ундаги ижтимоий-психологик ва маънавий сифатлар қарийб шаклланиб булган булади. У шу давр ичида оила, мактаб, маҳалла ва бошқа ижтимоий институтлар бағрида булади. Инсоннинг ҳарбий хизмат давридаги фаолияти ва феъл-атвори ундаги мавжуд ижтимоий тажриба, билим ва дунёқарашига жуда ҳам боғлиқ. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, аскар туғилиб, вояга етган оиладаги муҳит билан унинг ҳарбий фаолияти самарадорлиги уртасида туғридан-туғри алоқадорлик мавжуд.

Шу маънода узларини ҳарбий хизматга чоғлаётган укаларимизга ва уларнинг оила аъзоларига бир нарсани эслатиб қуймоқчи эдим. Гап шундаки, ҳарбий хизматни утаётган аскарларнинг учта ёрдамчиси булади:

— унинг узи, яъни иродаси;

— командирлари ва сафдошлари;

— яқинлари, оила аъзолари ва айниқса, ота-оналарининг қуллаб-қувватлаши ҳамда хайрихоҳликлари.

Биз жамиятда шундай йул тутишимиз керакки, ҳарбий хизмат том маънода муқаддас бир нарсага айлансин ва ҳар бир йигит уни узининг нафақат йигитлик ёки фуқаролик бурчи, балки ор-номус иши деб билсин!

Яқингинада муддатли ҳарбий хизматга чақирилган бир аскар узининг ажабтовур феъл-атвори билан гуруҳ командирининг диққатини тортади. У сафдошлари билан муносабатда узини сурбетларча тутар, пайт пойлаб жанжал чиқа-

ришга, ўзидан жисмонан заиф аскарларга зўравонлик қилишга ҳаракат қилар эди. Вазият шу даражага бориб етадики, у энди кичик командирларнинг буйруқларини бажармай қуяди. Гуруҳ командирининг вақтида кўрган чоралари ва ҳарбий жамоанинг тарбиявий таъсири шарофати билан аскар ўз хатоларини тушуниб етди — унинг фсъл-атвори ва интизоми ижобий томонга ўзгарди. Маълум бўлишича, хизматга чақирилиш арафасида совет даврида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган маҳалладош «акалари» ўз «тажрибалари»га асосланиб, «аввал бошида ҳаммага ўзингнинг ҳеч нимадан қўрқмаслигингни ва зўрлигингни кўрсатиб қўйсанг, кейин хизматнинг охиригача кайфу сафо қилиб юрасан» қабилидаги «маслаҳатларини» беришган экан.

Инсоннинг ўз касбий ва инсоний бурчини қанчалик англаганлик даражасига қараб, унинг фаолияти шунчалик осонлашади ёки қийинлашади. Шунинг учун ҳам биз ҳарбий хизматнинг ижтимоий аҳамияти ҳамда нуфузини ҳарбий хизматчиларга, умуман эса юртдошларимизга етказа олишимиз жуда ҳам муҳим. Инсон ўз фаолиятининг, шу орқали ўзининг жамият учун қанчалик қадрли эканлигини англаб яшаса — қандай яхши!...

Хулоса қилиб айтганда, биз катталар мамлакатимизда шакллантирилаётган миллий истиқлол мафкураси доирасида ҳар бир оила, мактаб ва маҳаллада ёшларимизга нисбатан ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини фаол равишда олиб борсак ҳамда уларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топишларига имкон яратсак, ўзимизнинг ёш авлод олдидаги бурчимизни бажарган бўламиз.

Бешинчи фасл

ҚАЛБ ТУҒЁНЛАРИ

ЁНИМИЗДАГИ ОДАМ

Устувор инсонлар, сиз нечоғ ноёб,
Сизни учратган қалб нечоғ бахтиёр.

Абдулла ОРИПОВ

Ёнимиздаги одам. У ким? Бу тизгинсиз ҳаёт суқмоқларида унинг қувончу ташвишларига қанчалик шерик бўлаяпмиз? Лоақал уни нималар қувонтирадию нималар изтиробга солишини биламизми? Ҳаммамиз ҳам ҳаёт тақозосига кўра ҳар куни уқишда, ишда ёки хизматда турли инсонлар билан мулоқот қиламиз. Улар бир-бирларига сира ҳам ўхшамайдилар. Зеро атрофимиздаги инсонларнинг ҳар бири ўзига хос ташқи қиёфага, дунёқарашга ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга. Баъзи инсонлар билан буладиган мулоқот дилингизни оғритса, бошқа бирлари эса оҳанрабодек сизни ўзига маҳлиё қилади. Чирчиқ олий танкчи қўмондон-муҳандислик билим юрти гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси бошлиғи подполковник Алипоша Халисович Ахмедов мана шундай инсонлар сирасига киради.

Мен бугун ҳар доимгидан ҳам эртароқ уйғониб, тезда нонушта қилдим-да, хизматга ошиқдим. Чунки муҳим мавзу юзасидан маъруза уқишим зарур. Охирги кунлар ичида мазкур машғулотга қанчалик тайёргарлик курган бўлмай, барибир кунглим тўлмади. Мақсадим — ҳамма материалларни яна бир бор кўздан кечириш. Кафедра биносига кираётиб навбатчи курсантдан вақтни сўрайман, у соатига кўз ташлаб, олтидан қирқ дақиқа ўтганлигини айтади. Демак ҳали машғулот бошланишига бир соату йигирма дақиқа бор, шундай экан анча-мунча ишларни қилишга улгурса бўлади. Учинчи қаватга кўтарилиб, уқув синфи томон бурилар эканман, кафедра бошлиғи хонасининг эшиги очиқ турганлигини пайқайман. Бундан заррача ҳайратланмайман, зеро, бу

одатий ҳол. Ҳузурига кириб борар эканман, бошлиғим менга пешвоз чиқади.

— Яхши дам олдингизми? — дейди у ҳар доимгидай самимий қарши олар экан. — Бугунги машғулотнинг баъзи бир томонларини сиз билан яна бир бор муҳокама қилиш учун салгина вақтлироқ келдим.

Шундан сўнг ишга шўнғиб кетамиз. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмади — машғулот яхши утди. Бу ҳол мендан ҳам кура Алипоша Халисовични купроқ севинтиради. У мени табриклар экан, ҳузурига киришимни илтимос қилди.

— Мен, — дейди Алипоша Халисович, — кафедрамизнинг утган бир ой ичидаги фаолиятини таҳлил қилиб, шундай хулосага келдим: мазкур ойда асосий эътиборимизни ёш уқитувчиларимизнинг дарс утиш услубиятини такомиллаштиришга ва фанларни ёмон узлаштираётган баъзи бир курсантларимизнинг уқув ишларини яхшилаш муаммоларига қаратсак, яхши булар эди.

У менинг фикрим билан қизиқади. Биз узаро бир тухтамга келгач, иш режасини тузиб, уни қоғозга туширамиз. Табиийки, бу режада булинма командирлари учун ҳам вазифалар белгиланади ва уни келишиб олиш учун командирларни бирин-кетин кафедрага таклиф қиламиз. Бу ишларни тугатгунимизча тушлик вақти ҳам булиб қолади. Тушдан кейин... Хуллас, кечки соат еттилар, баъзан эса ҳатто саккизлар атрофида кафедра бошлиғи ишларини якунлаб, уйига, оиласи бағрига ошиқади. Аммо шунда ҳам узи ҳар доим кутариб юришни канда қилмайдиган жигарранг портфелига баъзи бир китоблар ва қоғозларни солишни унутмайди. Чунки бугунга режалаштирган ҳамма ишларини қилишга улгурмади, ҳар хил йиғилишлар ва телефон қунғироқлари дегандай. Энди эса бу юмушларни уйда якунлаши керак.

Одатда, бирон-бир инсонга нисбатан таъриф ва тавсиф беришда унинг инсоний қиёфасини энг куп даражада очиб бераоладиган сифатлардан фойдаланилади. Шу маънода унга хос булган «жигарранг портфел олиб юради», «сочларига ёшига нисбатан хийла купроқ оқ оралаган» ёки «доимо уйчан бир қиёфада вазмин қадам ташлайди» каби ибораларга қара-

ганда ҳам «ҳаммадан кўп ишлайди» деган жумла назаримда Алипоша Халисовичга кўпроқ мос келади. Шундай деяпман-у, лекин бундан кунглим тулмаяпти. Менимча, бу таърифу тавсифда яна нимадир етишмаяпти...Ҳа, топдим! Хайрихоҳлик, айнан хайрихоҳлик, яъни узгалар туғрисида қайғуриш. Демак юқоридаги чала таърифга яна «узгалар ташвиши билан яшайди» деган жумлани қўшсак, мақсадга мувофиқ булади. Шоир айтмоқчи,

Хайрихоҳ инсонлар, бетаъма ҳамдам,
Олам бир бутундир шу иноқликдан.

Алипоша Халисович туғрисида шу гапларни ёзаётганимда хаёлимга сунгги вақтларда узим англаб етган бир фалсафа келди. Гап шундаки, ҳаётда фидойи инсонларнинг пайдо булишига бизнинг узимиз сабабчимиз, бошқача қилиб айтганда қаҳрамонларни узимиз яратамиз. Айтайлик, мен бугун унта юмушни бажаришни мулжаллаган эдим, кун охиригача эса бор-йуғи уларнинг бештасини бажардим, холос. Ҳар хил кутилмаган воқеалар ёки биздаги дангасаликми ёки лоқайдликми бунга имкон бермайди. Хуллас купчилик одамлар фаолиятида буни кузатиш мумкин. Охиригача етказилмаган, бажарилмаган юмушлар шунчаки изсиз кетмайди. Чунки ижтимоий ҳаёт қонунлари бунга имкон бермайди. Зеро улар ҳам табиат қонунлари сингари ужар буладилар. Натижада мену сиздан қолган юмушлар юки астасекин йиғилиб бориб, кимнингдир елкасига «гурс» этиб тушади. Алипоша Халисовичнинг шундайлар тоифасидан эканлигига шубҳа қилмайман.

Мазкур мулоҳазаларимни қоғозга тушираётганимда телефон жиринглаб қолди. «Чори ака бу менман, безовта қилганим учун узр», — дейди таниш овоз. Ва афсус билан иккаламиз ҳам танийдиган бир инсоннинг бошига ташвиш тушганлигини айтиб, нима қилишимиз ҳақида менинг фикримни билишга қизиқади. Ўзаро қисқа маслаҳатлашувдан сунг, эрталаб соат беш яримда — чунки хизматга кечикмасдан, ўз вақтида етиб келиш зарур — белгиланган жойда учрашишга келишиб, хайрлашамиз. Гушакни жойига қуяр эканман, деворга осиғлиқ турган соатга қарайман — вақт

тунги йигирма уч. У қанчалик узгалар дарди ва ташвиши билан яшамасин, лекин ҳеч қачон уз муаммоларини бошқаларга дастурхон қилавермайди. Бу билан атрофдагиларни аяса ажаб эмас. Мен унинг изтироб чекканларини, ҳатто кузларида ёш ғилтиллаганини кўрганман. У одатда адолатсизликни кўрганда шундай ҳолга тушади. Саодатли дамларда эса, қувончдан кузлари порлаб, болалардай энтикиб кетади. Биз газета саҳифаларида бирон инсон ҳақида суз юритилганда, унинг хизмат фаолиятида эришган ютуқлари туғрисидаги фикр-мулоҳазаларни уқишга куникиб қолганмиз. Мен бугун қаҳрамонимиз ҳақида атайин шундай мулоҳаза ва баҳоларни айтмадим, чунки инсон ҳаётида ва фаолиятида унинг одамийлик сифатлари муҳимроқ роль уйнайди, назаримда. Яхши инсонлар ҳақида суз юритиш ҳамиша қийин. Қолаверса, Алипоша Халисовичнинг узига нисбатан айтиладиган мақтов сузларини, гарчи улар рост булса-да, ёқтирмаслигини биламан.

Бугун узининг таваллуд кунини нишонлаётган бу яхши инсон ҳақида яна куп гапириш мумкин, албатта. Аммо мен гапни мухтасар қилиб, уз тилакларимни шундай ифодаламоқчиман: иним, қадрдоним, сафдошим! Чин инсоний самимият ҳамда оддий инсоний бахт сизни ҳеч қачон тарк этмасин! Мен сизга шундай қувончли кунда жамики эзгу тилакларимни йуллайман. Ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этишига ва ҳали яна куплаб эзгу ишларни амалга оширишимизга ишонаман. Ёнимда сиздай сафдошим борлигидан эса чексиз фахр-ифтихор ҳиссини туяман.

Ҳар сафар шундай булади — бошқаларга ҳам муҳим бир гапни айтмоқчи буламану, яна бу фикримдан қайтаман. Чунки шу истагимни айтсам, мендаги самимийликка дарз кетадигандай туюлаверади. Ўйлай-ўйлай, охири бу орзуйимни сизга айтишга қарор қилдим: ҳув ана, сочларига ёшига нисбатан анчагина купроқ оқ оралаган бир инсон жигарранг портфелини кутарганича, уйчан бир қиёфада вазмин қадам ташлаб бораяпти. Уни асранг, яхшилар!

«ЎҚИТУВЧИ — ИДЕАЛ ШАХС»МИ?

Муаллим ҳақида сузим ушбудир:
Муаллим камолот ичра кузгудир.

Абдулла ОРИПОВ

Кузни яхши кураман. Чунки у ҳаддан ташқари сокин. Бу фаслда ариқларда оқаётган сувдан тортиб баданга хуш ёқадиган шабадаю инсоннинг қадам ташлашларигача вазмин тортиб қолади. Ҳавода таралаётган ёқимли буйдан дарахт шохларидан узилиб тушаётган олтинранг баргларгача кишига хуш кайфият бағишлайди. Ҳароратнинг муътадиллиги эса, унинг тароватини янада оширади. Албатта, булар менинг шахсий кечинмаларим. Бу фаслда борлиқдаги сокин бир мусиқавийлик инсонни узига маҳлиё қилади. Натижада бизнинг шиддатли эврилишлар тулқинида оқаётган давримиз учун камёб булган туйғу — руҳият сокинлигию кунгил хотиржамлигини бахш этади. Табиатдаги бу сокин тарона узининг табиийлиги билан биз ҳамиша тинглашга урганиб қолганимиз — ростмана куйлардан ажралиб гуради. Куз — табиат деб аталмиш даҳо мусаввир яратган буюк бир асар! Унда ҳамма нарса — ранглардан тортиб оҳангларгача — табиий.

Шундай файзли кунларнинг бирида қизимдан келажакда ким булмоқчилигини сураганимда, «ҳар ҳолда уқитувчи эмас» деган қатъий жавобни олган эдим. Ушанда менинг нигоҳимдаги савол аломатини туғри англаган қизим «чунки ойим ҳар доим мактабдан чарчаб келадилар, қолаверса, уйда ҳам ёзув-чизувдан бушамайдилар» деган эди. Бу жавоб менга анча йиллар аввал булиб утган бошқа бир воқеани эслатди. Университетни тугатишимиз арафасида бир сабоқдош дустимизга, яхши баҳоларга уқиганлиги учун, нуфузли кафедралардан бирига ишга йулланма беришди. Лекин бу йигит ҳаммамизни ҳайрон қолдириб, у жойга ишга боришни хоҳламади. Бунинг сабабини сураганимда эса, «аввал мактабда ишлаб курмоқчиман» деган жавобни олдим. Бироқ орадан бир йил утиб куришганимизда унинг мактабда ишламаётганлигини билиб қолдим.

— Биласизми биродар, — деган эди у ушанда мен муқаррар беришим мумкин булган саволларга изоҳ берган булиб, — бунинг учун узимда етарлича куч топаолмадим, чунки назаримда уқитувчи — идеал шахс!

Менимча, бу уқитувчилик фаолиятига нисбатан шундай юксак муносабатни ифодалайдиган ягона ҳодиса эмас. Ҳар ҳолда мен ҳам яқин кишиларим даврасида қачонлардир узим «кашф» қилган қонуният — «Утинчининг иши» қонуни ҳақида гапириб юраман. Бунинг маъноси шундай: утинчининг қилган иши ҳар доим куриниб туради, ақлий меҳнат ходимлари, айниқса, уқитувчи меҳнатининг натижаларини на куриб булади ва на ушлаб. Шунинг учун булса керак, бундай соҳаларда купинча табиатан идеалист, ғояпараст булган одамлар ишлашади. Бундай «назария»нинг асосларини ҳамма жойда куриш мумкин. Масалан, уқитувчилардаги узининг моддий аҳволидан қониқиш туйғуси бошқаларникидан анчагина яхши. Бунинг сабаби уйлашимча қуйидагича: инсондаги моддий қаноат асосида маънавий етуклик ётади. Ундаги моддий эҳтиёжларни чекловчи ва ҳаётидан, фаолиятидан қониқиш туйғусини ҳосил қилувчи асос ҳам мана шу. Қолаверса, педагогик фаолиятда иккинчи даражали нарсанинг узи йуқ — унда ҳамма нарса, ҳатто энг арзимасдай туюлган тафсилотлар ҳам муҳим.

Яқинда кафедрамиз аъзолари уртасидаги суҳбат уз-узидан мунозарага айланиб кетди. Баҳс, асосан, иккита мавзу атрофида булди: уқитувчи учун энг муҳим сифатлар қайси ва у машғулот жараёнида эътиборини қаратиши лозим булган жиҳатлар нима? Анчагина тортишувлардан кейин маълум бир тухтамга келдик. Купчиликнинг фикрича, уқитувчи инсон сифатида оддий ва самимий булиши, шунингдек, панд-насиҳатдан қочиши лозим. Ўтмиш маданий-маънавий меросига ҳурмат билан қараш, табиатни севишга ургатиш ва умуман инсонга муҳаббат ҳиссини шакллантириш уқитувчи фаолиятининг асосий мезонлари деган хулосага келинди. Зеро, болада инсоний туйғулар етарлича шаклланмаса, у нечоғлиқ билимли булмасин, унинг ҳаётга, одамларга муносабати маълум даражада бир томонлама булиб қолаверади. Оилада ва мактабда бола тарбиясида камчиликларга йул

қуйилса, бу камчиликларни куча тулдиради. Кучанинг таъсири эса, доим ҳам ижобий булавермайди. Файласуф олим Абдураҳим Эркаев «Одатда тафаккур инерцияси бошқа ижтимоий ҳодисалар инерциясидан кучлироқ» деб ёзган эди. Бу нарса болаларимиз онги ва қалбига нимани ёзаолсак уларнинг келажаги ҳам шундай булишини англатади. Ушанда кимдир «агар шундай булса, унда бизнинг фаолиятимиз авторитар педагогикага туғри келадими ёки гуманистик?» деган саволни уртага ташлади. Шу уринда фикрларим ҳурматли уқувчига аён булиши учун бу тушунчаларга изоҳ бериш зарур деб уйлайман. Авторитар педагогика талаблари буйича уқитувчи уз фикр-ҳукмини уқувчиларга утказиши шарт. Гуманистик педагогика эса, аксинча, таълим-тарбия жараёнида уқитувчи ва уқувчилар узаро тенг мавқеда булишларини таъкидлайди. Мен шунда «гуманистик ёндашув яхши, албатта, бироқ вазият тақозоси билан уқитувчи уз ҳукмини уқувчига утказа олиши ҳам керак» деган фикрни билдирдим. Чунки шундай вазиятдагина уқувчиларда купроқ билим олиш имконияти пайдо булади.

Яна бир гап. Педагогик жараёнда, умуман уқитувчи фаолиятида нима муҳимроқ, тарбиями ёки таълимми деган азалий савол бугун ҳам кун тартибидан олингани йуқ. Унга ҳар ким уз муносабатини билдирса-да, уларнинг эгизаклиги рост. Маърифат уз ортидан адолатни етаклаб юради деган ғояни олдинги суҳбатларимизда таъкидлаб утган эдик. Билимдон болаларда ахлоқий қадриятларга нисбатан мойиллик купроқ эканлиги, ва аксинча, инсоний фазилат соҳибларининг илм-фанга рағбатлари юқори булиши аллақачон исботланган. Утган юз йилликнинг бошларида маърифатпарвар зиёлилар нима олдинда юради, ижтимоий тараққиётми ёки таълимми деган саволни уртага қуйишган ва унга купчилик таълим дея жавоб берган эди. Шундай экан, биз бевосита иштирокчиси булаётган ижтимоий ривожланиш жараёнининг карвонбошиси уқитувчи эмасми!?

Ҳозир таълим тизимига уқитишнинг янги педагогик технологиялари ва техник воситаларини жорий қилиш туғрисида кўп гапириляпти. Бунинг умумий глобаллашув жараё-

ни билан боғлиқлиги шубҳасиз. Аммо бу ерда бир меъёр булиши зарур: уқитувчи ҳеч қачон таълим жараёнининг ёрдамчи унсурига айланиб қолмаслиги, аксинча унинг марказида туриши ҳамда бошқарувчилик вазифасини бажариши керак!

Яқинда олдинги суҳбатимиз қаҳрамонларидан бири, иқтисодчи олим Абдужаббор ака Ғаффоров педагогик психология фани ҳақида тухталиб, «Чори ака, агар психология ва педагогика фанлари алоҳида-алоҳида илм тармоқлари булса, нега уларнинг уртасига чегара тортиб булмайди?» деб қолдилар. Мен эса, фанлараро интеграллашув жараёни ҳақида гапириб, улар уртасига қатъий чегара тортиб булмаслигини таъкиллашга уриндим. Домланинг фикрларида жон бор, албатта. Бироқ ҳар бир алоҳида фан табиат ва ижтимоий ҳаётнинг маълум бир тарафи ёки хусусиятини урганишини назарда тутадиган булсак, яхлит бир воқеликни, айтайлик, педагогик жараённи рисоладагидек ташкил этиш учун педагогикани нафақат психология, балки фалсафа, социология, этика, эстетика, ҳуқуқшунослик каби бир қатор соҳалар билан интеграллаш зарур булади. Бу эса, уқитувчи меҳнатининг нечоғлиқ масъулиятли эканлигидан далолат беради.

Суҳбатимиз бошида уқитувчининг идеаллиги ҳақида суз борган эди. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Биз одатда сиёсатчи, санъаткор ёки ёзувчиларни идеал шахслар сифатида куришни хоҳлаймиз. Аслида эса уларнинг ҳаммасини камолотга етказган уқитувчи идеал эмасми?! Уқитувчи — жамиятнинг гултожи! Унинг, яъни жамиятнинг қиёфаси уқитувчининг аҳвол-руҳиятига боғлиқ булади. Бунда унинг иқтисодий аҳволию одамлар уртасидаги ижтимоий мавқеидан тортиб дунёқарашигача булган ҳамма нарса катта таъсир қудратига эга. Жамият ва инсон ҳаётини бирон дақиқага булса-да уқитувчисиз, уқитувчи фаолиятисиз тасаввур қилишга ҳаракат қилиб кўрайликчи!?...Тартибсизлик ва бемаънилик! Туғрими?

Менимча уқитувчининг давлат ва жамият ҳаётидаги урни қуйидаги мезонларда уз аксини топади: биринчидан, улар меҳнати натижасида фан, адабиёт, санъат, ихтиролар ва

кашфиётлар яратилади; иккинчидан, уқитувчи авлодлар уртасидаги доимий ворисликни таъминлайди, яъни устоз-шогирд анъаналари асосида янги авлод вояга етади; учинчидан, уқитувчилар юриш-туришлари, хулқ-атворлари, амал қиладиган қадриятлари билан теварак-атрофга узларининг ибратли таъсирларини курсатадилар ва ниҳоят, туртинчидан эса, уқитувчилар сиёсий тизим, демократия даражаси ва фуқаролик жамияти тузилмаларига ижобий таъсир курсатади. Ёки бошқача қилиб айтадиган булсак, маънавий-интеллектуал жиҳатдан юксак мавқега эга булган жамиятда нодемократик бошқарув була олмайди.

«Уқитувчи ва мураббийлар куни» байрами баҳонасида билдирган шахсий фикрларим сунгида барча соҳа вакилларини чин дилдан қутлаб, уларнинг сермашаққат фаолиятларида муваффақиятлар тилайман.

Айтганча, уқитувчининг идеаллиги туғрисидаги мулоҳазаларимиз барибир нисбатан жавобсиз қолаяпти. Келинг, башарият камолотига узининг мислсиз ҳиссасини қушаётган ва барчамизни оҳанрабодек узига чорлаб турадиган БУЮК СИЙМО — уқитувчи идеал булса, булақолсин! Сиз нима дейсиз, азизим!?...

МАШЪУМ САНАЛАР

Сарлавҳани уқиб, бир оз ҳайрон булишингиз тайин. Туғриси, у бошқача булиши ҳам мумкин эди. Нима учундир охирги пайтларда шу янги ном хаёлимдан кетмай қолди ва ёзув столимга утиришим билан ғайриихтиёрий равишда сарлавҳа булиб оппоқ қоғозга тушди. Бунинг тарихи анча узун — ҳар сафар 22 июнь, 6 ёки 9 август яқинлашганда мени бир-бирига зид уй-хаёллар чулғаб олади. Хаёлингизга келган фикрни англадим. Сиз нотуғри уйлаяпсиз — мен мистик эмасман! Яъни, қандайдир сонларнинг илоҳийлигига ишонмайман. Моҳият-эътибори билан бундай саналар мен юқорида санаб утган кунлар билангина чекланмайди — уларни истаганча давом эттириш мумкин. Бу руйхатни шунчалар давом эттириш мумкинки, унинг саноғини 365 ёки 366 тагача ҳам олиб бориш мумкин. Яъни, йилнинг ҳар бир

кунига «машъумлик ёрлиғи»ни ёпиштириш қийин эмас. Бунинг сабаби қуйидагича: агар тарихий воқеалар хронологиясини бирма-бир кўздан кечирадиган булсак, йил ойларини ташкил қиладиган ҳар бир кунда дунё миқёсида, ҳеч булмаганда минтақалар доирасида турли даражадаги фожиаларга олиб келган воқеалар юз берганлигига гувоҳ буламиз. Зеро, инсоният тарихи урушлар тарихидан иборат! Лекин истагим шугина эмас. Назаримда урушни ёмон дейиш, у ҳақда ҳеч нима демаслик билан баробар. Мақсадим — шу саналарда машъум воқеалар юз беришига олиб келган сабабларни излаш ҳамда унинг оқибатлари туғрисида мулоҳаза юритиш.

Мен охирги вақтларда уруш ва тинчлик муаммоси, унинг ижтимоий-маънавий ва айниқса, фалсафий жиҳатлари туғрисида куп уйлаяпман. Айтайлик, 22 июнь санасига машъумлик тамғасининг босилишида ким купроқ айбли: Гитлерми ёки Сталин? Аслида уша вақтдаги советча ҳарбий доктрина дунёни ҳарбий куч билан босиб олишга қаратилган эди. У дастлаб сохта коммунизм ғоясининг назарий асосларини ишлаб чиққан стратегларнинг қарашларида баён этилган. Бу нарса алалоқибат пролетариат — йуқсилларни курол кучи билан ҳокимият тепасига олиб чиқиш тактикасида уз ифодасини топади. Ёвузлик ёвузликни туғдиради, деган гап бор. Шу маънода фашизмнинг ғоя сифатида пайдо булиши, сунгра эса, тажовузкор кучга айланиб, бутун инсоният бошига мислсиз фалокатлар ёғдиришини маълум даражада мана шу ҳолат билан изоҳлаш уринли буларди. Чунки хоҳлаймизми, йуқми, инсонни, умуман эса, инсониятни манфаатлар бошқаради. Қолаверса, уруш инсонларнинг жисмоний азоб-уқубатлари ҳамда иқтисодий йуқотишларидангина иборат эмас. Унинг салбий оқибатлари бундан-да кенгроқ кулам касб этади. Иккинчи жаҳон урушининг одамлар тақдиридаги урни туғрисида куп ва хуб ёзган ёзувчи Чингиз Айтматов бу ҳақда шундай мулоҳаза юритади: «Эътибор берсангиз, иккинчи жаҳон уруши ҳар бир асаримда эсланади. Бу уруш фақат биз учун эмас, бутун инсоният учун ута оғир ва даҳшатли йуқотиш, хотирадан кетмас фожиа булган. Бу уруш одам-

ларга улим билан очарчилик олиб келган десак, унинг касофатини озайтирган буламиз. Бу уруш уша даврдаги одамларнинг одоб ва ахлоқига ҳам тажовуз этиб, асрлардан бери шаклланиб келган урф-одатлари, расм-русумларига ҳам чексиз зиён-заҳмат етказди».

Уруш ва тинчлик энг муҳим ижтимоий-маънавий тушунчалардир! Чунки улар орасидаги мувозанат жамиятдаги ва дунёдаги умумий аҳволни белгилайди. Шу маънода улар узаро диалектик, яъни бири иккинчисини тақозо қиладиган тушунчалар ҳисобланади. Бир оз ғалати туюлса ҳам айтиб қуяй: тинчликсиз уруш, урушсиз эса, тинчлик бўлмайди. Кейинги — урушларсиз тинчликнинг бўлмаслиги ҳақидаги мулоҳазам урушларнинг муқаррар бўлишлигини англатмайди! Мен бу уринда сиёсат, мафкура, ахлоқ, дин каби шаклларда намоён бўладиган ҳамда ижтимоий ва индивидуал онгда кечадиган уруш — кураш-эврилишларни назарда тутаяпман. Ҳар бир инсон фаолиятининг асосида тинчликка интилиш тамойили устуворлик қилмас экан, умумий ва кенг қамровли тинчликка эришиб бўлмайди. Аслида ҳам шундай. Биз болалигимизда тинглаган эртаклардан тортиб, «Уфқ», «Шинелли йиллар» ҳамда «Уруш ва тинчлик» романларигача тинчлик ғояси билан суғорилган.

Болалигимда буюк чех журналисти Луис Фучикнинг иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги асарларини катта ҳаяжон билан уқиган эдим. Ҳозир унинг тафсилотлари эсимда йўқ. Бироқ ундаги «Одамлар, огоҳ бўлинг!» деган ёниқ ҳайқириқ ҳамон ёдимда. Демак, тинчликка ташналик туйғуси ҳали урушнинг нималигини яхши англаб етмаган ёш инсон қалбида ҳам жуш урар экан-да!? Бу нарса баъзи бир ижтимоий кечинмалар, айтайлик, тинчликка ташналик туйғусининг ҳам ирсий йўл билан аждодлардан авлодларга ўтишини англатади. Ёвузлик ҳам худди инсонпарварлик ва меҳр каби инсонларнинг қон-қонига сингиб кетган. Ахлоқ, қонун, виждон, бурч, уят, масъулият каби эзгу туйғулар унинг ҳар дақиқада узини намоён қилишига монелик қилади. Шу уринда гарчи ҳаммага жуда оддий нарсадек туюлса-да, уруш ва тинчлик тушунчаларига қисқача таъриф бериб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Маълумки, урушларда асосий ва ҳал қилувчи восита сифатида Қуролли Кучлардан, шунингдек, курашнинг иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва бошқа воситаларидан фойдаланилади. Урушлар давлатлар олиб борадиган ички ва ташқи сиёсат натижасидир. Урушнинг келиб чиқиши омиллари турлича булиб, бу омиллар урушнинг хусусияти ва содир булган даврига боғлиқ. Ҳар қандай қонли тўқнашувни уруш деб булмайди. Одатда урушга олдиндан тайёргарлик курилади. Уруш ҳолати давлатлар уртасида қуролли тўқнашувсиз ҳам мавжуд булиши мумкин. Масалан, икки давлат уртасида уруш ҳаракатлари тухтатилгандан кейин, улар узаро сулҳ тузишмаса, уруш ҳолати давом этаверади. Бироқ, энди улар уртасида қуролли тўқнашувлар булиши шарт эмас.

Тинчлик халқлар ва давлатлар уртасида зурлик ишлатмасдан ташқи сиёсат олиб боришда, шунингдек, давлатнинг уз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш ва халқаро шартномаларда мустаҳкамлаб қуйилган мажбуриятларга риоя этишида намоён булади.

Жуда куп номлар билан аталишга муносиб курилаётган утган йигирманчи аср, афсуски, иккита жаҳон урушларини ҳам бошидан кечирди. Ва учинчисининг содир булиши башарият цивилизациясини муқаррар ҳалокатга олиб келишини англаган инсоният хавфсизликка эришишнинг янги шакли — халқаро ташкилотлар тизимини яратди. БМТ, ЮНЕСКО, МАГАТЕ, МДҲ каби унлаб, юзлаб ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли куплаб дунёвий ва минтақавий можароларнинг олди олинган булса-да, бироқ охирги ун йилликларда дунё миқёсида юз берган баъзи бир сиёсий-ҳарбий характердаги салбий узгаришлар бундай тизимнинг урушларнинг олдини олишда лаёқатсиз эканлигини курсатмоқда. Шу уринда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари сонини оширишга қаратилган таклифлар кишида умидворлик туйғуларини уйғотади.

Инсоннинг табиати шунақа — у ҳар доим ҳимояланишга ва меҳнатни осонлаштиришга интилади. Мана шу иккала эҳтиёж умумтараққиётни таъминловчи, жумладан, инсон тафаккурини ривожлантирувчи асосий омиллардир. Бу ус-

тувор эҳтиёжлар маҳсули сифатида кейинги юз йилликда илм-фан мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Бу нарса уз навбатида бир-бири билан узаро боғлиқ булган иккита натижага олиб келди: инсон меҳнати гурли техник қурилмалар воситасида осонлашди, шунинг билан биргаликда қуролларнинг янги ва даҳшатли турлари яратилди. Натижада техник тараққиётга параллел равишда ҳарбий ҳаракатлар вақтида тинч аҳоли орасидаги қурбонлар сони тинмасдан ошиб борди. Қолаверса, ҳозирги вақтда урушнинг чегара билмас шакли — мафкуравий кураш кенг кулам касб этиб бораяпти. «Бутун бошли армияга қарши туриш мумкин, — деб таъкидлаган эди мафкуравий курашнинг узига хосликлари ҳақида бизга замондош булган машҳур стратеглардан бири. — Бироқ мафкуравий тазйиқ — хуруждан бевосита ҳимояланишнинг амалда ҳеч қандаи чораси йуқ!»

Утган асрнинг олтмишинчи йиллари бошида юз берган «Кариб кризиси» деб аталган ҳарбий-сиёсий танглик вақтида «Оқ уй» маъмуриятида миллий хавфсизлик масалалари буйича маслаҳатчи лавозимида ишлаган машҳур сиёсатчи Генри Киссенжер турли давлатлар орасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш йули сифатида ядровий кучлар миқдорини мунтазам ошириб бориш усулини рад этган эди. Унинг фикрича, «Бундай йул ҳеч қандай маънога эга эмас. Чунки бу вазиятда иккала томон ҳам — улардаги ядровий зарядлар миқдоридаги тафовутдан қатъи назар — ҳимояланиш ва талафот куриш жиҳатидан бир хил имкониятга эга буладилар». Бу уринда муаллифнинг хулосасига қушилишдан узга чорамиз йуқ. Чунки қуролланишнинг шундай критик нуқтаси мавжудки, бу соҳада ундан кейинги ривожланиш мазкур мамлакат армиясининг жанговар қудратини оширмайди ёки ҳеч булмаганда уз моҳиятини йуқотади.

Агар ушбу тезисни дунёдаги ҳозирги вазиятни эътиборга олиб ривожлантирадиган булсак, у ёки бу мамлакатда мутлақ тинчликка эришиш учун бутун дунёда шундай тартибни урнатиш зарур, деган хулоса келиб чиқади. Бошқача қилиб айтадиган булсак, энди тинчлик глобал тизимга айланди.

Бундан ташқари, Иккинчи жаҳон уруши, умуман охирги юз йилликда юз берган ҳарбий тўқнашувлар натижасида инсоният яна қуйидагиларни англаб етди, дейишга тула асосимиз бор: биринчидан, биттагина инсон ҳуқуқларидан бутун башариятнинг яшаш ҳуқуқи келиб чиқади; иккинчидан, инсониятнинг ақл-идроки, интеллектуал салоҳиятини бошқариб туриш зарур булиб қолди; учинчидан, миллий ва давлат чегаралари, ҳатто қитъа ва материклар уртасидаги масофалар ҳам бир замонлардагидай мутлақ хавфсизлик учун кафолат вазифасини ўтамай қуйди; туртинчидан, мафкуравий тажовузкорлик кулами ҳамда имкониятлари мисли курилмаган даражада ошиб бораяпти ва ниҳоят бешинчидан эса, хавфсизлик нуқтаи назаридан, ижтимоий ривожланиш жараёнида ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти мунтазам равишда ошиб бораверади.

Азиз уқувчи! Бу фикрлар уруш ва тинчлик муаммосига нисбатан менинг шахсий мулоҳазаларим, албатта. Агар сизни мутолаа жараёнида уз нуқтаи назаримга ишонтира олган булсам, демак улар иккаламизнинг умумий фикримизга айланди. Борди-ю яна кимлардир сафимизни тулдирса, нур устига аъло нур. Шундай булса, мен уз вазифамни бажардим! Сиз нима дейсиз?!...

ҚАРЗДОРЛИК

Ёз фаслининг илк санаси — 1 июнда дунё жамоатчилиги болаларни ҳимоя қилиш кунини кенг нишонлайди. Мазкур маросимнинг расмий келиб чиқиш сабаблари ҳақида тухталмоқчи эмасман. Биринчидан, буни купчилик билади, иккинчидан эса, ҳар турли тарихий саналар ва расмий ибораларидан тузилган хабарлар одамларга кўпда ёқавермайди. Шунинг учун ҳам саволни бошқача тарзда қуймоқчиман: ўзи болалар ҳимояга муҳтожми? Ва бу муҳтожлик нималарда намоён булади? Дастлабки саволга қайсидир маънода «ҳа, улар бунга муҳтождирлар» тарзида жавоб бериш мумкиндир, бироқ кейингисига шу тарзда дабдурустдан қисқа жавоб бериш қийин. Дунё аҳолисининг каттагина қисмини

ташкил қиладиган болалар бевосита ва билвосита ҳимояга муҳтож. Бу нимани англатади?

Келинг, мазкур савол атрофидаги мушоҳадаларни қисқартириш мақсадида далилларга мурожаат қилақолайлик. Гап шундаки, уз моҳиятига кура ҳар қандай далил ужар булади. Дунёнинг энг нуфузли ташкилотларидан бири — ЮНЕСКОнинг маълумотларига кура, сайёрамизнинг турли минтақаларида яшаётган икки юз минг нафар болалар турли хил ноқонуний қуролли (жангари) гуруҳлар таркибида фаолият юритишаяпти. Табиийки, мактаб таълими ва ота-она меҳридан маҳрум этилган бу гудаклар бундай гуруҳлар фаолиятига мажбуран тортилганлар. Уларнинг миллионлаб тенгдошлари улиб қолмаслик учунгина бир бурда нон илинжида оғир ва хавфли ишларни қилишга мажбур булмоқдалар. Очлик ва турли касалликлардан изтироб чекаётган ёки бевақт дунёдан куз юмаётган болаларнинг сони жуда катта арифметик рақамларни ташкил этади. Уларнинг аниқ ҳисобини олиб боришнинг эса имкони йуқ. Бундай болалар халқаро ташкилотлар, давлатлар ва катталар томонидан курсатиладиган ҳамда бевосита амалга ошириладиган иқтисодий, ҳуқуқий, тиббий, сиёсий, маънавий ва айниқса, оддийгина инсоний ҳимояга муҳтождирлар. Бу даврмизнинг глобал муаммоларидан бири булиб, уни ҳал қилиш учун барча куч ва имкониятларни бирлаштириш тақозо этилади. Юқорида билвосита ҳимоя ҳақида ҳам тухталган эдик. Келинг, нигоҳимизни дунёнинг олис минтақаларидан узимизни ураган муҳитга — оиламизга, маҳалламизга, қишлоқ ёки шаҳримизга қаратайлик. Шунда уз болаларимиздаги ҳимояга муҳтожлик туйғусини теран ҳис қиламиз. Эҳтимол бизнинг фарзандларимиз бевосита ҳимояга муҳтож эмасдирлар, чунки мамлакатимизда яратилган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ҳуқуқий шароитлар бунга имконият яратади. Оналик ва болаликнинг давлат муҳофазасига олинганлиги, болаликка йуналтирилган тиббий хизматнинг текинлиги, урта таълимнинг бепул ва мажбурийлиги сингари бир қатор имтиёзлар бунга шароит яратади. Аммо болаларимизнинг ҳар томонлама етук инсонлар булиб камол топишлари учун шуларнинг узигина етарли эмаслиги кундек равшан. Уз фар-

зандларининг уқишини мактаб ва уқитувчилар, тарбиясини эса буви ва бувалари зиммасига ташлаб қуяётган отаоналар камми? Улар фарзандларимизни ҳеч нарсага зориқтирмаяпмиз, нима деса шуни олиб бераяпмиз-ку, дея узларини оқлашлари, шунингдек, иш ва турмуш ташвишларини рукач қилиб, болалар тарбияси учун вақтлари қолмаётганлигини баҳона қилишлари мумкин. Агар болаларга диққат билан разм солсак, уларнинг эътибор ва меҳрга, катталар билан буладиган мулоқотга муҳтож эканликларини сезамиз. «Мунис кузларини тикиб, мултираб» турган ҳамда нигоҳларини биз катталардан узолмаётган болакайларнинг мурод ва талаблари нима эканлигини ҳар доим ҳам ҳис қилаяпмизми? Фарзандлари билан ёки улар учун китоб дуконларига, театр ва музейларга кираётган отаоналар жамиятимизда купчиликни ташкил этмайди. Болаларимиз оила, маҳалла-куй, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида пайдо булиб турадиган ва асосан катталар уртасида юз берадиган ҳар турли зиддиятлардан купроқ азият чекишларини баъзан унутиб қуямиз. Бизнинг қувонч ва изтиробларимиз болалар қалбида акс садо беришини унутмайлик! Бундай фикрларни шу тарзда яна узоқ давом эттириш мумкин, албатта.

Азиз уқувчимда бу мулоҳазалар таъсирида гап фақат болалар ҳақида кетаётгандай янглиш таассурот уйғонмаслиги учун мен бир фикрни, керак булса, оддий бир ҳақиқатни айтиб қуймоқчиман. Гап шундаки, узимизни улуғ ишларга чоғлаб турган биз катталар ҳам қачонлардир бола булганмиз. Машҳур француз ёзувчиси Антуан де Сент Экзюпери узининг «Кичик шаҳзода» асарини «Леон Вертга — бир пайтлар ёш бола булган дустимга бағишланади» деган сузлар билан бошлаган эди. Бу билан муаллиф болалик ва катталик уртасига қандайдир даражада чегара — чизиқ тортиб булмайди, чунки болалик инсонни ҳеч қачон тарк этмайди, демоқчи булади. Агар уз ботинимизга синчиклаб назар ташласак, болаликка хос ажиб ва беғубор туйғулар бизни ҳали ҳам тарк этмаганлигига гувоҳ буламиз. Келинг, бир кичкинагина тажриба қилиб курайлик: айни шу дамда мутолаани тухтатиб, кузингизни чирт

юмингда, олис болалик кунларингиз жо булган хотира пучмоқларини бир-бир чақиб куринг! Сизга аллақачонлар унут булиб кетгандай туюлган ёки чиндан-да унутилган ширин дамлар идрокингизга жо булиб, тасаввур уфқларингизни тулдирганлиги рост. Нафас олишингиз тезлашиб, ширин бир туйғулар таъсиридан энтикиб ҳам кетдингиз. Соғинч ва надоматлар зуридан кузларингиздан ёш думалаган булса, ажаб эмас. Шуниси аниқки, бу кечинмалар яқингинада болаликни тарк этган усмирларгагина эмас, балки ҳамма-ҳаммага, ҳатто «ирғий асо»га суянган кекса онахону отахонларимизга-да хос. Шу маънода инсонни вақти келиб «болаликни тарк этиши» ҳақидаги мулоҳазалар туғри эмас — болалик инсон неча ёшга киришидан қатъи назар, у билан бирга булади. Болалик соғинчи бир умр инсонни тарк этмаслиги рост. Шу дамда машҳур ҳофизнинг машҳур қушиғидаги қуйидаги пурмаъно ва ғоятда таъсирчан сатрлар қулоқларим остида жаранглагандай булди: «Эсиз, болаликни қолдириб ортда, мана кексалик ҳам эшик қоқмоқда...»

Биз гоҳо ҳаётнинг серташвиш суқмоқларида мувозанатимизни йуқотиб, қайғу-ғамга ботганимизда ҳам ёки унинг қувончларию меҳр-мурувватидан сархуш булиб, энтикканимизда ҳам болаликка мурожаат қиламиз, таъбир жоиз булса, унга бир сонияга булса-да қайтамиз. Бу унутилмас ва бетакрор давр олдидаги қарздорлик туйғуси бизни шунга ундайди, назаримда. Болалигимиз олдидаги бу қарзни узишимиз мумкинми? Ҳа, мумкин! Фарзандларимизга ва умуман ёш авлодга берадиган таълим ҳамда тарбиямиз билан елкамиздаги бу муқаддас бурчни адо этишимиз мумкин ва зарур. Зеро турли авлодлар уртасидаги куринмас маънавий ришталар шуни тақозо қилади.

Суҳбатимиз ниҳоясида болалик ва болалар ҳақида айтилмаган ёки айтишга улгурмаган туйғуларимни жамлаб, қуйидаги мухтасаргина машҳур бир шеърда ифодаламоқчиман:

Оталар боладан ранжиса озроқ,
Гоҳида шундайин сузни дейдилар:

Болам, кексаларни қадрла купроқ,
Боғлаб қуйган эмас бизни, дейдилар.
Кекса дилингизга тушмасин титроқ,
Оталар чайқалиб турибди олам.
Сиз ҳам болаларни қадрланг купроқ,
Боғлаб қуйган эмас болаларни ҳам.

КУЗ ХАЁЛЛАРИ
Бадиа

Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси...

Абдулла ОРИПОВ

Ҳар бир фаслнинг уз шукуҳи ва таровати борлиги рост. Ҳозир ўлкамизда меҳмон булиб турган олтин куз ҳам бундан мустасно эмас. Албатта, баъзиларнинг уз севган фасллари булади: кимдир шу фаслда таваллуд топган, кимдир унда узини жисман ва руҳан яхши, тетик ҳис қилса, бошқа биров эса севимли фаслидан ниманидир умидвор булиб кутади. Айнан мен учун ҳамма фасллар ҳам бирдай ардоқли — хоҳлаймизми, йуқми уларнинг ҳар бири бизга берилган УМР деб аталувчи муъжизанинг чорак қисмини ташкил этади. Шундай экан, бир-биридан файзли фасллларнинг ҳар бирини эзгу уй-хаёлларимиз ва ишларимиз билан янада тароватли қилишимиз мумкин. Шу маънода куз узига хос гузал фасл ҳисобланади. Машҳур шоирнинг қуйидаги сатрлари табиат гузаллигини қалбларимизга яқинлаштиргандай булади:

Қорайганда узоқ тоғларнинг қори,
Боғларга чукканда оқшомги туман,
Совуқ куз елидан жунжикиб, нари —
Очиқ айвон остин этганда маскан,
Дустгинам, хаёлан қучаман сени,
Хазон даврасида кутаман сени.

Бу фаслда табиат гуё хаёлга чумган муйсафиддай чуқур тин олади, ариқ ва сойлардаги сувлар ҳам манзилига ошиқмаётган йуловчидай эринибгина секин оқади, кучаларни тулдириб юрган одамлар ҳам вазмин қадам ташлайдилар.

Унга бари бирдай ҳаёт ва улим,
Гуёки кекса чол сунгини уйлар.
Ва секин силкитиб қаҳрабо қулин,
Курганин — билганин бирма-бир суйлар.
Бир ҳикмат уқийман хазонлардан мен:
«Яшагину бироқ япроқ булма сен».

Ҳаммамиз яхши биладиган Исаак Ньютон «табиат — бу китоб, уни ақл кузи билан уқиш мумкин», деган эди. Менимча табиатни қалб билан тинглаш мумкин.

Бунда бари гузал: тим қора оқшом,
Юлдузлар боқади тунд ва ёввойи.
Қамишзор, шовуллаб тургувчи сой ҳам
Совуқ ва ёқимли: шундоқ анвойи,
Уларга боқаман, тунаман баъзан,
Ширин бир хаёлга чумаман баъзан.

Ҳозирги замон фани биз куриб ва ҳис қилиб турган дунёмиз учта энг муҳим нарса — модда, макон ва замондан иборат эканлигини уқтиради. Ундаги қолган барча нарсалар, ҳатто тириклик ҳам онийдир! Бир қушиқда айтилганидек: «...ҳеч бир нарса абадий эмас». Модда ва макон ҳар биримизга тушунарли: уни ушлаб курамиз ва маълум бир меъёрлар билан улчаймиз. Лекин замонни-чи? Уни ушлаб буладими? Туғри, биз вақтни соатлар, дақиқалар, сониялар ва ҳатто сонияларнинг миллиондан бир булагигача аниқликда улчаймиз. Аммо, бу ута нисбий булиб, уни одамзоднинг узи уйлаб топган. Кимдир узоқ умр курса-да, келажакка ҳеч нима қолдирмаслиги, узга бир ИНСОН яшаб утган гузал умр келгуси авлодлар хотирасида абадий яшаши мумкин-ку, ахир!

Вақтни ҳар ким турлича идрок қилади, зеро у ута мавҳум тушунча. Шахсан мен вақтни чопиб бораётган учқур от шаклида тасаввур қиламан. У фақат ва фақат олдинга — зеро вақтни орқага қайтариб булмайди — қараб интилади. Унинг оддий отдан фарқи шунда. Шунинг учун ҳам вақтни оқар дарёга ухшатсалар керак-да!?

Мангу яшилликнинг маскани қайда,
Қайдадир хазонни билмаган баҳор?

Нечун у ҳовлиқиб оққувчи сойда
Чавандоз умрнинг қайтмас сеҳри бор?
Нечун уйғонади қайтадан баҳор,
Нечун инсон умри булмагай такрор?

Йилни-чи? Мен уни оддий соат шаклида тасаввур қиламан: соат ун бир билан икки оралиғи қишни ифодаласа, икки ва беш ўртаси баҳорни, бешдан саккизгача булган масофа ёзни ва ниҳоят саккиз билан ун бирнинг ўртаси кузни англатади. Бу нарса ун икки соатни йилнинг ун икки ойига ухшатиш натижасидир, эҳтимол!? Шоирлар мажозий маънода кузни инсон умрининг сунгига қиёслашади. Менимча ундай эмас, уни агар нимагадир қиёслаш керак булса, инсон умр босқичларининг — куз ҳар йили қайтарилаверади — якунига ухшатиш мумкин. Чунки инсон умр йулидаги ҳар бир суқмоқни хаёлан такрор мулоҳаза қилиб кўришга эҳтиёж сезади, токи хатолар бошқа такрорланмасин. Айтганча, биз мавзудан узоқлашиб қолдик, ахир суҳбатимиз КУЗ ҳақида-ку! Бугун дам олиш куни. Ишдаги муаммолардан чалғиш ва бирозгина дам олиш мақсадида уйдан чиқаман-у, кучаларни тулдириб юрган одамлар орасига шунғийман. Шунда Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмакон улкамнинг бир парчаси булган қадрдон шаҳримнинг гўзаллигини яна бир бор ҳис қиласан киши. Мана, бекат ёнидаги дарахт остида иккита суҳбатдош нималарнидир қизғин муҳокама қилишаяпти. Улар ёнидан ўтарканман ногаҳон суҳбатдошларнинг гаплари қулоғимга чалинади.

— Мени кечиринг,— дейди улардан бири. — Ўшанда мен ноҳақ эдим, сизни бекорга хафа...

— Ҳечқиси йуқ биродар, аслида мендан ҳам утди. Сиз ҳам кунглингизга олманг...

Ҳамшаҳарларимдаги узаро самимият туйғуси инсонни тулқинлантириб юборади. «Агар, ҳали ҳам чақалоқлар дунёга келаётган экан,— деган эди улуғлардан бири,— демак, худо биздан қайтмабди». Билиб-билмай бир-бирларининг кунгилларини оғритган инсонлар, узр сураб, дил изҳори қилишаяптими, ҳали ҳам инсонлар ўртасидаги имон, эътиқод, бир суз билан айтганда одамийлик саломат...

Ҳар бир ижодкор манзара яратади: рассом — ранглардан, бастакор — товушлардан, раққоса — ҳаракатлардан,

шоир эса сузлардан. «Ижодкор,— дейди шоир, — фақат табиат манзараларидан эмас, балки фикрдан ҳам илҳомланиши мумкин». «Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз...». Дарҳақиқат, инсон қалби нозик хилқат. Бизнинг Бухорода «пирхона» деган суз бор, бу муқаддас ва муътабар жой дегани. Демак, қалбга дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йуқ! Бир рассом дустимдан нима учун сиз чизган суратлардаги табиат манзаралари аслиятдан бошқачароқ, деб сўрайман ва бу саволимдан унғайсизланаман. Мусаввир эса аллақачон уйлаб қуйган ва эҳтимол юз марта такрорлаган жавобини беради:

— Чунки рассом асар яратиш жараёнида унга уз кечинмаларини қушади, сиз эса суратни томоша қилаётганингизда ижодкор нигоҳи билан дунёга боқасиз...

Нимани хоҳлайман? Истагим нима?
Чангалзор шовқинин тинглаб тураман.
Япроқлар бандида кезган жимгина
Маъюс ва безовта кузни кураман.
Унинг қушиғида, унинг оҳида
Сезаман одамзод қалбин гоҳида.

Бу сатрларни ёзган ижодкор шубҳасиз ДАҲО, деган фикр хаёлимдан утади ва шеърнинг ёзилган санасига қарайману «1962 йил» деган ёзувга кузим тушади. Бу пайтда у борйуғи 21 ёшда булган. Демак, даҳолик ёш танламас эканда!

Азиз уқувчим! Сиз ким булманг — пахта далаларида меҳнат қилаётган теримчи ёки автомобиль рулини ушлаган ҳайдовчи, илм хазинасини излаётган талаба ёки олим, бемор ёнида тунни бедор утказган тиббиёт ходими ёки уз постида сергак турган ҳарбий хизматчи — шу олтин фасл ҳаммамизнинг хонадонимизга бахт уруғини экишини ва қуйидаги гузал ва пурмаъно сатрлар ҳар биримизнинг қалбимизда акс садо беришини тилайман:

Шу дам туйғуларга тулади кунглим,
Титраб тарашлайман қаламим учин.
Тонг ҳам ёришади, эй менинг умрим,
Бунчалар тезлик-ла чопасан нечун?
Хазонлар шошади, шошаман мен ҳам,
Дустим, ҳузуримга шошиб кел сен ҳам!

МУТОЛАА — МУЛОҚОТ АСОСИ

Утган ҳафтада қизим уқийдиган мактабда булиб утган ота-оналар мажлисида иштирок этишимга туғри келди. Мен билан ёнма-ён утирган бир аёл фарзандларини қаттиқ назорат қилишини ва кучага осонликча чиқармаслигини, уларнинг ҳамма вақт телевизор томоша қилишларини таъкидлар экан, шунга қарамасдан болаларининг ёмон уқиётганлиги, шунингдек, асабий ва жиззакиликлари ҳақида куюниб гапириб берди. Мен унда бу ҳолдан ажабланиш туйғусини сездим.

Гап шундаки, биз телевизорни томоша қилишни оддий ва беозор, бунинг устига узига хос фойдали бир машғулот тарзида тасаввур қилишга урганиб қолганмиз. Суҳбатдошимнинг телевизорнинг инсон, айниқса, ёшлар дунёқарашини маълум даражада кенгайтириши ҳақидаги фикрига қисман қушилиш мумкин, албатта. Бироқ телекурсатувларнинг мутлақо фойдалилиги ва беозорлиги туғри эмас. Ҳозир телевидениенинг деярли ҳамма каналларида «мусиқамания касаллиги»ни — куй ва қушиқларга ҳаддан ташқари куп урин ажратилганлигини кузатиш мумкин. Руҳиятшуносларнинг фикрича, бу нарса инсонни атрофдаги кишиларга, табиат ва жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан лоқайд қилиб қуяр экан. Бундан ташқари, биз оила аъзоларимиз билан деярли ҳар куни томоша қилишга урганиб қолганимиз — ҳар хил телесериаллар ҳам фарзандларимизнинг ва биз катталарнинг руҳиятимизга ута салбий таъсир курсатади. Бундай сеанслардан сунг уларда салбий эмоционал ва ҳиссий қузғалишларни наинки мутахассис, оддий одам ҳам кузатиши мумкин. Бундан ташқари, бундай фильмларни томоша қилиш фарзандларимизнинг жуда куп вақтини олади — ахир уларнинг эфирга узатилиш вақти болаларимизнинг айни уй вазифаларини бажарадиган вақтларига — соат 18^{00} билан 21^{00} оралиғи уқиш учун энг қулай вақт — туғри келишини унутмаслигимиз керак. Бунинг устига шаҳримизнинг ҳар қадамида кечаю кундуз ишлаётган компьютер клубларини ҳам эсдан чиқармаслигимиз зарур. Болалар ва усмирлар руҳияти муаммолари билан шуғулланадиган мутахассислар-

нинг фикрларича, мактаб уқувчиларига ҳафтасига уларнинг ёшига мос булган биттагина фильмни томоша қилишнинг узи етарли экан.

Деярли ҳар куни куча-куйларда ҳеч бир мақсадсиз, бекорчиликдан зерикиб юрган ёш йигит-қизларга кузингиз тушади. Уларнинг купчилигини, асосан, мактаб ёшидаги болалар ташкил этади. Бу ёш психологик тил билан айтганда сензитив — билим, куникма ва малакаларни ортиқча қийинчиликларсиз, тез ва осон узлаштириш учун энг қулай давр ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, бу ёшда бирон нарсани урганиш ёки бирон-бир эзгу мақсадларга эришиш орзусидаги ёшларга табиатнинг узи ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бу давр инсоннинг умр босқичлари ичида ҳар жиҳатдан энг самарали давр ҳисобланади. Агар улар бекорчиликни бас қилиб, фаолиятнинг узларига ёққан биронта тури — у уқиш ёки меҳнат булсин — билан астойдил шуғулланса-лар, узлари учун ҳам, қолаверса, оилалари ва жамият учун ҳам катта наф келтирадилар.

Улар купинча, мен ёшман, ҳаётдаги мақсадларимга эришишга ҳали улгураман, дейишлари мумкин, аммо ҳар бир кунни қадрламаслик ёмон оқибатларга олиб келади. «Ҳар бир кунингни,— деган эди донишмандлардан бири,— худди қисқа бир умрни яшагандек яша!» Халқимизда «бугунги ишни эртага қуйма» деган пурмаъно мақол бор. Бунинг маъноси шуки, бугундан сунг келадиган эрта ҳам уз муаммолари ва ташвишларини узи билан етаклаб келади. Унда бугун биз қилолмаган ёки қилишни хоҳламаган юмушлар учун жой ҳам, имконият ҳам булмайди. Бу муаммонинг иқтисодий, нари борса маърифий томони холос. Аммо унинг маънавий-ахлоқий жиҳати ҳам бор. Бу шундан иборатки, жамиятимизда содир этилаётган ҳар хил қонунбузарликлар ва жиноятларнинг катта қисми айнан мана шу ёшдаги фуқаролар томонидан содир этилмоқда.

Болаларимизнинг китобдан ва умуман мутолаадан узоқлашиб қолганлиги рост. Албатта, бу муаммонинг сабаблари ҳақида узоқ баҳслашиш мумкин. Бироқ, бу унчалик муҳим эмас. Муҳими — уни бартараф этиш йулларини излашда!

Шундай муаммо ота сифатида менда ҳам булган — болаларимнинг мактаб уқув дастурларини ёмон узлаштиришлари мени ҳам ташвишлантирган ҳамда ҳозир ҳам мендаги бу ҳадик маълум даражада сақланиб қолган ва эҳтимол бу туйғу ҳеч қачон йуқолмаса ҳам керак. Мен муаммони ечиш йули сифатида оила даврасида газета мутолаа қилишни танладим — авваллари бир узим кундалик газета ва журналларни уқиган булсам, энди эса бу ишни бутун оила аъзоларим билан биргаликда амалга оширадиган булдик. Ишонасизми, натижа кутилганидан ҳам зиёда булди — фарзандларимнинг мактабдаги узлаштиришлари ижобий томонга узгара бошлади. Шунда газета мутолааси оила аъзолари уртасидаги мулоқотни жонлантирувчи манба эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Уларнинг мамлакатимизда ва дунёда юз бераётган ҳар хил ижтимоий-сиёсий воқеаларга булган қизиқишлари кун сайин ошиб борди. Натижа шу булдики, орадан бир ой утиб, уйимизда «Жаҳоннинг сиёсий харитаси», яна озгина фурсатдан кейин эса она-сайёрамизнинг муъжазгина макети — глобус пайдо булди.

Вақт утган сари оила даврасидаги мулоқот аста-секинлик билан узига хос маърифий суҳбатларга айлана борди. Биз катталар фарзандларимизга узимиз қачонлардир уқиган ёки ҳозир мутолаа қилаётган китобларимизнинг мазмунмоҳияти туғрисида сузлаб берабошладик. Шунингдек, баъзи бир саргузашт ва оммабоп жанрдаги асарларни ҳаммамиз узаро навбати билан овоз чиқариб уқиш усули билан мутолаа қилдик. Масалан, ёзувчи Қамчибек Кенжанинг «Андижондан Даккагача» ва Муҳаммад Алининг «Мен курган Америка» китобларини шу тартибда уқиш болаларимиз тугул узимизнинг ҳам наинки буюк аждодларимиз — бобурийлар сулоласининг ҳаёт фаолияти, балки улар тақдир тақозоси билан бориб қолган улкалар, мамлакатларнинг тарихи ва бугунги ҳаёти, географияси, иқтисодиёти каби куплаб масалалар билан боғлиқ билим ҳамда тасаввурларимизни кенгайтирди. Бу ҳолат болаларни китоблар дунёсига олиб киришга имкон берадиган энг туғри йул экан — бу мен англаб етган муҳим нарса булди. Биз катталар шуни унутмаслигимиз керакки, болаларимиз ҳар доим бизга тақ-

лид қилишга мойил буладилар. Мазкур имкониятдан қай даражада фойдалана олиш эса ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ!

УЛУҒЛАР ЁДИ

Юрагимнинг бир парчаси булган
суюкли жияним — Юлдузхоннинг
азиз хотирасига бағишлайман.

Йилнинг 9 май санаси «Хотира ва қадрлаш куни» сифатида мамлакатимизда кенг нишонланади. Аввало, бу сана байрамми ёки марҳумлар ҳақидаги хотиралар эсланадиган маросимлар куними, деган савол туғилади. Назаримда бу тадбирларда бир-бирига зид булган ушбу икки хил инсоний кечинмалар узаро ёнма-ён келади ва бу иккала туйғу ҳар биримизнинг руҳиятимизда бир вақтда намоён булади.

Байрамлиги шундаки, қандайдир тузумга эмас, балки бутун инсониятга қарши бош кутарган фашизм балосини йуқ қилиш йулида иккинчи жаҳон уруши жабҳаларида бошқа халқлар қатори юз минглаб узбекистонликлар ҳам жанг қилдилар. Ва афсуски, уларнинг жуда куплари бу жанглардан қайтмадилар. Аммо бу кураш изсиз кетмади — фашизм яксон қилинди. Шунинг учун ҳам бу кунни биз байрам қиламиз. Лекин, халқ эрки ва озодлиги учун булган курашлар жаҳоний урушлардагина эмас, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳа ва даврларида ҳам кечган. Бунга энг куҳна тарихимиздан тортиб жадид боболаримизгача ва ундан кейинги талотупларни мисол қилиб айтишимиз мумкин. Қолаверса, оддий кундалик ҳаётда ҳам тақдир тақозоси билан қанчадан-қанча уз яқинларимиздан вақт-бевақт ажралиб қолаётганимиз бор гап-ку, ахир! Туғилиш бор экан, ўлим ҳам бор. Зеро, ҳаётнинг азалий қонуни шунақа. Демак, ўтганларни эслаш биз тирикларнинг бурчимиз. Бу кун кимдир жим кузёш тукса, кимдир дилдан тиловат қилади.

Ўтган 2005 йил менга йигирманчи юз йиллик олтмишинчи йилларининг урталарини эслатди. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки айнан мазкур йилларда узбек адабиёти ва

фани оғир жудоликларни бошидан кечирди. 1966 йили Ғафур Ғулом, бир йилдан сунг Мақсуд Шайхзода, 1968 йили эса Ойбек ҳамда Абдулла Қаҳҳор сингари халқимизнинг забардаст ижодкорлари тусатдан бирин-кетин вафот этишган булишса, утган йили академиклар Матёқуб Қушжонов ва Ботир Валихўжаев, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Шукур Холмирзаев ва Неъмат Аминов, машҳур адабиётшунос, Ўзбекистон қаҳрамони Озод Шарафиддинов каби йирик олимлар бу фоний дунёни тарк этишди. Албатта, шу мухтасаргина мақолада бу инсонларнинг ҳаёт йуллари ва ижодий фаолиятлари ҳақида батафсил тухталиш имконияти йуқ. Муддаом — «Хотира ва қадрлаш куни» арафасида бу улуғларни яна бир бор эслаш.

Халқимизда буюк шахслар ё баланд тоғлар бағрида, ё дашти биёбонда ва ёки азим шаҳарда туғилиб вояга етади, деган гап бор. Улуғ инсонлар ҳаётини кузатсангиз бу угитнинг нақадар туғри эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев фусункор Бойсун тоғлари бағрида туғилиб вояга етди. Кейинчалик тақдир тақозоси билан пойтахтда яшаган даврларида ҳам болалиги утган жойларни соғиниб яшади. Академик Матёқуб Қушжонов Амударёнинг қуйи оқими чап соҳилидаги Тошҳовуз музофотида усиб улғайди. Унинг нафақат болалиги, балки умрининг кейинги даврлари ҳам сингил кечмаган. Олим ҳаётининг сунгги йилларида ёзган «Дийдор» китобини узининг умр йулларига бағишлаган эди. Машҳур адабиётшунос Озод Шарафиддинов Тошкент шаҳрида туғилиб, вояга етди. «Ижодни англаш бахти» китобида олим ўзи босиб утган ҳаёт йулига нигоҳ ташлайди ва ижодий фаолиятини сарҳисоб қилади. Ботир Валихужаев ҳамда Неъмат Аминовлар эса азалдан шарқнинг фан ва маданият учоқлари булган қадимий шаҳарлари Самарқанд ва Бухорода камол топишди.

Инсоннинг ёши бир жойга боргач истайдими ёки йуқми, босиб утган ҳаёт йули ҳақидаги хотиралар асирига айланиб қолар экан. Кексаларга хос булган донолик ва бир қадар ўзгаларга панд-насиҳат қилишга мойилликни шу ҳолат билан изоҳлаш мумкиндир, балким?! Матёқуб Қушжонов

ва Озод Шарафиддиновлар маълум маънода уз ҳаётларининг сарҳисобига бағишланган асарларини ёзишга улгуришди. Шукур Холмирзаев анча эрта — 65 ёшида вафот этганиданми, хотиралар ёзишга улгурмади. Неъмат Аминовнинг отасига бағишланган «Бир аср ҳикояти» китобини эса маълум маънода ёзувчининг таржимаи ҳоли дейиш мумкин. Ўзбек шарқшунослик фанига муносиб ҳисса қушган олим Ботир Валихужаев яратган китоблар ва мақолаларда унинг умр йули ҳам уз ифодасини топган. Уларнинг ҳаммаси ҳаётликлари вақтидаёқ мамлакатимиздаги мавжуд энг юксак расмий унвон ва мукофотларни олишга, энг муҳими халқимизнинг меҳрини қозонишга улгуришди.

Шукур Холмирзаевнинг дилидан тилига кучган бир туйғу наинки мазкур олимларни, балки миллатнинг маънавий камолот юкини уз елкасига олган ҳар қандай КОМИЛ инсоннинг қалбида туғён урадиган ҳамда улар учун умумий булган ва ҳаёт мазмунига айланган юксак қадрият ҳисобланади. Ёзувчи умрининг охирларида пойтахтдаги уйининг кафтдеккина ҳовлисида уз қули билан митти дарахтзор — боғ барпо этади. Вақтининг катта қисмини шу маскан уртасидаги қулбола усулда ясалган оромкурсида ўтириб ижод қилиш билан утказишни одат қилган ижодкор ойнаи жаҳон орқали берилган суҳбатларидан бирида «нима қилай?! Шу муъжазгина гушани яхши куриб қолдим-да, шунинг учун ҳам жуда зарур булмаса, бошқа жойга чиқмайман. Бир ёғи шу важдан, иккинчи томони эса иқтисодий қийинчилик сабабидан машинамни ҳам сотиб юбордим», деган эди. Аллома учун узининг кичкинагина қадрдон уйи ва боғи бутун Узбекистон тимсоли булган булса ажабмас. Уни мана шу жажжи маконга михлаб қуйган уша ноёб туйғу ВАТАНПАРВАРЛИК ёки яна ҳам аниқроғи ВАТАНПАРАСТЛИК эди. Ўтган юз йиллик тўқсонинчи йилларининг иккинчи ярмида вақтли адабий нашрларнинг бирида Шукур аканинг уғиллари ёзган бир ҳикоя эълон қилинди. Қизиғи шундаки, мазкур асарга адибнинг ўзи сўзбоши қоралаб, уз фарзандига ижодий фаолиятда оқ йул тилаган эди. Албатта, бу ҳол мени ажаблантирди. Туғриси хаёлимдан «ёзувчи шу уринда уз мавқеидан фойдаланмаяптимикин?!» деган фикр

ҳам утди. Ёзувчи баъзи бир уқувчиларнинг кунглида шундай нохолис уй-хаёллар туғилишини билган чоғи, уз мулоҳазаларининг хотимасида «уйлаб куриб унинг ижоди ҳақида узим ёзишга қарор қилдим, сабаби уни мен ҳаммадан ҳам кура яхшироқ биламан. Чунки у менинг фарзандим», дейди. Бу мулоҳазаларни уқигач инсон ботинидаги ҳар қандай чиркин фикрлар чекиниб, донишманд ёзувчи тафаккуридаги мантиқ кучига тасанно айтасиз.

Мен бу улуғ инсонларнинг ҳеч бири билан бевосита учрашмаган булсам-да, лекин уларнинг қаламига мансуб булган деярли ҳамма асарларни уқиганман десам муболаға булмас. Бундан ташқари, уларнинг ҳаёт ва ижод фаолиятларига бағишланган манбаларни, шунингдек, уларни вояга етказган ижодий ва ижтимоий муҳитни урганишга бажонудил интилдим. Бу ижодкорларнинг ҳар бири ШАХС сифатида алоҳида феъл-атворга эга булганликлари табиий, албатта. Бироқ, назаримда уларни бир-бирларидан фарқловчи сифатлардан ҳам кура улар учун умумий булган жиҳатлар купроқ. Энг асосий ва умумий жиҳат шундан иборатки, уларнинг барчаси узбек адабиёти, фани ва маданиятига улкан ҳисса қушган ижодкорлар эди. Ҳақиқатга ва уз эътиқодига содиқ қолиш хислати яна бир умумлаштирувчи мезон булаолади. Қолаверса, бу олимлар ҳаётларининг сунгги кунларигача ижод қилишдан ва тафаккур юритишдан тухташмади. Ва ниҳоят, жамият ва давлат ҳаётига дахлдор булган ҳар бир муаммога уз муносабатларини билдириш, узгалар тақдирига лоқайд булмаслик улар учун ҳаёт аъмолига айланган эди. Мен улардаги эътиқодга содиқликни бекорга таъкидламадим. Мамлакатимизнинг сиёсий мустақилликка эришганлигини зур шоду ҳуррамлик билан кутиб олган Озод Шарафиддинов узининг «Мен нега эътиқодимни узгартирдим?» номли машҳур мақоласини ёзди. Бу улуғ олимнинг узига хос иқрорномаси эди. У ҳеч нарсадан тап тортмасдан узи йул қуйган хато ва камчиликларни баён этар экан, узича «фақат марҳумлар ва телбаларгина эътиқодларини узгартирмайдилар» деган азалий ҳақиқатни янгидан кашф қилади. Ҳеч бир инсон уз замонасидан ва узи мансуб булган жамият муҳитидан холи булолмайди. Биргина инсон тақди-

ри ва руҳиятида замон ҳамда ижтимоий, шунингдек, табиий маконга хос унсурлар зуҳур этади. Зотан, ҳаёт диалектикаси шунақа. Яқинда матбуотда академик Матёқуб Қушжоновнинг «Армонларим» номли хотиралари эълон қилинди. Уни уқир экансиз қувонч ва изтироблар гирдобидаги биргина инсон умри узининг бутун тафсилотлари билан куз олдингизда намоён булади. Инсоннинг ижтимоий ва интеллектуал мавқеи қанчалик юксак булса, унинг қалбидаги армон юки ҳам шунчалар оғир булар экан-да! Бир кам дунё деб шуни айтсалар керак?! Шу уринда филология фанлари доктори Нусратилла Жумахужа айтиб берган бир воқеа тафсилоти эсимга тушди. Матёқуб Қушжонов узининг 85 ёшга кириши муносабати билан ташкил этилган тадбирда сузга чиқиб, жумладан шундай дейди: «...ҳаётимдаги иккита нарсадан афсусланаман. Биласизлар, мен урушда снайпер булиб хизмат қилиб, куплаб душманларни маҳв этганман, бироқ кейинги ҳаётимда узимиздан чиққан «снайперлар»га бас келолмадим ва уларнинг дастидан куп азиятлар чекдим. Иккинчи ҳолат шундан иборатки, ҳаётда ҳақиқат ва ҳалолликни дастуриламал қилганлигим учун камбағал яшадим». Матёқуб домла билан боғлиқ бир кичкинагина воқеа мен учун ҳам армон булиб қолди. Бир юмуш билан Ўзбекистон фанлар академияси тил ва адабиёт институтига бордим. Институт биносида жойлашган кичкинагина китоб дуконидан эндигина нашрдан чиққан «Дийдор» китобини харид қилдим. Ишларимни тугатиб, институт биносидан чиқишим билан узига тенқур бир киши ҳамроҳлигида муҳим бир муаммо хусусида мароқ билан суҳбатлашиб секин-аста қадам ташлаб келаётган Қушжонов домлага кузим тушди. Табиийки, муаллифнинг узидан дастхат олиш имконияти туғилганлигидан хурсанд булиб кетдим. Улар яқинлашгач эса, мароқли суҳбатни булгим келмадими ёки ҳурматли олимимизнинг салобатлари босдими, дастхат сураш тугул салом беришга ҳам ботина олмадим. Суҳбатдошлар ёнимдан мамнун бир қиёфада ўтиб кетишди. Уларнинг нигоҳларидаги самимият ва ҳайрат ҳисси хотирамга ўрнашиб қолди.

Бундай СИЙМОЛАР ҳар қандай халқ ва миллатни безаши шубҳасиз. Бу яхши инсонлардан улуғ бир боғ — солиҳ фарзандлар ва шогирдлар, бебаҳо асарлар мерос булиб қолди.

Назаримда, марҳумлар токи тириклар томонидан эсланар эканлар барҳаётликларича қолаверадилар. Шоир лутф қилганидек,

Қайта тиклаш мумкин барчасин, фақат
Қайта тикланмагай учса хотирот.

Тоғлар олисдан яна ҳам улуғвор куринадилар. Дарҳақиқат шундай, бу инсонлар қолдирган илмий ва бадиий мерос ҳали узоқ йиллар давомида жуда кўп авлодларнинг маънавий камол топишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Илоҳим утганларнинг охиратлари обод булсин!

МУНДАРИЖА

Суз боши 3

Биринчи фасл. ***Олам ва одам уйғунлиги***

Фанлар таснифи ёхуд Толстой нима дейди? 6
Биз билган ва билмаган дарвинизм 9
Оламни... қайтарган олим 24
Атом: заррадан бомбагача 40
Жалолиддин Румий 46

Иккинчи фасл. ***Тафаккур манзаралари***

Даҳолик сирлари 52
Кашфиётчидан чиққан ихтирочи 69
«Мени кечир, Ньютон!» 78
Эйнштейннинг «телба» назарияси 82
Илмий ғояларнинг бутун бир қитъаси 95

Учинчи фасл. ***Хаёлот ва мозий кенгликларида***

Глобус қаршисидаги уйлар 102

Тўртинчи фасл. ***Ҳимоямизнинг муҳим омиллари***

Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятининг беш таянчи 140
Мафкуравий тарбиянинг таянч тушунчалари 172
Обру — мустаҳкам ҳарбий интизом асоси 175
Ҳарбий булинма — тарбия мактаби 180
Армия — тинчлик таянчи, тарбия маскани 190

Бешинчи фасл. ***Қалб туғёнлари***

Ёнимиздаги одам 198
«Уқитувчи — идеал шахс»ми? 202
Машъум саналар 206
Қарздорлик 211
Куз хаёллари 215
Мутолаа — мулоқот асоси 219
Улуғлар ёди 222

Чори Насриддинов

ИНСОН, ОНГ, ҲАЁТ...

Муҳаррир *Б. Худоерова*
Бадиий муҳаррир *Р. Зуфаров*
Техник муҳаррир *Т. Харитонова*
Мусаҳҳиҳ *С. Салохутдинова, Н. Умарова*
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Босишга 03.03.2010 й.да рухсат этилди. Бичими 84×108 1/8.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 12,18. Нашр табоғи 11,54.
Адади 3000. Буюртма № 10-49.

Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston»
нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Насриддинов, Чори.

Н 28 Инсон, онг, ҳаёт.../Ч. Насриддинов.— Т.: «O'zbekiston», 2010.—232 б.

ISBN 978-9943-01-536-4

ББК 60.5

5900 e 1

ISBN 978-9943-01-536-4
9789943015364
«O'ZBEKISTON»